

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ТУТИЁХОН СУЛТОНОВА

НОТАРИАТ ЖАРАЁНИ

Ўқув қўлланма

Тошкент-2006

Масъул муҳаррир: Шорахметов Шоакбар Шорустамович, юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист.

Тутиёхон Султонова. Нотариат жараёни. Ўқув кўлланма./ Масъул муҳаррир: Ш.Ш.Шорахметов, ю.ф.д., проф. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. –193 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тақризчилар: М.М. Мамасиддиқов. ТДЮИ «Фуқаролик процесси» кафедраси доц.в.б. юридик фанлари номзоди

И.Т. Рахимов Тошкент шаҳар, Сирғали тумани 1- сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси юридик фанлари номзоди.

С.Тоғаев. Нотариус, Республика юристлар малакасини ошириш маркази ўқитувчиси 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

© Тутиёхон Султонова.

© Тошкент Давлат юридик институти, 2006 йил.

К И Р И Ш

Республикамизни мустақил деб эълон қилиниши, оламшумул воқеа сифатида тарих саҳифаларига ёзилди. Ўз истиқлолини қўлга киритган давлат олдида улкан вазифалар туриши шубҳасиздир. Шу боисдан «олдимизда муҳим вазифалар турибди, бу вазифаларни ба-жариш халқимиздан кўп синовларни бошдан кечиришни, ишимизда ҳалоллик ва фидойилик бўлишини талаб қилади»¹ -деган эди ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов.

Республикамиз олдида турган муҳим вазифалардан бири, фуқаролик ҳуқуқий давлатни барпо этиш, бунинг учун фуқароларимизнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий савиясини оширишдан иборатдир. Ҳуқуқий давлат бу қонун устиворлиги демакдир. Эндиликда республикамизда қонунчилик мустақиллигимизнинг аж-ралмас қисмига айланиши лозим.

Республикамиз мустақилликка эришгач, мулкчилик соҳасида муҳим ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз кўпгина мулкларни ўз ихтиёридан чиқариши оқибатида хусусий мулкчилик вужудга келди. Бунинг натижасида фуқаролик муносабатларида шартномали муносабатларнинг тури кўпайди, бу эса юридик хизматни пухта, си-фатли даражада бўлишлигини талаб қилмоқда.

Хусусий мулкчиликнинг шаклланиши, мулкчилик соҳасида бир неча хил турдаги мулк эгаларини вужудга келтирди.

Кишиларимизнинг ҳуқуқлари, жумладан хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқи қонун билан мустаҳкамланди. **«Бу ишлар кимнингдир инъоми эмас, ёки хайр-эҳсони ҳам эмас, балки мустақиллигимизнинг ҳосиласидир. Шахс, жамият, фуқаро ва давлат буларнинг ҳаммаси битта муаммонинг турли жиҳатларидир».**

Қонунчиликни мустакамлаш, давлат, жамият, фуқароларнинг манфаатларига мувофиқ иш кўриш демакдир.

« Мустақиллик туфайли республикамизда халқаро амалиётда қабул қилинган, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий қоидалар ва нормаларга асосланган кенг ҳуқуқий макон вужудга келтирилди.

Биз тоталитар тузумининг ўз ҳукмини ўтказиши ва бошбошдоқлигидан воз кечдик. Одамнинг давлат ҳокимияти ва

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: Ўзбекистон 200, 201-227-бетлар

бошқарув органлари билан шунингдек, мулкчиликнинг ҳамма шакллардаги маъмурий хўжалик тузилмалари билан хилма-хил муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий нормалари сари дадил қадам ташладик».¹

Республикамизда ўз йўлимизни белгилаб берадиган, ҳуқуқий давлатни барпо этишда хизмат қилувчи замон талабига мос бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва уларни қабул қилиш давр талаби бўлиб қолди.

Бу борада Олий Мажлис томонидан бир қатор қонунлар қабул қилинди, амалдаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу соҳадаги ишлар давом этмоқда И.А. Каримов «ҳуқуқий давлатнинг мазмун моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда, ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак»- деган эдилар.²

Қонун устуворлигини таъминлашда нотариал идораларнинг ҳам ўз ўрни бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги янги қонунини қабул қилиниши нотариуслар томонидан фуқаро ва ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нотариал ҳаракатларни юксак даражада амалга оширишга ундайдиган ҳужжат бўлди.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар нотариал идоралар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан четлаб ўтаётгани йўқ. Чунки Республикамизда кенг қўламда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёни, нотариал идораларда бажарилаётган нотариал ҳаракатларнинг турларини кенгайтишига имкон яратмоқда Нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби «Нотариат тўғрисида»ги қонун, бу ҳақдаги қўлланма, нотариуслар амал қилиши керак бўлган ҳуқуқий меъёрларда ўз аксини топган.

Нотариал идоралар томонидан расмийлаштирилаётган кўчмас мулкка нисбатан олиш-сотиш, ҳадя, айирбошлаш шартномаларини турлари кўпайди. Бу ҳолат эса фуқароларимиз ҳуқуқларини кенгайганлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида энг олий қадрият сифатида инсон манфаатларига эътибор берилганлиги

¹ И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари». –Т.: Ўзбекистон, 2000, 201-227-бетлар.

² И.А.Каримов «Озод ва обод ватан, эркин фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз». –Т.: Ўзбекистон, 2000 йил, 23-б.

фикримизнинг далилидир. Конституциянинг 13-моддасида «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларига асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади»- деб белгилаб қўйилди.¹

Фикримизнинг далили сифатида 1998 йилда қабул қилинган “Оила” кодексидан никоҳ шартномаси, шартномани тузиш тартиби, шартноманинг мазмуни ҳақида фикр юритилади.

(29-30-31-моддалари). Ушбу шартнома никоҳланувчи шахсларнинг хоҳиши ва эркига асосан амалга ошириладиган бўлгани учун низосиз деб баҳоланиб, қонун бу шартномани нотариал тартибда гувоҳлантиришни белгилади. Яъни қонунчилигимизга бу ўзгаришни киритилиши нотариал идоралар фаолиятида яна бир нотариал ҳаракат турини кўпайишига олиб келди. “Гаров тўғрисида”ги қонунни қабул қилиниши, гаров шартномаларини амалда бажарилишига, “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши, деҳқон фермер хўжалик фаолиятини вужудга келиши, мулкчиликнинг бу шакллари пайдо бўлиши нафақат шартномали муносабатларни кенгайтиришига балки, ўз навбатида ворислик ҳуқуқида ўзига хос туб ўзгаришларни ясадики, бунинг натижасида фуқаролик муносабатларида янги муносабатларни яъни яқка тартибдаги деҳқон фермер хўжалигининг мулкига нисбатан ворислик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани нотариал тартибда расмийлаштиришда янги қонун ва ҳуқуқий меъёрларни татбиқ этилиши лозимлигини белгилаб берди.

Юридик шахсларнинг ташкил топиши вақтида таъсис шартномаларини нотариал идоралар томонидан расмийлаштириш шунингдек ўз навбатида таъсисчининг ҳиссасига нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги Гувоҳномани бериш билан боғлиқ бўлган янги турдаги нотариал ҳаракат турлари вужудга келдики, бу эса нотариуслардан ўз устида ишлаш, қонунни тушунган ҳолда замон талабига хос ҳаётга татбиқ этилишини талаб қилмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Адолат» 13-модда.

1-МАВЗУ. Ўзбекистонда Нотариат тарихи. Нотариат тушунчаси ва унинг вазифалари. Нотариал идораларнинг фаолияти ва уларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари. Нотариус лавозимига тайинлаш. Нотариус лавозимини тугатиш

1.1 Ўзбекистон Республикасида нотариат тарихи

Нотариал идораларнинг фаолияти узоқ тарихга эга бўлиб, бу жараён мусулмон ҳуқуқида ҳам ўз ифодасини топган. Масалан: «Мухтасар»да ҳозирги кунда давлат нотариуслари томонидан ҳал этилаётган «Гаров»-89 боб, «Ижара» -82 боб, «Кафолат» -92 боб, «Ихтилоф» -117 бўлимининг 16-18 бандларида «Ворислик ҳуқуқи»¹ тўғрисида сўз юритиладики, бу ҳолат нотариал идораларнинг тарихи узоқ ўтмиш даврларига бориб тақалишидан далолат беради, чунки ўша вақтлардаёқ, ворислик масалаларини тегишли тартибга риоя этилган ҳолда расмийлаштирилиши талаб этилган. Шариат қонунлари ва одат нормаларига таяниб иш кўрилган даврларда нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи махсус шахслар бўлмаган, лекин низоли ишлар ёки шикоятларни ҳал этиш юзасидан қозиларга мурожаат этилиб, бу масалаларни қозилар гувоҳлар иштирокида ҳал этганлар. Қозилар мазмун жиҳатдан нотариал ҳаракатларни ҳам ҳал қилганлар.² Масалан: **ХОРАЗМ**-давлатчилигида ҳам бундай ҳолатни кўришимиз мумкин.³ Ўша вақтларда фуқаролар ўртасидаги муносабатлар одат нормалари билан тартибга солиниб, бу одат нормалари ҳуқуқий ва ҳуқуқий бўлмаган одатларга бўлиниб, ҳуқуқий одатлар давлат томонидан тан олинган ва юридик одатлар деб аталиб, юридик кучга эга бўлган.⁴

Ўзбекистон Республикаси марказий Давлат Архивида сақланаётган ҳужжатлар Республикамизнинг нотариал идоралар тарихи ўзига хос бой тажрибага эга эканлигини кўрсатади. Булар қаторида, **ҚЎҚОНДА** – 1890 йилдан бошлаб расмийлаштирилган нотариал ҳужжатлар аниқ ва равшан тузилган.⁵ Бажарилган ҳар бир нотариал ҳаракат алоҳида тартиб рақами билан реестр дафтарига қайд

¹ Мухтасар. –Т.: Чўлпон нашриёти 1994. 205, 189, 214, 275-бетлар.

² Бичурин Н.Я. Собрание сведений о народах обитавших в Средней Азии в древние времена. М-1950, стр. 50.

³ С.П. Толстов «Древний Хорезм» Опись исторический археологического исследования- МГУ 1948 год.

⁴ С.И. Воробьева Жамиятда ҳуқуқ ва урф одатлар. Т., 1986, 12-б.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви фонд И.660, ОП№2, Д№1, Л№1, Л№11, Л№12.

этилган, нотариал ҳаракатнинг тури, ундирилган давлат божи, нотариал ҳужжатни олганлик ҳақида мурожаат этган шахснинг имзоси реестр дафтарда нотариус томонидан юксак савия билан қайд қилинган. 1890 йилда фаолият кўрсатган нотариус Александр Фрайбергер томонидан юритилган Реестрларга қайд этилган нотариал ҳаракатлардан нотариус томонидан мажбурият билан боғлиқ шартномалар, васиятномалар, кўчмас мулк билан боғлиқ шартнома, ишончномалар нотариал тартибда гувоҳлантирилганлиги кўринади.¹

ХИВА хонлигида-ҲII-ҲIII асрларда феодаллар ерларини тортиқ сифатида эмас, балки уни сотиб олишга ҳаракат қилиб, хусусий мулк сифатида бир томондан феодал иштирокида «битим» тузилган.

Бундай ерлар мулки-хурри холис деб аталиб, барча солиқлардан озод ҳисобланган. Битимлар давлат номидан расмийлаштирилган, шунинг учун битимни расмийлаштирган қозининг ҳузурида хоннинг ўзи ҳам шахсан иштирок этган. Битимни қози расмийлаштиргач, қози томонидан ерни давлатдан сотиб олганлиги ҳақида васиқалар берилган.²

БУХОРО амирлигида-ХIХ асрнинг иккинчи ярмида суд тизимида ўзгаришлар юз бериб, жинойий ва фуқаролик ишлари алоҳида шахслар томонидан ҳал этилган. Жинойий ишларни беклар ва Қушбеги беклари кўриб ҳал этган. Қозилар эса фуқаролик ишларини кўриб, бунда оила, ер, ворислик ҳуқуқи билан боғлиқ ҳолатлардан келиб чиқадиган муносабатларни ҳал этганлар ва бу билан улар қисман даражада нотариус ваколатини ҳам амалга оширган.³ Чунки улар томонидан ҳам низоли, ҳам низосиз муносабатлар тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивидаги ҳужжатларни ўрганиш шундан далолат берадики, нотариал идоралар томонидан бажарилган ҳаракатларни одат, шариат қонунларига кўра қозилар бажариб келганлар. Қозиларнинг фаолияти суд тизими билан боғлиқ бўлганлиги сабабли биз ўша вақтда топилган ҳужжатларни суд-нотариал ҳужжатлари деб аташни лозим топдик.

ТОШКЕНТ- шахрининг ХIХ асрда расмийлаштирилган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқадиган ишларни ўрганиш шуни кўрсатадики, Кўкча даҳасида фаолият кўрсатган қози мулла Боймирза Қози ибн Мирзо Оғали томонидан

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви фонд И.660, ОП-№2, Д-№16, Л-№1, Л-№2, Л-№75, Л-№85, Л-№86.

² П.П.Иванов Архив Хивинский ханов ХIХ век. Исследование и опись документов с исторического введения Л-1940 г. стр 203-214.

³ А.И.Ишанов «Основные черты общественного строя Бухарского ханства» 1983 год, стр125,

расмийлаштирилган васиқаларни қайд этиш дафтарида 497 тадан иборат ҳужжат расмийлаштирилиги бу масалага қанчалик жиддий аҳамият берилганлигидан далолат беради.

Бу ҳужжатлардан савдо-сотикқа оид, закат ҳақидаги, даъводан воз кечиш, иқдор бўлиш ҳақидаги аризалар, ер эгалиги, турар жойлар ва бошқа кўчмас мулкларни сотиб олганлиги ҳақида битимлар ва меросни тақсимлашга оид ҳужжатлар мавжудлиги аниқланди.¹

Бу ҳужжатлар республикамиз мустақилликка эришгунга қадарли нотариал идораларнинг ўзига хос йўлни босиб ўтганлигидан далолат беради.

Биз нотариал идоралар тарихини ўрганиб чиқиб, нотариал идораларни Республикамизда ривожланиш жараёнини бир неча даврларга бўлишни лозим топдик.

Биринчи давр шариат қонунлари ва одат нормаларига асосланиб иш кўрган, нотариус номига эга бўлмаса-да, лекин мазмун жиҳатдан нотариал ҳаракатларни бажариб келган қозиларни даврдан то 1917 йил Туркистон АССР ташкил топгунча бўлган даврни ўз ичига олади.

1917 йил Туркистон АССР да Юстиция Халқ Комиссарлиги ташкил топди ва бунга асосан Туркистон АССРда халқ нотариуслари ташкил қилинди. Архивдаги бажарилган нотариал ҳаракатларга қараганда ўша вақтларда нотариуслар «халқ нотариуслари» нотариал идоралар эса «нотариал столлар» деб юритилган.²

Иккинчи давр 1917 йилдан 1956 йилгача бўлган давр бўлиб, 1918 йил 16 ноябрда Туркистон АССР Юстиция Халқ Комиссариати «Туркистон Республикасида халқ судларини сайлаш бўйича» Қўлланмани ишлаб чиқди ва бу қўлланма Декрет бўлиб тасдиқланган ҳолатда матбуотда эълон қилинди. Ушбу қўлланмага асосан халқ судлари, халқ нотариуслари вилоят советларининг вилоят сьезди томонидан сайланишлиги қайд этилди ва халқ судлари, халқ нотариуслари ушбу қўлланманинг 2- моддасига асосан ўша жойдаги ишчи, солдат, деҳқон депутатлари совети томонидан тақдим этилган номзодлар орасидан сайландилар.³

¹ М. Юнусхужаева, У. Мирисмоилова. По истории Ташкента конца XIX начала XX веков О.Н.У. 1983г. часть 3, стр 49-50.

² Андижон вилояти Асака шаҳар (собиқ Ленин шаҳар) нотариал идорасининг архив ҳужжатларидан олинди.

³ История Советского Государства и права Узбекистана Том-1, Издательство Академии наук УзССР. Ташкент-1960 г, 485-486 стр.

Туркистон Халқ комиссарлиги томонидан нотариал идоралар фаолиятини яхшилаш учун қарор ва Низомлар қабул қилинган бўлиб, 1922 йилдаги Низомга кўра Нотариус лавозимига Губерна Халқ Судлари Президиуми томонидан сайлов ҳуқуқи асосида Юстиция Халқ комиссарлиги томонидан махсус тайёрланган ва тасдиқланган программага кўра синаб кўрилган шахслар тайинланган.

Жумладан 1926 йилда ЎзССРда нотариал идоралар фаолиятини тартибга солувчи Низом қабул қилиниб, бунда нотариал идоралар томонидан бажариладиган нотариал ҳаракатнинг тури, бажариш тартиби ва қоидалари белгилаб берилди.

1937 йилда ЎзССРнинг Конституцияси қабул қилинган эди. Бу эса ўша вақтда бўлган фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ўзгаришлар содир бўлишига олиб келди ва ўша вақтда амалда бўлган ЎзССР ГКнинг 418-моддасига асосан меросхўрлар доираси белгилаб берилди. Қонун бўйича ва васият бўйича мерос олиш тартиби қонунда ўз аксини топди. 1917-1918 йилларда васиятнома бўйича шахс ўз мулкини ҳоҳлаган шахсга васият кила олмас эди. 1937 йилга келиб эса бу чеклашлар бекор қилинди. 1938 йилга келиб нотариуслар Васиятноманинг мазмунидан қатъий назар мажбурий ҳисса олувчиларга жумладан вояга етмаган меросхўрларга мажбурий ҳисса ажратиб мерос гувоҳномасини бера бошладилар. Мажбурий ҳисса мерос мулкининг $\frac{4}{3}$ қисми қилиб белгиланди. Бу ҳолат эса 1938 йил 28 март кунида қабул қилинган ЎзССР Марказий Ижроия Комитетининг (МИК)нинг қарорида ва ЎзССР ГКнинг 420-моддасида қонуний ифодасини топди.¹

1940 йилгача Мерос қолган мулкни сақлаш чораларини кўриш судлар томонидан алоҳида тартибда кўриладиган ишлар қаторида кўрилиб келинган бўлса, 1940 йилнинг охирига келиб, ушбу ҳолатни расмийлаштириш низосиз бўлганлиги сабабли нотариал идораларга юклатилди. Бу эса 1940 йил 29 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонида қонуний ифодасини топди.²

ЎзССР Олий Совети Президиумининг 1943 йил 26 октябр кунидаги Фармонида асосан, шахсни бедарак йуқолган ёки ўлган деб топиш ҳақидаги ишлар халқ судлари фаолиятидан нотариал идораларга олиб берилди. Бунга асосан “Нотариат тўғрисида”ги Ни-

¹ Қаранг: СУ УЗССР -1938 год, стр-9, 17

² Қаранг: Сборник законов УзССР и Указов Президиума Верховного Совета УзССР за 1938- 1951 г.г. стр 199.

зом ва ва ўша вақтда амалда бўлган ЎзССР ГКнинг 12-моддасига ўзгартиришлар киритилди.¹

Нотариал идоралар фаолиятини такомиллаштириш ва мерос ҳуқуқини ривожлантириш борасида ўша вақтда Республика Олий Совети Президиуми томонидан бир қатор Фармонлар қабул қилинганлигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, 1945 йил 14 март кунида қабул қилинган «Қонун ва васият бўйича меросхўрлар ҳақида»ги Фармонга асосан меросхўрлар доираси кенгайиб, қонун бўйича меросхўрлар қаторига ота-онаси, ака-укаси, опа-сингиллар ҳам киритилиб меросхўрлар доираси биринчи, иккинчи ва учинчи навбатдаги меросхўрлар доираси белгилаб берилди.²

1926 йилда қабул қилинган Нотариат тўғрисидаги Низомга 20 июль 1930 йил, 31 декабрь 1947 йил, 30 сентябрь 1965 йилда ўзгаришлар киритилган.³

Учинчи давр – 1956 - 1974 йилгача бўлган давр бўлиб, нотариал идоралар фаолияти такомиллашганлигини ва нотариал ҳаракатларнинг турлари ҳам кўпайганлигини гувоҳи бўламиз.

Жумладан 1965 йилда нотариуслар фаолиятига ижро хатларини расмийлаштиришдан иборат нотариал ҳаракатнинг тури қўшилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Бу вақтга келиб нотариат органларининг фаолиятида ўзгаришлар бўлиб, жумладан, давлат нотариуси ва катта нотариус лавозимлари жорий қилинган ва ҳамма жойларда нотариал столлар «нотариал контора»номи билан юритилган. Бу ҳолат 1956 йил 16 февраль Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг № 96 сонли Қарори билан тасдиқланган ва нотариуслар фаолиятини тартибга солувчи “Давлат нотариати тўғрисида”ги Низомда ўз аксини топиб, ушбу низомга 1960 йил № 956 қарор, шунингдек 1963 йил №224 қарор билан ўзгартиришлар киритилган.

Ўша вақтларда нотариал идораларга раҳбарликни судлар амалга оширганлар, жумладан нотариал идоралар фаолиятини янада яхшилаш мақсадида 1967 йилда Ўзбекистон ССР Олий суди томонидан «Ўзбекистон ССР давлат нотариал контораларида нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида»ги қўлланманинг

¹ Қаранг: Сборник законов УзССР и Указов Президиума Верховного Совета УзССР 1938- 1961 г.г. стр.6.

² Қаранг: Ведомости Верховного Совета СССР 1945 №15.

³ Н.И. Авдеенко, М.А. Кабакова, Нотариат в СССР Ленинград- 1984 г 3-10 стр.

қабул қилинганлиги шундан далолат беради. Ушбу инструкция (қўлланма) 4 бўлим, 16 боб, 151 банддан иборат бўлган.¹

Республикамиз мустақилликка эришгунга қадарли нотариал идоралар 1974 йил 7 августда қабул қилинган “Давлат нотариати тўғрисида”ги қонунга асосан² фаолият кўрсатиб келдилар, бу қонун 4-бўлим, 87-моддани ўз ичига олган эди. Бундан ташқари нотариуслар 1976 йил №2 қарори билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган инструкцияга (қўлланмага) амал қилиб ишладилар.³

Ушбу ҳуқуқий меъёрларга назар ташласак, собиқ СССР таркибига кирган барча иттифокдош республикалар СССР қонунларига асосланган ҳолда иш тутганлигини гувоҳи бўламиз.

Тўртинчи давр 1974-йилдан мустақилликка эришгунча бўлган давр.

Давлат нотариуслари ва бошқа нотариал фаолиятни амалга оширувчи мансабдор шахслар 1974 йилда ЎзССРнинг Давлат нотариати тўғрисидаги қонун ва бошқа қонун ости ҳужжатларига таяниб ишлаб келдилар. Республикамиз мустақил деб эълон қилингач, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 26 декабрда «Нотариат тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун ўзида мустақиллигимизни ва ўзлигимизни таниганлигимизни ва бу ҳолат қонун даражасига кўтарилганлигини тасдиқловчи муҳим аҳамиятга эга бўлган Республикамиз тарихидаги биринчи ҳуқуқий ҳужжат бўлди.

1.2. Нотариат тушунчаси ва унинг вазифалари.

Фуқаро ва юридик шахсларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи идоралар ичида нотариат ўзига хос ўрин тутди. Республикамизда нотариал ҳаракатларни давлат нотариуслари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) амалга ошириб келмоқдалар.

¹ Положение о Государственном нотариате УзССР Ташкент. Управление Делами Совета Министров Узбекской ССР 1956, 1960, 1963 г.г.

² «Инструкция о порядке совершения нотариальных действий государственными нотариальными конторами Узбекской ССР». Верховный Суд Узбекской ССР, отдел нотариата. Ташкент -1967

³ «Инструкция о порядке совершения нотариальных действий Государственными нотариальными конторами Узбекской ССР»Ташкент-1976 г.

Нотариат атамаси лотинча «**Notarius**»сўзидан олдинган бўлиб «хат ёзувчи котиб» маъносини англатади.

«Ўзбекистон Республикасида нотариат деб, фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини, ҳамда юридик аҳамиятга эга бўлган ҳужжатларни гувоҳлантирувчи ва бу ҳуқуқлар ҳамда фактларни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни амалга оширувчи давлат ва хусусий идораларга айтилади».¹

Нотариал идораларнинг ўзига хос бўлган, бошқа маъмурий идоралардан фарқ қилувчи жиҳатларидан бири низосиз муносабатларни ҳал этишидир. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни бажариш вақтида бевосита фуқароларнинг ўзлари билан учрашиб, мулоқотда бўлиб, қандай мақсадда нотариал идорага мурожаат этганлигини аниқлайдилар. Нотариус томонидан бажарилиши лозим бўлган нотариал ҳаракатлар қонунга зид бўлмаса, бошқа шахсларнинг манфаатларига путур етказмасагина уни амалга оширадилар. Бу билан нотариал идоралар фуқаролар ва юридик шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қонун ва бошқа ҳуқуқий меъёрларда назарда тутилган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир. Нотариал идора манфаатдор шахсларга хизмат кўрсатувчи идора ҳисобланиб, нотариал ҳаракатларни бажаришни сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг талаб ва истакларини қонун доирасида амалга ошириб, уларнинг қонуний талабини мустаҳкамлайди.

Фуқаролик муносабатларига киришаётган шахсларга бажарилиши лозим бўлган нотариал ҳаракат ва унинг оқибатлари нотариус томонидан тушунтирилиши лозим.

Амалдаги қонунларга кўра нотариусларга муҳим вазифа юклатилган бўлиб, уларни бажариш учун нотариусдан юксак савия, талабчанлик, хушмуомалаликни талаб қилади. Нотариус бажараётган ҳар бир нотариал ҳаракат оқибатини қонун нуқтаи назаридан тушуниб етган ҳолда ҳал қилиши лозим. Шундагина нотариус келгусида келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низоларни олдини олишга эришган бўлади.

Нотариат ҳақида тузилган ўқув режасига асосан Ўзбекистонда нотариат курси икки қисмга бўлиб ўрганилади. Булар **УМУМИЙ** ва

¹ Ш.Ш.Шорахметов Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 2001. 465-б.

МАХСУС қисмлардан иборатдир. Умумий қисмда:- нотариат ҳақида тушунча, унинг вазифаси, тамойиллари, нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари, давлат нотариуслари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) консуллар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар, уларнинг фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ўрганилади.

Махсус қисмда:- нотариал ҳаракатнинг аниқ турлари ва уларни амалга оширишнинг қоидалари гуруҳларга бўлиб ўрганилади.

Булар: Низосиз ҳуқуқларни гувоҳлантиришга қаратилган нотариал ҳаракатлар, қарз ва тўлов ҳужжатларига ижро кучини беришга қаратилган нотариал ҳаракатлар, нотариус томонидан далилларни таъминлашга қаратилган нотариал ҳаракатлар, ҳимоялаш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатлар.

1.3. Нотариал идораларнинг фаолияти ва уларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари. Нотариус лавозимига тайинлаш

Ўзбекистон Республикасида нотариал идораларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги «Нотариат тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар маҳкамасининг нотариатга оид қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси нотариал идоралари томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида»ги 1997 йил 28 апрель қўлланмаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг иш юритиш тартиби ҳақида»ги қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги ҳужжатлар билан тартибга солинади.¹

Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг

¹ Қаранг: Ўзбекистонда Нотариат (Амалий қўлланма). –Т.: Адолат, 1998. 3, 61-бетлар.

2-моддасига асосан нотариуслик лавозимига олий юридик маълумотга эга бўлган, давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ҳузурида бир йилдан кам бўлмаган стажировка муддатини ўтаган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳақида малака имтиҳонини топишиб лицензия олган шахслар тайинланиши мумкин.

Уч йилдан кам бўлмаган юридик мутахассислик стажига эга бўлган шахслар учун стажировка муддати Қорақалпоғистон Республикаси Адлия Вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимиятлари адлия бошқармаларининг қарори билан 6 ойдан кам бўлмаган муддатга қисқартирилиши мумкин.

Шу ўринда қайд қилиш жоизки айрим, ҳамдўстлик давлатларида нотариус лавозимига тайинланишлик учун белгиланган стажировка муддати узоқ муддат белгиланган масалан, Якутияда 3 йиллик муддат ўтиши кўрсатилган.¹

Якутияда ҳеч қандай ҳолат ушбу муддатни қисқартириш учун асос бўла олмайди ва юридик мутахассислиги бўйича қанча стажга эга бўлганлиги инобатга олинмайди.

Шунингдек, ушбу кунда Халқаро Лотин Нотариати Иттифоқига кирган 60 дан зиёд давлатларда ҳам (Австралиядан ташқари) 2003 йилда бу Иттифоқ таркибига Хитой ҳам қўшилди, нотариуслик лавозимига тайинлаш ва ундан озод қилиш тартиблари ҳам турлича белгиланган.

Жумладан ГФР да нотариуслар бир вақтда адвокат ҳам бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида иккала вазифани ҳам амалга оширадилар. Бу бирлик фаолиятни биз Америка, Швейцария мисолларида ҳам кўришимиз мумкин.

Халқаро Лотин Нотариати Иттифоқи 1948 йилда ташкил этилган бўлиб, бу Иттифок нотариус лавозимига ҳар томонлама етук кадрларни тайинлаш лозимлиги ҳақидаги гоёни ҳам илгари суради.

Жумладан, Германияда нотариус лавозимига Германия фуқароси бўлган, алоҳида академик тайёрловдан ўтган, Университетни (олий даргоҳни) муваффақиятли тамомлаган, шунингдек, уч йил нотариус-асессори бўлиб синовдан ўтган шахсларгина нотариус лавозимида ишлашлари мумкин. Шунингдек, нотариуслар ўз фаолиятига киришишларидан аввал суд олдида қасамёд қабул қиладилар. Бу ҳолатни Германия ва Франция тажрибаларида ҳам кўришимиз мум-

¹ Якутские Ведомости, 1993 г. №11, 23 июня 1993г, стр 1-9.

кин.¹Халқаро Лотин Нотариати Иттифоқи нотариус лавозимига эришиб фаолият бошламоқчи бўлганларга қуйидаги маслаҳатни беради:

Ўз вазирлигингни қадрла ва ҳурмат қил,
Заррача шубҳа фаолиятингга соя солса, ишингни тўхтат.
Ҳақиқатга тан бер,
Эҳтиёткор бўл.
Ҳар бир ишни хафсала билан ўрган.
Одамларга виждонан тўғри ва ҳалол маслаҳат бер.
Адолатга амал қил.
Қонундан четга чиқма.
Ўз кадринг ва мавқеингга муносиб бўл.

Эсингда бўлсин, сенинг вазифанг одамлар ўртасидаги низоларни бартараф этишга йўналтирилган.

Республикамизда нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш борасида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33-қарори билан тасдиқланган «нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш ҳамда нотариус ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан нотариус лавозимини Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазири ёки тегишли адлия бошқармаси бошлиғининг асослантирилган тақдимномаси эътиборга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади».

Нотариус лавозимини тугатиш.

Республикамиз ҳудудларида нотариус лавозими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан таъсис этилади ва тугатилади. Нотариал округдаги нотариуслар лавозимининг сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Нотариуснинг муайян ҳудудда (нотариал округда) нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ваколатини бериш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ёки унинг топширигига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги апелляция комиссияси ёки Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари қошидаги малака комиссиялари томонидан ўтказилади.

¹ Қаранг: НОТАРИАТ, А.В.Селянин. Москва-2005г стр. 32.

Давлат нотариал идорасида ишлаётган нотариус билан меҳнат шартномасини бекор қилиш йўли билан нотариус лавозими тугатилади. Бу эса меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз хоҳиши билан зиммасидаги ваколатларни соқит қилади ёки унинг ваколатлари суднинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқларидан маҳрум қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори асосида бекор қилинади, бунинг учун қасддан жиноят содир этганлиги учун ҳукм қилинган тақдирда ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг; қонунда белгиланган тартибда муомала лаёқати чекланган ёки муомала лаёқатига эга эмас деб топилган тақдирда; қонун ҳужжатларини бузган, носоғлиги туфайли (тиббий хулоса бўлса)

касбий мажбуриятларини бажаришнинг имкони бўлмаган тақдирда ва қонунларда назарда тутилган бошқа ҳолларда лицензия берган органнинг илтимосига биноан (Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 15-моддаси).

Нотариуснинг ваколатлари бекор қилинган тақдирда, тегишли адлия органи унда сақланаётган ҳужжатларни бошқа нотариусга топшириш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда нотариатнинг тарихи ҳақида нималарни биласиз?
2. Ўзбекистонда нотариат деганда нимани тушунасиз?
3. Ўзбекистонда нотариатнинг вазифаси?
4. Нотариал идоралар фаолияти, уларни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосини тушунтириб беринг?
5. Нотариус лавозимини тугатиш қандай амалга оширилади?

2-МАВЗУ: НОТАРИАЛ ИДОРАЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ТАМОЙИЛЛАР.



2.1.Нотариал идоралар фаолиятининг қонунийлик тамойилига асосланиши

Давлат нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида қонунда белгиланган тамойилларга асосланиб иш кўрадилар. Ушбу мавзуда айрим тамойилларга умумий тушунчалар беришни назарда тутганмиз. Қонунийлик тамойилига асосан , нотариал ҳаракатни бажариш жараёнида нотариус ёки бошқа нотариал ҳаракатни бажарувчи мансабдор шахс қонунга амал қилиши шарт. Уларнинг фаолияти Нотариат тўғрисидаги қонун, қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг қарор ва йўриқномаларига амал қилишига қаратилган бўлиши лозим.

Бундан ташқари нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида Халқаро миқёсда қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга ҳам амал қиладилар. Шундай ҳужжатлардан бири «Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги Минск Конвенциясидир.

СССР тарқаб кетгандан сўнг Ҳамдўстлик Давлатлари Иттифоқига кирган давлатлар ўртасида ўзаро ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш мақсадида 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида ўзаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги юқорида кўрсатиб ўтилган Конвенция қабул қилинди. Ушбу Конвенция

5-бўлим, 87-моддани ўз ичига олади. Конвенциянинг 5-бўлимида Мерос масаласига оид қоидалар кўрсатилган бўлиб, бунда мерос олиш ҳуқуқи, мерос мулкани давлатга ўтиш тартиби, васиятнома, меросни сақлаш чораларини кўриш каби қоидалар қайд этилган бўлиб, нотариал ҳаракатни амалга оширувчи консуллар томонидан бу ҳаракатларни амалга ошириш тартиблари кўрсатиб берилган.

Нотариус ёки нотариал ҳаракатни бажарувчи мансабдор шахс нотариал ҳаракатни бажариш жараёнида бир неча қонун меъёрларини қўллаб иш кўришига тўғри келади. Бунинг учун нотариал ҳаракатни бажарувчи мансабдор шахс авалло ушбу қонунни яхши билиши лозимдир, қонун талабларини билмаслик эса келгусида ушбу нотариал ҳаракатни бекор бўлишига ёки ҳақиқий эмас деб топилишига олиб келиши мумкин.

Нотариус қонун меъёрларига зид бўлган битимларни нотариал тартибда гувоҳлантирмайди. Нотариуслар томонидан ҳужжатлардан олинган нусхаларнинг аслига тўғрилиги шаҳодатланади, лекин бу ҳужжатнинг асли қонун талабига зид бўлса нотариус бундай ҳужжатларни гувоҳлантиришдан бош тортиши лозим.

Жумладан: нотариус нотариал шаҳодатлаши керак бўлган ҳужжатнинг аслида ўчириб, қириб ёзилган қўшимчалар киритилган, сўзлари устидан чизилган, изоҳ берилмаган бошқа тузатишлар бўлса, шунингдек ҳужжат қаламда ёзилган бўлса бундай ҳужжатлар “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддаси талабидан келиб чиқиб, нотариал гувоҳлантирилмаслиги керак.

Нотариус “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади. Лекин нотариус топшириш учун қабул қилиб олиши керак бўлган ҳужжатда жисмоний ёки юридик шахснинг шаъни ва қадр—қимматини камситувчи маълумотлар ёзилган бўлса бундай ҳужжатларни топширишни рад этиши лозим.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажаришга киришишдан аввал манфаатдор шахс амалга оширишни сўраётган нотариал ҳаракатнинг оқибатини томонларга тушунтириши, бажарилаётган нотариал ҳаракатда уларнинг асл мақсади очиб берилганлиги ҳолатига эътиборини қаратиши лозим. Бажарилиши лозим бўлган нотариал ҳаракат қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши қонунда ўз ифодасини топган, нотариус, нотариал ҳаракатни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонун бузилганлигини аниқлаган тақдирда, бу ҳақда зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхона, муассаса, ташкилотларга ёки прокурорга хабар қилиши зарур.

Агарда нотариал гувоҳлантирилиши керак бўлган ҳужжат нотариусда шубҳа туғдирса, унга аниқлик киритиш учун ҳужжатни экспертизага юбориш талаб этилади.

Нотариус қонун бузилишини олдини олиш, манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уларга нотариал идорада расмийлаштирилаётган ҳужжатларнинг тури, келтириб чиқарадиган оқибати тўғрисида матбуотда ва турли усуллар билан тушунтириш ишларини олиб боришда фаол иштирокчи бўлишлиги ҳам талаб этилади.

Нотариус нотариал ҳаракатнинг нотўғрилигини билиб қолган тақдирда у нотариал ҳаракатни белгиланган тартибда бекор қилиш

чораларини кўриш мақсадида прокурорга, судга маълум қилишга мажбур. Нотариус прокурорни огоҳлантирилганлиги тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирини, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Адлия бошқармасининг бошлиқларини хабардор қилиши лозим.

Нотариал ҳаракатни бажариш жараёнида нотариус фақат қонунга бўйсунди, бирорта шахс нотариуснинг ишига аралашишга ҳақли эмаслиги қонунда ҳам ўз ифодасини топган.

Нотариус томонидан қонуний иш бажаришга тўсқинлик қилган шахс бўлса, бу ҳақда прокурорга, шунингдек Адлия идораларни хабардор этишлари талаб этилади.

2.2. Асосланганлик тамойили

Нотариал ҳаракатларни бажариш жараёнида нотариус турли хил ҳолатларни аниқлайди. Асосланганлик тамойили эса бу ҳолатларни ишончга сазовар бўлган далиллар билан таъминлашни талаб қилади. Бунинг учун нотариус тегишли ҳужжатларни тўплайди.

Бундай вақтларда нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириши мумкин. Кечиктириш муддати Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 31-моддасига асосан бир ойдан ошмаслиги лозим.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажаришдан аввал, ишга алоқадор бўлган қандай ҳужжатларни тўплаши кераклигини аниқлаб олади. Иш учун керакли ҳужжатлар тўплангандан кейин уларни қонунийлигига ишонч ҳосил қилгач нотариал ҳаракатни бажаришга киришади.

Масалан, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани бериш вақтида нотариус мерос очилган вақт, мерос очилган жой, мерос қолган мулкнинг таркиби, жойлашган жой, меросхўрлар доираси, қариндошлик даражаси ва бошқаларни тегишли ҳужжатлар билан асослантириши керак. Бу мисолимизда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани қонунийлиги тегишли ҳужжатларнинг тўғри ва етарли даражада тўпланганлиги ва ишончлилиги билан асосланади. Жумладан нотариус мерос очилган вақтни аниқлаш учун марҳумнинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими (ФХДЁ) томонидан берилган ўлганлик ҳақидаги гувоҳномаси, мерос очилган жойни аниқлаш учун мерос қолган мулк жойлашган ер (ҳудуд)да мерос қолган мулкнинг таркибини аниқлаш учун мулкнинг

мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, агарда мерос қолган мулк уй бўлса, уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (ордер, ҳокимият қарори, ҳадя, олиш-сотиш шартномаси ва ҳоказо)

автотранспорт воситаси бўлса, унинг техник паспорти, меросхўрларнинг қариндошчилик даражаси туғилганлик ҳақидаги, никоҳ ҳақидаги гувоҳномалар билан тасдиқланади.

Булардан ташқари нотариус мерос қолган мулкка нисбатан тақим бор ёки йўқлигини текшириши керак. Иш учун тегишли ҳужжатлар етарли деган хулосага келгачгина нотариус нотариал ҳаракатни бажаришга киришади.

Зарур бўлган барча ҳужжатлар тақим этилган ва давлат божи тўланган куни нотариал ҳаракатлар амалга оширилади.

Қонун лозим ҳолларда кечиктириш сабабларини кўрсатиб ўтади. Манфаатдор шахс томонидан тасдиқлашни сўраётган ҳужжат устида даволашиш учун судга мурожаат қилиш истагини билдирган бошқа манфаатдор шахснинг аризасига кўра нотариал ҳаракатни амалга ошириш кўпи билан ўн кун муддатга кечиктирилиши мумкин.

Демак қонунга кўра нотариус томонидан бажарилаётган ҳар бир ҳаракат асосланган бўлиши ишни қонуний ҳал қилиш учун замин бўлади ҳамда нотариус томонидан нотариал ҳаракатни бажаришда уни керакли ҳужжатлар асосида мустаҳкамлаши келгусида келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низоларни олдини олади.

Нотариуснинг яна муҳим вазифаларидан бири нотариал ҳаракатни ҳужжатлар билан мустаҳкамлаш билан бирга уни қонуннинг тегишли меъёри билан ҳам асослашидир.

Жумладан, келтирилган мисолимиз бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг Ворислик ҳуқуқига оид қоидалари бўйича биринчи навбатдаги ворисларга гувоҳнома берилса, нотариус ЎзР. ФКнинг 1135-моддасига асосан нотариал ҳаракатни бажарилганлигини кўрсатиб ўтади. Ушбуга асосан бажарилган нотариал ҳаракат нафақат иш бўйича йиғилган ҳужжатлар тўплами балки, қонуннинг тегишли меъёри билан ҳам асосланади

2.3. Нотариал ҳаракатда иштирок этишнинг эркин ҳуқуқ тамайилларига асосланиши

Нотариал идораларга фуқаролар ва юридик шахслар ёки уларнинг вакиллари ўз ихтиёрлари билан мурожаат этадилар. Нотариус ёки

нотариал ҳаракатни бажарувчи бошқа мансабдор шахс нотариал ҳаракатни мурожаат этган шахснинг талабидан келиб чиққан ҳолда бажарадилар. Ҳеч ким мажбуран нотариал идорага келтирилмайди ва мажбуран нотариал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этишига йўл қўйилмайди. Шахс нотариал идорага ўз хоҳиши ва истагидан келиб чиққан ҳолда оғзаки ёки ёзма тарзда мурожаат этади. Шундагина нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширади.

Нотариуслар ёки нотариал ҳаракатни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар ўзларининг ташаббуси билан нотариал ҳаракатларни бажаришлари қонун билан тақиқланади.

Айрим вақтларда нотариал идорага манфатдор шахснинг ўзи эмас, балки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа шахс мурожаат этиши мумкин. Жумладан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш керак бўлган вақтда манфатдор шахс эмас, балки унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи бошқа шахс мурожаат этади.

Бошқа шахснинг номига амалга оширалаётган нотариал ҳаракатни бажариш вақтида ҳам ўша шахс нотариал идорага мурожаат этмаслиги мумкин. Масалан, автомашинани бошқариш учун бериладиган ишончномаларда, ишончнома олувчи нотариал идорада бўлиши шарт эмас, унинг паспорти, ҳайдовчилик гувоҳномаси, автомашина эгасининг иштироки нотариус учун етарли ҳисобланади.

Қонунда кўрсатилган бошқа айрим ҳолларда шахсларнинг иштироки талаб қилинмайдиган нотариал ҳаракат турларидан ташқари ҳамма ҳолларда фуқаролар ва юридик шахслар нотариал идорага шахсан мурожаат этадилар. Нотариус иштироки талаб қилинмаган лекин унинг манфаати учун бажарилаётган нотариал ҳаракат ўша шахснинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлмаган тақдирдагина амалга оширалади.

2.4. Нотариуснинг мустақиллиги

Нотариус ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига амал қилади. Нотариусга нотариал ҳаракатни бажаришда ҳеч ким тўсқинлик қилиши, ноқонуний иш бажариб беришни талаб қилишга, мажбурлашга ҳақли эмас. Нотариус нотариал ҳаракатни бажариш вақтида ўзи мустақил иш олиб боради. Нотариус мустақил бўлиш билан бирга, холисона

иш олиб бориши шарт. Тегишли хужжатларни тўплаш ва уларнинг қонунийлиги аниқланган тақдирдагина тегишли ҳаракатларни бажариши лозим.

Нотариус ўз фаолиятида мустақил бўлса-да, лекин ўз номидан хотини (эри) номига, ўз номига ҳамда хотиннинг (эрининг) ва ўзининг қариндош уруғлари (ота-онаси, болалари, набиралари, туғишган ака-ука, опа-сингиллар) улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар ҳамда уларнинг номидан, шунингдек мазкур давлат нотариал идорасининг ходимлари ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўлида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмаслиги Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 37-моддасида кўрсатиб ўтилган. Бу ҳолат нотариуснинг мустақиллигига таъсир қилмай, балки нотариуснинг ҳолислигига, нотариуснинг ўзини ҳам қонун билан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар деб қаралмоғи лозим.

2.5. Нотариал ҳаракатнинг сир сақланиши

Нотариал идорада бажарилган нотариал ҳаракатлар сир сақланиши лозим. Нотариуснинг, нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахсларнинг, шунингдек амалга оширилган нотариал ҳаракатлардан хизмат вазифасини бажариш муносабати билан хабардор бўлиб қолган шахсларнинг ўзларига маълум бўлган ахборотларни ошкор қилиш, шу жумладан меҳнат шартномаси бекор қилинганидан кейин ҳам тақиқланади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар (ҳужжатлар) бу ҳаракатлар кимнинг номидан ёки кимнинг топшириги билан амалга оширилган бўлса, ўша шахсларнинг ўзигагина берилиши мумкин.

Лекин айрим вақтларда амалга оширилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар суд, прокуратура, тергов органларининг талабига биноан улар юритаётган ишлар муносабати билан берилади. Фуқаролар мулкига ўтаётган мол-мулкнинг қиймати ҳақидаги маълумотлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда солиқ органига тақдим этилади. Васиятнома тўғрисидаги маълумотнома васият қилувчининг вафотидан кейингина берилади.

Амалга оширилган нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Нотариал ҳаракатларнинг махфийлиги манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонуний ҳимоя қилиш билан бирга уларнинг мулкӣ дахлсизлигини ҳам кафолатлайди.

Бажарилган нотариал ҳаракатнинг махфийлиги шахснинг эрки ва мулкӣ ҳолати қонун даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Нотариал идоралар ўз фаолиятида ушбу тамойилга риоя қилиш билан мулк эгаларининг ўз мол-мулкларини эркин тасарруф этишларига ҳам имкон яратади.

Нотариал ҳаракатларни бажарувчи мансабдор шахслар билан бирга, нотариал идорада иш ўрганувчи стажёрлар ҳам ўзига маълум бўлган нотариал ҳаракатларни сир сақлашга мажбурлар.

Нотариал сир ошкор қилинган ва бунинг оқибатида шахсга зарар етказилган тақдирда, хусусий нотариал идора зарар етган шахсга катта миқдорда товон тулайди.

2.6. Нотариал ишларни давлат тилида юритилиши.

Ўзбекистон Республикасида нотариал ҳаракатлар давлат тилида амалга оширилади. Республикамиз мустақиликка эришгач, 1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур Қонуннинг 1- моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.¹

Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга оширувчи шахс томонидан рус тилида ёки имкон бўлса бошқа мақбул тилда берилишлиги Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 11-моддасида кўрсатилган бўлиб, бу қоида Республикамиз мустақилликка эришгач қўлга киритган ютуқларимизнинг маҳсулидир.

Агар мурожаат қилган шахс тушунмаган тилда бажарилган нотариал ҳаракатни олса, бундай ҳолларда нотариус ёки нотариус таниган таржимон томонидан таржима қилинади, ҳамда ҳужжатга матни таржима қилинганлиги ва мазмуни нотариус томонидан тушунтирилганлиги ҳақида белги қўйилиб имзоланади. Нотариал ҳаракатни бажаришни сўраб мурожаат қилган шахс ҳужжат тузилган тилни

¹ Ўзбекистоннинг Янги қонунлари № 12 Тошкент «Адолат» 1996 йил 50 бет.

билмаган тақдирда, у бу ҳужжатга ўзи билган тилда имзо қўйиши мумкин.

2.7. Нотариал ҳаракатларни бажаришда ҳудудий тааллуқлилик.

Амалдаги қонунга кўра манфаатдор шахс нотариал ҳаракатни бажаришни сўраб хоҳлаган нотариал идорасига мурожаат этишига ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 16-моддасида нотариуснинг фаолият кўрсатиш ҳудуди (нотариал округ) Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий бўлинишига мувофиқ белгиланади. Туманларга бўлинган шаҳарларда тегишли шаҳарнинг бутун ҳудуди нотариал хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари аниқ ҳолатларни ҳисобга олиб, нотариуснинг ваколатлари амал қиладиган ҳудудни ўзгартириши мумкин.

Ҳар бир фуқаро ёки юридик шахс нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун хоҳлаган нотариусга мурожаат қилишга ҳақли.

Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 37, 44, 51, 59, 62, 63, 74, 82 ва 93 моддаларида кўрсатиб ўтилган ҳоллар бундан мустано.

Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 37-моддасида нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқидаги чеклашларга кўра нотариус қонунда кўрсатиб ўтилган шахсларга нисбатан бундай ҳаракатларни бажармаслиги кўрсатилган.

Қонуннинг 44-моддасида рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш тартиби кўрсатилган бўлиб, уй-жойни(уй-жойнинг бир қисмини) квартира, дала, ҳовли, гараж, шунингдек бошқа бино, иншоот ёки иморатни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар шу мол-мулк жойлашган ҳудудда тасдиқланади.

Бундан ташқари меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган жойдаги нотариус томонидан амалга оширилади.

Мерос мол-мулкни кўриқлаш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракат ҳам мерос очилган жойдаги нотариус томонидан амалга оширилади.

Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 74-моддасига асосан нотариус қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда кредиторга

топшириш учун қарздордан депозитга пул суммалари ва қимматли қоғозларни қабул қилади.

Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус қабул қилади.

Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 82-моддасига асосан нотариус чекни тўловга тақдим этиши ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлайди. Бу ҳаракат тўловчининг турар жойидаги нотариус томонидан бажарилиб, нотариус тўловга тақдим этилган чекни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда қабул қилиб олади.

Ҳар бир нотариал идора қонунда белгилаб берилган ва қонунга зид бўлмаган нотариал ҳаракатларни бажаради, лекин айрим нотариал ҳаракатлар ҳудудий тааллуқлигига қараб амалга оширилади.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни белгиланган фаолият ҳудудидан ташқарида амалга ошириши бу ҳаракатни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўлмайди.

Нотариус мавжуд бўлмаган ҳудуддаги васият қилувчи оғир касал бўлган ҳолларда васиятномани тасдиқлаш учун нотариус ўзи хизмат кўрсатадиган ҳудуддан ташқарига чиқишга ҳақли.

2.8. Нотариал ҳаракатни бажаришда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоялиниши.

Нотариал ҳаракатда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари нотариус ёки нотариал ҳаракатни бажарувчи мансабдор шахс томонидан ҳимояланади.

Нотариус жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашади, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беради; томонлар тақдим этган битимлар лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтиради, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш келмаслигини текширади; юридик жиҳатдан беҳабарлик жисмоний ва юридик шахслар зарарига фойдаланилмаслиги учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантирадилар, шунингдек қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатларни амалга оширишни рад этади.

Бу билан нотариус нотариал ҳаракатни амалга ошириш жараёнида мурожаат этган шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

2.9. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ҳамкорлик тамайили.

Бу тамайил нотариус томонидан халқаро шартномалар ва битимларни амалга ошириш ва қабул қилиб олишда татбиқ этилади.

Нотариус халқаро шартномалар талабларига мувофиқ тузилган ҳужжатларни қабул қилиб олиши ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига зид келмаса, уларга бошқа давлатларнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклда тасдиқловчи устихат ёзиш каби ва бошқа ҳолларда ифодаланади.

Давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси бошқа хорижий давлат билан халқаро шартнома ёки мерос мулкани кўриқлаш тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрларни ўз ичига олувчи битим тузилган тақдирда тегишли ҳаракатларни бажаради. Чет эл давлати фуқароси вафот этганлиги тўғрисида хабар олгандан кейин (вафот этган шахснинг мол-мулки Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган тақдирда) тегишли шартномага амал қилган ҳолда нотариус ана шу мерос мулкани кўриқлаш юзасидан зарур чораларни кўрадилар. Аввало мерос қолган мулкнинг миқдори унинг қийматини белгилаши, меросхўрлар доирасини аниқлаши, васиятнома бор йўқлиги текшириб кўриши каби ҳаракатларни амалга оширади.

Агар халқаро шартномада мулк тўғрисидаги ишни юритиш вафот этган шахс фуқароси бўлган чет давлатнинг муассасаларининг вазифасига тегишли бўлган тақдирда кўчар мерос мол-мулки давлат нотариал идораси томонидан ана шу давлатнинг дипломатик ёки консуллик вакиллигининг талабига кўра уларга топширилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномаларга мувофиқ чет давлат қонунида назарда тутилган шакл бўйича тузилган васиятнома васият қилувчи вафотидан сўнг уни очиш ва эълон қилиш учун нотариал идорага тақдим этилган тақдирда давлат нотариуси васиятноманинг мазмунини эълон қилади ва бу ҳақда баённома тузади.

Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида чет эл адлия идоралари томонидан белгиланган тартибда берилган топшириқларни бажарадилар.

Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно ҳисобланади. Масалан, топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига зид

келадиган ва Ўзбекистон Республикаси хавфсизлигига таҳдид солган тақдирда; топшириқни бажариш Ўзбекистон Республикаси нотариал идораларининг ваколатига кирмаган тақдирда.

Чет эл адлия органларининг айрим нотариал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги топшириқларини бажариш тегишли қонунлар асосида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари ҳам айрим нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисидаги топшириқлар билан чет эл адлия идораларига мурожаат қилишлари мумкин. Бундай ҳаракатлар икки томонлама ҳуқуқий ёрдам турига киради.

Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг чет эл адлия идоралари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси иштирок этаётган халқаро шартномалар ва битимлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идоралари чет давлат органларида иш юритиш учун талаб қилинадиган далил-исботлар билан таъминлайдилар. Далиллар билан таъминлаш ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик прцессуал кодексининг меъёрларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Назорат саволлари:

1.Нотариал идоралар фаолиятини тартибга солувчи тамойиллар ҳақида тушунтириш беринг ва уларни бирма-бир изоҳланг?

2.Бажарилган нотариал ҳаракатлар ҳақида кимларга, қандай асосларга кўра маълумот берилади?

3.Нотариал ҳаракатни амалга ошириладиган тил ҳақида фикр билдиринг?

4. Нотариал идоралар фаолиятида ҳамкорлик тамойили ҳозирги кунда қандай йўлга қўйилган?

5.Нотариал ҳаракатни бажарган шахс уни ошкор этган тақдирда қандай чоралар белгиланган?

3.Мавзу: Давлат нотариал идоралари. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар ва улар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар. Нотариал фаолиятнинг суғурталаниши

3.1. Давлат нотариал идоралари ва улар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар.

Республикамизда давлат нотариал идораларида катта нотариуслар , шунингдек давлат нотариуслари нотариал ҳаракатларни амалга ошириб фаолият кўрсатиб келмоқдалар.

Нотариал ҳаракатларни сифатли қонунга таянган ҳолда амалга оширишни йўлга қўйишлик учун жойларда 1-сонли давлат нотариал идоралари ташкил этилган. Биринчи сонли давлат нотариал идораларида хизмат қилаётган давлат нотариуслари зиммасига туманларда фаолият кўрсатувчи нотариусларга бевосита ёрдам кўрсатиш масаласи ҳам юклатилган.

Нотариус Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби акс эттирилган нотариус исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими ва жойлашган манзили ёки давлат нотариал идорасининг номи кўрсатилган шахсий муҳри ва тасдиқловчи ёзувлар битилган штампларга эга бўлади. Нотариуслар нотариал ҳаракатларни давлат номидан амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасида Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасига асосан давлат нотариал идоралари қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

1. битимларни тасдиқлайди;
2. васиятномаларни тасдиқлайди;
3. эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар беради;
4. мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди;
5. меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради;
6. мерос мул-мулкнинг қўриқлашига доир чора-тадбирлар кўради;
7. ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
8. ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлиги шаҳодатлайди;
9. ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;

10. кўчмас мулк очик савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради;
11. фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди;
12. фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
13. фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
14. ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
15. жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга топширади;
16. пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
17. ҳужжатларни сақлаш учун қабул қилиб олади;
18. пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди;
19. ижро хатларини ёзади;
20. векселларнинг протестларини амалга оширади;
21. денгиз протестларини амалга оширади;
22. нотариал тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини ҳамда реестрлардан кўчирмаларни беради.

Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариуслар қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширишлари мумкинлиги қонунда кўрсатиб ўтилган.

Нотариуснинг олий юридик маълумотга эга бўлган ёрдамчиси ва стажёри бўлиши мумкин. Давлат нотариал идорасига стажёр ва ёрдамчини ишга қабул қилиш меҳнат шартномаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликлар Адлия бошқармалари томонидан амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар белгиланган бухгалтерик ва статистика ҳисоботларини юритадилар, молия ва солиқ органларига бюджетга тўланадиган солиқларни ҳисоблаш ва уларни тўлаш билан боғлиқ маълумотларни тақдим этадилар.

Республикамиз мустақилликка эришгач, нотариал идоралар фаолиятида ўзини –ўзи бошқариш тизими яратилди.

Ўзини- ўзи бошқарувчи нотариал идоралар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар бўлиб, улар томонидан ҳам нотариал ҳаракатларни амалга оширилиши амалдаги қонунчилигимизга киритилган янги жиҳатлардан ҳисобланади

3.2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоралар фаолияти.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идора юридик шахс, ўз идораси, банкда ҳисоб-китоб варағи ва бошқа ҳисоб варақлар очиш, мулкӣ ҳамда шахсий номулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш, ходимлар билан меҳнат шартномаларни тузиш ва уларни тўхтатиш, тушган даромадни тасарруф этиш, судда ўз номидан қатнашиш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга оширишга ҳақлидирлар

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунда белгиланган тартибда тузиладиган нотариал палатага бирлашишлари мумкин.

Республикамизда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Палатаси ташкил этилган бўлиб, Палата ўз Низомига эга. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Палатаси Тошкент шаҳрида ва вилоятларда ҳам ташкил этилган.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус таътилга чиқиш ва давлат ижтимоӣ суғурта бўйича нафақаларнинг барча турини олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Нотариусга давлат ижтимоӣ суғуртаси бўйича нафақа тайинлаш ва тўлаш ҳамда унинг давлат пенсияси таъминоти амалдаги қонун ҳужжатларига муфовиқ амалга оширилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ олий юридик маълумотга эга бўлган шахслар орасидан стажёрни, шунингдек ёрдамчини мустақил тарзда ишга қабул қилишга ҳақлидир.

Нотариуслар давлат нотариал идорасида ишлашидан ёки хусусий амалиёт билан шуғулланишидан қатъи назар, нотариал ҳаракатларни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга ва бир хил мажбуриятларга эгадирлар . Нотариуслар томонидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бир хил юридик кучга эга бўлади.

Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, адлия бошқармалари томонидан малака комиссияларига имтиҳон топширгач , ушбу комиссиянинг қарорлари асосида берилади.

Лицензия бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгилаб қўйилади. Лицензия бериш рад этилганлиги ҳақида манфаатдор шахс Қорақалпоғистон Республикаси Адлия

вазирлиги, адлия бошқармасининг қарорини олган кундан бошлаб бир ой ичида судга шикоят қилишлари мумкин.

Лицензия олган, лекин уч йил мобайнида нотариуслик лавозимида иш бошламаган фуқаро малака имтиҳонини қайта топширганидан кейингина нотариуслик лавозимида ишлашига йўл қўйилади.

3.3. Нотариал фаолиятнинг суғурталаниши.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус ўз фаолиятини суғурта қилиш тўғрисида шартнома тузиши шарт. Нотариус суғурта шартномасини тузмасдан ўз мажбуриятларини бажаришга ҳақли эмас. Суғурта суммаси белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баробаридан кам бўлмаслиги лозим. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус амалга оширган нотариал ҳаракати ҳақидаги маълумотларни қасддан ошкор қилганлиги ёки қонун ҳужжатларига зид бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширганлиги учун, бунинг оқибатида етказилган зиённи суд қарорига биноан қоплашлиги қонунда ўз ифодасини топган.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар белгиланган бухгалтерлик ва статистика ҳисоботларини юритадилар, молия ва солиқ органларига бюджетга тўланадиган солиқларни ҳисоблаб ва уларни тақдим этадилар.

Давлат нотариуслари ва Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус лозим ҳолларда ўз хоҳиши билан зиммасидаги ваколатларни соқит қилишлари мумкин.

Давлат нотариал идораларида ишловчи нотариусларни давлат бюджети ҳисобидан маблағ билан таъминланса, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда ҳуқуқий ва техник турдаги хизматлар кўрсатганлик учун олган пул маблағлари, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа молиявий тушумлари давлат бюджетига солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин нотариуснинг мулкига ўтади.

Депозит ҳисоб варақаларида турган пул маблағлари хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг даромади ҳисобланмайди.

3.4. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа идоралар, мансабдор шахслар ва уларнинг фаолияти.

Нотариал ҳаракатларни давлат нотариусларидан ташқари бошқа идоралар ҳам амалга оширадилар.

Аҳоли пунктида нотариус мавжуд бўлмаган тақдирда нотариал ҳаракатларни шаҳарлар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоқоллари) ҳам амалга оширишлари мумкин. Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасига асосан ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга кўра улар қуйидаги нотариал ҳаракатларин амалга оширадилар:

1. васиятномаларни тасдиқлайди;
2. ишончномаларни тасдиқлайди (автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно);
3. мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора тадбирларни кўради;
4. ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди (маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно);
5. ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Шаҳарлар, қишлоқ ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оксоқоллари) қонунларда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасаларининг консуллари ҳам нотариал ҳаракатларни амалга оширишлари қонунда кўрсатилган бўлиб булар қуйидагилардан иборат:

1. битимларни (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва бошқаларни) тасдиқлайди, (Ўзбекистон Республикасидаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно);
2. фуқаронинг тирик эканлик фактини тасдиқлайди;
3. фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлайди;
4. фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди;
5. ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди;
6. мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради;
7. меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беради;

8. эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳномалар беради;
9. ҳужжатларнинг нусхалари ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди;
10. ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди;
11. ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди;
12. пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиб олади;
13. сақлаш учун ҳужжатларни қабул қилиб олади;
14. ижро хатларни ёзади;
15. қонунда назарда тутилган бошқа нотариал ҳаракатларни бажаради.

Республикамиз мустақиликка эришгач, 1996 йил 29 августда Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави (келгусида Устав деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланди. Мазкур Уставнинг учинчи бўлим, 10 бобида консулликлар томонидан бажариладиган нотариал ҳаракатлар, консулнинг ҳужжатларни қонунлаштириш тартиблари белгилаб берилди.

Уставнинг 59-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, консулликлар томонидан бажарилаётган нотариал ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасасида бажарилади.¹

Айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур муассасадан бошқа жойда бажарилиши мумкин (Уставнинг 59- моддаси).

Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан, шунингдек Ушбу Устав билан белгилаб қўйилган. Консул томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисидаги йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Консуллик Уставнинг 61-моддасига асосан нотариал ҳаракатларни бажараётган консул ушбу нотариал ҳаракатларга оид сирни сақлаши шарт. Бажарилган нотариал ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ берилади.

Консуллик томонидан нотариал ҳаракатлар бунинг учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган, консуллик йиғимлари тўланган ва

¹ Ўзбекистоннинг Янги қонунлари № 14 Тошкент «Адолат»1997 йил 18-22 бетлар. Ўзбекистон Республикасининг Консуллик Устави.

амалдаги ҳаражатлар қопланган куни бажарилади.(Уставнинг 62-моддаси).

Нотариал ҳаракатларни бажариш қўшимча маълумотлар ёки ҳужжатлар талаб қилинганда ёки ҳужжатларни экспертизага жўнатиш зарурати бўлганда, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра кечиктирилиши мумкин.Уставнинг 63-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, нотариал тартибда тасдиқланадиган битимлар, шунингдек ариза ва бошқа ҳужжатлар нотариал ҳаракатларни бажараётган консул ҳузурида имзоланади.

Консул нотариал ҳаракатларни бажараётган вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, бажараётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари тўғрисида огоҳлантириши шарт (Уставнинг 64-моддаси).

Консул ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ва унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг яқин қариндошлари номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни бажариши мумкин эмас.

Уставнинг 66-моддасига биноан консуллик муассасасида нотариал иш юритишлар Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида амалга оширилади.

Агар Ўзбекистон Республикасида истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси фойдасига мерос очилганлиги консулга маълум бўлиб қолса, консул мерос ва эҳтимол тутилган меросхўрлар тўғрисида ўзи билган барча маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига дарҳол хабар қилиши шарт.

Консул ҳам айрим ҳолларда нотариал ҳаракатларни бажарувчи бошқа мансабдор шахслар каби нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этишлиги мумкин. Бу ҳолат Консуллик уставининг 68-моддасида ўз аксини топган бўлиб, бунга кўра агар нотариал ҳаракатни бажариш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига зид бўлса, консул бундай ҳаракатларни бажаришни рад этади.

Бундай ҳолларда нотариал ҳаракатни бажариш тўғрисидаги мурожаати рад этилган шахснинг илтимосига биноан унга рад этишнинг сабаблари баён қилиниб ва унинг шикоят қилиш тартиби тушунтириб берилади.(Уставнинг 68- моддаси).

Бундан ташқари консулнинг ваколатида ҳужжатларни қонунлаштириш ҳам бўлиб, консул ўз консуллик округидаги

маҳаллий маъмурларнинг вакиллари иштирокида тузилган ёки ана шу маъмурлардан келган ҳужжатлар ва актларни қонунлаштиради.¹

Консул томонидан ҳужжатларни қонунлаштириш тартибини Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги белгилайди. Консул бажарган нотариал ҳаракатлари учун давлат божи ундиради бу эса консуллик йиғимлари деб номланади.

Булардан ташқари қонунда нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномалар мавжуд бўлиб, буларга:

-касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйида яшаётган фуқароларнинг ушбу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош шифокорлари, уларнинг тиббиёт бўйича ўринбосарлари, ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек госпиталарнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалар ;

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи остида сузиб юрган кемаларда сафарда бўлган фуқароларнинг шу кемаларнинг капитанлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

- қидирув экспедицияларида ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

-ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар бўлмаган пунктларда эса шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларнинг, оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятнома ва ишончномалари;

- озодликдан маҳрум этиш жойлардаги ёки қамокдаги шахсларнинг тегишли муассаса бошлиқлари томонидан тасдиқланган васиятнома ва ишончномалари.

Васиятномалар ва ишончномаларни ушбу моддада айтиб ўтилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар Ўзбекистонда Республика Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибдаги қоидалари асосида амалга оширилади.

Юқорида санаб ўтилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятномаларнинг бир нусхаси васият қилувчи доимий яшайдиган

¹ Ўзбекистон Республикасининг консуллик Устави. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №14. –Т.: Адолат, 1997. 21-б.

жойдаги давлат нотариал идорасига сақлаш учун белгиланган муддатда юборилиши лозим.

Агарда васият қилувчининг Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойи мавжуд бўлмаса ёки унинг яшаш жойи номаълум бўлган тақдирда, васиятнома Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги белгилайдиган давлат нотариал идорасига юборилади.

Давлат нотариуси сақлаш учун келиб тушган васиятномани текшириб кўриши ва унинг қонунга номувофиқлигини аниқлаган тақдирда, бу ҳақда васият қилувчига ва васиятномани тасдиқлаган мансабдор шахсга маълум қилиши лозим.

4-Мавзу: НОТАРИУСНИНГ ҲУҚУҚИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ. НОТАРИУСНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИ

4.1. Нотариуснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

Республикамизда нотариуснинг ҳуқуқий ҳолати ва нотариал ҳаракатларни амалга ошириш кафолати қонун билан мустаҳкамланган. Нотариус ўз фаолиятини амалга оширишда аввало Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва юқорида кўрсатилганидек бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга таянган ҳолда иш тутиши лозим.

Нотариус томонидан бажарилган нотариал ҳаракат оқибатида фуқаро ва юридик шахслар зарар кўрмасликлари керак.

Нотариус қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- унга мурожаат қилган барча шахсларнинг нотариат тўғрисидаги қонунда назарда тутилган нотариал ҳаракатни амалга ошириши лозимлиги. (нотариал ҳаракатни амалга ошириш жойи қонун ҳужжатларда белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно);

- битим ва аризаларнинг лойиҳаларини тузиш, ҳужжатларнинг нусхаларини ва улардан кўчирмалар тайёрлаш, шунингдек нотариал ҳаракатларнинг амалга оширилишига доир масалалар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни талаб қилиб олиш ва ҳоказо.

Нотариуснинг мажбуриятлари:

- нотариус ўзига берилган бир қатор ҳуқуқлар билан бир қаторда манфаатдор шахсларга нисбатан айрим мажбуриятларни ҳам бажаришлари лозим. Бунга кўра нотариус жисмоний ва юридик шахсларга ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда кўмаклашиши, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериши;
 - томонлар тақдим этган битим лойиҳаларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тушунтириши, ушбу битимлар мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини ва қонун талабларига зид келиш-келмаслигини текшириши;
 - жисмоний ва юридик шахсларнинг юридик жиҳатдан беҳабарлигидан фойдаланмаслиги лозим. Шунинг учун амалга оширилаётган нотариал ҳаракатларнинг оқибатлари ҳақида уларни огоҳлантириш кераклиги;
 - қонун ҳужжатларига мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этишга оид ҳуқуқлари;
 - нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунчиликнинг бузилганлиги аниқланган тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхона, муассаса ва ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши;
 - қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда мерос ёки ҳадя тартибида бошқа шахсга ўтаётган мол-мулкдан ундириладиган солиқни ҳисоблаб чиқиши уни қиймати тўғрисида солиқ органига маълумотнома бериши ва ҳоказолар.
- Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек нотариус ўз касбий фаолиятини амалга ошириш вақтида маълум бўлган барча маълумотларни сир сақлашга мажбур. Айрим ҳоллардагина яъни нотариусга нисбатан нотариал ҳаракат билан боғлиқ ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилган тақдирда нотариус суднинг қарори билан жиноят ишига тааллуқли нотариал ҳаракатларни ошкор этишга йўл қўйилади.

4.2. Нотариуснинг жавобгарлиги.

Давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус қонун ҳужжатларига зид хатти-ҳаракатлар содир этган тақдирда, шунингдек солиқ органларига тақдим этиши лозим бўлган яъни Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 18-моддасида

назарда тутилган ахборотни солиқ органларига тақдим этмаган тақдирда, белгиланган тартибдаги жавобгарлик белгиланган.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус амалга оширилган нотариал ҳаракат ҳақидаги маълумотларни қасддан ошкор қилиши ёки қонун ҳужжатларига зид бўлган нотариал ҳаракатларни амалга оширган ҳолларда, бунинг оқибатида етказилган зиённи суд қарорига биноан қопланиши белгиланган.

4.3. Нотариус фаолиятининг молиявий таъминоти.

Давлат нотариал идорасида ишловчи нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик ҳамда ҳужжатлардан нусха (дубликат) берганлик учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича бож ундиради.

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божи ҳақида»ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонунига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрь №533 сонли Давлат божи ставкалари ҳақидаги қарори қабул қилинган бўлиб, бу қарорда нотариал идораларнинг ҳамда шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)нинг нотариал ишларни бажарганлик, шунингдек нотариал идоралар томонидан тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини берганлик, аризалар лойиҳаларини тузиш ҳамда ҳужжатлар ва улардан кўчирмалар тайёрлаб берганлик учун ундириладиган давлат божи ставкалари белгиланган.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус қонунда берилган ваколат доирасида ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида нотариал расмийлаштириш мажбурий қилиб қўйилган ҳаракатларни бажарганлик учун худди шу ҳаракатларни давлат нотариал идораларида бажарганлик учун олиниши назарда тутилган давлат божи миқдorigа мувофиқ тарифлар бўйича ҳақ ундирлади.

Давлат божи ҳақидаги қонун ҳужжатларида жисмоний ва юридик шахслар учун назарда тутилган имтиёзлар давлат нотариал идораларда ишловчи нотариуслар, шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, нотариал ҳаракатларни бажариш учун ҳужжатлар лойиҳаларини тузиш ҳужжат нусхаларини бериш ва бошқа техник ишларни бажарганларида мазкур шахсларга нисбатан татбиқ этилади.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажариш учун ўз иш жойидан ташқарига чиққан ҳолларда манфатдор жисмоний ва юридик шахслар унинг амалдаги транспорт харажатларини қоплайдилар.

Нотариал идорага мурожаат этган жисмоний (ёки) юридик шахслар билан нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тўғрисидаги қўшимча хизматлар кўрсатилганлиги учун ҳақ ундирилиши мумкин

Назорат саволлари:

1. Давлат нотариал идоралари томонидан қайси турдаги нотариал ҳаракатлар амалга оширилади?

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар қайси турдаги нотариал ҳаракатларни бажаришга ҳақли эмаслар?

3. Давлат нотариуси ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг ҳуқуқий ҳолатини тушунтириб беринг?

4. Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш қайси қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади?

5. Консулликлар томонидан бажариладиган нотариал ҳаракатларнинг тури ва уларнинг фаолияти ҳақида гапиринг?

6. Консул қайси ҳуқуқий ҳужжатга асосланиб нотариал ҳаракатни амалга оширади? У нотариал ҳаракатни бажаришни рад этиши мумкинми?


7. Консулнинг ҳужжатларни қонунлаштириши (легализация) қайси ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солинади?

8. Консул нотариал ҳаракатларни бажарганлиги учун давлат божи ундирадими ва бу қандай номланади?

9. Нотариуснинг ҳуқуқи, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, улар қайси қонунда ифодаланган?

10. Нотариуслар фаолиятининг молиявий таъминоти ҳақида нималарни биласиз?

5. МАВЗУ: НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ.



Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш белгиланган қоидаларга асосланган бўлиб давлат нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33-1 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларнинг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланмада; шу қарор билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланмада, шунингдек нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги Қўлланмада кўрсатиб ўтилган.

Нотариал ҳаракатларни бажаришнинг қоидалари нотариус томонидан бажарилаётган нотариал ҳаракатнинг мазмун ва моҳиятига амал қилган ҳолда қўлланилади. Нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносида амалга оширилади. Лекин айрим ҳолларда нотариал ҳаракат нотариал идора биносида амалга оширилмаслиги ҳам мумкин.

Масалан: фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа узрли сабабларга кўра нотариал идорага кела олмаса, нотариал ҳаракат нотариал идора биносидан ташқарида ҳам бажарилишлиги мумкин.

Нотариал ҳаракатлар нотариал идора биносидан ташқарида бажарилган тақдирда ҳужжатнинг гувоҳлантирувчи ёзувида ва нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрида нотариал ҳаракат амалга оширилган жой ёзилади ва манзилгоҳи кўрсатилади.

Масалан, нотариал ҳаракат касалхонада расмийлаштирилган бўлса, ҳужжатнинг гувоҳлантирувчи қисми қуйидагича ёзилади:

«2006 йил апрел ойининг йигирма бешинчи куни ушбу шартномани мен Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) томонларнинг эрки-иродаларига биноан ва амалдаги қонунларга асосан тасдиқладим.

Томонларнинг шахсини аниқладим, муомалага лаёқатлилигини текширдим, шахсий мулоқот даврида уларнинг муомалага лаёқатлиликлари шубҳа туғдирмади, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада уларнинг муомалага лаёқатсизликлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

Шартнома Тошкент шаҳар 16-сонли касалхонанинг, ички касалликлар бўлимида расмийлаштирилди.

Мазкур шартнома Тошкент шаҳар ЙХХБ томонидан рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Реестрга 1207 билан қайд этилди.

Давлат божи 80000 сўм миқдорида ундирилди.

Давлат нотариуси : имзо Мухр

5.1.Нотариал ҳаракатни бажариш муддати.

Нотариал ҳаракатлар давлат божи тўланиб, зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади (нотариат тўғрисидаги қонуннинг 31-моддаси).

Айрим ҳолларда нотариал ҳаракатларни бажаришни кечиктиришга қонун йўл қўяди бунинг учун агар талаб қилиб олиш ёки ҳужжатни экспертизага юбориш зарурияти бўлган ҳолатларда кечиктирилади. Шунингдек, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш башарти қонунга биноан манфаатдор шахслардан ушбу ҳаракатларни амалга оширишга эътироз бор-йўқлиги сўраш зарур бўлганда, кечиктирилиши мумкин. Лекин нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш муддати бир ойдан ошмаслиги лозим. Нотариал ҳаракатни амалга ошириш кечиктирилганида, бу ҳақда сўраб мурожаат қилган шахснинг талабига кўра кечиктириш ҳақидаги қарор берилади.

5.2.Нотариал ҳаракатни бажаришни тўхтатиб туриш.

Нотариал идорага мурожаат этган манфаатдор шахснинг талаби иккинчи томоннинг судга мурожаат этганлиги ҳақидаги Аризаси судда мавжудлиги ҳақида маълумотнома олиб келган вақтда кўпи билан ўн кунга нотариал ҳаракатни бажариш тўхтатиб турилиши мумкин. Нотариусга нотариал ҳаракатни бажаришни тўхтатиб туришликка тегишли орган томонидан берилган қарор асос бўлиб ҳисобланади.

Амалиётда кўпинча судлар даъво талаби тушган вақтда нотариал ҳаракатни бажарилишни тўхтатиб туриш ҳақида бир варақ йўлланма хат ёзиш билан чекланиб қоладиган ҳолатлар ҳам учраб ту-

ради. Бу эса нотариус учун бажарилиши лозим бўлган нотариал ҳаракатни тўхтатиб туришликка асос бўла олмайди.

Судлар ушбу мазмунда иш кўраётган вақтда албатта нотариал идорага мазкур нотариал ҳаракатни қайси сабабларга кўра тўхтатиб туриш лозимлиги баён этилган асослантирилган ажримни бир нусхасини юборишлари лозим бўлади.

Шундагина нотариус бажарилиши керак бўлган нотариал ҳаракатни иш судда кўриб мазмунан ҳал бўлмагунча тўхтатиб туришга ҳақли.

Нотариус нотариал ҳаракатни бажаришни иш судда кўриб ҳал бўлгунча тўхтатиб туришлиги ҳақида қарор чиқаради.

Масалан, меросхўрлардан бирортаси васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида низолашмоқчи бўлиб, васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво талаби келтирган бўлса, даъво талаби келтирган даъвогарнинг илтимосига кўра ушбу ишни кўраётган судья даъвони таъминлаш мақсадида амалдаги ЎЗР ФПКнинг 249-моддасига асосан даъвони таъминлаш чораси сифатида: жавобгарнинг муайян ҳаракатларни амалга оширишини тақиқлаш мақсадида, ушбу мисолимизда васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олмаслик чорасини кўриш мақсадида, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириши мумкин бўлган яъни васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштиришга киришган нотариал идоранинг нотариусига мазкур нотариал ҳаракатни бажаришни тўхтатиб туришлик ҳақида Ажрим чиқаради.

Мазкур иш юзасидан чиқарилган суднинг Ажрими нотариус учун нотариал ҳаракатни бажаришликни тўхтатиб туришликка асос бўлади.

Амалдаги ЎЗР ФПКнинг 254-моддасига асосан даъвони таъминлаш чоралари ишни кўраётган суд томонидан бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатилган. Бундай ҳолларда ишни кўрган суд амалдаги ЎЗР ФПКнинг 255-моддасига асосан суд даъвони таъминлаш чораси бекор қилинганлиги ҳақида Ажрим чиқаради ва бу ҳақда манфаатдор шахсларга хабар беради.

5.3. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг босқичлари.

Нотариал идорага мурожаат этган шахсларга нотариал ҳаракатни расмийлаштириш жараёни оддийгина ҳолат бўлиб кўринса-да, аслида бу бир қанча босқичларни ўз ичига олади.

Булар: Нотариал ҳаракатни бошланиш жараёни, нотариал ҳаракатни бажаришга тайёргарлик кўриш жараёни, нотариал ҳаракатни бажариш жараёнларидир.

Нотариал ҳаракатни бошланиш жараёни - бунда шахс нотариусга ўзига зарур бўлган нотариал ҳаракатни бажариб беришни сўраб мурожаат этади. Бу мурожаати оғзаки, баъзи вақтларда эса ёзма Ариза шаклида бўлиши мумкин.

Масалан: автоуловни бошқаришга ишончномани расмийлаштириб бериш бўйича мурожаати оғзаки тарзда бўлса, меросни қабул қилиш бўйича мурожаати ёзма ариза шаклида бўлади.

Шахснинг маълум бир турдаги нотариал ҳаракатни нотариусдан бажариб бериш ҳақидаги талабини баён этиши ва бунга нотариуснинг ўз муносабатини билдириши билан нотариал ҳаракат бошланади..

Иккинчи босқич нотариал ҳаракатни бажаришга тайёргарлик кўриш жараёни:- бунда нотариус мурожаат этган шахснинг шахсини аниқлайди, юридик шахс бўлса унинг вакилини ваколатини текширади, муомалага лаёқатлилигини, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатларини ва шахснинг талабини қонунийлигини текширади.

Мурожаат этган шахснинг ушбу нотариал ҳаракатда иштирок этиш ваколати бор ёки йўқлигини ҳужжатлар асосида текшириб кўради.

Масалан, автоуловни бошқариш учун ишончномани нотариал гувоҳлантиришни нотариусдан талаб қилган шахснинг автоуловга нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни, ишончнома олаётган шахснинг иштироки шарт бўлмаса-да, унинг автоулов бошқариш ҳуқуқи борлигини тегишли ҳужжат асосида текшириб кўриб, сўнгра нотариал ҳаракатни бажаришга киришади.

Учинчи босқич нотариал ҳаракатни бажариш жараёни бунда нотариус шахснинг талабини қонун асосида бажариб унга нотариал гувоҳлантирилган ҳужжат мисолимизда айтилганидек, автомашина бошқариш учун ишончномани беради. Ишончномани расмийлаштириш билан келиб чиқадиган оқибатлар жумладан ишончномани берган шахс хоҳлаган вақтда нотариал идорага мурожаат этиб ишончномани бекор қилиши мумкинлигини, ёки бўлмаса ишончнома унда кўрсатилган муддат мобайнида амалда бўлишлигини томонларга тушунтиради. Нотариал ҳаракатлар низосиз бўлганлиги сабабли ўз-ўзидан ижрога қаратилади.

5.4. Фуқаронинг шахсини аниқлаш ва унинг муомалага лаёқатлилигини текшириш.

Нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга ошириш вақтида мурожаат қилган фуқаролар, уларнинг вакиллари, шунингдек муассасалари, корхоналари, ташкилотлари, жамоа ҳўжаликлари ҳамда бошқа ширкат ва жамоат ташкилотлари вакиллариининг шахсини аниқлайди. Фуқароларнинг шахси паспорт бўйича, 16 ёшга тўлмаган балоғатга етмаганни шахси туғилиш гувоҳномаси бўйича аниқланади.

Ҳарбий хизматчиларнинг шахси шахсий гувоҳнома ёки ҳарбий қисмлар ва ҳарбий муассасалар қумондонлиги томонидан берилган ҳарбий билет асосида аниқланади.

Чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган кишиларнинг шахси истиқомат қилиш тури ёки ички ишлар органларида, ё бўлмаса бошқа ваколатли органларида қайд этилганлиги тўғрисидаги белги қўйилган миллий паспорт бўйича аниқланади.

Битимлар тасдиқлаб берилаётганда уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади. Фуқароларнинг муомала лаёқати улар билан суҳбат ўтказиш билан, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати эса уларнинг Устави орқали аниқланади.

Нотариал гувоҳлантириладиган барча ҳужжатлар нотариус ҳузурида имзоланиши лозим. Ҳужжатга имзо қўйишда фуқаро, юридик шахснинг вакили фамилияси, исми ва отасининг исмини ўз қўли билан ёзиб қўяди масалан: Мадинабону Сайдулла кизи Каримова. (имзо).

Агарда фуқаро жисмоний жиҳатдан ожиз, касал ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатларни ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг топшириғига мувофиқ шу шахснинг ўзи ва нотариус иштирокида битим, ЎзР Ф.К.нинг 1124-моддаси талаблари асосида ўзга фуқаро имзолаши мумкин, бунда нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган шахснинг ҳужжатни шахсан имзолай олмаслик сабаблари кўрсатилади.

Агар нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган фуқаро саводсиз ёки кўзи ожиз бўлса, нотариус унга ҳужжат матнини ўқиб бериши ва бу ҳақда ҳужжатга ёзиб қўйиши лозим.

Нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган манфаатдор шахснинг қулоғи кар, соқов ёки кар-соқов бўлса нотариал ҳаракатни амалга ошириш чоғида шу киши билан муомала қила ола-

диган ва ўз имзоси билан битим, ариза ёки бошқа ҳужжатнинг мазмуни манфаатдор шахснинг эрки, иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан гувоҳлантирадиган саводли шахс жалб этилади.

Юқорида қайд этилганидек, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонунига кўра:

Нотариуслар ўзининг номига ва ўз номидан эри ёки хотини номига ва уларнинг номидан, қариндош уруғлари (ота-она, болалар, набиралар, ака-укалар, опа-сингиллар, шунингдек улар билан ҳомийлик ва васийлик туфайли боғлиқ бўлган шахслар номига мазкур нотариал идора ходимлари номига ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ва уларнинг ходимлари ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмаслар).

Бундай талаблар нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг асосий қоидаларидан бири бўлиб, шунингдек нотариуслар изоҳ берилмаган тузатишлар, қўшимчалар киритилган, сўзлари ўчирилган ва кўзда тутилмаган бошқа ўзгартириш бўлган ҳужжатларни, каламда ёзилган ҳужжатларни нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун қабул қилмайдилар.

Бир неча саҳифаларда баён этилиб, саҳифалари рақамланган ва ип ўтказилиб тикилмаган ҳужжатлар, ҳужжатни берган давлат муассасаси, корхонаси, ташкилоти, жамоа хўжалиги ҳамда бошқа ширкат ва жамоат ташкилоти мансабдор шахснинг имзоси ва муҳри бўлмаган ҳужжатларни нотариал шаҳодатлаш учун қабул қилмаслиги керак.

Нотариал тасдиқланган ҳужжат матни аниқ ва равшан ёзилган бўлиши керак, ҳужжатнинг мазмунига тааллуқли сана ва муддатлар жуда бўлмаганда бир марта сўз билан, юридик шахсларнинг номлари уларнинг органлари манзилгоҳи кўрсатилаган ҳолда қисқартиришларсиз ёзилиши, зарур ҳолларда эса банк бўлимидаги жорий ҳисоб рақами кўрсатилиши керак. Фуқароларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, уларнинг яшаш жойи кўрсатилган ҳолда тўла ёзилиши керак. Чет эл фуқаролари номидан битимларни тасдиқлашда уларнинг фуқаролиги ҳам кўрсатиб ўтилади.

Ҳужжатдаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизик тортиб қўйилади. Чет элда амал қиладиган ҳужжатлар бундан мустасно, бўлиб уларда чизик тортишларга йўл қўйилмайди.

Қўшимча ва тузатишлар тегишли шахслар (битимларнинг қатнашчилари ва битимни, аризани ва шу сингариларни имзолаган

бошқа шахсларнинг имзоси олдиндан изоҳланиши ва тасдиқловчи ёзув охирида такрорланиши лозим. Бунда тузатишлар шундай қилиниши керакки, хато ёзилган, ундан кейин ўчирилаётган барча сўзларни бошланғич матнда ўқиш имкони бўлсин).

Ҳужжат матнига киритилиб, томонлар имзоламайдиган ҳужжатлардаги тузатишлар тасдиқловчи ёзув охирида фақат нотариус томонидан изоҳланади. Нотариал тасдиқланиши керак бўлган ҳужжат нотўғри ёки саводсиз ёзилган бўлса, давлат нотариуси мурожаат қилган шахсга уни тузатиш ёки бошқа ёзишни таклиф қилади.

Мурожаат қилувчининг илтимоси билан ҳужжат нотариус ёки нотариал идоранинг бошқа ходими томонидан тузилиши мумкин.

Нотариал тасдиқланаётган ёки шаҳодатлантирилаётган ҳужжатлар бир неча алоҳида саҳифаларда баён этилган тақдирда, улар ип ўтказилиб тикилиши, саҳифалари эса рақамланиши лозим. Ип ўтказилиб тикилган саҳифаларнинг сони нотариал идорасининг гербли муҳри қўйилган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланиши талаб этилади.

Битимларни тасдиқлаш, ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилиги, ҳужжатнинг бир тилдан иккинчи тилга таржимасини тўғрилиги, ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини шаҳодатлантириш чоғида, ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлашда тегишли ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган формалар бўйича гувоҳлантириладиган ёзувлар амалга оширилади ва нотариус томонидан имзоланиб, нотариал идорасининг гербли муҳри босилади.

Тасдиқловчи ёзувнинг матни ёзув машинкасида ёки қўлда ўчирмасдан аниқ ёзилиши шарт, очиқ жойларга чизик тортиб қўйилиши, ёзувлар ва бошқа тузатишлар Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларнинг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги қўлланманинг 16-бандида кўрсатилган қоидалар асосида изоҳланиши керак.

5.5. Нотариал реестрлар.

Нотариуслар томонидан амалга ошириладиган барча нотариал ҳаракатлар уларни рўйхатга олиш расмий китобида (реестрда) қайд этилади.

Ҳар бир нотариал ҳаракатга алоҳида тартиб рақами берилади, реестрда қайд этилган нотариал ҳаракат рақами нотариус томонидан бериладиган ҳужжатларда ва гувоҳлантирувчи ёзувларда кўрсатилади, бу рақамлар бир-бирига тўғри келиши керак. Яъни реестрдаги тартиб рақами билан нотариал гувоҳлантирилган ҳужжатнинг тартиб рақами бир хил бўлиши лозим.

Ҳужжатларнинг нусхаларини тўғрилиги шаҳодатланганда ҳужжатнинг ҳар бир нусхасига алоҳида реестр рақами берилади. Шаҳодатлаш ёзувида ҳар бир нусхасини алоҳида мустақил тартиб рақами кўрсатилади.

Қўлланмада белгиланишича (20 бандида) нотариал ҳаракатлар рўйхатга олинadиган реестрдаги рақамлаш бир календар йил бошида биринчи сон (номер) билан бошланади.

Реестрлар ип ўтказилиб тикилиши, ҳар бир саҳифалари рақамланиши лозим. Саҳифаларнинг сони Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Адлия бошқармаларининг бошлиги томонидан ёки ваколатли ходимнинг имзоси билан тасдиқланиши ва Адлия органининг муҳри билан тасдиқланиши белгиланган.

Нотариал идораларда иш ҳажмининг кўплигини ҳисобга олиб бир неча нотариуслар фаолият кўрсатиши мумкин. Масалан Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасида ўндан ортиқ нотариус бир вақтнинг ўзида фаолият кўрсатади. Бундай ҳолларда ҳар бир реестрга алоҳида мустақил индекс рақами берилади.

Масалан № 1-1, № 2-1, 3-1 ва ҳоказо. Буни мазмунида биринчи рақам нотариусга реестр учун берилган Индекс рақами ёзилса, иккинчи рақам тартиб рақами бўлиб ҳисобланади. Бир нотариал идорада масалан ўн нафар нотариус фаолият кўрсатган тақдирда Индекс рақами №10 гача бўлади. Индекс рақами йилнинг охиригача ўзгармаган ҳолда нотариал ҳаракатлар бажаралади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда индекс рақами Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимликлари Адлия бошқармасининг рухсати билан нотариал фао-

лият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия номери индекс номери қилиб белгиланиши мумкин.

Масалан № 17-1, бунда 17 лицензия рақами, 1 тартиб рақами. Бундан ташқари нотариал идораларда бошқа реестр дафтари ҳам юритилиши мумкин. Бу нотариал идорада ишловчи ходимларнинг айрим қийинчиликларини бартараф этиш, фуқароларга тез ва сифатли фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида юритилади, масалан: васиятномаларни рўйхатга олувчи алоҳида алфавит китоби, мерос ишларини рўйхатга олувчи реестр китоблари ва ҳ.к.

Реестр китобида очик жойлар қолмаслиги лозим. Очик жойларга чизик тартиб қўйилади. Реестрларга ўзгартириш киритиш ва тузатишларга йўл қўйилмайди. Баъзи ҳолларда бундай ҳолатга дуч келинса, фақат нотариуснинг имзоси билан амалга оширилиб, буни сабаби нотариус томонидан далолатнома тузилиб ўша жойга тиркалади.

Нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш Реестри бир неча графалардан иборат бўлиб:

1-графада бажарилган нотариал ҳаракатнинг тартиб рақами кўрсатилади;

2- графада бажарилган нотариал ҳаракатнинг амалга оширилган вақти йил, ой, кун кўрсатилади;

3-графада мурожаат этган шахснинг фамилияси исми, отасининг исми, яшаш жойи, юридик шахснинг номи, вакилнинг ваколати, (отоналар, васийлар ёки ҳомийлар иштирок этганда уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат ёки ишончнома) ушбу графада шахсан ўзлари имзо қўя олмайдиган шахслар ўрнига имзо қўйган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади;

4-графада мурожаат этган шахснинг шахсини аниқловчи ҳужжат паспорт ёки ўрнини босувчи ҳужжатнинг серия рақами, берилган йил, ой, кун, ким томонидан берилганлиги ёзилади;

5-графада нотариал ҳаракатнинг қисқача мазмуни ёзилади;


6-графада ундирилган давлат божи миқдори кўрсатилади бунда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи паттанинг рақами, тўланган куни, қайси банкка тўланганлиги, касса апаратининг рақами ёзилади. Давлат божи нотариал ҳаракат бажариладиган кунда тўланган бўлиши керак. Нотариал ҳаракат бажарилган кундан сўнг тўланмаслиги лозим.

Шахс давлат божи тўлашдан озод қилинган бўлса, қандай асосларга кўра давлат божидан озод қилинганлиги ушбу графада ёзилади;

7-графада бажарилган нотариал ҳаракатни олганлик ҳақида имзо қўйилади;

5.6. Давлат божи ҳақида

Нотариал идорага мурожаат этган шахслар, бажарилган нотариал ҳаракат учун қонунда белгиланган миқдорда давлат божи тўлайдилар. Давлат божини ундириш тартиби икки турга бўлинади:



Оддий тартибда давлат божи ундирилганда қатъий белгиланган ставка (тариф) асосида ундирилади. Масалан: васиятномаларни тасдиқланганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида.

Никоҳ шартномасини тасдиқланганлик, унга ўзгартиришлар киритганлик ёки унинг амал қилишини тўхтатганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида;

Ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқланганлик учун жисмоний шахслардан ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;

Юридик шахслар учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида.

Давлат божи пропорционал тартибда ундирилганда давлат божининг миқдори ўзгариб туради, бу миқдор томонларнинг баҳолаган нархидан келиб чиқиб ундирилади. Масалан: квартираларни (квартираларнинг бир қисмини) шу жумладан, хусусийлаштирилган квартиралар, уйлар, дала ҳовлилар, гаражлар бошқа бинолар иншоотлар ва иморатларнинг олди-сотди, айирбошлаш, рента олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга бериш ва ҳадя қилиш шартномаларни тасдиқлаганлик учун:

- мулкдорнинг эри ёки хотинига, ота-оналарига, болаларига, набираларига, бувиларига, буваларига, туғишган ака-укалари, опасингилларига 1 кв.м майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида,

-мол-мулкни гаровга қўйиш шартномаларини тасдиқланганлик учун шартнома суммасининг 0,1 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги № 533 сонли қарори билан давлат божи ставкалари тасдиқланган бўлиб, бунга асосан:

Нотариал идораларнинг ҳамда посёлкалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг нотариал ишлари бажарганлик учун, шунингдек нотариал идоралар томонидан тасдиқланган ҳужжатларнинг дубликатларини берганлик учун, мазкур органларининг битишувлар, аризалар лойиҳаларини тузиб берганликлари ҳамда ҳужжатлар ва улардан кўчирмалар тайёрлаб берганликлари учун:

а) уй-жой қўриш учун муддатсиз фойдаланиладиган ер майдонлари берилиши билан боғлиқ бўлган шартномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 15 фоизи миқдорида;

б) квартираларни (квартираларнинг бир қисмини), шу жумладан, хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми), уйлар, дала ҳовлилар, гаражлар, бошқа бинолар, иншоотлар ва иморатларнинг олди-сотди, айирбошлаш, рента олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга бериш ва ҳадя қилиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун:

-мулкдорнинг эри ёки хотинига, ота-оналарига, болаларига, набираларига, бувиларига, буваларига, туғишган ака-укалари ва опа-сингилларига 1 кв.м майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида ;

-бошқа жисмоний ва юридик шахсларга 1 кв.м майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида,;

-хусусийлаштирилган квартиралар (квартираларнинг бир қисми) ким ошди савдоси орқали сотилганда 1 кв.м майдон учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорда;

г) мол-мулкни гаровга қўйиш шартномаларини тасдиқлаганлиги учун шартнома суммасининг 0, 1 фоизи миқдорида;

д) баҳоланадиган бошқа шартномаларни тасдиқлаганлик учун шартнома суммасининг 1,0 фоизи миқдорида , лекин энг кам иш ҳақининг 20 фоизидан кам эмас ;

е) мулкни бўлиш шартномаларини, кафиллик ва баҳоланмайдиган бошқа битишув шартномаларини тасдиқлаганлик учун: жисмоний шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ҳеч

бўлмаганда томонлардан бири юридик шахс бўлса энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.
Автоулов воситаларига нисбатан қуйидагича тартибда давлат божи ундирилади :

Транспорт тури	Фойдаланиш муддати		
	3 йилгача бўлганда	3 йилдан ортиқ бўлганда	7 йилдан ортиқ бўлганда

1. ҳар бир от кучи учун давлат божи ставкаси:

а)юк ташувчи ва енгил автотранспорт, шу жумладан, автобуслар, тракторлар,ўзи юрармашиналар учун	энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида	энг кам иш ҳақининг 7 фоизи миқдорида	энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида
---	--	---------------------------------------	---------------------------------------

б)чет элда ишлаб чиқарилган автотранспорт учун	энг кам иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида	энг кам иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида	энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида
--	--	--	--

2. Битта мототранспорт мотоцикла , мото кайиклар учун	энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдорида	энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида	энг кам иш ҳақининг 2 баравари миқдорида
---	--	--	--

Эслатма: Алмаштириш шартномасини расмийлаштиришда давлат божи шу божнинг кўп суммаси олинадиган фақат бир машинадан ундирилади.

Эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар ўртасидаги шартномалар расмийлаштирилаётганда давлат божи белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади; туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасидаги шартномалар расмийлаштирилаётганда

белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади.

Йўл транспорт ҳодисаси натижасида шикастланган автотранспорт воситаларнинг олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя этиш шартномалари расмийлаштирилаётганда бож миқдори шу транспорт воситалари яроқлилигининг қолдик фоизига қараб ўзгартирилади ва унинг миқдори битишув қатнашчиларининг ҳоҳишига кўра ва давлат нотариуснинг топшириғига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг суд-экспертиза муассасаларининг мутахассислари, бундай муассасалар бўлмаган вилоятларда эса «Ўзавтотеххизмат»корхоналари томонидан белгиланади.

ж) эр-хотинларга никоҳда яшаган вақтларида тўпланган умумий мол-мулкдаги уларнинг ҳиссасига қараб мулк ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома берганлик энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда:

з) мол-мулкдан (автомототранспорт воситаларидан ташқари) фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқига ва кредит операцияларини амалга оширишга ишончномаларни тасдиқланганлик учун:

мамлакат ичкарисида амалга ошириладиган операциялар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида ;

чет мамлакатда амалга ошириладиган операциялар учун энг кам иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида ;

и) қуйидагиларни тасдиқлаганлик учун:

ота-оналар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналарини, болалар ва уларнинг эр-хотинлари, ака-укалар, опа-сингиллар, набиралар, жиянларга автотранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида ;

автомототранспорт воситаларидан бошқа шахсларнинг фойдаланиши ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида ;

автотранспорт воситаларини бошқа шахслар тасарруф этиши ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ;

к) бошқа ишончномаларни тасдиқлаганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорда:

л) мерос мулкни муҳофаза қилиш чораларини кўрганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорда:

м)хужжатнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимасининг тўғрилигини тасдиқлаганлик учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорда;

н) ижро хатлари ёзиб берганлик учун ундириладиган сумманинг 1 фоизи миқдорида, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан кам эмас ;

о) ҳужжатларнинг нусхалари ва улардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини тасдиқлаганлик учун.

Жисмоний шахслар учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдорида;

юридик шахслар учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида;

шу ишларни чет мамлакатда бажарганлик учун ҳар бир бет учун энг кам ойлик иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида;

п)хужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини, шу жумладан таржимон имзосининг ҳақиқийлигини тасдиқлаганлик учун:

жисмоний шахслар учун энг кам иш ҳақининг 2 фоизи миқдорда;

юридик шахслар учун энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида;

р) юридик ва жисмоний шахсларнинг аризаларини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга етказганлик учун ҳамда бошқа нотариал ишларни бажарганлик учун, мазкур банднинг «а»-«у» кичик бандларида назарда тутилганлардан ташқари энг кам ойлик иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ;

с) нотариал идораларда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг нусхаларини ва дубликатларини берганлик учун энг кам ойлик иш ҳақининг 2 фоизи миқдорида ;

т) банкларда счётлар очишда имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаганлик учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорда;

Изоҳ: Нотариал идораларнинг биноларидан ташқарида қилинган нотариал ҳаракатлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, шунингдек, ана шу ҳаракатларни бажариш учун жойларга бориш билан боғлиқ қилинган харажатлар ҳам тўланади

«СУД АМАЛИЁТИ.

6-МАВЗУ: НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ БАЖАРИШНИ РАД ЭТГАНЛИГИ ЁКИ НОТЎҒРИ БАЖАРГАНЛИГИ УСТИДАН БЕРИЛГАН ШИКОЯТЛАР БЎЙИЧА ИШЛАРНИНГ СУД ТОМОНИДАН КЎРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ .

6.1. Нотариал ҳаракатларнинг бажаришни рад этганлик устидан судга шикоят бериш тартиби. Шикоят юзасидан суднинг ҳал қилув қарори ва унинг ижроси.

Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонунининг 39-моддасида, шунингдек ФПК 273-моддасида кўрсатилишича агар нотариал ҳаракатларни бажарувчи мансабдор шахс ёки фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан бажарилиши лозим деб қонунда кўрсатилган нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этган тақдирда, бу ҳаракатларни нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс судга шикоят келтиришга ҳақли.

Манфаатдор шахс шикоятни нотариал идора, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идоралари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар турган жойдаги туманлараро судига бериши лозим.

Ушбу мавзунинг ёритишда шикоят бериш тартибини икки турга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

Биринчи- бажарилган нотариал ҳаракатлар юзасидан фуқароларнинг судга шикоят қилиш тартиби;

Иккинчи- нотариал ҳаракатни бажаришни рад этганлик юзасидан судга шикоят қилиш тартибларидир.

Бажарилган нотариал ҳаракатлар бўйича фуқаролар судга шикоят қилишлари учун, бу ҳақда шахснинг ҳуқуқлари бузилганлигини билган вақтдан бошлаб ЎзР ФКнинг 150-моддасида кўрсатилган, умумий уч йил даъво муддати белгиланлигини ва унга риоя этганлигига эътибор бериш керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган икки турдаги шикоят келтириш тартиби бир-бирига ўхшаш бўлса-да, лекин улар бир-биридан тубдан фарқ қилади. Биринчи турдаги шикоятда нотариал ҳаракат бажарилганлиги туфайли маълум бир оқибатлар юзага келган бўлади. Бажарилган бу нотариал ҳаракат манфаатдор шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаати бузилганлиги учун судга шикоят қилишга мажбур этади.

Иккинчи турдаги шикоятда эса, нотариал ҳаракат бажарилмаган, ҳеч қандай юридик оқибатлар юзага келмаган нотариус нотариал ҳаракатни қандайдир сабабларга кўра бажаришни рад этган бўлади.

Бажарилган нотариал ҳаракатни ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга бериладиган даъво аризасидан намуна:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур туманлараро
Фуқаролик ишлар бўйича судига.

Даъвогар: Абдуллаева Шоҳида Абдумуталовна
Яшаш жойи: Тошкент шаҳри, Шайхон-
тоҳур тумани, Чақичмон кўчаси 20 уй

Жавобгарлар: 1. Мусаев Зокир Каримович
Яшаш жойи: Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур тумани, Алимова
кўчаси, 26 уй.
2. Гуламова Озода Каюмжанова,
Яшаш жойи: Тошкент шаҳар
Шайхонтоҳур тумани, Саниш кучаси 2 уй.

ДА Ё В О А Р И З А

(Уй-жойга нисбатан олди- сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида)

Мен, Абдуллаева Шоҳида, жавобгар Мусаев Зокир билан 20 йил давомида қонуний никоҳдан ўтган ҳолда турмуш кечирдим. Оилавий турмушимиз давомида уч нафар фарзандли бўлдик:

1. Мусаев Шерзод Зокиржон ўғли 1983 йилда туғилган.

2. Мусаев Шухрат Зокиржон ўғли 1984 йилда туғилган.

Қизимиз Зиёдахон автоҳалокатдан ёшлик вақтида вафот этган.

Ўғилларимиз катта бўлиб қолгач, жавобгар эрим Мусаев Зокир ўзимиз яшаб турган, менинг номимга расмийлаштирилган Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани Шомахмудов кўчаси 169 уйни сотишни, пулига ўғилларимизга алоҳида, иккита квартира, ўзимиз учун эса кичикроқ ҳовли сотиб олиш фикрини билдирди.

Унинг ваъдаларига ишониб низоли уйни сотишга розилик бердим. Олиш-сотиш шартномаси Шайхонтоҳур тумани 1-сонли давлат нотариал идорасида икки мингинчи йил, тўртинчи апрель кунида расмийлаштирилган. Шартномада уйнинг баҳоси бир миллион ўн икки минг сўмга баҳоланди деб кўрсатилса-да, аслида ўн икки миллионга сотилган. Эримни илтимоси билан нотариус уйнинг суммасини кам кўрсатган. Шу суммага сотилганлиги ҳақида уйни сотиб олган шахс Гуламова Озода Қаюмжановна ҳам тасдиқлайди. Уйни сотилишидан тушган пулни эрим олган, бу ҳолатни гувоҳлар тасдиқлайди. Эрим уйни пулини ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди, мен болаларим билан уйсиз қолдим. Эрим бу билан қаноатланмай никоҳимизни бекор қилиш бўйича судга ариза ҳам берди. Ҳозирда ўзининг ёшидан 20 ёш фарқи бўлган ёшроқ аёлга уйланиб олган. Мен иккита болам билан бегоналарнинг уйларида ижарага яшаб юрибман. Эрим мени алдаган экан. Ушбуга кўра мени ва фарзандларимнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиб Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 113, 123-моддаларига асосланиб.

СЎРАЙМАН:

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани 1-сонли Давлат нотариал идораси томонидан 2000 йил 4 апрель куни (реестр №868 билан) қайд қилиниб гувоҳлантирилган олди- сотди шартномасини ҳақиқий эмас деб топишингизни.

Даъвогар: имзо Абдуллаева Ш.

Бундан ташқари амалиётда нотариал гувоҳлантирилган васиятномалар юзасидан ҳам кўплаб низолар келиб чиқиши учраб туради.

Нотариал гувоҳлантирилган васиятнома юридик кучга эга бўлиб, бир томонлама битим бўлганлиги сабабли бир қарашда низо келиб чиқмайдиган битим бўлиб кўринса-да, аслида низо келиб чиқиш ҳолатлари амалиётда мавжуд,

Масалан: Андижон шаҳар судига 2001 йилда фуқаро К. ариза билан мурожаат этиб, отаси вафот этганлигини, отасидан ҳовли-жой мерос бўлиб қолганлигини, меросни қабул қилишлик учун нотариал идорага борган вақтида эса, отаси ҳовли-жойни тўлалигича неварасига васият қилиб қолдирганлигини билади. Ва Васиятнома қалбакилаштирилганлиги (васиятномага отаси имзо қўймаганлигини) важ қилиб, васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш бўйича судга даъво ариза билан мурожаат этади.

Ушбу фуқаролик иши судда кўрилиши жараёнида, нотариус марҳум К.нинг талабига кўра васиятномани расмийлаштириш жараёнида Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 34-моддасига асосан: «нотариал тасдиқланадиган битимлар, шунингдек аризалар ва бошқа ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланиши, агар фуқаро жисмоний нуқсони, касаллиги туфайли ёки қандайдир бошқа сабабларга кўра битим, ариза ёки бошқа ҳужжатни ўз кўли билан имзолай олмаса, битим ариза ёки ҳужжат унинг топшириғига кўра унинг ўзи ва нотариус ҳозирлигида бошқа фуқаро имзолаши мумкинлигидан» келиб чиққан ҳолда расмийлаштирилганлиги аниқланади¹.

Суд жараёнида даъвогар отасини саводли эканлигини, нафақага чиққунга қадарли бош ҳисобчи вазифасида ишлаб келганлигини судга маълум қилади. Суд муҳокамаси жараёнида даъвогарнинг келтирган важи тасдиғини топади. Аниқланишича, нотариус васиятномани расмийлаштиришда мазмунан тўғри ҳаракат қилсада, лекин тасдиқлов ёзувини ёзишда хатога йўл қўйганлиги аниқланади.

Андижон шаҳар фуқаролик ишлар бўйича суди ушбу ҳолатларни инобатга олган ҳолда васиятномани бекор қилишни лозим топган².

Ушбу фуқаролик иши Андижон вилояти фуқаролик ишлар бўйича судида апелляция тартибида берилган шикоятга асосан қайта

¹ Андижон шаҳар фуқаролик ишлар бўйича суднинг 2002 й. жорий архивдан

² Андижон шаҳар фуқаролик ишлар бўйича суднинг 2002 й. жорий архивдан.

кўрилиб, суд нотариус томонидан хатога йўл қўйилган ҳолда ёзилган тасдиқлов хати васиятномани мазмунига таъсир этмаслигини асос қилиб, васиятномани ҳақиқий деб топади¹.

Ушбу ҳолатга кўра, нотариус қонунни нотўғри талқин қилиш ва қўллаши асосида хатога йўл қўйилганлиги аниқланди. Амалдаги қонунга кўра васият қилувчининг жисмоний камчилиги, ожизлиги, ёки бошқа жимоний камчиликлари туфайли ҳужжатни имзолай олмаслиги, шунингдек касаллиги туфайли васиятномага имзо қўя олмаслиги уни саводсиз дейишга асос бўлмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Ушбу иш бўйича бўйича васият қилувчи васиятномани расмийлаштириш жараёнида қўлини ҳаракатга келтира олмаслиги, сабабли васиятномага имзо қўя олмаганлиги аниқланган, масалани нотўғри тушуниш низо келиб чиқишига сабаб бўлган. Бундай ҳолатларни олдини олиш мақсадида Андижон вилоят суди, Андижон вилояти адлия бошқармасига нотариусга нисбатан хусусий ажрим юборган.

Ушбу мисолни таҳлили шуни кўрсатадики, нотариус ҳар бир нотариал ҳаракатни расмийлаштиришда, қонуннинг моҳиятини аниқ тушуниб етгандан кейингина татбиқ этиши лозим. Нотариус нотариал ҳаракатларни бажариш билан келгусида вужудга келиши мумкин бўлган низоли олдини олишга аҳамият бериши керак.

Юқоридаги фикримизни яна бир мисол билан асосламоқчимиз:

2000 йилда Тошкент шаҳар Мирзо-Улугбек туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судига фуқаролар «Д» ва «Е»лар мурожаат этиб, уларнинг отаси вафот этганлигини отасидан уй-жой, автомашина дала ҳовли мерос бўлиб қолганлигини, лекин отаси барча мулкларни иккинчи хотини «Л»га васият қилиб қолдирганлигини, аризачи фарзандлар эса марҳумнинг биринчи турмушидан бўлиб, иккинчи хотинидан фарзандлари бўлмаганлигини, отаси ҳаттоки, улар яшаб турган уй-жойни ҳам иккинчи хотинига ҳадя қилиб юборганлигини, отаси ҳаётлигида уларнинг муносабатлари яхши бўлганлигини шу сабабли отасининг бу ишлари уларда шубҳа туғдирганлигини кўрсатиб ҳадя шартномаси ва васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга даъво ариза билан мурожаат этадилар.

Судда даъвогар «Е»нинг болалигидан ногирон эканлиги, буни эса отаси билишлиги маълум бўлгач, судда нотариал идора томонидан расмийлаштирилган ҳужжатларга нисбатан шубҳа пайдо бўлади. Суд ишни холисона кўришни таъминлаш мақсадида ўлим олди ҳужжатли экспертизаси тайинлайди.

¹ Андижон вилояти фуқаролик ишлар бўйича суднинг 2002 й. жорий архивдан.

Экспертлар олдига:1. Марҳум нотариал ҳужжатларга имзо қўйиш вақтида ўз ҳаракатларига жавоб бера олганми? Ёки жавоб бера олмаганми? деб савол қўйилади. Ушбу саволга дастлабки тайинланган экспертиза 2000 йил 12 июл № 189 сонли хулосасига кўра марҳум васиятнома, ҳада шартномаларини расмийлаштиришда ўз ҳаракатларига жавоб берадиган даражада бўлганлигини кўрсатган. Комиссион экспертизанинг хулосаси эса марҳум ҳужжатларга имзо қўйиш даврида «муомалага лаёқатсиз» бўлган деб баҳолаш мумкинлигини қайд қилган.

2001 йил 28 июндаги фавкулодда экспертизанинг берган хулосасига кўра марҳум ҳужжатларга имзо қўйишда унинг оқибатларини тушуниб етмаган, деб баҳолаш мумкинлигини кўрсатиб ўтган.

Оқибатда нотариал идора томонидан расмийлаштирилган васиятнома ва ҳада шартномалари суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилган.

Ушбу мисолда биз бемор бўлиб ётган шахс маълум бир муддатга яхшиланиб нотариуснинг саволларига тўғри жавоб бергани билан уни тўлиқ муомалага лаёқатли деб тушунишлик хатога олиб келишини таъкидламоқчимиз.

Бундай ҳолларда шахснинг бузилган ҳуқуқи суд йўли билан ҳимоя қилинганлигини гувоҳи бўлдик.

6.2. Нотариуснинг нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этганлик бўйича судга шикоят қилиш тартиби.

Нотариуснинг нотариал ҳаракатни бажаришни рад этганлиги юзасидан бериладиган шикоятни ҳал этишни ўзига хос хусусиятга эга эканлиги тўғрисида юқорида баён қилган эдик. Бу қоидага кўра нотариал ҳаракатлар бажарилмаган, аксинча нотариус нотариал ҳаракатни бажаришни рад этган бўлади.

Қонун нотариусга нотариал ҳаракатни бажаришни қайси ҳолларда рад этишлигини асослаб беради бунга кўра:

-бундай ҳаракатни амалга ошириш қонунга зид бўлса:

- бу ҳаракат бошқа нотариус томонидан амалга оширилиши керак бўлса;

-муомалага лаёқатсиз фуқаро ёхуд зарур ваколатлари бўлмаган вакил нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраб мурожаат қилган бўлса;

- юридик шахс номидан амалга ошириладиган битим унинг устави ёки низомида кўрсатилган мақсадларга зид бўлса;

-битим қонун талаблирига мувофиқ бўлмаса;

-нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун тақдим этилаётган ҳужжатлар қонун талабларига мувофиқ бўлмаса;

нотариал ҳаракатни амалга ошириш рад этилган тақдирда нотариус бу ҳақда мурожаат қилинган кундан бошлаб уч кундан кечиктирмасдан қарор чиқаради.

Нотариус қарорда рад этиш сабабини кўрсатиб ўтади, ҳамда шикоят қилиш тартиби тушунтирилади.

Нотариус васиятномаларни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатларда жиддий эътибор бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1120-моддасида нотариал тартибда гувоҳлантирилиши лозим бўлган васиятнома ҳақида фикр юритилади. Бу ҳуқуқий меъёрга кўра «Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади». Амалда эса, айрим ҳолларда нотариал идорага манфаатдор шахснинг ўзи келиб, отаси ёки онаси унга уй-жойни васият қилиб қолдирмокчи эканлигини маълум қилади. Васиятнома эса Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1128-моддасига асосан мерос очилгунча қадар сир сақлашликни талаб қилади. Баъзида эса васият бўйича меросхўр васиятномага ўзи имзо қўйиши мумкинлигини сўраб мурожаат этадилар, ёки васиятномани вакил орқали расмийлаштириш масаласини ҳам қўядилар.

Васиятнома ҳеч кимнинг аралашувисиз шахсан тузилиши лозим. Шу боисдан ҳам васиятномани вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди.

Васият қолдирувчининг жисмоний нуқсонлиги, касаллиги ёки саводсизлиги оқибатида васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаслик ҳоллари бундан мустасно бўлиб, бу вақтда қонуннинг тегишли меъёрлари қўлланилади.

Васиятномани расмийлаштириш учун нотариал идорага муомалага лаёқатсиз шахс ёки манфаатдор томон муомала лаёқати чекланган шахслар ҳомийларининг розилигисиз мурожаат этсалар, нотариус нотариал ҳаракатни бажаришни рад этади.

Нотариуслар васиятномани муомалага лаёқати чекланган шахсларнинг талаби билан ҳомийларнинг розилигисиз расмийлаштиришга йўл қўймаслиги, шахс манфаатини кўзлаш мақсадида нотариал ҳаракатни бажаришлик ҳақидаги талаб рад этилганлигини ифодайлайди.

Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасида кўрсатилган бўлиб, агар муомалага лаёқатсиз фуқаро нотариал идорага мурожаат этган бўлса, нотариус ушбу шахсга нисбатан нотариал ҳаракатни бажаришни рад этишлиги белгиланган.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўлида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас деб кўрсатилган. Ушбу ҳолат вужудга келган тақдирда нотариус нотариал ҳаракатни бажаришни рад этиш бўйича асослантирилган Қарор қабул қилади.

Бундан ташқари қонун нотариусларни нотариал ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида тақдим этилган ҳужжатларга маълум талабларни қўяди: ҳужжатларни қириш, ўчириш ёки унга қўшимчалар киритиш, сўзларни устидан чизиш ва изох бериш рад этиш учун асос бўлади.

Агарда фуқаро хусусий нотариал идорага меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни талаб қилиб мурожаат этган тақдирда, нотариус Қонуннинг 24-моддасига асосан, бу ҳаракат ушбу нотариал идорага тааллуқли эмалигини кўрсатиб, нотариал ҳаракатни бажаришни рад этишга ҳақли.

Агар нотариуснинг нотариал ҳаракатни бажаришни рад этиш тўғрисидаги Қарорини нотўғри деб ҳисоблаган манфаатдор шахс бу хусусда давлат нотариал идораси ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус жойлашган ҳудуддаги судга шикоят қилишга ҳақли чунки умумий судловликка кўра фуқаролик иши жавобгар яшаб турган суднинг судловлигига тегишлидир (ФПКнинг 145-моддаси).

Нотариуснинг нотариал ҳаракатларни рад этганлик устидан манфаатдор шахснинг берган шикояти ЎЗР ФПКнинг давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари устидан шикоят ва аризалар бўйича иш юртиш) асосида кўрилади.

Манфаатдор шахснинг нотариусни нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги бўйича судга шикоят қилишига асос бўлиб, нотариал ҳаракатни бажаришни рад этганлиги тўғрисидаги қарор ҳисобланади.

Нотариал ҳаракатни бажаришни рад этганлик тўғрисидаги қарор қуйидаги тартиб ва талабларга жавоб бериши лозим.

«НАМУНА»

ҚАРОР

(Нотариал ҳаракатни бажаришни рад этиш ҳақида)

Тошкент шаҳри, икки минг иккинчи йилнинг май ойи ўн иккинчи куни.

Мен, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов туманида жойлашган, Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан 12 апрел 1999 йилда ТН № 120177 сонли лицензияга асосан ўз ваколатини амалга оширувчи, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани, Чилонзор даҳаси 12 мавзе 26 уйнинг 18 хонасида яшовчи фуқаро Абдуллаев Каримни талабига асосан бажарилиши лозим бўлган Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Чилонзор даҳаси 12 мавзе 26 уйнинг 18 хонасига нисбатан олди-сотди шартномасини расмийлаштиришни Ўзбекистон Республикаси «Нотариат» тўғрисидаги Қонуннинг 38-моддасига асосланиб ушбу хонадон низоли бўлганлиги, хонадонга нисбатан А.Икромов туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судининг 2002 йил 21 январ кунидаги Ажримиди қайд этилгандек, ушбу кунда низоли деб ҳисобланган хонадонга нисбатан суд томонидан низо бартараф этилганга қадарли тақиқ солинганлиги сабабли нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этаман.

Ушбу Қарор устидан манфаатдор шахс нотариал идора жойлашган ҳудуддаги судга шикоят қилишга ҳақли.

Нотариал идора муҳри имзо нотариус

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал Кодексининг 31-моддасида судга тааллуқли ишлар кўрсатилган бўлиб, бунга кўра:

1) тарафлардан ҳеч бўлмаганда биттаси фуқаро бўлган низоларга доир ишлар, қонунда бундай низоларни ҳал қилиш хўжалик суди ёки бошқа органларга топширилган ҳоллар бундан мустасно деб кўрсатилган. Бундан ташқари амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал Кодексининг 3-кичик бўлимида давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек мансабдор шахсларнинг хатти-

ҳаракатлари (қарорлари) устидан берилган шикоят ва аризалар бўйича иш юритиш тартиби белгиланган бўлиб, 264-модданинг 2-бандида нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёхуд уларни нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятларни кўриш тартиби берилган. Булардан ташқари ЎЗР ФПКнинг 273-моддасида нотариал ҳаракатлар ёки бундай ҳаракатларни бажаришни рад этганлик устидан шикоят бериш тартиби кўрсатилган:

Бу қоидага кўра агар манфаатдор шахс бажарилган нотариал ҳаракатларни ёки нотариал ҳаракатларни бажариш рад этилганлигини нотўғри деб ҳисобласа, бу ҳақда нотариал идора, шаҳарча, қишлоқ, овул ўз-ўзини бошқариш органи жойлашган ҳудуддаги судга шикоят беришга ҳақли эканлиги кўрсатиб берилган.

Мансабдор шахс томонидан васиятномалар ва ишонч қоғозлари нотўғри тасдиқланганлиги ёки уларни тасдиқлаш рад этилганлиги ҳақидаги шикоятлар тегишли касалхона, бошқа стационар даволаш-профилактика муассасаси, санаторий, қариялар ва ногиронлар уйи, экспедиция госпиталь, ҳарбий даволаш муассасаси, ҳарбий қисм, қўшилма, ҳарбий ўқув юрти, жазони ижро этиш жойи ўрнашган ҳудуддаги судга берилади.

Шикоятда бажарилган нотариал ҳаракатнинг ёки бундай ҳаракатни бажаришни рад этиш нималардан иборат эканлиги кўрсатилиши лозим.

Нотариуснинг ҳаракатлари устидан шикоят бериш муддати ўтказиб юборилганда уни тиклаш ҳақидаги илтимос суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади.

Бажарилган нотариал ҳаракатлар бўйича манфаатдор шахслар ўртасида келиб чиққан низо тааллуқлилиги ва судловлигига қараб, суд томонидан кўрилади.

Агар нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этишлик устидан берилган шикоят каноатлантирилган тақдирда, суд бажарилган нотариал ҳаракатларни бекор қилади, ёхуд нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахс зиммасига зарур ҳаракатларни бажариш мажбурияттини юклайди ва бу ҳақда ҳал қилув қарори чиқаради.

Нотариал ҳаракатни бажаришни рад этган нотариусга агарда суд ўз Қарорида ушбу ҳаракатни бажариш мажбуриятини юкласа, нотариус судни Қарорини бажаришга мажбур. Агарда нотариус суднинг

қарори билан келишмаса умумий асосларда суднинг Қарорига нисбатан шикоят келтириши мумкин.

«СУД АМАЛИЁТИ».

7-Мавзу. СУДЛАРДА НОТАРИУСНИНГ АЙРИМ НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРИНИ БЕКОР БЎЛИШ АСОСЛАРИ. НОТАРИАТ ВА СУД

Амалиётда даъво аризаларидаги талабларга кўра, олди-сотди, ҳадя, ишончнома, васиятнома каби нотариал гувоҳлантирилган ҳужжатларни суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топишга қаратилган ишлар тез-тез учраб туради.

Судда кўрилган фуқаролик ишларини чуқур таҳлил қилиш, низоларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш шуни кўрсатмоқда-ки, судларда нотариал идоралар томонидан гувоҳлантирилган нотариал ҳаракатларнинг бекор бўлиши учун турлича ҳолатлар асос бўлмоқда:

- 1.Фуқаролар ўзларининг асл мақсадини нотариусдан яширишлари;
- 2.Нотариусларнинг қонунга хилоф равишда хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши оқибатида;
- 3.Нотариусга маълум бўлмаган, шунингдек билиш имкониятига эга бўлмаган бошқа ҳолатлар.

7.1. Фуқаролар ўзларининг асл мақсадини нотариусдан яширишлари.

Амалдаги Нотариат тўғрисидаги қонунга кўра ҳар бир фуқаро ўзи ҳоҳлаган нотариусга мурожаат этиши билан бирга, қонунда кўрсатилган айрим чеклашлардан ташқари ўз хоҳиши ва иродасига асосланган ҳолда нотариал ҳаракатни бажаришни талаб қилишга ҳақли. Лекин судларга тақдим этилаётган даъво аризаларидаги олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраб ёзган даъвогарнинг аризасидан эса шартнома унинг хоҳиши ва истагига асосан эмас, балки алдов йўли билан расмийлаштирилганлиги ҳақида кўрсатиб, суддан олди-сотди шартномасини бекор қилишни сўраётган фуқароларнинг талаблари кўпаймоқда. Фикримизни асослаш учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз:

МАСАЛАН: Тошкент шаҳар, А.Икромов туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судига фуқаро Т. даъво ариза билан муро-

жаат этиб, ўзи сотиб олган Алгоритм даҳа-22, 24 уй 4 хонадонда ноқонуний яшаб турган фуқаро М.ни уйдан кўчиришни сўраган. Бунинг учун судга уйга эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи барча ҳужжатларни тақдим этади. Иш суд муҳокамасида кўрилиши жараёнида жавобгар қарши даъво келтириб, сотиш ҳуқуқи билан берилган ишончнома ва ишончномага асосан расмийлаштирилган олди-сотди шартномасини суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топишни сўрайди. Аниқланишича жавобгарнинг турмуш ўртоғи низоли хонадонни даъвогарга қарз эвазига гаровга қўйиб, сотиш ҳуқуқи билан ишончнома расмийлаштириб берган. Ишончномани расмийлаштириш вақтида нотариус мулк эгасининг турмуш ўртоғини ва низоли хонадонда бўлган барча вояга етган шахсларнинг розилигини олиб, нотариал гувоҳлантирган. Уйни сотилишидан жавобгарни хабари бўлган ва бунга ҳеч қандай эътироз билдирмаган.

Суд ишдаги барча ҳолатларни ҳар томонлама текшириб, иш ичидаги тўпланган далилларга ҳолисона баҳо бериб, жавобгарни ишочнома, олди-сотди шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги даъвосини рад этиб, жавобгарни уйнинг ҳужжатлари гаров сифатида бериб турилган деб келтирган ва жини ишончга сазовар бўлмаган далиллар қаторида баҳолаб, даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирган ҳолда ҳал қилув қарори чиқарган.

Нотариал идоралар фаолиятига назар ташласак, аксарият фуқаролар оғзаки мурожаат этаётганлигини, нотариуслар эса уларга қонун талабларини оғзаки тушунтираётганликларини гувоҳи бўлмоқдамиз. Нотариат тўғрисидаги қонунда ҳам бу жараёнларни ёзма равишда амалга ошириш белгиланмаган. Бундай сарсонгарчиликларга чек қўйиш мақсадида хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиб чиқиш ва буларнинг энг мақбулларини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Масалан: ГФРда нотариусларнинг фаолиятини тартибга солувчи ҳужжат “Нотариал идораларнинг фаолияти тўғрисида”ги қонун деб номланиб, ушбу қонуннинг 17 параграфи- ҳужжатларни қонун талаби асосида аниқлашнинг мажбурий усули деб номланиб, бунга асосан фуқаролар нотариал идорага ёзма равишда мурожаат этиши, улар ўзларининг асл мақсадини ёзма аризада баён этишлиги, нотариус эса нотариал ҳаракатни бажаришга киришишдан аввал томонларнинг фикрини эшитиши, бажарилаётган нотариал ҳаракат уларнинг асл мақсадига мос келишлигини баённомада кўрсатиши, баённома эса битимда иштирок этувчилар ва нотариус томонидан имзолангандаги-

на, нотариус нотариал ҳаракатни бажаришга киришиши лозимлиги кўрсатилган.

7.2. Нотариусларнинг хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши оқибатида нотариал ҳаракатларнинг бекор бўлиши.

Амалиётда жуда кам бўлса-да, айрим ҳолларда нотариусларимизнинг хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши, хизмат лавозимидан фойдаланиб қонунга хилоф ҳаракатларни бажариши фуқароларнинг судга мурожаат этишларига сабаб бўлмоқда.

Битимда иштирок этаётган шахснинг шахси ва муомала лаёқати нотариус томонидан текширилиши лозимлиги қўлланманинг 12-бандида нотариал гувоҳлантирилаётган барча ҳужжатлар нотариус иштирокида имзоланишлиги қўлланманинг 13-бандида кўрсатиб ўтилган. Ва нотариус ушбу қоидага амал қилиши лозим.

МАСАЛАН: Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъвогарлар В. ва Т. мурожаат этиб укаси А. вафот этганлигини, ундан хона-жой, автомашина, гараж мерос бўлиб қолганлигини, марҳумнинг ўлимига қадарли бирга яшаган хотини И бўлиб, уларнинг муносабатлари қонуний расмийлаштирилмаса-да, у меросдан ҳисса талаб қилаётганлиги сабабли низо келиб чиққанлигини эътиборга олиб, мерос қолган мулкни ворислар ўртасида суд йўли билан тақсимлаб беришни сўраган¹. Иш кўрилиши жараёнида мерос таркибига кирган автомашина сотиб юборилганлиги аниқланади. Меросхўрлар укаси ўлимига қадарли автомашинани сотиб юбормаганлигини, сабаби у ўлган вақтда ҳам автомашина гаражда турганлигини И. автомашинани яширинча сотиб юборган деган важни келтирадилар.

Суд ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида керакли идораларга сўровнома беради, бунга кўра автомашина сотилганлиги аниқланади. Суд муҳокамасида аниқланишича марҳумга тегишли автомашина унинг ўлиmidан 4 ой ўтгач, унинг номидан расмийлаштирилганлиги ва нотариал гувоҳлантирилганлиги аниқланади.

7.3. Нотариусга маълум бўлмаган ва билиш имкониятига эга бўлмаган айрим ҳолатлар бўйича нотариал ҳаракатларнинг

¹ Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судининг 2002 йил архивидан олинди.

бекор бўлиши.

Бундан ташқари нотариусга маълум бўлмаган ва нотариус билиш имкониятига эга бўлмаган айрим ҳолатлар ҳам судларда нотариал ҳаракатларнинг бекор бўлишига олиб келмоқда.

Нотариус бажарган ҳар бир нотариал ҳаракатга унинг мазмунига қараб тасдиқлов ёзувини ёзади. **МАСАЛАН:** ишончномага нисбатан ёзилган тасдиқлов ёзув, «2002 йил 12 май куни ушбу ишончномани мен давлат нотариуси (исми, фамилияси, отасининг исми) тасдиқладим. Ишончномани фуқаро Валиева А.С. менинг ҳузуримда имзолади. Унинг шахсини аниқладим, шахсий мулоқот давомида муомалага лаёқатлилиги шубҳа туғдирмади, ушбу нотариал ҳаракатни амалга ошириш даврида нотариал идорада унинг муомалага лаёқатсизлиги ҳақида ҳеч қандай маълумотлар мавжуд эмас».

Ушбу ҳолатда амалиётга мурожаат этсак, нотариуслар фуқаролар билан оддий савол-жавоб ўтказиш билан мулоқатга киришади. Шу йўсинда мурожаат этаётган шахснинг муомалага лаёқатлилиги аниқланади. Бу қоида тўғрими? Агарда шахс касал бўлмаса, даволаниш муассасасида бўлмаса балки тўғридир. Агарда шахс узоқ бетоб бўлиб касалхонада ётган бўлса-чи, ушбу қоидани қўлласа бўладими?

Яна суд тажрибасига мурожаат этайлик. **МАСАЛАН:** Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига фуқаролар В. ва К.лар мурожаат этиб, уларнинг отаси вафот этганлигини, отасидан уй-жой, автомашина мерос бўлиб қолганлигини, лекин отаси барча мулкларни иккинчи хотини А. га васият қилиб қолдирганлигини, улар марҳумнинг биринчи турмушидан бўлган фарзандлари бўлиб, отасини иккинчи оиласидан фарзандлари бўлмаганлигини, отаси барча мулкларни иккинчи хотинига васият қилиб, болаларини кўчада қолдириши мумкин эмаслигини, бу отасига ёт хислат эканлигини, лекин отаси нотариал расмийлаштирилган васиятномага имзо қўйиш вақтида наркотик моддалар таъсирида бўлган бўлиши мумкинлигини, сабаби отаси узоқ вақт орқа мия раки билан касалхонада даволанганлигини асос қилиб келтириб васиятномани суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топишни сурайдилар¹.

Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, васиятнома нотариал гувоҳлантирилган, нотариус васият қилувчининг муомалага лаёқатлилигини аниқлаган. Лекин васият қилувчининг вафотидан

¹ Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судининг 2003 йил архивдан олинди.

сўнггина унинг муомалага лаёқатлилиги ҳақида шубҳа пайдо бўлди. Буни бартараф этиш мақсадида суд бир неча маротаба марҳумга нисбатан ўлим олди ҳужжатли экспертизаси тайинлади. Экспертларнинг берган хулосасига кўра, «марҳум ҳужжатга имзо қўйиб, расмийлаштириш пайтида унинг оқибатларини мазмун жиҳатдан тушуниб етмаган»деб баҳолашни тавсия этиб, хулоса берганлар. Оқибатда нотариус томонидан расмийлаштирилган васиятнома суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топилди. Ушбу мисолдан кўриниб турибдики, бу ҳолатда нотариал ҳаракат нотариусга маълум бўлмаган ва нотариус билиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларга кўра бекор бўлди.

7.4. Нотариат ва суд.

Нотариал идоралар фаолиятига назар ташлар эканмиз, ривожланган хорижий давлатларда улар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қаторида ўз ўрнига эга эканлигини гувоҳи бўламиз.

Бу борада Лотин нотариатининг тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Германияда эса нотариуслар «эшик олдида турувчи судьялар» деб номланиб, бундай ном суд фаолияти билан нотариусларнинг фаолиятидаги ўхшашликлар натижасидир.

Ушбу ҳолатга ишонч ҳосил қилиш мақсадида нотариал идоралар ва судлар фаолиятидаги процессуал жиҳатдан ўхшаш томонларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «**Нотариат тўғрисида**»ги қонуннинг 1-моддасида Ўзбекистон Республикасида нотариатнинг вазифаси жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини нотариуслар томонидан қонунларда назарда тутилган ҳаракатларни амалга ошириш йўли билан ҳимоя қилишни таъминлашдан иборатдир»дейилади.

«**Судлар тўғрисида**»ги қонуннинг 2-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасида суд Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларда эълон қилинган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилишга даъват этилган»деб ёзиб қўйилган.

Ушбу ҳолатда биз суд ва нотариатнинг жамиятдаги асосий вазифаси жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган

манфаатларини ўз ваколатлари доирасида ҳимоя қилишга қаратилганлигини кўрамиз.

Судлар фаолиятини тартибга солувчи тамойиллардан бири суд ҳокимиятининг мустақиллигидир.

Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 5-моддасига кўра, нотариус ҳам ўз фаолиятини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг қонунларига амал қилади. Нотариуснинг фаолиятига ноқонуний аралашингга ҳеч кимга йўл қўйилмайди.

Бундан кўринадики, судьялар ва нотариуслар ўз фаолиятини амалга оширишда мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсундилар, уларнинг фаолиятига аралашинишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Нотариал идораларнинг суд муассасалари билан ўхшаш томонлари умумий ва махсус жиҳатлардан иборат. Нотариал идоралар ўз фаолиятини амалга оширишда процессуал жиҳатлари бўйича фуқаролик тартибида иш кўрувчи суд муассасаларига ўхшаб кетади. Суд муассасаси ва нотариал идоралар фаолиятини тартибга солувчи айрим тамойиллар нотариал идоралар ва суд муассасаларининг умумий жиҳатларидир.

Суд муассасаси ва нотариал идораларнинг ўзига хос бўлган махсус ўхшаш томонлари ҳам бўлиб, бу уларнинг фаолиятини амалга оширишдаги процессуал жиҳатларида кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 5-моддаси 1-қисмига кўра, судда фуқаролик иши ўзининг ҳуқуқи ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилишни сўраб мурожаат қилган шахснинг аризаси бўйича қўзғатилади.

Нотариал идорага ўз ҳуқуқини расман қонун йўли билан тан олинганлигини расмийлаштириб беришни сўраб мурожаат этган шахснинг аризаси бўйича нотариал ҳаракат қўзғатилади. Масалан: Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани сўраб мурожаат этган шахс Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 58-моддасига асосан мерос очилган жойдаги нотариал идорага ариза билан мурожаат этади. Ушбуга асосан нотариус меросхўрларнинг қонун билан қўриқланадиган ворислик ҳуқуқини амалга оширишга киришади, бу ҳақда алоҳида мерос иши очилади.

ФПКнинг 37 ва 38-моддасига асосан барча фуқаролар ва ташкилотларнинг фуқаролик процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш ва бунини амалга ошириш лаёқати вояга етган фуқаролар ва ташкилотларга тегишлидир. Шунингдек, вояга етмаган, яъни ёши ўн тўртдан ўн саккизгача бўлган фуқароларнинг, шунингдек муомала лаёқати

чекланган деб топилган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатлари судда уларнинг ота-оналари, уларни фарзандликка олганлар ёки ҳомийлар томонидан ҳимоя қилинади.

“Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 32-моддасига асосан нотариуслар ва нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа мансабдор шахслар мурожаат қилган кишиларнинг шахсини аниқлайди ва 33-моддада кўрсатиб ўтилган талаб бўйича эса битимлар тасдиқлаб берилаётганида уларда иштирок этаётган фуқароларнинг муомала лаёқати ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати белгиланган тартибда текширилиши лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 29-моддасига асосан нотариал идорада 14 ёшгача бўлган вояга етмаган, суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган кишилар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, болаликка олувчилар ёки ҳомийлари тузадилар.

Бу билан суд муассасаси ва нотариал идоралар фаолияти бир мақсадга, яъни мурожаат этган шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган десак хато қилмаймиз.

Судлар ва нотариал идоралар мурожаат этган шахснинг талабини кўриб чиқиш жараёнида далилларга таянади ва бунинг учун исботлаш воситаларидан фойдаланадилар. Амалдаги ЎЗР ФПК нинг 56-моддасида суд учун аҳамиятга эга бўлган исботлаш воситалари кўрсатилган.

Нотариус ҳар бир нотариал ҳаракатларни амалга оширишда далилларга таяниб иш кўради. Жумладан: “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 60-моддасига асосан нотариус қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида тегишли далилларни талаб қилиб олиш йўли билан мерос қолдирувчининг вафот этганлигини, мерос очилган жой ва вақтни, мерос мулкининг таркибини, мерос қолдирувчи билан қариндошчилик даражасини текшириб кўради.

Ушбу ҳолатда ҳар икки муассасанинг фаолиятида мурожаат этган шахсларнинг талабларини кўриб чиқиш жараёнида далилларга таяниб иш кўришлик ҳолати намоён бўлади.

ФПК нинг 93-моддасига асосан суд иш юритишни тўхтатиб туриш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатларда судья иш юритишни тўхтатиб туриш ҳақида ЎЗР ФПКнинг 95-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, Ажрим чиқаради.

Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 31-моддасига асосан нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширишни тўхтатиб туриши мумкин.

Нотариус нотариал ҳаракатни амалга оширишни кечиктириш ҳақида манфаатдор шахснинг талабига кўра Қарор чиқаради.

ЎЗР ФПКнинг 104-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, судларга даъво аризалари тақдим этиш вақтида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ундирилади.

Нотариат тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддасига биноан, нотариуслар нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундирадилар.

Суд муассасаси билан нотариал идораларнинг бир-бирига ўхшаш бўлган асосий процессуал жиҳатларидан бири ишни кўзғатиш, уни кўриш ва иш юзасидан бир тўхтамга келиш жараёнларидир. Иш судда кўрилиши жараёнида судья иш юзасидан тўпланган далилларга таяниб, мустақил равишда Ўзбекистон Республикаси номидан ҳал қилув қарори чиқаради. Суднинг ҳал қилув қарори манфаатдор шахсларгагина тегишли бўлиб, улар учун маълум бир ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи ҳужжат ҳисобланади. Суднинг чиқарган ҳал қилув қарорлари мажбурий равишда ижрога қаратилади.

Нотариуслар ҳам Ўзбекистон Республикаси, яъни давлат номидан ҳаракат қилади, нотариус томонидан манфаатдор шахснинг талабига кўра бажарилган нотариал ҳаракатлар фақат ўша шахс учун маълум бир ҳуқуқий оқибатлар келтириб чиқарувчи юридик кучга эга бўлган ҳужжат ҳисобланади. Ва бу ҳужжатлар тўғридан - тўғри ижрога қаратилади.

Нотариал идораларнинг фуқаролик судларидан фарқи улар фақат низосиз муносабатларнигина тартибга солади.

8-МАВЗУ: Алоҳида турдаги нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби.

Қонунда нотариал идоралар томонидан низосиз ҳуқуқларнинг гувоҳлантириш бўйича нотариал ҳаракатларни бажариш кўрсатилган жумладан:

- А) меросга бўлган ҳуқуқ ҳақида гувоҳнома бериш;
- Б) эр-хотининг умумий мулкидаги бўлган ҳиссага эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисида гувоҳнома бериш;
- В) битимларни гувоҳлантириш: олиш-сотиш, ҳадя, айирбошлаш, кўчмас мулкларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар.

Булар тўғрисида қисқа бўлса-да, алоҳида тўхталиб ўтишликни лозим топдик.

8.1. Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беришнинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 36-моддасида, мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши белгиланган¹.

Ворислик ҳуқуқи фуқароларнинг мулкӣ ҳуқуқ ва манфаатларини қўриқлаш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг ўз мулкига нисбатан тасарруф этиш ҳуқуқини ҳеч қандай тўсиқсиз, нафақат ўзининг ҳаётлигида, шунингдек вафот этган тақдирда ҳам амалга оширилишини қонун билан кафолатлайди.

Мерос деганда, фуқароларнинг вафот этган кунда уларга тегишли бўлган турли ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунилади. Мерос мулкани қабул қилиш учун мерос очилган бўлиши керак, бу ворислик ҳуқуқининг асосини ташкил этади. Демак бундай ҳаракат меросни очилиши муносабати билангина амалга оширилади.

Қонун ворислик ҳуқуқий муносабатларининг келиб чиқишини мероснинг очилиши билан боғлашлиги асослидир. Фуқаронинг вафот этиши ёки фуқаронинг суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилиниши, мерос очилган вақт бўлиб ҳисобланади.

Мерос очилган жойдаги давлат нотариуслари меросхўрларнинг ёзма аризаларига кўра меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани берадилар. (ЎЗР ФК нинг 1146-моддаси).

Меросни қабул қилиб олиш тўғрисидаги, ундан воз кечиш ҳақидаги ёки мерос олиш ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган меросхўрларнинг аризасини нотариус ёзма равишда қабул қилиб олиши лозим. Шу кундан бошлаб нотариал идорада мерос иши очилади. Мерос иши мурожаат қилган меросхўрларнинг номига эмас, вафот этган шахснинг номига очилади.

Нотариус мерос олиш мақсадида мурожаат этган шахсларнинг шахсини аниқлаши, уларнинг муомалага лаёқатлилигини текшириши шундан сўнггина аризадаги имзолар шаҳодатлантирилиши лозим.

Агар меросхўр мерос очилган жойдаги нотариусларга мурожаат этган тақдирда ва нотариус ҳузурида имзо кўйган ҳолларда, аризадаги имзонинг нотариал шаҳодатлантириш учун зарурат қолмайди. Бундай

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 9-б.

ҳолларда нотариус вориснинг шахсини аниқлаши ва имзонинг тўғрилигини текшириши ва бу ҳақда аризага ёзиб қўйиши керак.

Борди-ю, меросхўрларнинг аризаси почта орқали олинган бўлса ва меросхўрнинг имзосининг ҳақиқийлиги шаҳодатлантирилмаган ҳолларда меросхўрга аризани тегишли тарзда расмийлаштирилган ҳолда юбориш ёки давлат нотариал идорасига шахсан келиши таклиф этилиши керак. Нотариал идорага мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома беришни илтимос қилган бева қолган эр(хотин) га Оила Кодексининг 23-моддаси ва ЎЗР «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 63-моддаларининг мазмуни тушунтирилади. Бу қоидаларга кўра агарда мулк вафот этган эр(хотин) билан биргаликдаги турмушлари давомида орттирилган бўлса бу ҳақда мерос ишига ёзиб қўйилади. Бева қолган эр хотиндан ариза почта орқали олинган тақдирда бундай ҳолларда талаб ёзма тарзда юборилиши белгиланган.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан бошлаб, олти ой ўтгандан кейин берилади. Гувоҳнома кўрсатилган муддатдан илгари берилмаслиги керак. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома меросхўрларни мерос мулкани қабул қилиб олганликларини тасдиқловчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Одатда мерос мулки вафот этган кишидан қолган мулк ҳисобланиб, айрим ҳолларда ўлган кишининг мулкӣ ҳуқуқлари билан мерос мулкнинг ҳажми тўғри келмаслиги мумкин, чунки, баъзи ҳуқуқлар, масалан, марҳумнинг ҳаётлигида нафақа, пенсия олишга бўлган ҳуқуқлари унинг мулкӣ ҳуқуқи таркибига кирса ҳам, аммо мерос мулқига қўшилмайди. Мерос қолдирувчига тегишли бўлган мулкӣ бўлмаган шахсий ҳуқуқлар, масалан, асарнинг ёки ихтиронинг муаллифи бўлиш ҳуқуқи меросхўрларга ўтмайди.

Нотариус қонун бўйича ворислик ҳуқуқини расмийлаштиришда ҳамма ворисларнинг ҳиссалари тенг эканлигини, яъни меросхўрларнинг ҳар қайсиси қонун бўйича мерос мулкидан тенг ҳиссалар олшини тушинтириши лозим. Мерос мулкни тенг ҳиссалари қонунний ҳиссалар дейилади.

Мерос очилгач нотариус уни аввало қайси навбатдаги меросхўрлар қабул қилишлигини аниқлаб олишлиги муҳим аҳамиятга эгадир.

Қонун бўйича биринчи навбатдаги меросхўрларнинг доираси аниқлангандан сўнг нотариус тенг ҳиссада мерос олишлари мумкинлигини тушунтиради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1135-моддасига асосан қуйидагилар биринчи навбатдаги ворислар ҳисобланади:

Мархумнинг болалари (шу жумладан фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар. Мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.

Биринчи навбатдаги ворислар бўлмаганда, ёки уларнинг барчаси мерос мулкини олишдан воз кечган тақдирда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислар ворисликка чақирилади улар:

Мерос қолдирувчининг туғишган ҳамда она (ота) бир ота (она) бошқа ака-укалари ва опа-сингиллари, шунингдек унинг ҳам ота ҳам она тарафдан бобоси ва бувиси тенг улушларда қонун бўйича иккинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар ЎзР ФК нинг 1136-моддаси.

Қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислар: мерос қолдирувчининг туғишган амакиси, тоғаси, аммаси ва холаси тенг улушларида қонун бўйича учинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар ЎзР ФКнинг 1137-моддаси.

ЎзР ФКнинг 1138-моддасига асосан қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислар:

Мерос қолдирувчининг олтинчи даражага (олтинчи даража ҳам шунга киради) бўлган бошқа қариндошлари қонун бўйича тўртинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар, бунда яқинроқ қариндошлар узоқроқ қариндошларга нисбатан мерос олишда имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Ворисликка чақириладиган тўртинчи навбатдаги ворислар тенг улушларда мерос оладилар.

ЎзР ФКнинг 1139-моддасига асосан қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислар:

Мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимлари, агар улар ушбу кодекснинг 1141-моддаси асосида мерос олмаган бўлсалар қонун бўйича бешинчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўладилар.

ЎзР ФК нинг 1140-моддасига асосан тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ҳам ворисликка чақирилиб, тақдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадарли вафот этган тақдирда, унга тегишли бўлган улуш унинг авлодларига ўтишини назарда тутди, бунда улуш тақдим қилинаётган қонун бўйича меросхўр билан бир хил даражада қариндош бўлган авлодлар ўртасида тенг тақсимланади.

Бола, неvara, чевара, эvara меросхўрлигида такдим қилиш ҳуқуқи қариндошчилик даражаси чекланмаган ҳолда амал қилади, ён қариндошчилик бўйича меросхўрликда такдим қилиш ҳуқуқига мерос қолдирувчининг туғишган ака-укалари (опа-сингиллари) номидан унинг жиянлари ёхуд мерос қолдирувчининг туғишган амакаси (тоғаси) ёки аммаси (холаси) номидан унинг амакиваччалари (тоғаваччалари) ва аммаваччалари (холаваччалари) эга бўладилар.

Эр ёки хотиннинг бир-бирларига ворис бўлишликлари учун уларнинг бирга туришлари шарт эмас. Улар алоҳида яшасаларда, никоҳлари ФХДЁ идораларида қайд этилган бўлиши ва мерос мулки биргаликдаги никоҳда турган вақтда олинган бўлиши, никоҳ мерос қолдирувчининг ўлимига қадарли бекор қилинмаган тақдирда ворис бўлаверади. Никоҳдан ажратилган эр(хотин) бир-бирларига ворис бўлиш ҳуқуқини йўкотадилар.

Мулк мерос ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган вақтда давлатнинг мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома тегишли давлат органига мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин берилади.

Мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, меросни қабул қилиб олган меросхўрларга, яъни мерос мулкини эгаллашга амалда киришган ёки нотариал идорага меросни қабул қилиш тўғрисида ариза топширганларга берилади.

Қуйидагилар кўчар ва кўчмас мол-мулкка эгалик қилишга киришганлигини исботлайди:

Вакиллик органига қарашли бошқарма ва уй бошқармасининг меросхўр мерос қолдирувчи билан бирга яшаганлиги тўғрисидаги ёки меросхўр томонидан мерос қолдирувчининг мол-мулки олинганлиги ҳақидаги маълумотномаси, молия идорасининг меросхўр мерос очилгандан кейин уй-жой, квартира солиғини тўлаб келаётганлиги ҳақидаги маълумотномаси, ёки солиқ тўланганлигини тасдиқловчи паттаси, суднинг мерос ўз вақтида қабул қилиб олинганлиги ҳолатини белгиловчи қонуний кучга кирган қарорнинг нусхаси ва меросхўр мерос қолдирувчининг мулкига эгалик қилишига киришганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар.

Агарда мерос мулки омонат кассаларида сақланаётган пул қийматликларидан иборат бўлса, омонат дафтарчасининг мавжудлиги ҳам мерос мулкка эгалик қилишга киришганлигининг исбот далили бўлиб хизмат кила олади.

Давлат нотариуси мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш вақтида мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳолати, мерос очил-

ган вақт ва жойини, гувоҳнома беришни сўраб ариза билан мурожаат этган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қариндошчилик муносабатларини, мерос қолган мулкнинг таркиби ва турган жойини аниқлайди.

Бу ҳолатларнинг тасдиғи сифатида меросхўрлар қуйидаги ҳужжатларни нотариусга тақдим этишлари лозим:

Вафот этганлик ҳолати ва мерос очилган вақт, тегишли идораларнинг мерос қолдирувчи вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ҳарбий бурчни ўташ даврида вафот этган бўлса бу ҳақда ҳарбий қисм қўмондонлиги госпитал маъмурияти, мудофаа ишлар бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бошқа идоралари томонидан берилган хабар ёки ҳужжати билан тасдиқланади.

Мерос очилган жойни аниқлашлик учун уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг ёки вафот этган кишининг турар жойи номаълум бўлган тақдирда мол-мулк ёки унинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой бўлиб ҳисобланади, бунинг тасдиғи сифатида маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг маълумотномаси талаб қилинади. Агарда меросхўрлар нотариал идорага бундай ҳужжатни тақдим эта олмаслар, у ҳолда давлат нотариуси суднинг мерос очилган жойни белгилаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорни тақдим этишни талаб қилади.

Меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан қариндошчилик даражаси идораларнинг гувоҳномалари, фуқаролик ҳолати ҳақидаги ёзувлардан кўчирмалар, суднинг қариндошлик ёки бошқа муносабатларини тасдиқлаб бу ҳақда қонуний кучга кирган қарори тақдим этилади.

Агар ўзини мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб ҳисоблаган шахс қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилишини сўраган тақдирда, давлат нотариуси бу шахс мерос қолдирувчининг қарамоғида у вафот этгунга қадар камида бир йил давомида бўлганлиги, шунингдек мерос очилгунга қадар бу шахс меҳнат қобилиятига эга бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиш керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2000 йил 22 декабрь кунидаги №33 сонли «Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги қарорида мерос қолдирувчининг меҳнатга қобилиятсиз боқимларини уч тоифасини бир-биридан ажратиш лозимлигини кўрсатиб ўтди¹.

¹ Қаранг: Қонун номи билан. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 2001 йил 1-2. 31-39-бетлар.

Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси 1-қисмида кўрсатилган боқимлар (1-тоифа) бўлиши учун, биринчидан улар мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлиши, иккинчидан, у билан бирга яшаган бўлиши, учинчидан, меҳнатга қобилиятсиз бўлиши керак.

Иккинчи тоифа бўлиши учун, биринчидан, фуқаролик кодексининг 1136-1138-моддаларида кўрсатилган меросхўрлар жумласига мансуб бўлган мерос қолдирувчининг иккинчи, учинчи, тўртинчи навбатдаги меросхўрлари бўлиши, иккинчидан мерос қолдирувчининг вафотига қадар камида бир йил унинг қарамоғида бўлиши, учинчидан, меҳнатга қобилиятсиз бўлиши лозим. (Фуқаролик кодексининг 1141-моддаси 2-қисми).

Фуқаролик кодексининг 1139-моддасида кўрсатилган боқимлар (3-тоифа) бўлиш учун, биринчидан, мерос қолдирувчининг қариндошлари жумласига кирмайдиган, иккинчидан, меросхўр билан бирга яшамаган ёки бир йил муддатдан кам яшаган, учинчидан ҳаёт кечириш учун бирдан бир манба сифатида мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиб, ундан моддий ёрдам олиб турган меҳнатга қобилиятсиз шахс бўлиши керак.

Биринчи ва иккинчи тоифадаги боқимлар ворисликка чақириладиган навбатдаги меросхўрлар билан биргаликда мерос оладилар, аммо уларнинг мерос мулкидан оладиган улушлари мерос мулкининг тўртдан бир 4/1 қисмидан ошмаслиги керак. Меросхўрлар бўлмаганда, бу тоифадаги боқимлар мустақил равишда қонун бўйича меросхўрлар ҳисобланиб мерос мулкини тўла оладилар.

Учинчи тоифадаги боқимлар бешинчи навбатдаги меросхўрлар бўлганлиги сабабли олдинги навбатдаги ворислар бўлмаганда ворисликка чақирадилар ва мерос мулкидан шу навбатдаги меросхўрлар билан тенг улушда мерос оладилар.

Меҳнатга қобилиятсиз ёки лаёқатсиз деб 55 ёшга кирган аёллар, 60 ёшга кирган эркеклар, биринчи, иккинчи, учинчи гуруҳ ногиронлари, шунингдек 16 ёшга тўлмаган ўсмирлар, 18 ёшга тўлмаган ўқувчи болалар тушунилади. Умумий пенсия ёшига етмасдан имтиёзли равишда пенсияга чиққан шахсларнинг меҳнатга қобилиятсиз деб ҳисоблаш учун, албатта тегишли тиббий муассасаларнинг хулосалари бўлиши шарт.

Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлишлик деганда, унинг томонидан бериб турилган моддий ёрдам шахснинг ҳаёт кечириши учун бирдан-бир асосий ва доимий манба бўлишини назарда тутмоқ лозим.

Даврий, вақти-вақти билан бериб турилган моддий ёрдам мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлиш фактини белгилаш учун асос бўлмайди. Моддий ёрдам мерос қолдирувчи вафотигача узлуксиз берилган бўлиши шарт. Мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлганлик факти фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг, маҳалла қўмиталарининг уй-жой бошқармаларининг, хизмат қилиб турган жой маъмуриятининг, ижтимоий таъминот бўлимларининг ҳужжатлари, асосида судда ўз исботини топганда ҳақиқий ҳисобланади.

Такдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворислик қонун бўйича меросхўр мерос очилгунга қадар вафот этган тақдирда, унга тегишли улуш, унинг авлодларига ўтишини назарда тутди. Бунда улуш, такдим қилиш ҳуқуқи бўйича бир хил даражада қариндош бўлганлар ўртасида тенг тақсимланади. Ушбу қоидадан келиб чиқиб, агар ўғил (қиз) ота ёки онадан олдин вафот этган бўлса, ундан кейин вафот этган ота ёки онанинг мулкига ўлган фарзанднинг болалари такдим қилиш ҳуқуқи бўйича ворис бўлади. Вафот этган шахснинг турмуш ўртоғи такдим қилиш ҳуқуқи бўйича меросхўр бўла олмайди. (ЎЗР ФКнинг 1140-моддаси).

Мерос қолдирувчининг ўзига қонуний асосларда тегишли бўлган мулкларгина мерос таркибига киради. Ўзбошимчалик билан қурилган ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган турар-жой ва хоналарга нисбатан ворисларга эгалик ҳуқуқини белгилашга йўл қўйилмайди. Бундай ҳолларда ушбу бино ва иморатларга нисбатан мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг, тегишли ҳокимият ёки суд томонидан мерос қолдирувчи номига эгалик ҳуқуқини белгиланиши билан мерос очилган ҳисобланади.

Агар, меросхўр меросни қабул қилмаган ва мерос мулки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органига, давлатга ёки бирор-бир шахснинг эгалигига ўтказилмаган бўлса, меросхўр истаган вақтида меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиш учун нотариусга мурожаат қилиши мумкин. Бундай гувоҳномани бериш рад этилган тақдирда, меросхўр нотариуснинг хатти-ҳаракати юзасидан ЎЗР ФПКнинг 273-моддаси талаби асосида судга шикоят қилишга ҳақли.

Мерос мулки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, давлатга ёки бирор-бир шахснинг эгалигига ўтказилганлиги учун меросхўрларга нотариус томонидан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш рад этилса, меросхўр судга шикоят қилишга ҳақли.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига кўра ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

Агарда мерос қолган мулкка суд ёки тергов идоралари томонидан тақиқ солинган бўлса, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш тақиқ олиб ташлангунча тўхталиб турилади.


Агар мерос мулки уй-жой ва бошқа кўчмас мулкдан иборат бўлса мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани шу уй-жой жойлашган ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси, автотранспорт воситаси бўлса йўл хавфсизлик хизмати идораларида рўйхатга олиниши кераклигини нотариус ворисларга тушунтиради ва бу ҳақда гувоҳномага ёзиб қўяди.


Давлат нотариуси вояга етмаган ёки муомала лаёқатига эга бўлмаган меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилганлиги ҳақида турар жойи бўйича уларнинг мулкӣ манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида ҳомийлик ва васийлик идорасига хабар қилиб бу ҳақда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхасини юборади.

Мерос мол-мулкнинг муайян қисмига меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома олган меросхўрларга уларнинг аризаларига кўра, мерос мулкнинг дастлабки берилган гувоҳномада кўрсатилмаган бошқа қисмларига қўшимча меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномлар берилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида қўшимча гувоҳнома берилганда илгариги гувоҳномага киритилмаган меросхўрлар пайдо бўлган тақдирда, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги қўшимча гувоҳномага мулкни қабул қилиб олган барча меросхўрларни ёзма розилиги билан улар ҳам киритилиши мумкин.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома қуйидагича кўринишда бўлади:





Биз юқорида қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришнинг ўзига хос бўлган ҳуқуқий жиҳатлари ҳақида фикр юритдик.

8.2. Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришнинг ўзига хос бўлган ҳуқуқий жиҳатлари.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қоидалардан: мероснинг очилиш вақти, меросни қабул қилиб олиш муддати, меросни қабул қилиб олишлик учун нотариал идорага тақдим этиладиган ҳужжатлар тўплами васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш вақтида ҳам қўлланиб, лекин васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришнинг айрим ўзига хос бўлган жиҳатлари мавжуддир.

Маълумки, мерос қолдирувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкнинг ҳаммасини ёки бир қисмини хоҳлаган бир ёки бир неча шахсга, шунингдек юридик шахсларга, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органига ва давлатга васият қилиб қолдириши мумкин.

Васиятнома бўйича мерос очилганда, аввало нотариус васият-номани қонун талаби асосида расмийлаштирилганлигини, мерос очилган кунда васиятноманинг кучда ёки кучда эмаслигини текшириб кўриши лозим.

Васият қолдирувчи фақатгина ўзига тегишли бўлган мулкни васиятномага киритиши мумкин. Шу асосларга кўра нотариус васиятномада кўрсатилган мулк массасини аниқлаб олиши керак.

Агар васият қолдирувчи васиятномада ўзининг барча мол-мулкни васият қилган бўлса, ушбу мулклар васият бўйича кўрсатилган меросхўрга ўтади. Агарда васиятномада мол-мулкнинг бир қисми ва-

сият қилиниб қолган мол-мулклар кўрсатилмаган бўлса, васиятномада кўрсатилмаган мол-мулклар қонун бўйича меросхўрларга ўтади.

Васият қилувчи ўлимига қадарли хоҳлаган вақтда васиятномани ўзгартириши ва бекор қилиши мумкин. Ушбу асосларга кўра васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бераётган нотариус марҳумнинг охириги яшаб турган жойидан ёки васиятнома расмийлаштирилган нотариал идорадан бу ҳақда сўровнома юбориб жавоб олиши лозим.

Васиятнома васият қолдирувчининг сўзидан нотариус томонидан ёки васиятномани гувоҳлантираётган мансабдор шахс томонидан техник воситалар ёрдамида, ёзув машинкаси ёки компьютердан фойдаланилган ҳолда тузилиши мумкин. Бунда нотариус васият қолдирувчининг шахсини аниқлайди, муомалага лаёқатлилигини текширади. Васиятномага васият қолдирувчи шахсан ўзи нотариус ҳузурида имзо қўяди, агарда васият қолдирувчи касаллиги, қарилиги, саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўзи имзолай олмаса, унинг илтимосига кўра нотариус ёки нотариал ҳаракатни амалга ошираётган мансабдор шахс ҳузурида бошқа бир шахс имзолаши мумкин.

Бундан ташқари қонунда васиятноманинг мазмунидан қатъи назар мажбурий ҳисса олувчи шахслар ҳам кўрсатилган.

Васиятноманинг мазмунидан қатъи назар, мерос қолдирувчининг вояга етмаган болалари ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари шу жумладан, фарзандликка олган вояга етмаган болалари, меҳнатга қобилиятсиз эри(хотини) ва меҳнатга қобилиятсиз ота-онаси, шу жумладан уни фарзандликка олганлар мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эгадирлар. Мажбурий улуш амалдаги ЎзР ФКнинг 1142-моддасида кўрсатиб ўтилганидек, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини мерос қилиб олишлари мумкинлиги кўрсатилган. «Васият қолдирувчи ўз эрки билан мажбурий улуш олувчиларнинг ҳиссаларини қонунда белгиланганидан камайтиришга ҳақли эмас. Мажбурий улуш мерос қолдирилган ҳамма мулк ва мулкый ҳуқуқларни ўз ичига олади. Мажбурий ҳиссани ҳисоблаш учун, аввало мерос таркибига кирган ҳамма мулкнинг қийматини белгилаб, бундай меросхўр фойдасига қилинган васият мажбурияти билан белгиланган мулкнинг қиймати ва васият қилинган мулкнинг қийматини ҳисоблаб, мажбурий ҳисса миқдорини тўғри белгилаш учун мерос мулкнинг ҳаммасини, шу жумладан, оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан иборат мол-мулкнинг қийматини ҳам ҳисобга олиш зарурати туғилади. Мажбу-

рий ҳиссани васият қилинмай қолган мерос мулк ҳисобидан ундириш имконияти текшириб кўрилади.

Демак, мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрлар уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан айнан ўзини, натура шаклида эмас, балки улардан ўзига тегишли ҳиссасининг қийматини олади. Мулк эса мерос қолдирувчи билан бирга яшаб турган шахс тасарруфида қолади.

Агарда мерос қолдирувчи билан бирга яшаб турган ворис уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларидан мажбурий ҳисса олувчига тегишли улушининг қийматини эмас, балки мулкнинг айнан ўзини беришни хоҳласа, унинг бу ҳаракатини чеклаш мумкин эмас.

Мажбурий ҳисса олувчиларни ҳисобга олмасдан мерос мулкнинг ҳаммасини васият қилиб қолдириш васиятноманинг қисман ҳақиқий эмас деб ҳисоблашга асос бўлади.

Мажбурий ҳисса олувчиларни қонунда белгиланган улушни олишдан маҳрум қилиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда фақат мажбурий ҳисса чиқарилгандан сўнг қолган мерос мулкка нисбатан васият ижро этилади¹.

Шунинг учун ҳам нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш жараёнида аввало мажбурий ҳисса олувчиларни аниқлаб олиши лозим.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлган меросхўрларнинг ҳуқуқи бузилган тақдирда, **суд васиятноманинг фақат мажбурий улуш олиш қисмини ҳақиқий эмас деб топиши мумкин.**

МАСАЛАН: Фуқаролар “А”, “К” Андижон шаҳар судига нотариал идора томонидан расмийлаштирилган васиятномани ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида даъво ариза билан мурожаат этадилар. Улар даъво аризасида отаси “Х” 91 ёшида оғир юрак хасталигидан вафот этганлигини, улар 3 нафар фарзанд бўлиб отаси вафот этгунча унга яхши қараб парвариш қилганликларини, лекин отаси ўзининг эгалигида бўлган ҳовли-жойни тўлалигича фарзандларига эмас, балки невараси “З”га васият қилиб қолдирганлигини, отаси охирги вақтларда ўз ҳаракатига жавоб бера олмайдиган даражада бўлиб қолганлигини, бундан фойдаланган “З” нотариусни уйига олиб келиб ўзига ҳовли жойни васиятнома асосида ноқонуний йўллар билан расмийлаштириб олганлигини, васиятномага отаси эмас унинг ўрнига бошқа шахс имзо қўйганлигини, отаси саводли бўлиб бутун умр давлат ишларида ишлаганлигини, ушбуларга асосан нотариал идора томонидан рас-

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 1999. 497- 498-бетлар.

мийлаштирилган васиятномани ҳақиқий эмас деб топишни сўраганлар¹.

Даъвогарларни келтирган важлари текширилиб ҳақиқатдан ҳам марҳум “Х” ўзига тегишли бўлган ҳовли жойни тўлалигича невараси “З”га васият қилиб қолдирганлиги, васиятнома марҳумнинг илтимосига кўра у касаллиги, қарилиги сабабли у яшаб турган хонадонда расмийлаштирилганлиги, васият қилувчининг саводсизлиги туфайли унинг ўрнига бошқа шахс имзо қўйганлиги аниқланган. “Даъвогарларнинг отам саводли эди у бутун умр раҳбар бўлиб ишлаган»— деган важи суд жараёнида тасдиқланган. Шу асосларга кўра васиятнома суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилган, жавобгар “З” томонидан кассация тартибида шикоят келтирилиб, иш Андижон вилояти судида кассация тартибида қайта кўрилган. Андижон шаҳар судининг ҳал қилув қарори бекор қилинган. Вилоят суди иш юзасидан бундай қарорга келишига асос бўлиб, васият марҳумнинг охириги хоҳиши ва эрки-иродасининг ифодаси эканлиги, қолаверса нотариус томонидан тасдиқлов ёзувидаги шахснинг касаллиги, қарилиги туфайли унинг илтимосига кўра бошқа шахс имзо қўйганлиги васиятноманинг мазмунинга таъсир қилмаслигини асос қилиб келтирган².

Давлат нотариуси васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришда тегишли ҳужжатларни талаб қилиб, мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳолатини, васиятноманинг мавжудлигини, мерос очилган вақт ва жойни, гувоҳнома берилаётган мерос мол-мулкнинг таркиби, турар жойини текширади. Меросдан мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқлайди, шунингдек васиятномани тасдиқлаган нотариал идорасидан бекор қилинмаганлигини текширади. Текшириш тартиби сўровнома бериш йўли билан амалга оширилади.

Агар васиятномада “ўғлим, қизим, неварам”га васият қиламан деб қариндошчилик муносабати кўрсатилган бўлса, у ҳолда нотариус васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани беришдан аввал уларнинг қариндошлик муносабатларини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бериш вақтида васиятноманинг меросхўр тақдим этган ҳақиқий нусхаси ёки дубликати давлат нотариал идорасида қолади. Нотариус ва-

¹ Андижон шаҳар судининг 1999 йил архивидан олинди.

² Андижон вилоят судининг 1999 йил архивидан олинди

сиятномани бекор қилинмаганлигини аниқлагач, меросхўр тақдим этган нусхага бу ҳақда белги қўяди.

Меросхўрларнинг истагига мувофиқ васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномага васиятноманинг нотариал гувоҳлантирилган нусхаси қўшиб берилиши мумкин.

Бундан ташқари шуни ҳам назарда тутиш лозимки, ЎзР ФКнинг 1153-моддасига мувофиқ, мерос очилгунга қадарли уч йил ва ундан ортиқ йиллар мобайнида мерос қолдирвчи билан биргаликда яшаган меросхўрлар, мерос тақсимланишида, мерос таркибидан уй-жой, квартира ёки бошқа турар жойни, шунингдек уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларини асл(натура) холида олишга имтиёзли ҳуқуққа эга бўладилар.

Мерос таркибига кирган уй-жой ашёлари ва рўзғор буюмларига нисбатан имтиёзли ҳуқуқни амалга оширишда қолган меросхўрларнинг розилиги олиниши талаб этилмайди¹.

Лекин айрим ҳолларда мерос ишларига оид масалаларни судлар томонидан кўриб ҳал этилаётганда хатоликларга йўл қўйилаётганлиги ҳоллари ҳам учрамоқда. **МАСАЛАН:** Андижон вилояти Шаҳрихон туман нотариал идораси томонидан 2001 йил декабр ойининг 14 кунда марҳум “И” мулкига нисбатан қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилган. Бунга кўра марҳумнинг фарзандлари ЎзР ФКнинг 1135-моддаси, невараси эса ЎзР ФКнинг 1140-моддаси талаблари асосида меросни қабул қилиб олганлар. Гувоҳнома бўйича меросхўрларга мерос қолган мулк низоли ҳовли-жой тенг ҳиссада берилган.

Кейинчалик марҳумнинг фарзандлари “О”, “А”, “Э”, “М”, “М” лар марҳумнинг невараси “А”ни судга бериб, қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилишликни, низоли ҳовли-жойни асл холида бўлиб беришликни ёки жавобгардан ҳиссаларини бозор нархида қийматини ундириб бериш талабини қўйганлар.

Иш материалларидан маълум бўлишича даъвогарлардан бирортаси марҳум билан ўлимига қадарли бирга яшамаган, фарзандларнинг ҳаммаси алоҳида турар жойига эга бўлиб, вақти-вақти билан отасидан хабар олиб турган. Жавобгар “А” га марҳум бобо бўлиб, ёшлигидан “А” бобосининг қаромоғида бўлган ва ўлимига қадарли бобоси билан бирга яшаган. Бобоси вафот этган вақтда у 23 ёшда бўлган. Ишни

¹ Ўзбекистон Республикаси олий судининг Ахборотномаси. Қонун номи билан, 2001 йил 1-2, 38 бетлар.

кўрган Бўз туманлараро фуқаролик ишлар бўйича суди 2001 йил декабр ойининг 24 кунда ҳал қилув қарори чиқарган ва даъвогарларнинг даъвосини қаноатлантириб мерос қолган ҳовли жойнинг қийматидан даъвогар меросхўрларнинг ҳар бирига 6/1 қисмига тенг ҳиссада жавобгардан пул ундириб бериш ва жавобгар “А” томонидан даъвогарларга тегишли ҳиссаси бўйича пул тўланганидан кейин уй-жой унинг эгалигига ўтказилиши ҳақида тўхтамга келган¹.

Ҳал қилув қарорига нисбатан апелляция тартибида шикоят ва протест келтирилмаган. Кейинчалик даъвогарлар Андижон вилояти фуқаролик ишлар бўйича судига кассация тартибида шикоят келтирилганлар. Кассация шикоятида низоли ҳовли жойнинг баҳоси бюро техник инвентаризацияси томонидан қўйилган нарх асосида баҳоланганлиги, бозор баҳосидан келиб чиқиб баҳоланмаганлиги уларнинг мулкӣ ҳуқуқлари бузилганлигини асос қилиб ҳал қилув қарорини бекор қилишни сўраганлар. Кассация тартибида иш кўрилган вақтда даъвогарлар бир аёлни гувоҳ сифатида ишга жалб этиб бу аёл низоли уйни 7.200.000(етти миллион икки юз минг)сўмга сотиб олмоқчи эканлигини маълум қилган.

Судлов ҳайъати ҳам уй-жойни бюро техник инвентаризация (БТИ)си томонидан белгиланган нархи даъвогарларнинг манфаатларига зид эканлигини кўрсатган. Андижон вилояти фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати уйни меросхўрлар ўртасида тақсимлаб, уйни бозор баҳосини аниқлашда фуқаролик кодексининг худди шунга ўхшаш вазиятларни тартибга соладиган моддалари билан аниқлашни лозим топган. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик процессуал кодексининг 12-моддасини 3-қисмида “низоли муносабатни тартибга соладиган қонун бўлмаган тақдирда, суд шунга ўхшаш муносабатларни тартибга соладиган қонунни татбиқ этади, бордию бундай қонун ҳам бўлмаса Республика қонун ҳужжатларининг умумий асослари ва маъносига таянади” - деб кўрсатган қонундан келиб чиқиб ишда низоли уйни сотиб олмоқчи бўлган аёлнинг таклифини шартнома даражасида баҳолаб ЎзР ФКнинг 356-моддасига асосан низоли уйнинг баҳоси 7 200 000 сўмга баҳолаган².

Юқоридагиларга асосланиб судлов ҳайъати даъвогар “О”ни кассация шикоятини қаноатлантирган, биринчи босқич судининг ҳал қилув қарорини ўзгартириб, марҳумнинг фарзандлари ва неварасига

¹ Андижон вилояти Бўз туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг 2001 йил архивидан олинди

² Андижон вилояти фуқаролик ишлар бўйича судининг 2002 йил архив материалларидан.

меросхўрларнинг ҳар бирига мерос қолган мулкни 6/1 қисмида тақсимлаб, даъвогар “О”га асл ҳолида қолдириб, унга низоли уйга нисбатан эгалик ҳуқуқини тиклаб, қолган меросхўрларнинг ҳиссаси “О”дан 1 200 000 сўмдан пул шаклида ундириб бериш ҳақида тўхтамга келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судига жавобгар “А” ва унинг вакили томонидан назорат тартибида протест келтириш учун шикоят берганлар. Назорат тартибидаги шикоятда жавобгар “А”нинг ҳуқуқлари кассация тартибида иш кўриб чиқилиши жараёнида қўпол равишда бузилганлиги қайд этилган.

Назорат тартибидаги шикоятда вилоят суди низоли уйни баҳолашда қўпол хатоликка йўл қўйганини, бунинг учун аввало низоли уйга нисбатан суд қурилиш техник экспертизасини тайинлаб, уйни асл (натура) ҳолида бўлиниши мумкинлигини, ҳамда уйнинг ҳозирги баҳосини аниқлаши лозимлигини инобатга олмаганлигини, ЎЗР ФКнинг 1153-моддаси талаби ҳам қўпол бузилиб давогар “О”га эгалик ҳуқуқи белгиланганлиги, жавобгар “А”ни эса мерос тақсимланишида, мерос уй-жойни олишда имтиёзли ҳуқуққа эга эканлигини назарда тутиб унинг улуши асл ҳолида берилиши лозимлигини инобатга олинмаганлигини кўрсатиб ўтган¹.

Назорат тартибида берилган шикоят юзасидан Ўзбекистон Республикаси олий суди 2002 йил сентябрь ойида № 02-602-02 билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига протест келтириб мазкур иш юзасидан чиқарилган фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судининг ажрим ва қарорларини бекор қилиб, ишни бошқа тартибда янгитдан кўришга юборишликни сўраган.

Иш Ўзбекистон Республикаси олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида кўриб чиқилиб, протест қаноатлантирилган ва иш янгитдан кўришга юборилган².

Давлат нотариал идорасида мерос ишларини ҳисобга олиш китоби юритилиши белгиланган. Мерос ишларини ҳисобга олиш китобида, мерос қабул қилиб олиш тўғрисидаги, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш ҳақидаги аризалар қайд этилади. Мерос мулк ҳисобига харажатларни тўлаш тўғрисидаги фармойишлар, меросдан воз кечиш ҳақидаги аризалар, кредиторларнинг даъволари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2002 йил архивидан.

² Ўзбекистон Республикаси Олий судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2002 йил архивидан.

шунингдек мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар қўриш тўғрисидаги аризалар (мерос мулкни сақлаш учун қабул қилинган чоралар) ҳам мерос ишларини ҳисобга олиш китобида қайд этилади. Шунингдек, кейинги берилган барча аризалар ҳам ушбу китобга қайд этилиб аризаларда улар олинган вақт ва мерос ишининг рақами ёзилиши лозим.

Нотариал идорага меросхўрлар навбат билан чақирилади. Қонун бўйича ёки васият бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани олган меросхўр, ушбу мулкнинг эгаси ҳисобланади. Бу эса барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар учун мажбурий бўлиб, мерос олган шахсдан гувоҳномадан ташқари бошқа ушбу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилишликка ҳақли эмаслар.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олган меросхўрлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари асосида давлат божи тўлайдилар.

Биринчи навбатдаги меросхўрлар мерос суммасининг 0, 1 фоизи миқдорида.

Иккинчи навбатдаги меросхўрлар мерос суммасининг 0,5 фоизи миқдорида;

Қолган меросхўрлар мерос суммасининг 2 фоизи миқдорида

Мерос гувоҳномаси давлатга берилганда давлат божи тўлашдан озод қилинади.

НАМУНА:

Ўзбекистон Республикаси давлат герби.

Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома (намуна)

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

Икки минг олтинчи йил, ўн иккинчи май куни.

Мен, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1142-моддасига асосан 1996 йилнинг 15 апрелида вафот этган Қахрамонов Комилдан қолган мулкнинг 1/2 қисмига унинг Тошкент шаҳар М. Улуғбек кўчаси 17-уйда яшовчи ўғли Қахрамонов Қудрат Комилович

меросхўр эканлигини тасдиқлайман. Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки: Тошкент шаҳри Яккасарой тумани М. Улуғбек кўчасидаги 600 м² ер майдонида жойлашган 17-ҳовли жойдан иборат бўлиб, бу ҳовлида тўрт хона олди айвонли, яшаш майдони 65 м², умумий фойдаланиш майдони 90 м² бўлган бир қаватли уй бўлиб, ҳовлида ёрдамчи бинолардан ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммом бор.

Юқоридаги уй-жой мерос қолдирувчига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимининг 1992 йил 12 майдаги 125-сонли қарорига асосан тегишли бўлиб, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани техник инвентаризация бюросининг 1992 йил 10 майдаги 135-сонли маълумотномаси билан тасдиқланади.

Мерос мулкининг инвентар баҳоси 35 850 (ўттиз беш минг саккиз юз эллик) сўм.

Юқорида кўрсатилган мерос мулкининг 2/1 қисмига васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома берилгани йўқ.

Ушбу гувоҳнома Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси томонидан руйхатдан ўтказилиши шарт.

Реестрга 2227 рақам билан қайд этилди.

Давлат божидан давлат божи тўғрисидаги қонуннинг 4-моддаси, 3 қисм “д” бандига асосан озод қилинди.

Мерос иши 2/12

Гербли муҳр давлат нотариуси : имзо

Ўзбекистон Республикаси Давлат герби
Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида
ГУВОҲНОМА (намуна)

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

Бир минг тўққиз юз тўқсон еттинчи йил, ўн тўққизинчи май куни.

Мен Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Тошкент шаҳар А. Икромов тумани давлат нотариал идорасида 1995 йил нинг 27 ноябрида тасдиқланиб, реестрга 1127 рақами билан қайд этилган васиятномага асосан 1996 йилнинг 27 ноябрда вафот этган Ғафуров Қаҳҳорнинг васиятномада кўрсатилган

мулкига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани А. Навоий кўчасидаги 25 уйда яшовчи фуқаро Каримова Мадинабону Сайдуллаевна меросхўр эканлигини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома берилаётган мерос мулки ВАЗ 2106 русумли 1994 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 0998790, шасси рақамсиз, кузов рақами 34578698, ранги оқ, давлат рақами т 95-85 тн бўлган автомашинадан иборат.

Юқоридаги автомашина мерос қолдирувчига Тошкент шаҳар А. Икромов тумани ЙХХБ бўлими томонидан берилган 1994 йил 21 январда рўйхатга олинган ТЕ 779863 сонли автотранспорт воситаларини қайд этиш гувоҳномасига асосан тегишли.

Мерос мулки бўлган автомашина “Ўзавтотеххизмат” ҳиссадорлик жамиятининг 200й йил 27 апрелдаги баҳолаш далолатномасига асосан 25 870 (йигирма беш минг саккиз юз етмиш) сўмга баҳоланган.

Мазкур гувоҳнома автомашинани қайта рўхатдан ўтказиш учун Тошкент шаҳар ЙХХБорганларига тақдим этилиши шарт.

Реестрга 1767 рақам билан қайд этилди.

5170 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

2/25 сонли мерос иши.

Гербли муҳр давлат нотариуси: имзо

Назорат саволлари:

1. Шахс меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома олиши ҳақида қайси нотариал идорага мурожаат этади?

2. Мерос очилган жой ва вақти қандай ҳужжатлар асосида аниқланади?

3. Мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини аниқланг?

4. Меросхўр билан мерос қолдирувчи ўртасидаги қариндошчилик муносабатларини нотариус қандай ҳужжатлар асосида аниқлайди? Масалан: Ота-бола, ака-сингил ва бошқалар.

5. Уй-рўзғор буюмларини қайси меросхўр қабул қилиб олади ва қандай асосларда?

6. Меросхўрлардан қайсилари мажбурий ҳисса олиш ҳуқуқига эга? Мажбурий ҳисса олувчи қандай аниқланади?

7. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома қанча муддат ичида берилади?

8. Қандай ҳолларда меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида қўшимча гувоҳнома берилади.

9. Меросхўр меросдан воз кечиши мумкинми, агар мумкин бўлса қандай расмийлаштирилади?

10. Мерос юзасидан келиб чиққан низолар қайси судларда ва қандай тартибда кўриб чиқилади?

11. Меросни қабул қилиб олувчи меросхўрлардан давлат божи қандай тартибда ундирилади?

12. Давлат божини ундириш қайси қонун билан тартибга солинади?

8.3. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкларидаги улушларига мулк ҳуқуқи гувоҳномасини бериш тартиби

Давлат нотариуслари Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги қонунинг 62-моддасига, ЎзР “Оила” кодексининг 23-моддасига асосан эр-хотиннинг умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномалар бериши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларининг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланмага¹ (бундан кейин матнда Қўлланма деб юритилади) асосан нотариус эр-хотиннинг биргаликдаги ёзма аризаларига мувофиқ улардан бирига ёки иккаласига никоҳ давомида орттирилган умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беради. (Қўлланмани 137-банди)

Гувоҳнома, гувоҳнома берилган кунда эр-хотиннинг мавжуд умумий мулки ҳисобланган мулкларига берилади.

Нотариус гувоҳномани бериш вақтида никоҳ муносабатларини тасдиқловчи ҳужжат никоҳ тўғрисида гувоҳномани талаб қилади. Мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани сўраб мурожаат қилган шахслар ўртасида никоҳ бекор қилинган бўлса, кўрсатиб ўтилган ҳужжатдан ташқари никоҳдан ажратилганлик ҳақидаги гувоҳнома ҳам талаб қилинади.

“Улушига гувоҳнома берилаётган мулкнинг таркибига кирган мулклар: корхона, уй-жой, квартира, автотранспорт воситалари ёки махсус ҳисобда туриб рўйхатдан ўтказиладиган бошқа мулклардан иборат

¹ Ўзбекистонда Нотариат. Амалий қўлланма. –Т.: Адолат, 1998 йил.

бўлса, нотариус ушбу мулкларнинг эр ёки хотинга тегишли эканлиги текширади» .(Қўлланмани 138-банди).

Бирор сабабга кўра, жумладан уйни қуриш мақсадида берилган қарз муносабати билан уйни бошқа шахсга ўтказишга тақиқ солинган бўлса, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, қарз берган тегишли банк муассасаси ёки ташкилотнинг рухсатини олгандан сўнггина берилиши мумкин. Нотариус мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани берилгани ҳақида уйга ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатга бу ҳақда ёзиб қўйиши лозим.

Корхона, уй-жой, квартира, дала-ҳовли, гараж ва шу каби бошқа кўчмас мулкларга нисбатан эгалик ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома шу уй ва кўчмас мулк жойлашган ердаги нотариус томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонунинг 63-моддасида марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) аризасига кўра умумий мол мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш тартиби кўрсатилган.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб, эр-хотиндан бири вафот этган тақдирда эр-хотинлар умумий мулкидаги улушга мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома иккинчисининг ёзма аризасига мувофиқ, мерос очилган жойдаги нотариус томонидан берилиб, меросни қабул қилиб олган меросхўрлар бу ҳақда хабардор қилинади (Қўлланмани 138 банди).

Хабарномада эр-хотиннинг улушига эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши сўралаётган умумий мулкнинг таркиби кўрсатилади, мазкур шахснинг мулк талаб қилиши бошқа меросхўр томонидан рад этилган тақдирда, нотариус уларга судга мурожат қилиш ҳуқуқини тушунтириши лозим. Хабарнома алоқа бўлими орқали юборилади, нотариал идорага келган меросхўрларни давлат нотариуси бу ҳақда оғзаки хабардор қилиб, меросхўрлар нотариал идорага келгандан сўнг уларнинг аризаси олинади ва бу ҳақда тегишли руйхат китобига қайд этилади.

Эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга эгалик қилиш тўғрисидаги гувоҳнома мазкур шахсга никоҳ давомида орттирилган умумий мулкнинг ярмига яъни иккидан бир 2/1 қисмига берилиши мумкин.

Амалиётда шундай ҳоллар ҳам учраб турадики, баъзида эркак кишининг вафот этиши билан унинг ота онаси нотариал идорага келиб мерос бўлиб қолган мулк фақат ўғлига тегишли эканлигини, марҳумнинг хотини уйда ўтириб ишламай, фақат болалар тарбияси билан шуғулланганлигини , мерос бўлиб қолган мулкка фақат ўзлари ворис эканлигини айтадилар.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Оила ” кодексининг 23-моддаси эр-хотиннинг умумий мулкани таърифлашга қаратилган бўлиб, бунда “эр ва хотиндан бири уй-рўзғор ишларини юритиш, болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ёки бошқа узрли сабабларга кўра мустақил иш ҳақи ва бошқа даромадга эга бўлмаган тақдирда ҳам эр ва хотин умумий мол-мулкка нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлади ”- деб кўрсатилган.

Бундай ҳолларда уларнинг талаби қонунга зид эканлигини нотариус тушунтирмоғи лозим. Бундан ташқари шуни ҳам айтиб ўтиш керакки аввал кимгадир ҳадя қилинган мулк вақти келиб умумий мулкка айланиши мумкин.

МАСАЛАН: фуқаро “А”га отаси уй-жойни ҳадя қилади. Фуқаро “А” вақти келиб турмушга чиқиб, турмуш ўртоғи билан биргаликда отаси ҳадя қилган уйни тамомила nobуд бўлишини олдини олиш мақсадида қайта таъмирлайди ва уй-жойда яшай бошлайдилар. Бундай ҳолларда истесно тариқасида никоҳ тузилмасдан аввал бу уй-жой фуқаро “В” нинг хотини “А” га тегишли бўлсада бу уй-жойгв “В” ҳам эгадор бўлиб ҳисобланади.

Агарда фуқаро “В” ушбу уй-жойдан умумий мулк деб ҳисса ажратмоқчи бўлса, нотариус ундан уйни nobуд бўлиб кетишлигини олдини олиш учун таъмирлашга сарфланган харажатни тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади ва шунга асосан, нотариус умумий мулкдан ҳисса ажратиб беришлиги мумкин.¹

Меросни қабул қилган ворисларнинг ёзма аризасига кўра ва марҳум эрдан (хотиндан) кейин хотиннинг (эрнинг) ёзма розилиги билан мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада вафот этган эрнинг (хотиннинг) ҳам умумий мол мулкдаги улуши белгиланиши мумкин ёки вафот этган эрга (хотинга) алоҳида мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилиши мумкин.

Меросни қабул қилиб олган меросхўрлар орасида вояга етмаганлар бўлган тақдирда вафот этган шахснинг турмуш ўртоғига умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома васийлик ва ҳомийлик органининг ёзма розилиги билан берилади.

Бундан ташқари марҳумнинг эр ёки хотини умумий мулкка эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олишда воз кечиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда нотариус мерос ишига марҳумнинг эр ёки хотинидан ёзма равишда ариза олиши, нотариус томонидан марҳумнинг эр ёки хоти-

¹ М.Г.Авдюков “Выдача свидетельство о праве собственности на долю в общем имуществе супругов” –М., 1974. 65-б.

нига умумий мулк ҳиссасига эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома олиши мумкинлиги, ЎЗР"Оила" кодексининг 23-моддаси талаблари тушунтирилганлигини ёзиб қўйиши лозим. Эр ёки хотиндан бирортаси умумий мулк ҳиссасига эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномани олишдан воз кечган тақдирда, ўзига тегишли бўлган ҳиссани ворислардан бирортасига ўтказилишига йўл қўйилмайди. Бундай вақтларда эр ёки хотин ўзига тегишли ҳиссани қабул қилиб, сўнгра ўзи хоҳлаган шахсга сотиши ёки ҳадя қилиши мумкин бўлади. Эр ёки хотинга уларнинг умумий мол-мулдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш чоғида улардан бирининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, вафот этган шахс билан никоҳда бўлганлигини тасдиқловчи ҳужжат талаб қилинади. Нотариус вафот этган эр (хотин) нинг никоҳга кирган вақти билан, биргаликдаги турмушлари давомида сотиб олинган мулкларнинг сотиб олинганлик вақтини солиштириш йўли билан уларни қайси даврда сотиб олганликларини аниқлайди.

Нотариус кўчмас мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берган вақтда уни тегишли жойдаги "Ер ресурслари ва давлат кадастри" бошқармасидан, автоулов воситаси бўлса, ЙХХБ дан рўйхатдан ўтказиш кераклиги ҳақида тушунтиради. ВА бу ҳақда гувоҳномага ёзиб қўяди.

Давлат нотариал идорасида эр-хотиннинг умумий мол мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берганлик учун энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади

Назорат саволлари:

1. Эр-хотиннинг умумий мол мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома беришнинг неча тури мавжуд? Уларнинг бир-бирларидан фарқ қилувчи ҳуқуқий жиҳатларини тушунтириб беринг.?

2. Эр ёки хотин мулк ҳуқуқини қабул қилмай туриб, бошқа меросхўр фойдасига воз кечиши мумкинми?

3. Умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш вақтида нотариус қандай ҳужжатларни талаб қилиб олади?

4. Умумий мол-мулкдаги улушга бўлган мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериш бўйича муддат белгиланганми?

Эр-хотининг аризаларига кўра уларнинг умумий мулкларидаги улушига бериладиган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномадан

**НАМУНА: Ўзбекистон Республикаси давлат герби.
Мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома.**

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

Икки минг олтинчи йил, ўн саккизинчи май куни.

Мен, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси “Оила” кодексининг 23-моддасига асосан Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Нукус кўчаси 32-ҳовли жойда яшовчи эр-хотинлар Тураходжаев Козим Каримович ва Тураходжаева Сайёра Олимовналарнинг биргаликдаги никоҳлари давомида орттирилган мулкларига ҳар иккаласи тенг ҳиссада мулкдор эканликларини тасдиқлайман.

Мулк ҳуқуқи эр-хотинга тенг ҳиссада тасдиқланиб берилаётган юқорида қайд этилган умумий мулклари Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Нукус кўчаси 32 ҳовли-жой бўлиб, 600 м² ер майдонига жойлашган, бир қаватли бино, тўртта яшаш хонаси, битта даҳлизи билан, айвони бўлган умумий фойдаланиш майдони 120 м² яшаш майдони 60 м² уй, ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммомдан иборат.

Юқоридаги уй-жой Яккасарой тумани ҳокимининг 1995 йилги 125-к сонли қарорига асосан Тураходжаев Козим Каримовичнинг номига расмийлаштирилган ва Яккасарой БТИ да 1995 йил 18 ноябрда 1177 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Мазкур гувоҳнома Яккасарой тумани Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси рўйхатидан ўтказилиши шарт.

Реестрга 1770 билан қайд этилди.

600 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси : имзо

Гербли муҳр.

Эр ёки хотиннинг вафотидан сўнг улардан бирининг аризасига кўра умумий мулкларидаги улушига бериладиган мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома.

**НАМУНА: Ўзбекистон Республикаси давлат герби.
Мулк ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома.**

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри.

Икки минг олтинчи йил май ойи ўнинчи куни .

Мен, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 23-моддасига асосан 1996 йилнинг 23 майида вафот этган фуқаро Тураходжаев Қозим Каримовичнинг турмуш ўртоғи Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани Нукус кўчаси 32 уйда яшовчи Тураходжаева Сайёра Олимовнага биргаликдаги никоҳлари давомида орттирилган мулкларининг иккидан бир (2/1) қисми мулк ҳуқуқи асосида тегишли эканлигини тасдиқлайман.

Ушбу гувоҳнома билан фуқаро Тураходжаева Сайёра Олимовнага кўрсатилган ҳиссадаги мулк ҳуқуқи берилаётган умумий мулк Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Нукус кўчаси 32 ҳовли-жой бўлиб, бир қаватли 600 м² ер майдонига жойлашган, бир қаватли бино, тўртта яшаш хонаси, битта дахлизи билан, айвони бўлган умумий фойдаланиш майдони 120 м² яшаш майдони 60 м² уй, ёзги ва қишги ошхона, омборхона ва ҳаммомдан иборат.

Юқоридаги ҳовли-жой Яккасарой ҳокимлигининг 1995 йилги 125-к сонли қарорига асосан марҳум Тураходжаев Қозим Каримовичга тегишли бўлиб, Яккасарой БТИсидан 1995 йил 18 ноябрда 1177 рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Мазкур гувоҳнома Тошкент шаҳар Яккасарой тумани

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Реестрга 1250 билан қайд этилди.

600 сўм миқдорида давлад божи ундирилди.

Давлат нотариуси :имзо.

Гербли муҳр.

**9-Мавзу: НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИНГ АЙРИМ
ТУРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ҚОИДАЛАРИ**

Битимларни тасдиқлашнинг умумий қоидалари.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 110-моддасига асосан битимларни нотариал тасдиқлаш :

1. қонунда кўрсатилган ҳолларда,
2. тарафлардан бирининг талаби бўйича деб кўрсатилган.

Амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қуйидагилар албатта нотариал тарзда тасдиқланиши керак бўлган битимлар қаторига киради: - уй-жойни, квартирани, уларнинг бир қисмини тасарруф этиш, олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя тўғрисидаги шартномалар, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жойни бошқа шахсга бериш тўғрисидаги шартномалар. (ЎЗР ФК нинг 488, 531-моддалари.).

- корхоналарни олди-сотди шартномалари (ЎЗР ФК нинг 490-моддаси),

- гаров шартномасининг ипотека тури, шунингдек нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномага мувофиқ олинадиган мажбуриятларни таъминлаш юзасидан кўчар мол-мулкни ёки мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар (ЎЗР ФКнинг 271-моддаси,)

- якка тартибда шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жойлар қуриш учун ер майдонини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномалар,

- кўчмас мулкни ҳадя этиш шартномаси,

- рента шартномалари (ЎЗР ФК нинг 513-моддаси)

- автоулов воситалари ва мотоциклларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномалар,

- васиятномалар (ЎЗР ФКнинг 1124-моддаси),

- келгусида нотариал тартибда гувоҳлантиришни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончномалар, ЎЗР ФКда ва қонун ҳужжатларида ишончноманинг ўзгача шакли белгилаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно (ЎЗР ФКнинг 135-моддаси.)

- ваколатларнинг бошқа шахсга берилишига асос бўладиган ишончномалар (ЎЗР ФКнинг 140 моддаси.).

Қонун билан албатта нотариал тасдиқланиши белгиланмаган бошқа битимлар ҳам томонларнинг истагига мувофиқ нотариал тартибда тасдиқланиши мумкин битимларни нотариал тартибда гувоҳлантириш вақтида нотариуслар ўз мажбуриятидан келиб чиқиб, битимда иштирок этаётган томонларга аввало улар тузаётган битим-

нинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини, оқибатини тушунтириб бериши, ҳамда битимнинг мазмуни томонларнинг асл мақсадига мос келиш-келмаслигини текширишлари лозим.

Рўйхатдан ўтказилиши керак бўлган мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ёки гаровга қўйиш тўғрисидаги битимлар бошқа шахсга ўтказилаётган ёки гаровга қўйилаётган мол -мулкка мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилган тақдирдагина тасдиқланади (Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 44-моддаси).¹

Нотариус битимда иштирок этаётган томонларнинг шахсини аниқлаш вақтида уларнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни талаб қилади. Битимларни нотариал гувоҳлантиришнинг ўзига хос бўлган ҳуқуқий жиҳатларидан яна бири шуки, нотариус иштирокчиларнинг шахсини аниқлаб қолмай балки, уларнинг ёшига ҳам эътиборини қаратади. Чунки бу борада амалдаги ЎЗР ФКда алоҳида қоидалар белгиланган бўлиб, 14 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан, шунингдек, суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган кишилар номидан битимларни уларнинг ота-оналари, болаликка олувчилар ёки ҳомийлари тузадилар (ЎЗР ФК нинг 29-моддаси).

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан, шунингдек, суд тартибида муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар номидан битимлар уларнинг ота оналари, болаликка олувчилари ёки ҳомийлари розилиги билан тузилган тақдирдагина тасдиқланиши мумкин (ЎЗР ФК нинг 27, 31-моддалари).

Нотариусда битим қатнашчиларидан бирининг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайди ёки шу ҳаракатларни бошқара олмайди деб, ёки спиртли ичимликларни, наркотик моддаларни суистъемол қилиш оқибатида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяди деб ҳисоблаш учун асос бўлса бироқ, фуқаронинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилгани тўғрисида маълумотлар бўлмаган тақдирда, у битимни гувоҳлантиришни кечиктиради ва шахсни муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлиги тўғрисидаги суд қарори бор йўқлигини аниқлайди. (Қўлланмани 31-банди).

Агар бундай масала суд томонидан кўтарилмаган бўлса, нотариус Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 284-моддасида кўрсатилган шахслардан ёки ташкилотлардан бирига ўзининг таклифи ҳақида ха-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонуни. –Т.: Адолат, 1997 йил.

бар қилади ёки мустақил равишда мазкур шахснинг муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топиш ҳақидаги масалани суд олдига қўяди ва ўз хатида қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қилишни сўрайди. Нотариус ана шу шахс (ташкилот) қабул қилган қарорига қараб битимни амалга оширади ёки ишнинг судда қўриб чиқилишигача нотариал ҳаракатни амалга оширишни тўхтатиб туради.

Ота-оналар, болаликка олувчилар, ҳомийлик ва васийлик қилувчилар қандайдир сабабларга кўра (хизмат сафарида бўлиш, бошқа жойда истиқомат қилиш ва бошқалар) битимни тасдиқлашга розилик бера олмасалар битим, 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар номидан тузилаётган вақтда васийлик ва ҳомийлик орган вакилининг иштирокида тасдиқланиши мумкин.

Васий ўз васийлигидаги шахс номидан тузадиган қуйидаги битимларни тасдиқлашда нотариус васийлик ва ҳомийлик органининг розилигини олиши шарт:

- нотариал тасдиқланиши керак бўлган шартномаларни,
- васийликдаги шахснинг энг кам иш ҳақининг икки баробаридан ортиқ суммадаги мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни;
- васийликдаги шахсга тегишли бўлган мулкни тақсимлаш, гаровга қўйиш ёки бир йилдан кўпроқ муддатга ижарага бериш;
- васийликдаги шахс номидан мерос ва ҳадя олишдан воз кечиш;
- васийликдаги шахсга тегишли турар-жойни айирбошлаш ва унга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечиш тўғрисидаги.

Васийликдаги шахс номидан ҳадя шартномасини тузишга йўл қўйилмайди. Бу қоидалар ота-оналар (болаликка олувчилар) томонидан ўзларининг вояга етмаган болаларига васийлик, ҳомийлик қилувчилар сифатида тузиладиган битимларга ҳам тегишлидир. (Қўлланманинг 32-банди.)

Битимда иштирок этаётган жисмоний шахсларнинг муомала лаёқати текширилса, юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати текширилади.

Нотариуслар битимда иштирок этаётган юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқатини текшириш чоғида юридик шахс Устави ёки бошқа Таъсис ҳужжатлари билан танишиб чиқади. Устав ёки бошқа таъсис ҳужжатлари асосида юридик шахсга берилган ҳуқуқлар амалга ошираётган ҳаракатга тўғри келиш-келмаслигини, шунингдек нотариусга тақдим этган Устав ёки Таъсис ҳужжатлари белгиланган тартибда

давлат рўйхатидан ўтказилганлигини текширишлари шарт (Қўлланманинг 33- банди).

Битимлар вакил томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолларда нотариус битимда иштирок этаётган вакилнинг ваколатини текширади. Вакилнинг ваколати унга берилган ваколатнома (ишончнома) билан тасдиқланади.

Юридик шахсларнинг низомларида, юридик шахс раҳбарининг ишончномасисиз иштирок этиши ва бошқа ҳаракатларни амалга ошириши кўрсатилган бўлса нотариус бундай шахслардан ишончнома талаб қилмайди. Бундай ҳолларда уларнинг мансаб мавқеини тасдиқловчи ҳужжатгина талаб қилинади.

Юридик шахс сайлаб қўйиладиган орган томонидан бошқарилган тақдирда мансабдор шахсларни сайлаш тўғрисидаги ва улар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ҳақидаги қарор талаб этилиши лозим.

Мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш тўғрисидаги битим шартномага қўшиб қўйиладиган алоҳида ҳужжат тузиш йўли билан ҳам, шунингдек томонлар имзолаган шартноманинг барча нусхаларига ёзиб қўйиш йўли билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

Мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартномани бекор қилиш чоғида, агар бу шартнома тегишли идораларда жумладан уй-жойларга нисбатан Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан автоуловларга нисбатан ДЙХХБ (Давлат Йўл Хавфсизлиги Хизмати)да ҳали қайд этилмаган бўлса, нотариус томонларнинг аризаси асосида барча нусхаларига ва реестрга шартнома бекор қилинганлигини белгилаб қўяди (Қўлланмани 39-банди).

Тегисшли органда қайд этилган шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишув эса шартнома тузиш талабларига риоя қилган ҳолда тасдиқланади. Масалан айтайлик уй-жойга нисбатан олиш сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиб, тегишли тартибда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан қайд этилди. Лекин томонлар ўзаро келишувига кўра ушбу битимни низосиз тартибда нотариал идорада бекор қилишга келиша олсалар, бу вақтда шартномани бекор қилиш ҳақида келишув шартномаси тузилади.

Нотариус суднинг шартнома ҳақиқий эмас деб топилганлиги тўғрисидаги қарорни олган тақдирда бу ҳақда реестрга ва шартноманинг нотариал идорада сақланадиган нусхаларига тегишли ёзув ёзиб қўяди. Бундай ҳолда мулкни сотувчи (ҳадя этувчи) нинг талабига кўра нотариал идорада сақланаётган, бекор қилинаётган шартнома

тузилгунга қадар эса сотувчи (ҳадя этувчи)нинг қўлида бўлган ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат қайтарилади. Агарда шартномалар бекор қилинса, ёки суд йўли билан ҳақиқий эмас деб топилса, шартномани расмийлаштириш вақтида нотариус томонидан ундирилган давлат божи қайтарилмайди.

Қўлланманинг 35-бандига асосан махсус ҳисобдаги мулкни тасарруфдан чиқариш тўғрисидаги шартномалар, шунингдек, шартномани бекор қилиш тўғрисидаги келишув (тегишли органда қайд этилгандан кейин) ушбу мулк ҳисобга олинган жойда қайд этишга тақдим этилади, нотариус бу ҳақда гувоҳлантирувчи ёзувда кўрсатиб ўтади ва томонларга тушунтиради. Жумладан, шаҳардаги ёки шаҳар типигаги посёлкадаги уй-жойни (уй-жойнинг бир қисми) яқка тартибда иморат қурувчиларнинг уй-жой қурилиш жамоаси уйдаги хонадонни тасарруф этиш тўғрисидаги шартнома Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида рўйхатга олиниши лозим. Автоулов воситаларини тасарруф этиш тўғрисидаги шартнома Давлат Йўл Хавфсизлиги Хизмати (ДЙХХБ) бўлимидан қайд этилади. Битимларнинг матнида тегишлилигига қараб у қандай битим эканлиги, шартноманинг номи уни тасдиқлаган нотариал ҳудуд жойлашган жойнинг тўлиқ номи, шартнома тузилиб имзоланган сана сўзлар билан шартнома иштирокчиларининг фамилиялари, исмлари ва оталарининг исмлари юридик шахсларнинг номлари ҳеч бўлмаганда бир маротаба тўлиқ ёзилиши ва яшаш ёки жойлашган манзиллари кўрсатилиши, ҳадя шартномаларида лозим бўлса томонларнинг қариндошчилик даражалари кўрсатилиши мумкин.

-битим (шартнома)нинг предмети нимадан иборатлиги ва унинг таркиби, жойлашган манзили,

-битим (шартнома) предметини бошқа шахсга ўтказувчига қандай асосларда тегишли эканлиги ва бу ҳужжатларнинг ким томонидан, қачон берилганлиги (васиятномалар бундан мустасно)

-битим (шартнома) предметини бошқага ўтказилишига тақиқ солинмаганлиги (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно),

-битим (шартнома) предметининг баҳоси ва томонлар уни қанчагача баҳолаганликлари (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно),

-битим (шартнома) предмети учун ҳақ тўловининг шакли, лозим ҳолларда муддатлари, (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно),


-битим (шартнома) предметига нисбатан уни олувчида эгалик ҳуқуқининг вужудга келиши (васиятнома ва ишончномалар бундан мустасно),

-битим (шартнома) предметига нисбатан мажбуриятларни олувчига ўтиши ёки бошқа ҳолатлар,

-битим (шартнома) предметига нисбатан эгалик ҳуқуқини ўтиши муносабати билан қонунчилик талабларини тушунтирилганлиги битим (шартнома) неча нусхада тузилиб имзоланганлиги ва зарур ҳолларда махсус рўйхатдан ўтказилиши лозим бўлган мулкларни рўйхатдан ўтказиш шартлиги ва томонларнинг ўзаро келишувига кўра қонунчиликка зид келмайдиган ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўз аксини топиши керак (қўлланмани 35-банди.).

Битим (шартнома)нинг барча нусхаларига томонлар ёки шартномада иштирок этаётган уларнинг қонуний вакиллари ўз қўллари билан фамилия, исм ва отасининг исмларини ёзиб шахсий имзолари билан имзолайдилар. Битим (шартнома)нинг барча нусхаларига нотариус тегишли тасдиқлов ёзувини ёзиб, реестрга қайд қилинган рақамни, ундирилган давлат божи миқдорини кўрсатиб имзолайди ва муҳр босади. Кўрсатилган тартибда реестр дафтарида рўйхатдан ўтиб, муҳр босилган битим (шартнома)нинг барча нусхалари тенг юридик кучга эга. Битимлар энг камида уч нусхада тузилади, икки нусхаси битим қатнашчиларига берилади, бир нусхаси нотариал идорада қолади. Битимларнинг мазмуни баён этилган бошқа нотариал тасдиқланадиган ҳужжатлар камида икки нусхада тузилиб тасдиқланади ва бир нусхаси нотариал идорада қолади.

Битим (шартнома)лар низосиз фактларни тасдиқлашга қаратилган нотариал ҳаракат тури ҳисобланади. Бу ўринда низосиз бўлган юридик фактларни тасдиқлаш билан, исботлашга қаратилган фактларни шаҳодатлантиришни бир-биридан фарқлай билиш керак яъни низосиз фактлар икки турга бўлиниб **юридик факт, исботлашга қаратилган фактларга** бўлинади. Улар қуйидаги кўринишда бўлади:




Низосиз юридик фактларни тасдиқлашга қаратилган нотариал ҳаракатлар бўйича нотариус:


- битимларни тасдиқлайди,
- пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилади,
- пул тўлаш учун чекларни тақдим этади ва чеклар бўйича пул тўланмаганлигини тасдиқлайди,
- векселларнинг протестларини амалга оширади
- фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлайди,

- фуқаронинг муайян жойда эканлик фактини тасдиқлайди,
- фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди,
- ҳужжатлар тақдим этилган вақтни тасдиқлайди,
- жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширади.

Исботлашга қаратилган низосиз фактларни гувоҳлантириш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатлар:

- далилларни таъминлашга қаратилган нотариал ҳаракатлар,
- денгиз протесларини тасдиқлайди
- ҳужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини шаҳодатлайди,
- ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди
- ҳужжатдаги имзони ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.





Назорат саволлари:

1. Қонун талабидан келиб чиқиб, нотариал гувоҳлантирилиши шарт бўлган битимларни айтиб беринг?
2. Битимларда иштирок этаётган томонларнинг муомала ва ҳуқуқ лаёқати нотариус томонидан қандай аниқланади.
3. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган шахсларнинг битимда иштирок этиш тартибини тушунтиринг?
4. Қонунга кўра қайси турдаги битимларни расмийлаштиришда нотариус васийлик ва ҳомийлик органининг розилигини олиши шарт қилиб кўрсатилган?

5. Нотариус томонидан гувоҳлантирилаётган битимда нималар ёритилиши керак?

6. Битимлар неча нусхада тузилади, барча нусхалар бир хил юридик кучга эгами?

7. Битимлар нотариал ҳаракатларнинг қайси турига киради?

8. Судлар томонидан нотариал гувоҳлантирилган битимларнинг бекор бўлиш сабаблари нима деб биласиз?

9. Битим тузишда томон сифатида иштирок этганмисиз? Агарда иштирок этган бўлсангиз таасурот ва фикрларингизни гапириб беринг?

Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш тартиби.

Фуқароларнинг уй-жойга бўлган шахсий эҳтиёжларини қондириш мақсадида жойларда ҳокимият томонидан уй-жой қуриш учун қонун талаблари асосида ер майдонлари берилади.

Қўлланмани 37-бандида кўрсатиб ўтилганидек, шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномалар ер майдони ажратиб берилган жойдаги нотариал идораларда тасдиқланади.

Шаҳарларда ва шаҳар типидagi посёлкаларда мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонларини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш чоғида нотариуслар фуқароларнинг уй-жой қуришга бўлган ҳуқуқини тартибга солиб турувчи қонун талабига шартноманинг мувофиқлигини текширадилар. Бунда ер майдони қурувчига бириктириб берилганлиги тўғрисидаги давлат акти ёки ер берилганлиги ҳақидаги қарор ҳамда икки нусхада ер майдони режаси ва қурилиш лойиҳаси шартноманинг томонларга бериладиган нусхаларига тикиб қўйилади.

Ер майдони режаси ва қурилиш лойиҳаси шартноманинг нотариал идорада қоладиган нусхасига тикилмайди. Нотариус шахсий мулк ҳуқуқи асосида якка тартибда уй қуриш учун ер майдонини муддатсиз фойдаланишга бериш тўғрисидаги намунавий шартномада кўзда тутилган барча зарур реквизитлари кўрсатилган ёки йўқлигини текшириши лозим.

Давлат ва жамоат эҳтиёжлари тақозоси билан фуқаролардан ер майдонлари олиб қўйилганлиги муносабати билан уларга қарашли

иморатлардан кўчириш учун бошқа ер майдони бериш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантиришда қурилиш лойиҳасини тақдим этиш талаб қилинмайди. Уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантириш чоғида нотариуслар уй қурувчиларга Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддаси талабини тушунтиради. Яъни бунга кўра улар томонидан қурилаётган уйларга олинган рухсатнома асосида архитектура ва қурилиш қоидаларини бузмаган ҳолда қуриш лозимлигини агарда бунга риоя қилинмай қурилса, қурилган уйлар ўзбошимчалик билан қурилган уй ҳисобланиб, буни қурган шахс бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқини ололмаслигини тушунтиради.

Бундай шахслар келгусида қурган иморатни сотишга, ҳадя этишга, ижарага беришга яъни умуман тасарруф эта олмасликларини иморатга нисбатан ҳеч қандай битимлар тузишга ҳақли эмасликларини тушунтиради.

Уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги шартнома томонларнинг розилиги билан бекор қилиниши мумкин, бундай ҳолларда нотариус шартноманинг нотариал идорада бўлган нусхасига (экземплярига) ва реестр китобига унинг бекор қилинганлиги тўғрисида ёзиб қўяди.

Томонлар тегишли ҳокимият бошқармаси, ёки бўлими ва уй-жой қурувчиларнинг уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартноманинг шартларини ўзгартириш тўғрисидаги шартномаси нотариусга туман ёки шаҳар ҳокимиятларининг шартнома шартларини ўзгартириш тўғрисидаги қарори тақдим этилганидан кейин тасдиқланиши мумкин.

Шартнома шартларини ўзгартириш, шартномани бекор қилиш ва унинг ўрнига янгисини тузиш билан ҳам, шунингдек, шартнома шартларини ўзгартириш ҳақидаги алоҳида битим тузиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай ҳолда битим дастлабки шартноманинг нусхаларига тикиб қўйилади. Битим дастлабки шартноманинг барча нусхаларига ёзиб қўйиш билан ҳам баён этилиши мумкин. Битим ҳокимиятнинг тегишли бошқармаси (бўлими)нинг вакили, уй қурувчи томонидан имзоланиб нотариал тасдиқланган бўлиши лозим.

Шартномада қуйидагилар ёритилиши керак:

уй-жой қуриш учун ажратиб берилган ер майдони жойлашган манзил, ажратиб берилган ер майдонининг ҳажми, яъни қанча кв.м дан иборат эканлиги,

ер майдонининг узунлиги ва энига ҳажми қанчани ташкил этиши, уй-жой қандай материалдан қурилишлиги масалан тошданми, ёғочданми ёки бошқа қурилиш материалданми кўрсатилиши лозим. Нотариус шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаганликлари учун энг кам иш ҳаққининг 15 фоизи миқдорида давлат божи ундириладилар.

Назорат саволлари:

1. Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномада томонлар сифатида кимлар иштирок этади?
2. Ушбу шартнома томонларнинг келишувига кўра ўзгартирилиши, бекор қилиниши мумкинми? Мумкин бўлса нотариус қандай ҳаракатларни амалга ошириш лозим.?
3. Шартномани тасдиқлаганлиги учун қанча миқдорда давлат божи ундирилади.?

9.2. Уй-жойларни, квартира, уй-жойни ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга қаратилган битимлар.

Кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча битимлар мулк жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада бажарилади. Қўлланманинг 43-бандига асосан кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни нотариал тасдиқлашда нотариуслар аввало бошқа шахсга ўтказилаётган мулк, ўтказувчига (сотувчига, ҳадя қилувчига) тегишли эканлигини ҳужжатлар асосида текшириб кўрадилар. Шахснинг мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқи қуйидаги ҳужжатларнинг бири билан тасдиқланади:

шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома, шунингдек якка тартибда иморат қурувчилар уй-жой қурилиши жамоасига уй-жой қуриш учун ер майдони бериш тўғрисидаги шартнома,
-олди-сотди (шу жумладан сотувчини умрбод таъминлаш шарти билан) ҳадя, айирбошлаш тўғрисидаги нотариал гувоҳлантирилган шартнома,
-уй-жой (бошқа кўчмас мулк) очиқ савдода сотиб олинганлиги тўғрисида нотариус томонидан берилган гувоҳнома,

-уйни (кўчмас мулкни) демунципализация қилиш тўғрисидаги далолатнома,
 -меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги ворислик гувоҳномаси,
 -эр-хотиннинг умумий мол-мулкидаги улушига мулк ҳуқуқи тўғрисида берилган гувоҳнома,
 -суднинг уйга (кўчмас мулкка) бўлган эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи қонуний кучга кирган қарори,
 -уйнинг бўлинганлиги тўғрисидаги битим,
 -ваколатли ҳокимиятнинг уй-жойга (бошқа кўчмас мулкка) бўлган шахсий мулк ҳуқуқи тан олинганлиги тўғрисидаги қарори,
 -мулк ҳуқуқи уй-жойга ўтганлигини белгиловчи бошқа нотариал ҳужжатлар,
 -давлат ҳокимияти ваколатли органларининг қарори,
 Бунга давлат далолатномаси илова қилинади, корхона ва ташкилотлар маъмурияти ва касаба уюшмалари қўмиталарининг биргаликдаги қарори. Юқорида санаб ўтилган барча ҳужжатлар тегишли жойдаги Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан рўйхатдан ўтган бўлиши ва бу ҳақда ҳужжатга белги қўйилганлигини тасдиқловчи ёзуви бўлиши керак. Нотариус уй-жойни (уйнинг бир қисмини) ёки хонодонни эгасини бу мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатдан ташқари Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг маълумотномаси, агар давлат кадастрдан ўтиши керак бўлса, бу ҳақда гувоҳномани ҳам талаб қилади.
 Нотариус Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномасидаги кўчмас мулкнинг ҳолатини, эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатдаги ҳолати билан таққослаб кўради. Агарда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномасида кўрсатилган амалдаги майдони эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилганидан ортиқ бўлса, шунингдек маълумотномалардан уй-жойнинг эгаси (устки қават қурганлиги) ёки қўшимча иморат қурганлиги, ёки рухсатсиз яшаш хона бўлмаган қисмини қайта таъмирлаш йўли билан яшаш хонасига ўзгартирганлигини аниқласа, бундай ҳолларда нотариус нотариал ҳаракатни бажаришни тўхтатиб, туман ёки шаҳар ҳокимиятининг ер майдони миқдорини ўзгартиришга, унга устки қават қуришга, ёнма-ён иморат қуриш ёки уйни қайта таъмирлаб яшаш хонасига ўзгартиришга рухсат берганлиги тўғрисидаги қарорини тақдим этишни талаб қилади.

Ҳокимиятнинг бундай қарори бўлмаган тақдирда ер майдони ва уй-жойнинг тафсилоти, миқдори ҳуқуқ белгиловчи ҳужжат бўйича кўрсатилади. (қўлланманинг 43-банди).

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномасида ер майдонининг амалдаги ҳажми ёки уй-жой (квартира)ни саҳни ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлардагидан кам бўлганида, бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимда уларнинг ҳажм майдони Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномаси бўйича кўрсатилади.

Уй-жой (уй-жойнинг қисми) квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш вақтида нотариус бу мулкни бошқа шахсга ўтказишликка тақиқ бор йўқлигини текшириши лозим.

Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномасида тақиқнинг йўқлиги кўрсатилганлигидан қатъи назар нотариус бу маълумотномани нотариал идора ҳужжатлари бўйича текширишга мажбурдир.

Тақиқ мавжуд бўлган тақдирда уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим кредитор билан харидор қарзни харидорга ўтказишга рози бўлган тақдирда, арест мавжуд бўлганда эса, у олиб ташлангандан кейин тасдиқланади. Ушбу шартномаларни тасдиқлаш вақтида нотариус мулкни эр-хотиннинг никоҳ қайд этилганидан сўнг умумий (биргаликдаги) мулки эканлигини аниқласа, бундай ҳолларда бошқа шахсга ўтказишлик ҳақида эр ёки хотиннинг розилигини олгач амалга оширади. Эр ёки хотиннинг розилиги ёзма равишда берган аризасини расмийлаштириш йўли билан олинади.

Нотариус келгусидаги низони олдини олиш мақсадида эр ёки хотиннинг уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) хонадонни бошқа шахсга ўтказишга розилиги ҳақидаги аризасида унинг имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Эр ёки хотин уй-жойни (уй-жойнинг бир қисми) квартирани бошқа шахсга ўтказишга рози эканлиги тўғрисида нотариусга шахсан келиб ариза берган тақдирда имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлантириш талаб этилмайди. Эр ёки хотин нотариус ҳузурида имзо қўяди. Бу ҳолда нотариус унинг шахсини аниқлайди ва имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўйиб, унда ҳужжатнинг номи, рақами берилган вақти ва ҳужжатни берган ташкилот номини ёзиб қўяди.

Эр ёки хотиннинг аризасида биргаликда олинган уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) квартирани шахсан кимга, (фуқаронинг исми, шарифи, ташкилотнинг номи) сотишга ёки совға қилишга рози эканлиги ёки

сотиш баҳоси, бошқа шартлар кўрсатилган тақдирда нотариус бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш вақтида унинг аризасида кўрсатилган шартларига риоя қилинганми ёки йўқлигини текшириб кўради. (Қўлланманинг 45-банди.)

Уй-жой (уй-жойнинг бир қисми)га бўлган ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатда унинг сотиб олинган вақти ва асосини аниқлаш имкони бўлмаганда, уй-жойни (унинг бир қисмини) бошқа шахсга ўтказётган кишининг турмуш ўртоғи уй-жойни (уйнинг бир қисмини) бошқа шахсга ўтказишга ёзма равишда розилик беришдан бош тортган тақдирда, нотариус бир томон (эр ёки хотин)нинг илтимосига кўра иккинчи томон (эр ёки хотинга) Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 73-моддасида кўзда тутилган тартибда, уй унинг бир қисмидаги улушун аждрати олиш учун нотариал идорага келишни таклиф қилиб, ёзган аризасини топшириши мумкин.

Агарда эр ёки хотин нотариал идорага белгиланган муддатда келмаса ва аризани олгандан сўнг ўн кун давомида ўз эътирозларини ёзиб юбормаса, нотариус уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирага нисбатан эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжати бўлган эр ёки хотин номидан уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаши мумкин.

Агар уй (уйнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказётган фуқаро турмуш ўртоғи йўқлиги (бўйдоқ ёки бева эканлиги) тўғрисида ёзма ариза тақдим этган тақдирда, нотариус бу ҳақда битимнинг бошқа қатнашчисини хабардор қилади.

Битим иштирокчиси бу ҳолат унга маълум қилинганлигини тасдиқлаб аризага имзо қўяди. Агарда ушбу битим вакил орқали амалга оширилса, ушбу ариза вакил томонидан бошқа вақтда эса, мулк эгаси томонидан берилади. Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатда уй (уйнинг бир қисми) квартира эр хотиннинг умумий мулки эмас, балки эр-хотиндан бирининг шахсий мулки эканлиги кўриниб турган тақдирда, бу битимни нотариал тасдиқлаш вақтида эр ёки хотиннинг розилиги талаб қилинмайди. Эр-хотиндан бири шу уй жойлашган ерда истиқомат қилмаётган ва яшаш жойи номаълум бўлган ҳолларда уй (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартиранинг бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим унинг розилиги талаб қилинмаган ҳолда тасдиқланиши мумкин. (Қўлланманинг 46-банди).

Бундай ҳолларда нотариус суднинг ушбу шахсни бедарак йўқолган деб топиш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарорини олиши лозим. Агар умумий улушли кўчмас мулкнинг қатнашчиларидан бири ўзига тегишли улушни бошқа шахсга сотган бўлса нотариус сотувчининг умумий улушли мулкнинг бошқа қатнашчиларини (шу жумладан юридик шахсни) ўз улушини ўзга шахсга сотиш нияти бўлганлиги тўғрисида, ҳиссанинг сотилиш баҳоси ва бошқа шартлари тўғрисида ёзма равишда хабардор қилинганлигига ишонч ҳосил қилиши керак (ЎзР ФКнинг 224-моддаси.) Ушбу модда талабидан келиб чиқиб, мулкдорлардан бири ўз улушини бошқа шахсга сотган вақтида қолган мулкдорлар сотилаётган улушни у сотиладиган нархда ва бошқа тенг шартларда имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ушбу модда қоидалари айирбошлаш шартномасида ҳам улушни бошқа шахсга бериш вақтида қўлланилади, лекин ким ошди савдоси орқали сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

Нотариал идорага Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 73-моддаси талаби асосида умумий улушли мулк қатнашчиларига сотувчининг умумий уйдаги улуши сотилиши тўғрисидаги аризани топширганлиги ёки умумий улушли мулк қатнашчиларининг уйнинг сотилаётган улушни (бу улушни сотиш баҳосини ва бошқа шартларини кўрсатилган ҳолда) имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиш тўғрисидаги аризаси, улушли мулкнинг бошқа мулкдорлари хабардор қилинганлиги исботи бўла олади.

Умумий улушли мулк қатнашчилари аризаларидаги имзоларининг ҳақиқийлиги нотариус ёки шаҳар, қишлоқ, овул фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) томонидан шаҳодатлантирилади.

Умумий улушли мулк қатнашчилари нотариал идорага шахсан келиб мулкни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан воз кечиши тўғрисида ариза берган тақдирда уларнинг имзолари ҳақиқийлигини шаҳодатлантириш талаб қилинмайди.

Бундай ҳолларда нотариус уларнинг шахсини аниқлайди, имзоларининг ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўйиб ариза берувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг номи, берилган вақти, ким томонидан берилганлиги рақамини кўрсатади.

Агар сотувчининг аризаси шартномани тасдиқлайдиган нотариал идораси томонидан умумий улушли мулк қатнашчисига топширилган бўлса, ариза топширилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нотариуснинг ариза топширилганлиги тўғрисидаги ёзуви билан уй-жой /унинг бир

қисми/ квартира олиш-сотиш битимнинг нотариал идорада қоладиган нусхасига тикиб қўйилади.

Умумий улушли мулк қатнашчисидан жавоб олинган тақдирда бу жавоб ҳам шартноманинг кўрсатилган нусхасига тикиб қўйилади. Агар уй-жой умумий мулк қатнашчиларидан бирига сотиладиган бўлса, улушли мулкнинг бошқа қатнашчиларини бу ҳақда хабордор қилиш талаб этилмайди.

Уй-жойдаги улушни ҳады қилиш ёки умирбод сақлаш шарти билан ўзга шахсга топшириш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш чоғида, шунингдек уйнинг бир қисми очик совдода сотилган тақдирда ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 223-моддасига мувофиқ уй-жойдан улушни ажратиш ёки уй-жойни тақсимлаш амалга оширилган ҳолларда мазкур қоидалар қўлланилмаслиги белгиланган.

Агар умумий ҳиссали мулк қатнашчиси ўзининг улушини бошқа мулкка айирбошламоқчи бўлса Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексининг 224-моддасига асосан умумий улушли мулкнинг бошқа қатнашчиларига шартли кўрсатилган шундай айирбошлашни таклиф қилиши лозим. (Қўлланманинг 47-банди)

Умумий улушли мулкнинг қолган қатнашчилари мулкни имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечган ёки сотиш нияти ва шартлари тўғрисида хабарнома олганидан бошлаб бир ой давомида бу ҳуқуқни амалга оширмаган тақдирда, нотариус уй-жойдан улушни бегона шахсга олиш-сотиш битимини тасдиқлайди. (Қўлланманинг 48-банди).

Уй-жойдан улушни бегона шахсга олиш-сотиш тўғрисидаги битим умумий улушли мулкнинг бошқа қатнашчилари шу уй-жойлашган ерда истиқомат қилмаган ва уларнинг манзили маълум бўлмаган ҳолларда ҳам тасдиқланади. Бунинг исботи сифатида ички ишлар бошқармалари тармоғи бўлган манзилларни аниқлаш ва маълумотлар бюроси ҳужжати тақдим этилиши керак.

Вояга етмаган, шунингдек муомала лаёқатига эга бўлмаган ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсга қарашли уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани ёки шу мулклардаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлашда нотариус уларнинг ота-оналари, болаликка олувчилари ёки ҳомийларини иштирокини таъминлайди чунки битимда иштирок эта олмаган бу шахслар номидан уларнинг ота-онаси, болаликка олган шахслар ёки ҳомийлари битим тузадилар.

Агар васийлик ва ҳомийлик органлари, ота-оналар, васийлик ва ҳомийлик қилувчилар зиммасига сотиладиган уй ёки уйнинг бир қисми ёки квартира суммасини вояга етмаган муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган кишилар номига банк бўлимига ўтказиш мажбуриятини юклаган бўлса, нотариус бу талабнинг бажарилишини текшириши ва шартнома матнида буни кўрсатиб ўтиши лозим.

Агар умумий улушни мулк қатнашчиси бир неча уй-жойлар /кўчмас мулк/ жойлашган ер майдонига ўзининг алоҳида уй-жойи бўлса, у ҳолда нотариус Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 224-моддаси талабидан келиб чиқиб, қатнашчиларнинг ҳаммасига имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга эканликларини тушунтириши лозим.

Умумий улушли мулк қатнашчиларидан бир нечаси сотилаётган улушни сотиб олиш истагини билдирсалар, у ҳолда харидорни танлаш ҳуқуқи ЎЗР ФКнинг 218-моддаси талаби асосида сотувчига берилади.

Сотилаётган уй-жой квартирадаги улуш бошқа шахсга ўтказилганлиги тўғрисида эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатга бу ҳақда ёзиб қўйилади.

Уй-жойдаги улушнинг бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим матнида уйнинг аниқ қисмлари эмас, балки арифметик ҳиссалари кўрсатилади. Масалан : , $1/2$, $3/8$ ва ҳоказо.

Уй эгаси томонидан уйнинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимда унинг аниқ қисмларидан фойдаланиш, шунингдек ер майдонидан фойдаланиш тартибини кўрсатади. Умумий улушли мулк қатнашчиларидан бири уйнинг ўзига тегишли улушини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимда уйнинг аниқ қисмларидан фойдаланиш тартибини, умумий улушли мулкнинг қатнашчилари ўртасида уйдан фойдаланиш тартиби ҳақида тегишли шартнома мавжуд бўлган тақдирдагина ёки уларнинг ёзма равишда берган розилиги билан ёхуд суднинг уйнинг аниқ қисмларидан фойдаланиш тартибини кўрсатувчи қарори мавжуд бўлган ҳолдагина кўрсатиб ўтиши мумкин.

Умумий улушли мулк қатнашчилари ўртасида умумий уйдан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги келишув уйнинг аниқ қисмлари, шунингдек ер майдонидан фойдаланиш тартиби кўрсатилган ҳолда, мустақил ҳужжат тузиш йўли билан расмийлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолларда нотариус Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномаси, эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи

хужжатни кўздан кечириб сўнгра битимни тасдиқлаши керак. Уйга умумий мулк ҳуқуқи мавжуд бўлган ҳолда ундаги улушни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимни тасдиқлаш чоғида нотариус ана шу улушни сотиб олаётган шахсга, ушбу уйга бўлган умумий улушли мулк қатнашчилари ўртасида қатнашчилар улушларга мувофиқ уйнинг алоҳида биноларидан фойдаланиш тўғрисидаги келишув нотариал тасдиқланган ва тегишли идорада қайд этилган бўлса бу шартнома ана шу умумий мулк асосидаги уйдаги улушни сотиб олаётган шахс учун ҳам мажбурий эканлигини тушунтиради. (ЎЗР ФК нинг 185, 222-моддалари).

Улушларнинг миқдорини белгилаш ҳақидаги ёки улушларнинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги келишув, агар уйга ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатдан улушларнинг миқдори кўрсатилмаган ёки нотўғри кўрсатилган бўлса, мустақил шартнома тузиш йўли билан ҳам, шунингдек ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатларга тегишли ёзувлар ёзиш йўли билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин (Қўлланмани 54-банди).

Агар улушларнинг ўзгартирилиши умумий улушли мулк қатнашчилардан бири томонидан қўшимча қурилиш /ёнма-ён иморат қуриш, бино устига қават қуриш ва шу сингарилар ёки уйнинг бир қисмини бузилиши натижасида амалга оширилган тақдирда, нотариус ҳокимиятнинг қўшимча қурилшига ёки уйнинг қисмини бузилишига доир қарорини Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасини ва кўздан кечириш учун ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатни талаб қилади.

Умумий улушли мулк қатнашчиси вафот этган тақдирда улушларнинг миқдорини ўзгартириш тўғрисидаги келишув меросни қабул қилиб олган меросхўрлар иштирокида гувоҳлантирилиши мумкин.

Уй-жойнинг умумий улушли мулкка эга бўлган қатнашчиларидан ҳар бирининг улушлари миқдорини белгилаш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш чоғида улуш миқдорини ўзгарганлиги тўғрисидаги шартномага бу шартнома Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида қайд этилиши кераклиги тўғрисидаги гувоҳлантирувчи ёзув киритилади, улушлар миқдорини белгилаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги келишув ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатга (ҳужжатларига) тикиб қўйилади.

Тарафларнинг истагига мувофиқ қишлоқ аҳоли пунктларида жойлашган уй-жойларнинг (уларнинг қисмларини) бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни нотариал тасдиқлатиш учун мурожаат этилганда, нотариус бу ҳолда битимларнинг тасдиқлашнинг умумий

қоидалари ва ЎзР ФКнинг 488-моддаси талабларига риоя қилади. (Қўлланманинг 55-банди).

Агарда бошқа шахсга ўтказилаётган уй-жойлар, квартиралар, уй-жойларнинг ёки квартираларнинг бир қисми қишлоқ хўжалик ёки ўрмон хўжалик ташкилотларига тегишли бўлса, бундай ҳолларда нотариус юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари:

-томорқа ер участкаси ушбу уйни сотиб олувчининг фойдаланишида тўлалигича ёки қисман қолдирилиши ҳақида, участка миқдори кўрсатилган ҳолда жамоа ташкилотининг юқори органи қарори, давлат қишлоқ хўжалик ёки ўрмон хўжалик ташкилотлари, корхоналари, муассасалари (уй-жой қишлоқ ёки ўрмон хўжалик ташкилотларига, корхоналарига ва муассасаларига тегишли ерда жойлашган бўлса) маъмуриятининг қарорини талаб қилиб олади. Бундай қарор посёлка, қишлоқ ва овул ўз-ўзини бошқариш органи (фуқаролар йиғини) томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Уй-жой, квартирани бошқа шахсга ўтказиётган шахсда уй-жой, квартирага эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи нотариал ҳужжат мавжуд бўлган тақдирда (мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома, уй-жой квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома) бу ҳужжат нотариусга тақдим этилиши, шартномада эса бундай ҳужжатнинг мавжудлиги кўрсатилиши керак.

1992 йил 3 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасига асосан дехқон хўжалиги томонидан уй-жой, квартира ва кўчмас мулк бошқа шахсга ўтказилаётган ёки сотиб олинаётганда нотариусга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- тегишли ҳокимиятда қайд этилган ерга доимий эгалик қилиш, доимий фойдаланиш ёки мерос қилиб қолдириш ҳуқуқини берувчи давлат далолатномаси ёки бошқа ҳужжат (кўздан кечирилиб ушбу ҳолатга аниқлик киритишлик учун) дехқон хўжалиги аъзоларининг ушбунини сотиб олиш ёки бошқа шахсга ўтказиш ҳақида ўзаро келишганлиги тўғрисида қарор, қарорни қабул қилиш пайтида ҳозир бўлмаган дехқон хўжалиги аъзолари нотариуснинг ҳузурига шахсан келиб дехқон хўжалиги аъзоларининг қарорига розилиги ҳақида ариза бериб кетишлари ёки аризадаги имзони нотариал тартибда шаҳодатлантирилган ҳолда бундай аризани почта орқали жўнатишлари мумкин.

Қуриб битказилмаган уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома ҳокимиятнинг рухсати мавжуд бўлган ҳолда тасдиқланиши мумкин.

Қуриб битказилмаган иморатлар ва иншоотларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлашда тегишли давлат вакиллик идораларнинг рухсати мавжуд бўлган ҳолда уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномасини расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар талаб қилинади.

Тарафларнинг истагига мувофиқ уй-жойни бузиб олиш учун бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномани тасдиқлашда уй-жойни жойида қолдириш билан бошқа шахсга ўтказиш шартномасини расмийлаштириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар талаб қилинади. Уй-жой (уй-жойнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказувчининг (боқиманданинг) уни умрбод таъминлаб туриш шarti билан бошқа шахсга ўтказиш шартномаси уй-жойни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлашнинг умумий қоидаларига риоя қилинган ҳолда тасдиқланади. Нотариус ушбу шартномани гувоҳлантириш вақтида уйни ёки квартирани бошқа шахсга ўтказувчи шахснинг (ёши ёки саломатлиги бўйича) меҳнатга лаёқатсизлигини текшириб, бу ҳақда шартноманинг матнида ҳам кўрсатиб ўтиши керак.

Уй-жой, квартирани умрбод таъминлаб туриш шarti билан бошқа шахсга ўтказиш шартномасида уй-жойни бошқа шахсга ўтказувчига моддий таъминотнинг қандай турлари берилиши, уларни ойлик пуллик баҳоси ва уй-жой (унинг қисми) ёки квартиранинг қиймати кўрсатилган бўлиши керак. Бошқа шахсга ўтказилаётган уй-жой (унинг қисми) ёки квартиранинг ва моддий таъминотнинг баҳоси тарафлар келишувига биноан белгиланади.

Агар шахс меҳнатга лаёқатсиз бўлса-ю, аммо вояга етмаган бўлса у уй-жойни умрбод таъминлаб туриш шarti билан бошқа шахсга ўтказувчи бўла олмайди.

Нотариус уй-жойни (квартирани) умрбод таъминлаш шarti билан бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги шартномани расмийлаштириш вақтида битим иштирокчиларига ЎзР ФКнинг 530-534-моддаларининг талабларини тушунтиради ва бу ҳақда шартнома матнига ҳам ёзиб қўяди.

Қўлланманинг 59-бандига асосан мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган уй-жойларни давлат ҳисобида турувчи давлат муассасалари ва корхоналари томонидан сотиб олишларида, тегишли ва-

зирликлар ва идораларнинг уйларини сотиб олиш учун ажратилган капитал маблағлар ҳисобидан уй-жой хонадонларни сотиб олишга рухсат бўлган тақдирда олди- сотди шартномалари тасдиқланади. Юқорида кўрсатилган уйларни, тўла хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини молиялаш шароитида ишловчи давлат муассасалари ва корхоналари, фуқаролардан шартнома баҳолари бўйича сотиб олишларида, нотариус сотиб олувчидан уй-жойни, хонадонни (уйнинг, хонадоннинг бир қисмини) шу корхона ва муассасаларнинг ўз даромадларидан ижтимоий ривожланишига ажратилган маблағи ҳисобига сотиб олинаётганлиги ҳақида раҳбар ва бош ҳисобчи имзолаган маълумотнома талаб қилиб олиши зарур. Мулк ҳуқуқи асосида фуқароларга тегишли бўлган уй-жойларни ва ширкат, жамоат ташкилотлари томонидан сотиб олишларида нотариус битимда иштирок этаётган юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини унинг Низоми асосида текшириб, таъсис ҳужжатлари билан ҳам танишиб чиқади. Шу асосда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини текшириб, у томонидан бажарилаётган ҳаракат Низомига мувофиқми ёки йўқлигини ва Низом тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилганлигини текшириши шарт.

Битим вакил томонидан амалга оширилган ҳолларда нотариуслар унинг ваколатини текширадилар. Вакилнинг ваколати унинг номига берилган ишончнома билан тасдиқланади.

Қўлланманинг 60-бандига асосан давлат муассасалари ва корхоналари, давлат ҳокимияти маҳаллий органларига қарашли уйларни фуқаролар сотиб олиши билан боғлиқ шартномаларни тасдиқлаш чоғида:

Техник инвентаризация бюросининг маълумотномаси.

Сотилаётган уйнинг баҳолаш далолатномаси,

молия бўлимининг уй ҳисобга олинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси,

ер участкасининг режаси, сотиб олувчи сотилаётган уйда ижарада турувчи эканлигини /агар уй маҳаллий ҳокимият томонидан сотилаётган бўлса /ёки уй сотаётган корхона, муассасанинг ходими бўлса, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар/паспорт, уй дафтарида кўчирма, иш жойидан маълумотнома ва бошқалар/ ҳам талаб қилинади.

Ер майдони режаси шартномаларнинг тарафларга бериладиган нусхаларига тикиб қўйилади. Нотариал идорасида қоладиган нусхага бу режа тикилмайди. Агар баҳолаш комиссияларининг туман, шаҳар ҳокимияти қарори ёки вазирликларнинг буйруғи, фармойишлари билан тасдиқлаган баҳолаш актларида уй-жойнинг баҳоси, турар-жой

майдони, сотиб олувчи ижарачи ёки шу корхонанинг ходими эканлиги тўғрисида маълумотлар бўлса, нотариус ушбу маълумотлар йиғиндиси билан билан кифояланиши мумкин.

Фуқароларга тегишли бўлган уй-жойларни маҳаллий ҳокимиятлар, давлат, ширкат, жамоат ташкилотларига тегишли биноларга айирбошлаш шартномаси Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисидаги қонунга асосан тасдиқланади.

Боғдорчилик ширкатлари ерлардаги боғ уйларни бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаш учун нотариус қуйидаги ҳужжатларни талаб қилади;

-тегишли ҳокимиятнинг бошқа шахс ўтказувчи номига ер участкаси ажратилганлиги ҳақидаги қарори;

-умумий мулк ҳисобланган боғ-ҳовлини бошқа шахсга ўтказишга мулк эгасининг турмуш ўртоғини розилиги баён этилган ариза ёки турмуш ўртоғи йўқлиги ҳақидаги аризаси;

-ер майдонининг миқдори ва уйнинг таркиби ҳақида Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномаси.

Қўлланманинг 63-бандига асосан кооператив ва шунга ўхшаш ташкилотларга тегишли бўлган уй-жойларни фуқароларга сотиш ҳақидаги шартномалар, агар шу кооперативларнинг Низомларида сотиш ҳуқуқи кўрсатилган бўлсагина нотариус ушбу шартномани гувоҳлантиради.

Бундай ҳолларда нотариус сотилаётган уй-жойнинг сотаётган ташкилотга тегишлилиги ҳақидаги ҳужжатни Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномасини, айрим кооперативга қарашли уйлар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан рўйхатдан ўтмаган бўлиб, бундай ҳоллар учраганда нотариус кооператив ташкилотнинг ўзида сақланаётган уй-жойнинг баланс қиймати ҳақидаги маълумотномани кооператив ташкилот аъзоларининг умумий мажлиси ёки раҳбар органларнинг (Устав ёки Низомига кўра) унга бу масалаларни ҳал этиш ваколати берилган бўлса уй-жойни сотиш ҳақидаги Қарорни талаб қилади.

Жамоа хўжаликларига тегишли бўлган уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим жамоа хўжалигининг ушбу уйни баланс қиймати ҳақидаги маълумотномаси ва хўжалик аъзолари умумий йиғилиши ёки вакиллар йиғилишининг уйни сотиш тўғрисидаги қарори бўлгандагина тасдиқланади.

Жамоа хўжаликларига тегишли бўлган мулкни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битим хўжалик раҳбари ва бош ҳисобчи томонидан имзоланган шу мулкнинг баланс қиймати тўғрисидаги маълумотнома, хўжалик аъзоларининг умумий йиғилиши ёки вакиллар (жамоа хўжалиги аъзоларининг учдан икки қисмидан кам бўлмаган йиғилишининг сотиш нархи кўрсатилган қарори, иншоотлар режаси) кўздан кечириш учун ҳамда Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномаси бўлганда тасдиқланади.

Қўлланманинг 65-бандига асосан давлат ёки хусусий уй-жой фондига қарашли уйларнинг улушларига эгаликни тугатиш мақсадида фуқароларга сотиш билан боғлиқ шартномани тасдиқлаш чоғида қуйидагилар талаб қилинади;

- техник инвентаризация бюросининг маълумотномаси,
- уйнинг сотилаётган улушини баҳолаш далолатномаси ва сотиб олувчи сотилаётган уйнинг қисмида ижара ҳуқуқи асосида яшаётганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

- молия органларининг уйнинг сотилаётган қисми ҳисобига олинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси (давлатга қарашли уй-жойнинг қисмларини фуқароларга сотиш чоғида).

Уйнинг сотилаётган қисмида истиқомат қилиб, имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар уйдан улушини имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечган тақдирда, ёки бу ҳуқуқни хабар қилинган кундан эътиборан бир ой давомида амалга оширмаган тақдирда бу улуш ҳар қандай бошқа шахсга сотилиши ва бу шартнома нотариал тасдиқланиши мумкин.

Нотариус томонидан сотувчи ва сотиб олувчига, шунингдек уй-жой (уй-жойнинг бир қисмини) ёки квартирани ҳадя асосида олувчига, шартнома асосида мол-мулк олувчида мулк ҳуқуқи, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса ашё топширилган пайдан бошлаб вужудга келишлиги нотариус томонидан тушунтирилади.

Бу қоида яъни ЎзР ФКнинг 185-моддасининг мазмуни шартнома иштирокчиларига тушунтирилганлиги ҳақида шартнома матнига ёзиб қўйилади.

Қўлланманинг 67-бандига асосан қишлоқ хўжалик корхоналари, матлубот кооперацияси ташкилотларнинг ўз ходимларига имтиёзли шартлар билан ҳовли, иншоотларга эга бўлган қўрғон типдаги уйларни сотиш тўғрисидаги олди-сотди шартномаларни тасдиқлашда қуйидагилар талаб қилиниши лозим:

- қишлоқ хўжалиги корхонаси раҳбари, жамоа хўжалик ва матлубот кооперацияси бошқаруви касаба уюшмаси ташкилоти билан биргаликда тасдиқланган уй-жой сотиб оладиган ходимларнинг рўйхати (рўйхатнинг нусхаси ёки ундан кўчирма нотариал идорада қолдирилади);

- давлат қабул комиссиясининг =уриб битказилган уй-жойни белгиланган тартибда фойдаланишга қабул қилиб олиш далолатномаси ёки Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномаси, уй инвентаризация ўтказилмаган ерда жойлашган бўлса, сотилаётган уйнинг баланс қиймати ҳақидаги маълумотнома.

Қишлоқ хўжалик корхонасига бириктириб қўйилган ердаги қишлоқ аҳоли пунктида жойлашган уй-жойни, шунингдек қишлоқ хўжалик корхонасига бириктириб қўйилган ернинг шаҳар чегараси доирасида жойлашган уй-жойларни сотиш вақтида қўшимча қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

-жамоа хўжалик аъзолари умумий йиғилиши (вакиллар йиғилишининг) ёки давлат қишлоқ хўжалик корхонасининг уй-жой сотиб олувчига томорқа (ер майдони миқдорини кўрсатган ҳолда) бериш тўғрисидаги қарори.

Агар уй шаҳарда ёки ишчи посёлкасида =урилган бўлса, қўшимча равишда кўздан кечириш учун тегишли ҳокимиятнинг қонун талабларини ҳисобга олган ҳолда уй-жой кўриш учун ер майдони ажратилганлиги тўғрисидаги қарори ва ерга эгалик қилиш ҳамда ердан фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги давлат далолатномаси, шунингдек ер майдони режасининг икки нусхаси талаб қилинади, улар шартномаларнинг тарафларга бериладиган нусхаларига тикиб қўйилади.

Қўлланманинг 68-бандига асосан уйни (уйнинг қисмини) квартирани бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартнома низосиз бўлган тақдирда, томонларнинг келишувига кўра нотариал тартибда бекор қилинишига йўл қўйилади.

Бундай ҳолларда нотариус ушбу шартноманинг Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасидан рўйхатдан ўтган, ўтмаганлигини аниқлаш учун маълумотнома олиши керак. Шунингдек, нотариус мулкка нисбатан бошқа шахсга ўтказилишига тақиқ ёки арест қўйилмаганлигини текшириши керак.

Агар уй-жой эр-хотиннинг биргаликдаги мулки бўлса, нотариус уларнинг иккинчисини шартномани бекор қилишга рози эканлигини аниқлаши керак. Бунинг учун нотариус эр ёки хотинни нотариал идорага чақириб, бунга унинг муносабатини билиши, агарда рози бўлса

бу ҳақда ёзма равишда ариза олиб шартномани бекор қилиш тўғрисидаги шартномага қўшиб ишга тикиб қўйиши керак.

ЎЗР ФКнинг 488-моддасига асосан сотувчи сотиб олинганидан кейин қонунга мувофиқ уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қоладиган шахслар яшаб турган уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномасининг муҳим шarti – бу шахсларнинг рўйхатини сотилаётган уй-жой биносидан фойдаланиш ҳуқуқлари кўрсатилган ҳолда тузишдан иборатдир.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Кўчмас мулкни олди-сотди (бошқа шахсга ўтказиш) шартномаси матнида биз юқорида айтиб ўтган битимларнинг матнига тегишли бўлган қоидалардан ташқари қуйидагилар қўшимча равишда кўрсатилиши лозим:

-кўчмас мулк сотилганда (бошқа шахсга ўтказилганда) у жойлашган ер участкасидан фойдаланиш тартиби (ЎЗР ФКнинг 482-моддаси)

- шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида ана шу мулкнинг баҳоси назарда тутилган бўлиши лозим. Шартномада тарафлар ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади.

Бунда ЎЗР ФКнинг 356-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган баҳо белгилаш қоидаси қўлланилмайди.

Агар қонунда ёки кўчмас мулкни сотиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, ер участкасида жойлашган бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулкнинг шартномада белгиланган баҳоси ана шу кўчмас мулк билан бирга топширилаётган ер участкаси тегишли қисмининг баҳосини ёки унга бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномасида кўчмас мулкнинг баҳоси унинг майдон бирлигига ёки бошқа миқдор кўрсаткичига қараб белгиланган бўлса, бундай кўчмас мулкнинг тўланиши лозим бўлган умумий баҳоси сотувчига топширилган кўчмас мулкнинг амалдаги миқдorigа асосланган ҳолда белгиланади (ЎЗР ФКнинг 485-моддаси).

Назорат саволлари:

1. Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча битимлар қайси нотариал идораларда расмийлаштирилади?
2. Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган битимларни расмийлаштиришда нотариус нималарга эътибор бериши, нималарни аниқлаши, қандай ҳужжатларни йиғиши лозим?
3. Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган битимни гувоҳлантириш жараёнида қандай ҳолат бу ҳаракатни тўхтатиб туришга ва қайси ҳолат нотариал ҳаракатни бажаришни рад этишга асос бўлади?
4. Кўчмас мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ бўлган битимни расмийлаштиришда эр-хотин ўртасидаги умумий мулкка улардан бирининг розилиги олиними? Розилиги олинса бу қандай расмийлаштирилади?
5. Битимларни вакиллар орқали расмийлаштирилишига йўл қўйиларми? Агар мумкин бўлса уни тартибини тушунтиринг?
6. Вояга етмаган, муомалага лаёқатсиз, шахсларни битимларда иштирок этиш тартибини тушунтиринг?
7. Умумий улушли мулкка нисбатан битимларни расмийлаштиришда нотариус нималарга эътибор бериши керак? Имтиёзли сотиб олувчиларни аниқлаш нотариуснинг вазифасига кирадими?
8. Вояга етмаган, меҳнатга лаёқатсиз шахс, умрбод таъминлаш шарти билан шартномани расмийлаштириб бериш ҳақида нотариусга мурожаат этса, нотариус қандай йўл тутди?
9. Томонларнинг келишувига кўра кўчмас мулкка нисбатан тузилган шартнома нотариал идорада бекор қилиниши мумкинми? Бекор қилинса нотариус буни қандай расмийлаштиради?
10. Кооператив ташкилотларга қарашли бўлган кўчмас мулкларни сотишни ўзига хос хусусиятларини гапириб беринг?

9.3. Корхонага нисбатан олди-сотди шартномасини нотариал гувоҳлантириш тартиби.

Корхонани сотиш ҳақидаги шартнома тарафларнинг истагига кўра нотариал гувоҳлантирилиши мумкин. Нотариус ушбу шартномани тасдиқлашда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 489-

496-моддалари ва шартномага таалуқли бўлган бошқа қонун ҳужжатларига асосланади.

Корхонани сотиш шартномасига мувофиқ сотувчи сотиб олувчига бутун корхонани мулкӣ мажмуа сифатида топшириш мажбуриятини олади. Сотувчи бошқа шахсларга беришга ҳақли бўлмаган ҳуқуқ ва мажбурятлар, масалан, тегишли фаолият билан шуғулланиш учун берилган лицензия ва бошқалар бундан мустасно.

Корхонани сотиш шартномасида фирма номи, товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва сотувчини ҳамда унинг маҳсулотини у бажарадиган иш ёки кўрсатадиган хизматларининг унга хослигини кўрсатувчи бошқа воситалардан фойдаланиш ҳуқуқлари махсус равишда кўрсатиб ўтилади. Шартномада бу ҳуқуқларни сотиб олувчига ўтишининг бошқа шартлари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Корхонани сотиш ҳақидаги шартнома мазкур корхона жойлашган ҳудуддаги нотариал идорада тасдиқланиб, давлат рўхатидан ўтказилиши лозимлиги Қўлланманинг 77-бандида кўрсатиб ўтилган.

Қўлланманинг 78-бандига асосан корхонани сотиш ҳақидаги шартномани тасдиқлашда нотариусга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Сотилаётган корхонанинг сотувчига мулк ҳуқуқи асосида тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатлар. Сотилаётган корхонага сотувчининг мулк ҳуқуқи жумладан қуйидаги ҳужжатлардан бири билан тасдиқланади:

-сотиб олиш аризасига давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаси томонидан давлат тасарруфидан чиқариш белгиси қўйилган, асосий ва айланма маблағлар баҳоси кўрсатилган далолатнома илова қилинган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома (ордер).

-корхонанинг нотариал тасдиқланган олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш шартномаси,

-корхонанинг аукционда сотиб олинганлиги тўғрисида шартнома,

- корхонанинг очик савдода сотиб олинганлиги далолатномасининг нусхаси,

- корхонага берилган мулк ҳуқуқи ҳақидаги гувоҳномаси,

-корхонага эгалик ҳуқуқи ҳақида гувоҳнома:

-корхонанинг ажратиб ва бўлиб олинганлиги шартномаси,

-суднинг қонуний кучга кирган корхонага эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи қарори.

Ушбу ҳужжатлар рўйхати қатъий белгилаб қўйилмаган бўлиб, ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан

ўзгартирилиши мумкин. Юқорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатларда тегишли давлат қайд белгиси ёки қайд гувоҳномаси бўлиши лозим.

1.Харидор ёки сотувчи коллегиял орган бўлганида ваколатли органнинг сотиш ёки сотиб олиш тўғрисида чиқарган қарори.

2.Томонларнинг корхонани олди-сотди шартномаси тузишга ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлари.

3.Сотилаётган корхонанинг белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказилган, томонлар томонидан тузилган, кўриб чиқилган ва имзоланган таркиби тўлиқ инвентаризация қилинган баҳолаш далолатномаси.

4.Бухгалтерия баланси.

5.Корхонанинг нархи ва таркиби тўғрисидаги мустақил аудиторнинг хулосаси

6..Корхона таркибига киритилган қарзлар (мажбуриятлар) рўйхати қарздорлар ҳаракати, миқдори ва талаб этиш муддати кўрсатилган ҳолат.

7. Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (ёки давлат рўйхатидан ўтказувчи бошқа органнинг) кўчмас мулкни эгаси номига қайд этилганлиги тўғрисидаги маълумотномаси.

8.Архитектура-режалаштириш бошқармасини ҳокимиятнинг иншоотларни бузиш ҳақида қарори йўқлиги ҳақидаги маълумотномаси.

9.Ердан доимий фойдаланиш ҳуқуқини белгиловчи давлат далолатномаси.

Юқорида қайд этилган сотилаётган корхонанинг қиймати ва таркибини белгиловчи ҳужжатлар шартномага илова қилиниши шарт. Шартнома имзолангунга қадар ушбу ҳужжатлар тарафлар томонидан тузилган, кўриб чиқилган, келишилган бўлиши керак. Бу ҳақда ушбу ҳужжатларга ёзиб, ўз имзосини қўйиб ва имзолаш вақти кўрсатилиб, далолатнома тузилиши лозим.

Тарафлар шартномада харидорга топширилаётган корхона таркибидан алоҳида элементларни олиб ташлаш ҳуқуқига эгалар. Масалан: алоҳида буюмлар, корхонанинг мутлоқ ўзига тегишли бўлган ҳуқуқлари ёки мажбуриятлари.

Корхонани бошқа шахсга олди-сотди, айирбошлаш ёки ҳадя йўли билан ўтказишда, гаровга қўйишда, ижарага бериш вақтида нотариус корхона жойлашган ердаги Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, ЙХХБ ва бошқа тақиқлаш ҳисобини олиб борувчи

ташкilotлардан корхона тақик ёки арестга қўйилган ёки йўқлигини, аввал гаровга қўйилмаганлигини текшириши лозим.

Қўлланманинг 80-бандига асосан сотилаётган корхона таркибига кирган мажбуриятлар бўйича кредитор ва олувчи сотувчи томонидан корхона олувчига топширилгунига қадар ёзма равишда хабардор қилинмоғи керак.

Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 73-моддасига асосан корхона сотилиши ҳақида кредитор ва харидорга хабар берилганда уларнинг хабар топган кунидан бошлаб бир ойлик муддат ичида қуйидаги ҳуқуқларга эга эканликлари тушунтирилади:

а. Қарзнинг ўтказилишига ўз розилигини билдириш,

б. Мажбуриятни муддатидан илгари ижро этилиши ёки тўхтатилиши ва зарарни қоплашни талаб этиши,

в. Агар корхонани сотиш шартномаси нотариал тасдиқланган бўлса, шу шартномани бутунлай ёки тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топиш.

Хабарномада кредиторларга агар улар қарзни ўтказилишига норози бўлсалар, қарз шартномасидаги ўз талабларини қаноатлантирилишини сўраб судга мурожаат қилишлари мумкинлиги тушинтирилади.

Агар нотариус суддан кредиторнинг сотувчини корхонани сотиш ҳақидаги шартномани расмийлаштиришга қарз шартномаси бўйича мажбуриятларини бажаргунга қадар эътирози борлиги ҳақида ариза тушганлиги тўғрисида маълумот олса, корхонани олди-сотди шартномасини расмийлаштириш суд томонидан иш ҳал қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

Барча кредиторларнинг қарзни ўтказишга ёзма розилиги олингандан кейин, шунингдек бошқа керакли ҳужжатлар бор бўлганда нотариус томонидан корхонани олди-сотдиси тасдиқланиши мумкин.

Кредиторларнинг қарзни ўтказишга розилиги ёзма равишда олиниб бу ҳақда улар ариза ёзадилар, нотариус уларнинг аризаларидаги имзоларини нотариал гувоҳлантиради. Агар кредиторлар қарзни ўтказишга розилиги тўғрисида нотариусга келиб ёзма ариза берган бўлсалар, бу ҳолда нотариус унинг шахсини аниқлайди, имзоси ҳақиқийлигини текширади, бу ҳақда аризага белги қўйиб, унда унинг шахсини аниқловчи ҳужжатнинг номи, серия рақами, берилган вақти ой, йил, кун, уни берган муассаса ташкilotнинг номи кўрсатилади.

Корхонани олди-сотди шартномаси матнида қуйидагилар ёритилиши лозим:

- шартномани тасдиқланган вақти ва жойи,
- томонларнинг тўлиқ номи, вакилларнинг исми шарифи ва уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар,
- сотилаётган корхонанинг таркиби ва баҳоси,
- унинг манзили.
- сотувчининг корхонага эгалигини тасдиқловчи ҳужжатлар,
- харидор томонидан ер участкасидан фойдаланиш қоидалари,
- тарафлар томонидан кўриб чиқилган ва тақдим этилган ҳужжатларга асосан корхонанинг нархи,
- корхонанинг тарафлар томонидан баҳоланиши,
- сотув баҳосини тўлаш тартиби,
- корхонанинг олди-сотди шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш зарурлиги ва унинг таркиби,
- топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан корхонани топшириш тартиби,
- томонларнинг шартнома шартларини бузишдаги жавобгарлигини белгилаш,
- шартномадан келиб чиқадиган низоларни ечиш тартиби,
- шартномани ўзгартирилиши ва амал қилиш муддатини тўхтатилиши шартлари кўрсатиб ўтилиши зарур.

Назорат соволлари:

1. Корхонани сотиш шартномаси қайси жойдаги нотариал идорада гувоҳлантирилади?
2. Корхонани сотиш шартномасини расмийлаштиришда нотариус нималарга эътибор бериши ва нималарни аниқлаши керак?
3. Корхонани сотиш шартномасининг ўзига хос жиҳатлари нималарда деб биласиз?
4. Корхонани сотувчи ўз эгалигида бўлган қайси ҳуқуқ ёки мулкларини олувчига бермаслиги мумкин?
5. Корхона гаровга қўйилган ёки тақиқ солинган бўлса нотариус олди-сотди шартномасини расмийлаштириши мумкинми? Мумкин ёки мумкин бўлмаса ўз фикрингизни асослаб беринг? Нотариус бундай ҳолларда қандай йўл тутadi?
6. Корхонани сотиш шартномасида нималар ёритилиши керак?

9.4. Гаров шартномасини нотариал расмийлаштириш тартиби.

Гаров фуқаролик қонунчилигида ўзига хос ўрин эгаллайдиган институтлардан ҳисобланади. Гаров шартномаси эса нотариал идоралар томонидан расмийлаштириладиган нотариал ҳаракатларнинг бир туридир. Гаров тўғрисидаги қонун қабул қилингунча, гаров шартномаси нотариал идоралар томонидан расмийлаштириладиган шартномалар турига кирса-да, Фуқаролик қонунчилигида ўз аксини топишига қарамай, тажрибада бажарилмай келинаётган нотариал ҳаракат тури эди. Бу нотариуслар фаолиятига бажарилиши керак бўлган нотариал ҳаракатлар тури сифатида қўшилди. Гаров тўғрисидаги қонунни ҳаётга татбиқ этишда давлат нотариал идораларининг муҳим ўрин тутишлиги амалиётда исботланмоқда.

Ҳурматли Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш мақсадида банклар томонидан тадбиркорларга қисқа ва узоқ муддатли кредитлар бериш йўлга қўйилди. Кредит олган шахслар қарз суммасини ўз вақтида қайтара олмаса, ушбу мажбурияти ўз мулки ҳисобидан қоплаш мақсадида гаров шартномаларини расмийлаштириш учун нотариал идораларга мурожаат этишлари қонун билан белгиланди. Ушбу ҳолатда келгусида низони келиб чиқишини олдини олиш, томонларнинг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида гаров шартномаларини қонуний ва асоантирилган ҳолда расмийлаштириш нотариал идораларнинг асосий вазифаларидан эканлиги таъкидланди.

Гаров шартномасини расмийлаштириш билан давлат нотариал идораларида ишлайдиган нотариуслар шуғулланадилар, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар бундай нотариал ҳаракатни бажармаслиги Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 23-24-моддаларида назарда тутилган.

Гаров шартномасини расмийлаштириш мураккаб жараён бўлганлиги сабабли у нотариусдан юксак малака, билим ва зийракликни талаб қилади. Гаров тўғрисидаги қонун Республикамизда амалда бўлган фуқаролик қонунчилигининг умумий тамойилларини ўзида сақлаб қолган. Жумладан фуқаролик қонунчилигига кўра шартномаларда томонлар иштирок этадилар. Гаров тўғрисидаги қонунга асосан гаров шартномасида ҳам томонлар иштирок этиб: - бир тараф гаровга қўювчи, иккинчи тараф гаровга олувчидир. Лекин бу шартноманинг фуқаролик қонунчилигида кўрсатиб ўтилган бошқа шартномалардан

фарқ қилувчи ўзига хос белгилари мавжуд. Жумладан гаров тўғрисидаги қонуннинг 8-моддасининг 2-бандида кўрсатиб ўтилганидек, шартномада учинчи шахс (мулкый кафил) ҳам гаровга қўювчи бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда қарз олган фуқаронинг ўз эғалигида мулки бўлмаганда, учунчи шахс (мулкый кафил) ўз мулкни гаровга қўяди. Бундай ҳолатда гаровга қўювчи билан, қарз олувчи ўртасида кафиллик шартномаси нотариал тартибда расмийлаштирилади.

Гаров-деганда бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши тушунилади. (Гаров тўғрисидаги қонуннинг 1-моддаси).

Гаров-гаровга қўйилаётган мулкнинг тури, мулк шакли, гаровга қўйилаётган мулк кимнинг эғалигида қолишини назарда тутиб турларга бўлинади. Гаров тўғрисидаги қонуннинг 4-моддасида гаровнинг турлари кўрсатилган бўлиб булар: -закалат, ипотека, ҳуқуқ гаровидир.

Ҳар қандай мол-мулк, шу жумладан ашёлар ва мулкый ҳуқуқлар (талаблар) гаров нарсаси бўлиши мумкин. Тарихий, маданий ёки ўзгача қимматбаҳолиги туфайли ёки давлат хавфсизлиги нуқтаи назаридан гаров қўлланиши мумкин бўлмаган объектлар гаров нарсаси бўла олмайди.

Гаров нарсаси бўла олмайдиган объектлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилгандир. Гаровнинг вужудга келтирувчи асослар тўғрисида шуни айтиш мумкинки, гаров шартнома асосида ва қонунларга асосан вужудга келади. Гаров қонун асосида вужудга келганда, гаровнинг вужудга келишини назарда тутувчи қонунда қандай мажбуриятга асосан қайси мол мулк гаровга олинганлиги кўрсатилган бўлади. Гаровнинг шартнома асосида вужудга келиши амалиётда кенг тарқалган туридир. Гаровнинг вужудга келишига асос бўлган шартнома фуқаролар билан фуқаролар ўртасида тузиладиган қарз шартномаси, банк билан жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузиладиган кредит шартномасидир. Гаров шартномасини расмийлаштириш учун фуқаролар ва юридик шахслар нотариал идорага мурожаат этганда, нотариус қонун асосида бир қатор ҳаракатларни бажариши лозим. Жумладан гаровнинг вужудга келтирувчи асосни аниқлаши, қандай асосларга кўра шахс ўз эғалигидаги мулкни гаровга қўяётганлигини текшириши, бунинг учун керакли ҳужжатларни талаб қилиши лозим.

Амалиётда кенг қўлланилаётган гаров тури бу-ипотекадир. Ипотека-гаров нарсаси кўчмас мулкдан иборат бўлган гаров туридир. Ипотекада белгиланган мол мулк гаровга олувчига бериб қўйилмайди. Бу шартнома гаровнинг бошқа турларидан айнан шу хусусияти билан кўпроқ фарқ қилади. Ипотека нарсаси: -ер билан боғлиқ мол-мулк, бинолар, иншоотлар, кўп квартиралар уйлардаги квартиралар, корхоналар, юридик ва жисмоний шахслар эгалигидаги савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, турар жой хоналари, улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек қонун асосида кўчмас мулк қаторига киритилган бошқа мол-мулклар бўлиши мумкин.

Гаровнинг ипотека тури бўйича шартномани расмийлаштириш жараёнида нотариус қуйидагиларни аниқлаши билан бирга гаровга қўювчидан Ушбу ҳужжатларни талаб қилади:

- гаров предметига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат (давлат ордери, ҳоким қарори, фармойиши, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш тўғрисидаги нотариал тасдиқланган шартнома, мулк ёки мерос ҳуқуқи гувоҳномаларидан бири),

- Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномаси, инвентаризация дафтари,

- давлат акциядорлик суғурта компанияларининг, гаров мулкни мажбурий суғурта этиш ҳақидаги гувоҳномаси, суғурта полиси ва суғурта шартномаси,

- мажбурият ҳақидаги шартномаси (кредит ёки қарз шартномаси, маҳсулот етказиб бериш, контракция, транспорт экспедицияси ва бошқа шартномалар),

- гаровга қўйилган кўчмас мулкнинг биргаликдаги тузилган баҳолаш далолатномаси ёки ушбу мулкни нархи юзасидан аудиторлик фирмасининг хулосаси,

- гаровга қўйилаётган мол мулк умумий мол мулкни ташкил этса барча мулк эгаларининг розилиги (умумий йғилиш қарори ёки ҳар бирининг алоҳида розилик аризаси),

- эр-хотиннинг биргаликдаги мулки гаровга қўйилса, эр ёки хотиннинг биргаликдаги мулкни гаровга қўйишга розилик аризаси,

- хусусийлаштирилган квартиралар гаровга қўйилганида шу квартирада рўйхатдан ўтиб яшовчи ва хусусийлаштиришга розилик берган барча вояга етган шахсларнинг розилиги,

- гаровга қўювчи ва гаровга олувчи юридик шахсларнинг тегишли тартибда расмийлаштирилган низомлари, шунингдек вакилларнинг ваколатларини тасдиқловчи ваколатномалари,

-гаровга қўювчи учинчи шахс бўлганда, қарз олувчи билан мулкни гаровга қўювчи ўртасида мулкний кафиллик шартномаси тузилганлигини аниқлаши, шартномани талаб қилиши.

Юқорида кўрсатилган ҳужжатлардан:

- эгалликни тасдиқловчи ҳужжат,
- инвентаризация дафтари,
- суғурта гувоҳномаси, суғурта полиси ва суғурта шартномаси,
- мажбурият ҳақидаги шартнома,
- гаровга қўювчи билан гаровга олувчиларнинг низомларининг нусхалари нотариус томонидан гувоҳлантирилиб олиб қолинади, асл ҳужжатлар эса эгаларига қайтарилади.

Юқорида санаб ўтилган нотариусга тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелдаги 33/1 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Қўлланмада кўрсатиб ўтилган бўлиб, бундан ташқари нотариуслар гаров шартномасини расмийлаштириш жараёнида шартнома мазмунидан келиб чиқиб қонун доирасида бошқа тегишли ҳужжатларни ҳам талаб қилишлари мумкин. Ипотека шартномаларини тасдиқлашда нотариус гаровга қўйилган кўчмас мулкни бошқага ўтказилишига тақиқ қўяди. Бу билан нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкний ҳуқуқларини ҳимоя қилади, келгусида келиб чиқиш эҳтимоли бўлган низони олдини олган бўлади.

Мажбуриятни таъминлаш, у таъминланмаган тақдирда келиб чиққан низоли муносабатни ўзаро келишув ёки суд йўли билан амалга ошириш анча мураккаб жараён. Шунинг учун расмийлаштирилаётган гаров шартномалари ўзида нимани акс эттиришлиги муҳим аҳамиятга эга. Шартномада қуйидагилар ўз аксини топиши лозим:

- шартнома номи (гаровнинг турига нисбатан),
- шартнома гувоҳлантирилган маъмурий ҳудуднинг тўлиқ номи ва шартнома тузилиб имзоланган сана, йил, ой куни сўзлар билан ёзилади,
- гаровга олувчи билан гаровга қўювчининг жумладан юридик шахсларнинг тўлиқ номлари, манзилгоҳлари, ваколатли орган томонидан қайд этилган низомларининг қачон, қаерда ва ким томонидан қайд этилганлиги ва қайд рақами, жисмоний шахсларнинг ваколатномалари (берилган санаси, рақами, ким томонидан берилганлиги) вакил-

ларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, манзилгоҳлари ва паспорт белгилари тўлиқ кўрсатилади,

-мажбурият тури (кредит ёки қарз шартномаси, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, транспорт экспедицияси ва ҳоказо шартномалар) унинг санаси, рақами, томонларнинг номлари, мазмуни, миқдори ва бажариш муддати,

-ушбу мажбуриятнинг бажарилишини таъминлаш учун гаровга қўйилаётган кўчмас мулкнинг (ипотека предметининг) номи, тавсифномаси, миқдори, томонлар белгилаган баҳоси,

-гаровга қўйилаётган мулкнинг гаровга қўювчига тегишлилигини тасдиқловчи эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатнинг номи, қачон ва ким томонидан берилганлиги, Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маълумотномасининг рақами ва санаси,

-Мажбурият кўрсатилган муддатда бажарилмаслигининг оқибатлари (ЎзР ФКнинг 279-280-281-моддаларига асосан) ипотека предмети суғурта этилганлиги ҳақида маълумот ва суғурта гувоҳномасининг рақами, қачон ва ким томонидан берилганлиги,

-Ипотека предметининг бошқа гаровга қўймаганлиги тақиқ ва арест солинмаганлиги, гаровга қўювчининг қарзлари йўқлиги ҳақида маълумот. Ипотека предметига тақиқ солинган бўлса гаровга олувчининг бундан хабардорлиги, розилиги ҳақида маълумот,

-Ипотека предметининг бошқа шахсга ўтказилишига нотариус томонидан тақиқ қўйилганлиги ҳақидаги маълумот (Тақиқноманинг рақами ва санаси),

-ипотека предмети гаровга қўювчида қолдирилиши тўғрисида маълумот,

-шартномани нотариал тасдиқлаш учун харажатлар кимнинг зиммасига қўйилганлиги,

-гаровга қўювчи билан гаровга олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари,

-ипотека тўғрисидаги шартнома давлат рўйхатидан ўтказилганлигидан сўнг ҳуқуқий кучга эгалиги ҳақида маълумот,

-шартнома нусхаларининг сони, томонларга берилганлиги, шунингдек нотариал идорада нусха қолганлиги ҳақида маълумот,

-вакилларнинг ўз қўллари билан фамилиялари, исмлари, оталарининг исми ёзиб шартномани имзолашлари,

-нотариуснинг шартномани тасдиқланганлиги ҳақидаги тасдиқловчи ёзув.

Юқорида кўрсатилган барча ҳолатлар гаров шартномасининг ипотека турининг мазмунини ташкил этади. Ипотека тўғрисидаги шартнома

барча тегишли ҳужжатлар тақдим этилиб, давлат божи тўланганидан сўнг нотариус томонидан тасдиқланади. Нотариус томонидан тасдиқланган гаров шартномаси махсус реестр китобида рўйхатга олинади. Нотариал идораларда гаров шартномаларини ҳисобга олиш учун алоҳида алифбо китоби юритилади.

Нотариус кўчмас мулкка нисбатан гаровга қўйилган мулкни мажбурият таъминлангунча, ушбу мулкни ҳар қандай кўринишдаги тасарруфига нисбатан тақиқ солади. Бу ҳоллар гаров шартномасининг бошқа шартномалардан фарқ қилувчи белгиларидан биридир.

Ушбу шартноманинг ўзига хос бўлган жиҳатларидан яна бири шартнома томонларнинг келишувига асосан, нотариал тарзда гувоҳлантиришлиги билан қонуний кучга кирмайди, балки гаров шартномаси тегишли давлат рўйхатидан ўтиб, бу ҳақда гувоҳнома олгандан сўнггина кучга киради..

Шартноманинг бу шартларига риоя қилинмай тузилган шартномалар, охирига етказилмаган шартномалар келгусида ҳақиқий саналмайди. (“Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддаси).

Янги таҳрирдаги “Гаров тўғрисида”ги қонуннинг 27-моддасида ундирувни гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш тартиби белгиланган бўлиб, бунга кўра гаровга олувчининг (кредиторнинг) талаблари гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк қийматидан суднинг қарорига мувофиқ кондирилади.

Гаровга олувчининг талабини гаровга қўйилган кўчмас мол-мулк ҳисобидан судга мурожаат қилмасдан ҳам кондиришга ундирувни гаров нарсасига қаратиш учун асослар вужудга келганидан кейин гаровга олувчининг гаровга қўювчи билан тузилган, нотариал тасдиқланган келишуви асосида йўл қўйилади. Бундан кўринадики, агарда шартномада иштирок этувчи тарафлар ўртасида тузилган қарз ёки кредит шартномасига кўра қарз ўз вақтида қайтарилмаган бўлиб, гаровга олувчи судга мурожаат этиши керак бўлса-ю, лекин гаровга қўювчи гаровга қўйилган мулкни ўз ихтиёри билан олинган қарз эвазига топширмакчи бўлса, бунда нотариус улар ўртасидаги ўзаро келишув шартномасини нотариал тартибда гувоҳлантириб бериши мумкин. Демак нотариуслар томонидан гувоҳлантирилган Гаров шартномаси мажбуриятларни таъминлаш асосидир.

Гаров шартномасининг бошқа шартномалардан фарқ қилувчи жиҳатларидан бири ушбу шартнома тузилган вақтдан бошлаб маълум бир вақт ўтгач бекор бўлишликни назарда тутди. Гаров шартнома-

сининг бекор бўлиш асослари Гаров тўғрисидаги қонуннинг 32-моддасида кўрсатиб ўтилгандир.

Гаровнинг бундан ташқари бошқа турлари бўлиб, улардан бири закатдир. Закат - гаровга қўйилган мол-мулкни гаровга қўювчидан, гаровга олувчига ихтиёрий бериладиган гаров туридир.

Ушбу ҳолатни биз ломбардлар фаолиятида кўришимиз мумкин. Яъни фуқароларнинг шахсий истеъмолга мўлжалланган кўчар мол-мулки қисқа муддатли кредитларни таъминлаш учун гаровга топширилади. Гаровга қабул қилувчи лицензияси бўлган тадбиркорлик фаолияти сифатида иш юритувчи, ихтисослашган ташкилот-ломбардлар. Ломбардда ашёларни гаровга қўйиш ҳақидаги шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йўли билан расмийлаштирилади. Бундан кўриниб турибдики бу гаров тури нотариал гувоҳлантиришни талаб қилмайди.

Бундан ташқари ҳуқуқлар, қимматли қоғозлар ҳам гаров нарсаси бўлиши мумкин.

Гаровга қўювчига тегишли эгалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ва бошқа мулкый ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин. Қимматли қоғозлар гарови эса нотариал гувоҳлантиришни талаб қиладиган гаров туридир. Гаровнинг ипотека турига нисбатан қўлланилган қоидалар гаровнинг бу турига нисбатан ҳам қўлланилади.

Гаров нарсаси бўлган қимматли қоғоз томонларнинг келишувига кўра гаровга олувчига ёки, нотариал идоранинг депозитига сақлаш учун топширилади.

Гаров шартномасининг ипотека тури расмийлаштирилгандан сўнг нотариус томонидан гаровга қўйилган мулкка нисбатан қўйиладиган тақиқномадан.

НАМУНА:

Тақиқнома:

Мен, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси нотариуснинг исми фамилияси отасининг исми 2006 йил май ойининг 22 кунда ушбу нотариал идора томонидан расмийлаштирилган Гаров шартномасидан келиб чиқиб, ЎзР Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 64-моддасига асосланган ҳолда гаров шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар тўлиқ бажарилмагунча фуқаро Ахмедов Ахмад Ахмедовичнинг эгалигида бўлган Тошкент

шаҳар Яккасарой тумани, Нукус кўчаси 32 уй-жойни ҳар қандай кўринишдаги тассарруфига нисбатан тақиқ соламан.

Та=и=нома рўйхатдан ўтказилиши учун Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига тақдим этилиши шарт.

Ушбу тақиқнома реестра 777 билан қайд қилинди.

700 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси : мзо нотариуснинг исми, фамилияси, отаси-Гербли муҳр.

Назорат саволлари.

1. Гаровни юзага келтирувчи асослар нималардан иборат?
2. Гаров шартномасида нималар ёритилиши керак?
3. Учинчи шахс гаровга қўювчи бўлиши мумкинми? Бу ҳолатда нотариус қандай йўл тутди?
4. Гаров шартномасининг турлари ҳақида гапириб беринг?
5. Гаров шартномаси асосида нотариус мулкка тақиқ соладими?

9.5. Лизинг (молия ижараси) шартномаси

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси «Нотариат тўғрисида»ги қонуннинг 23-моддасида давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар қуйидаги нотариал ҳаракатларни амалга оширади:

«Битимларни тасдиқлайди»- деб кўрсатилган. Лекин бу битимлар қандай битимлар эканлиги, уларнинг турлари чегаралаб қўйилмаган, сабаби нотариус қонунга зид бўлмаган, битимларни унда иштирок этувчи шахсларнинг илтимоси билан нотариал тартибда гувоҳлантиришлари мумкин. Фуқаролик муносабатларига киришувчи томонларнинг талаблари ҳар-хил бўлиб, шу сабабли ҳам фуқаролик қонунчилигида қонун ва ҳуқуқ аналогияси қўлланилади.

Амалиётда кам учраб турадиган нотариал ҳаракатлардан бири Лизинг (молия ижара) шартномасидир. Лизинг–инглизча «Forlease»сўзидан олинган бўлиб, «ижара олмоқ»деган маънони англатади. Лизинг-бу заводларни, саноат товарларини, ускуналарни, кўчмас мулкларни мулк эгаси томонидан уларни ишлаб чиқариш мақсадида ишлатиш учун ижарага бериш тўғрисидаги шартнома бўлиб ҳисобланади.¹

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 1999. 121-122-бетлар.

«Лизинг тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги қонунида айтилишича, лизинг ижара муносабатларининг алоҳида тури бўлиб, бунда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг шартномасида белгиланган шартларда бериб қўйиш мақсадида мол-мулк (лизинг объекти)ни олади.

Лизинг шартномасида икки тараф Лизинг берувчи ва лизинг олувчи иштирок этади, баъзида ушбу шартнома уч тарафлама ҳам тузилиши мумкин, бунда шартномада сотувчи, лизинг берувчи ва лизинг олувчи иштирок этади.

Шартномани расмийлаштираётган нотариус аввало шартномада иштирок этувчи томонларнинг шахсини аниқлайди, уларнинг ваколатини, ҳуқуқ лаёқатини текширади, мулкка нисбатан эгалик қилиш ва ижарага бериш ҳуқуқини текширади. Ва мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тегишли ҳужжатлар асосида текшириб чиқади.

Мулкни аввал ижарага берилмаганлигини, гаровга қўйилмаганлигини тегишли ҳужжатлар асосида аниқлаши лозим.

Нотариус Лизинг шартномасини расмийлаштириш вақтида шартномада қуйидагилар ўз ифодасини топганлигига эътиборини қаратиши лозим:

Лизинг объекти, етказиб бериш муддати, ижара муддати, ижарага берувчининг мулк ҳуқуқи (қандай ҳужжат асосида мулкка эгалик ҳуқуқи берилганлигини масалан: олди-сотди шартномаси, Ҳокимият Қарори ёки бошқа ҳужжат асосида тегишли эканлигини шартноманинг мазмунида кўрсатиб ўтиши) ижарага берилаётган ускунанинг ишлаб чиқаришга яроқли эканлиги, хавф-хатар, жавобгарлик, ускуналардан фойдаланиш йўриқномаси (технологияси) ускунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш, зарарлар ва тасодифий ҳодисалар, суғурталаш, ижара тўлови, тўловни кечиктирганлик учун жарима, сотиб олиш имконияти, шартномани бекор қилиш шартлари, ускунани қайтариш вақти, солиқ, томонларнинг қўшимча ҳуқуқлари, Лизинг шартномасини кучга киришини кечиктирувчи шароит, зарур маълумотларни етказиш мажбуриятлари, томонларнинг жойлашган ўрни, банкнинг кафолати, Лизинг шартномасига бундан ташқари қонунга зид бўлмаган ҳолда томонларнинг бошқа шартлари ҳам киритилиши мумкин¹. 3.

¹ Ўша асар. 124-б.

9.6. Кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш.

Мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш билан боғлиқ бўлган нотариал ҳаракатлар ЎзР Нотариат тўғрисидаги қонунига кўра фақат давлат нотариуслари томонидан амалга оширилади.

Ҳар бир шахс ўз эгалигидаги мол-мулкни эркин равишда эгаллаш ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқига эгадир. Лекин баъзида, қонунда кўрсатилган ҳолларда мулкни тасарруфига нисбатан тақиқ солиб қўйилади. Нотариус томонидан мулкни бошқа шахсга ўтказилишига тақиқ солишликка асос бўлиб, банк муассасалари, хўжалик ҳисоби корхоналари ва ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уй-жойни, квартирани (уй-жой, квартирининг бир қисмини) ва кўчмас мулк сотиб олиш ва уни тубдан таъмирлаш учун қарзлар берилганда, бу тўғрисида берилган хабарномалари уй-жой, уй-жойни бир қисмини, гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномаларни гувоҳлантириш чоғида, шунингдек қонун билан кўрсатилган бошқа ҳолларда уй-жой жойлашган ердаги давлат нотариуслари уй-жойни ёки унинг бир қисмини, квартирани бошқа шахсга ўтказишга тақиқ қўяди.

Агар автомашиналар гаров шартномасининг предмети бўлса, уларга нотариус томонидан гаров шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилгунга қадарли тақиқ солинади. Бу ҳақда автомашинанинг техник паспортига белги қўйилиб, автомашина рўйхатда турган ЙХХБ га тақиқнома юборилади. (Қўлланманинг 143-банди).

Тақиқ солиш қарз берганлиги тўғрисидаги банк муассасаси хўжалик ҳисоботдаги корхонанинг хабарномаси асосида, нотариус томонидан тақиқ ҳақидаги ёзувни ёзиб қўйиш билан амалга оширилади. Хабарноманинг давлат нотариуси томонидан тақиқ ҳисобланганлиги тўғрисидаги ёзуви билан бирга унинг нусхаси шу уй-жой жойлашган тегишли Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига, бошқа нусхаси эса қарз берган муассаса ёки хўжалик ҳисоби корхонасига юборилади бир нусхаси эса давлат нотариал идорасида қолади. (Қўлланмани 144-банди).

Уй-жойнинг, хонадонни гаровга қўйиш тўғрисидаги шартнома тақиқ қўйиш шу гаровга қўйиш шартномасига ёзиб қўйиш билан амалга оширилади.

Давлат нотариал идораси гаров тўғрисидаги шартномага тақиқ қўйиш тўғрисида уй-жой жойлашган ердаги тегишли Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасини хабардор қилади.

Тақиқлар қўйиш ва қайд этиш алоҳида реестр китобига ёзиб қўйиш билан амалга оширилади. Бу реестрда суд ва тергов идораларининг уй-жойга арест солинганлиги ҳақидаги хабарлари ҳам қайд этилади. Тақиқлар ва арестлар қўйиш тўғрисидаги ёзув, тақиқлар ва арестларни ҳисобга олиш алфавитлар дафтарига ёзиб қўйилади.

Давлат нотариуслари банк муассасалари, хўжалик ҳисобидаги корхоналар, ташкилотлар яъни кредит берган ташкилотнинг қарз тўланганлиги ҳақидаги ёки гаров тўғрисидаги шартноманинг бекор қилинганлиги ҳақидаги хабарни олганларидан сўнг кўчмас мулкнинг ўзга шахсга ўтказилишига қўйилган тақиқни олиб ташлайдилар. Тақиқ олиб ташланганлиги ҳақида мулк жойлашган ердаги тегишли идораларга хабар қилинади ва бу ҳақда тақиқ алфавити дафтарига ёзиб қўйилади.

Давлат нотариуси тақиқни суд ёки тергов органларининг берган хабарномалари асосида қўйган бўлса, уни олиб ташлашда ҳам улар томонидан арест бекор қилинганлиги ҳақидаги хабар асос бўлади. Бу ҳақида реестр дафтарига ва алфавитли дафтарга ёзиб қўйилади.

Кредит муассасининг хабарномаси бўйича қўйилган тақиқ.

НАМУНА.

ТАҚИҚНОМА

2006 йил апрел ойининг ўн тўртинчи куни, мен Тошкент шаҳар Юнусобод тумани давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 64-моддасига асосан фуқаро Каримов Жаҳонгир Мирсаматовичга уй-жой қуриш учун бир миллион сўм миқдорида ссуда берилганлиги ҳақидаги хабарномага биноан ссуда тўлиқ қайтарилмагунча Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Жаҳон Обидова кўчасидаги 27-уй-жойни бошқа шахсга ўтказилишига тақиқ соламан. Ушбу тақиқнома мулк жойлашган ердаги Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига маълумот учун юборилади.

Реестрга 2456 рақами билан қайд этилди.

6000 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.
Давлат нотариуси имзо
Гербли муҳр.

Гаров шартномасига асосан қўйилган тақиқдан намуна.

2006 йил май ойининг ўн иккинчи куни мен Тошкент шаҳар Акмал. Икромов тумани давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 64-моддасига асосан ушбу гаров шартномасининг тасдиқланиши билан, гаров шартномасида кўрсатиб ўтилган шартлар тўлиқ бажарилмагунга қадарли фуқаро Ибрагимов Самад Солижоновичнинг эғалигида бўлган Тошкент шаҳар А. Икромов тумани Лутфий кўчасидаги 37-уй-жойни ўзга шахсга ўтказишлини тақиқлайман. Ушбу тақиқнома мулк жойлашган ердаги Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига маълумот учун юборилади.

Реестрга 1127 билан қайд этилди
6000 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси : имзо
Гербли муҳр.

Назорат саволлари:

1. Нотариус учун кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйишликка нималар асос бўлади?
2. Тақиқ солиш ва уни бекор қилиш нотариус томонидан қандай амалга оширилади, тартибини тушунтиринг?
3. Тақиқ солиш ва уни бекор қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар қайси нотариуслар томонидан бажарилади?
4. Мол-мулкка тақиқ солинганда бу ҳақда кимларга хабар берилади? Буни нотариус қандай амалга оширилади?

10-Мавзу: ПУЛ СУММАЛАРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ДЕПОЗИТГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

Нотариуслар Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 74-моддаси талабидан келиб чиқиб кредиторларга бериш учун қарздордан пул суммалари ва қимматли қоғозларни нотариал идораси депозитига қабул қилиб оладилар.

Қўлланманинг 168-бандига асосан депозитга пул суммалари ва қимматли қоғозларни мажбурият бажариладиган жойдаги нотариус қабул қилиб олади.

Нотариус пул суммаси ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш чоғида қарздорга ўз насаби исми шарифи (ташкilotнинг номи) ва манзилини пул суммалари ва қимматли қоғозлар топширилиши керак бўлган шахснинг номи ва манзилини, мажбурият қандай сабабларга кўра бевосита бажарилмаганлиги ҳақида ёзма ёки оғзаки тарзда хабар қилишини таклиф қилади (Қўлланманинг 169-банди).

Қарздор бадал тўланиши юзасидан далиллар ва ҳисоб-китобларини кўрсатиб ўтиши ҳам мумкин. Нотариус мажбурият предмети (пул суммалари, қимматли қоғозлар) нотариал идора депозитига қабул қилиш чоғида бадал асосини яъни кредиторнинг ҳуқуқини ва қарздор мажбуриятининг вужудга келиш асосларини текширмайди. Қўлланманинг 170-бандига кўра нотариус пул суммалари ёки қимматли қоғозларни депозитга топширган шахсга бадал топширганлиги тўғрисидаги квитанцияни беради.

Қарздорнинг илтимосига мувофиқ тақдим этилган қарздорликни белгиловчи ҳужжатга ҳам бадал тўланганлиги ҳақида ёзиб қўйилиши мумкин. Нотариус пул суммалари ва қимматли қоғозлар олинганлиги тўғрисида кредиторни хабардор қилади ва унинг талабига мувофиқ унга тегишли пул суммалари ёки қимматли қоғозларни беради. Қарздор кредиторнинг манзилини кўрсатмаган ва бу манзил нотариусга ҳам маълум бўлмаган тақдирда қарздор пул бадали тўлаганлиги ёки қимматли қоғозлар топширганлиги ҳақида кредиторга хабар қилиш мажбуриятини унинг зиммасига юкланиши тўғрисида огоҳлантиради.

Пул суммалари нотариал идорага почта орқали ёки кредит муассасасидан келган тақдирда тушган суммадан тегишли давлат божи ушлаб қолинганидан кейин қолгани депозитга қабул қилинади. Нотариал идораси пул суммалари ва қимматли қоғозларни мажбуриятни бажариш жойи бўйича қабул қилади. Депозитга топширилган пул сумма-

лари ва қимматли қоғозларни уларни топширган шахс (дебитор)га қайтарилишига тўлов кимнинг фойдасига амалга оширилган бўлса ўша шахснинг ёзма розилиги ёки суднинг қарорига биноан йўл қўйилади.

Нотариал идора томонидан сақлаш учун депозитга қабул қилинган пул суммалари ва қимматли қоғозларни сақлашнинг муддатлари қуйидагича белгиланган:

-фуқароларга берилиши учун қабул қилинган пул суммалари ва қимматли қоғозлар уч йил давомида,

-корхона, ташкилотларга ва шунингдек хўжалик ҳисобидаги давлат корхоналарига, ширкат ва жамоат ташкилотларига берилиши керак бўлган депозит маблағлар бир йил давомида сақланади.

Давлат ва маҳаллий бюджетдаги муассасаларга берилиши лозим бўлган депозит маблағлар шу маблағлар топширилган йилнинг 31 декабргача, шунингдек суд қарори билан ҳал қилув қарори чиққан йилнинг 31 декабрига қадар сақланади. Ана шу муддатлар ўтгандан кейин талаб қилиб олинмаган депозит маблағлар давлат бюджети даромадига ўтказилади. Юқорида кўрсатилган, талаб қилиб олинмаган депозит маблағларни давлат бюджети даромадига ўтказиш ана шу маблағларни сақлаш муддати тугаган ойдан кейинги ойнинг 15-кунигача амалга оширилади. Депозит маблағларни ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Пул суммалари ва қимматли қоғозларни қайси нотариуслар депозитга қабул қилиб оладилар?

2. Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш вақтида нотариус кимдан давлат божини ундиради? Агар пул суммаси почта орқали ёки кредит муассасидан келиб тушса-чи? Бунда нотариус давлат божини ундириш учун қандай йўл тутди?

3. Нотариал идоранинг депозит ҳисобидаги маблағлар қанча муддат сақланади?

4. Белгиланган муддатда маблағни талаб қилиб олмаганда бу маблағнинг тақдири қандай ҳал этилади?

10.1. Векселни протест қилиш. Чекни тўловга тақдим этиш ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлаш.

Нотариус пули тўланмаган, акцепт қилинмаган ва акцепт санаси кўрсатилмаган векселни қонун ҳужжатларига кўра протест қилади. Векселларга тўланмаганлик тўғрисидаги протест нотариал идоралар томонидан тўловчининг турар жой бўйича ёки тўлов жойи бўйича (домициллаштирилган векселлар яъни тўлаш учун учинчи шахснинг қўлида бўлган векселлар)га солинади, ноакцепт ва санаси кўрсатилмаган акцепт векселларга протест эса тўловчи жойи бўйича солинади. (Қўлланманинг 188-банди).

Тўланмаганлик учун протест солинадиган векселлар нотариал идораси томонидан вексел бўйича тўлаш вақти ўтган куннинг эртасига, бироқ ана шу муддат ўтгандан кейинги кўпи билан 12 соат ичида солинади. Ноакцепт векселларга протест солиш учун ўтказиладиган ва оддий вексел тўғрисидаги низомга мувофиқ акцептга тақдим этиш учун белгиланган муддатлар давомида, агар вексел акцептга тақдим этилмаган бўлса ана шу муддат ўтгандан кейин кўпи билан 12 соат ичида солинади. Векселларга протест ўтказиладиган ва оддий вексел тўғрисидаги низомда кўзда тутилган муддатларда амалга оширилади. (Қўлланманинг 189-банди).

Нотариус векселни протестга қабул қилиб олган кунда тўловчига векселни тўлаш ёки уни акцептлаш тўғрисидаги талабни қўяди.

Агар тўловчи (домицилиант) векселни тўлаган тақдирда нотариус унга протест қўймай, векселни уни тўлаган шахсга қайтаради, векселнинг ўзига тўлов ва белгиланган форма бўйича бошқа суммалар олинганлиги тўғрисида ёзиб қўяди. Агар тўловчи ўтказиладиган векселга акцепт тўғрисида белги қўйдирган бўлса вексел протест солинмаган ҳолда унинг сақловчисига топширилади.

Қўлланманинг 191-бандига кўра, тўловчи векселни тўлаш ёки акцептлаштиришдан бош тортган тақдирда ёки у нотариал идорага келмаган тақдирда нотариус белгиланган формага вексел тўланмаганлиги ёки акцептланмаганлиги учун унга протест солиш тўғрисида акт тузади ва реестрда тегишли ёзувни амалга оширади, шунингдек векселнинг ўзига у тўланмаганлиги ёки акцептланмаганлиги учун арест солинганлиги ҳақида белги қўяди.

Тўловчининг қаердалиги номаълум бўлган тақдирда векселга, тўлов ёки акцепт тўғрисидаги талаб қўйилмаган ҳолда, протест солинади, яъни протест тўғрисидаги актга ва нотариал ҳаракатларни амалга

оширишни қайд этиш реестрига тегишли белги қўйилади. Протестланган вексел , векселни сақловчига ёки унга ваколатли шахсга берилади.

Нотариус тўловчининг турар жойи бўйича тўловга тақдим этлган чекларни 10 кун ўтгандан кейин, чет эл чекларини эса у берилган кундан бошлаб 6 ойдан кейин, бироқ ана шу муддат ўтгандан кейин 12 соатдан кечиктирмай тўлаш учун қабул қилиб оладилар. Нотариус ўша куннинг ўзида чекни тўлаш учун банкка тақдим этади. Чекни тўламаган тақдирда нотариус чек тўланмаганлигини унга тегишли формадаги ёзувларни амалга ошириш йўли билан гувоҳлантиради ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрига бу ҳақида ёзиб қўяди.

Чекка ушбуларни ёзиб қўйиш билан айна бир пайтда чек берувчига унинг чекини банк тўламаганлиги ва чекда ёзув амалга оширилганлиги ҳақида хабарнома юборади. Чекни сақлаб турувчининг илтимосига кўра нотариус чек тўланмаган тақдирда ижро ёзувини амалга оширади.

Назорат саволлари:

1. Нотариал идора томонидан тўланмаган векселларга қанча вақт ичида протест келтирилади?
2. Чеклар ва векселлар мажбуриятида кимлар субъект сифатида иштирок этади?
3. Тўланмаган чек ва векселларни ундириш бўйича ижро хатини амалга ошириш мумкинми?

Вексел бўйича тўлов амалга оширилмаганлиги ҳақида протестни намунаси:

Тошкент шаҳри, икки минг олтинчи йилнинг 23 март куни.

Мен Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) № 777В белгили ўтказилувчи векселнинг қонуний ушлаб турувчиси бўлган “Юлдуз” кичик корхонаси маъмурияти томонидан 2005 йил 27 феврал куни берилган № 86 ишончномасига асосан ҳаракат қилаётган унинг вакили Каримов Адҳам Махмудовичнинг илтимосига кўра “Турон банк” томонидан 2005 йил 25 март куни Тошкент шаҳрида бир йиллик тўлов муддати билан берилган

№777В белгили, қиймати бир миллион сўмлик векселни, менга мурожаат қилган шахс томонидан, вексел тўловчи “Турон банк”нинг Тошкент шаҳар бўлимига 2006 йил 22 март куни вексел бўйича тўловни амалга оширишни талаб қилиб тақдим этилганида тўлов амалга оширилмаганини тасдиқлайман.

Вексел бўйича тўлов амалга оширилмаганлиги билан ҳамда оддий ва ўтказилувчи вексел тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1995 йил 30 май куни тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1995 йил 31 май куни 147 рақам билан рўйхатга олинган қўлланманинг 44-моддасини қўллаб юқорида қайд қилинган векселни акцепт санаси кўрсатилмаган деб протест келтираман.

Реестрга 1717 рақами билан қайд этилди.
600 сўм миқдорида давлат божи ундирилди
Давлат нотариуси : имзо, гербли муҳр.

10.2. Фуқаронинг тирик эканлигини тасдиқлаш тартиби.

Фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш Улуғ Ватан урушигача судлар томонидан амалга оширилиб келинган. Уруш йиллари бу масалада кўплаб фуқаролар мурожаат этганлиги, судлар эса, бунга улгурмаганлиги сабабли низосиз бўлган вақтда бу фактни тасдиқлаш нотариуслар зиммасига юкланди. Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонунга асосан нотариуслар фуқаронинг тирик эканлигини тасдиқлайдилар. Қўлланманинг 157-бандига кўра нотариус фуқаронинг тирик эканлигини унинг шахсан иштирокида унинг шахсий илтимосига кўра тасдиқлайди.

14 ёшга тўлмаган ва вояга етмаганнинг тирик эканлик фактини тасдиқлашда уларнинг қонуний вакиллари (ота оналари, фарзандликка олганлар, васийлар, ҳомийлар) шунингдек уни ўз ҳомийлигига олган муассасалар ва ташкилотларнинг илтимосига асосан ҳам амалга оширишлари мумкин.

14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганнинг тирик эканлик фактини тасдиқлаш уларнинг ўзларининг илтимосига кўра ҳам амалга оширилади.

Қўлланманинг 158-бандига кўра фуқаронинг тирик эканлиги фактини тасдиқлаш у нотариал идорасига келганда ҳам шунингдек, бу ҳолат

нотариус томонидан нотариал идора биносидан ташқарида ҳам амалга оширилиши мумкин. Нотариус манфаатдор шахсларга фуқаронинг тирик эканлиги ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

НАМУНА:

Фуқаронинг тирик эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома.

Ўзбекистон Республикаси давлат герби

ГУВОҲНОМА.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

Икки минг олтинчи йил май ойининг ўнинчи куни.

Мен Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) фуқаро Комилова Шаҳодат Махмудовнани тирик эканлигини ва Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Олмазор кўчаси 34 уйда яшаётганлигини тасдиқлайман.

Фуқаро Комилова Ш.М. бугун соат 12дан 30 дақиқа ўтганда юқорида номи кўрсатиб ўтилган нотариал идорага шахсан ўзи келди. Унинг шахси аниқланди.

Реестрга 1277 билан қайд қилинди.

60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси : имзо, Гербли муҳр.

10.3. Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш.

Нотариус фуқаронинг илтимосига кўра унинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаши қонунда ўз ифодасини топган.

14 ёшга тўлмаган вояга етмаганни муайян жойда эканлигини гувоҳлантиришда унинг қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олувчилар, ҳомийларнинг) илтимосига мувофиқ 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганнинг муайян жойда эканлигини гувоҳлантириш эса, унинг илтимосига мувофиқ қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олувчилар, ҳомийлари)нинг розилиги билан амалга оширилади.

Қўлланманинг 161-бандига асосан фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш у нотариал идорасига келганда, ёки нотариус томонидан нотариал идора биносидан ташқарида ҳам амалга ошири-

лиши мумкин. Нотариус манфаатдор шахсларга фуқаронинг муайян жойда эканлик ҳолатини тасдиқловчи гувоҳнома беради.

Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш ҳақида гувоҳнома.

НАМУНА: Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби.

ГУВОҲНОМА

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри.

Икки минг олтинчи йилнинг август ойи саккизинчи куни.

Мен, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Тошкент шаҳар А. Икромов тумани 11 даҳа 26 уйнинг 23 хонасида яшовчи Мамажонова Интизор Турдиматовнанинг 1998 йил август ойининг 8 кунида, соат 10 дан 45 дақиқа ўтганда Тошкент шаҳар А.Икромов тумани Лутфий кўчаси 23 уйда жойлашган А. Икромов тумани давлат нотариал идорасида бўлганлигини тасдиқлайман. Унинг шахси аниқланди.

Реестрга 1107 билан қайд этилди.

Давлат божи 60 сўм миқдорида ундирилди.

Давлат нотариуси : имзо

Гербли муҳр

10.4. Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш.

Манфаатдор шахснинг талабига кўра нотариус, у тақдим этган фотосуратдаги шахс шу фуқаронинг айнан ўзи эканлигини тасдиқлайди. Бунинг тасдиғи сифатида гувоҳнома берадилар.

Фотосурат гувоҳноманинг берилаётган нусхасининг юқори чап бурчагига қўйилиб елимланади, ёпиштирилган фотосуратни нотариус имзоси ва муҳри билан мустаҳкамлайди. Бунда муҳр фотосуратни тўсиб қолмаслиги, қисман фотосурат устига, қисман гувоҳнома устига қўйилиши керак. (Қўлланманинг 164-банди).

Гувоҳнома вояга етмаган шахслар учун айрим ҳолларда шахсини тасдиқловчи ҳужжат ўрнини босади.

Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш ҳақидаги гувоҳнома.

НАМУНА: Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби.

ГУВОҲНОМА.

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри.

Икки минг олтинчи йилнинг март ойи йигирма учинчи куни.

Мен, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) ушбу фотосуратда акс эттирилган шахс уни тақдим этган Тошкент шаҳар Учтепа тумани 11 даҳа 26 уйнинг 17 хонасида яшовчи Мамажоновна Интизорхон Турдиматовна билан айнан эканлигини тасдиқлайман. Фотосуратнинг тақдим қилганнинг шахси аниқланди.

Реестрга 1107 билан қайд этилди

50 сўм миқдорида давлат божи ундирилди.

Давлат нотариуси : имзо

Гербли муҳр.

10.5. Ҳужжатни тақдим этилган вақтини тасдиқлаш.

Нотариуслар Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 72-моддасига асосан ҳужжатни тақдим этилган вақтини тасдиқлайдилар. Ушбу нотариал ҳаракат амалиётда кам учраб турсада, биз мавзунини ёритиш мақсадида қуйидаги мисолни келтирмоқчимиз: шахс хизмат сафарига борди дейлик, лекин у тегишли масалани ҳал этиши керак бўлган ташкилотнинг тугатилганлигини аниқлайди. Шахс хизмат сафари билан боғлиқ ҳужжатларига белги қўйдириши лозим эди. Манфаатдор шахс тугатилган корхона жойлашган жойдаги нотариал идорага мурожат қилиб хизмат сафари гувоҳномасига ҳужжатни тақдим этилган вақтини тасдиқлаб беришини сўраши мумкин бўлади.

Яна бир мисол. Шахс ихтиро ва рационализаторлик билан шуғулланиб ихтиро яратди. Лекин бу ихтирони охирига етказишлик учун унга яна анча вақт керак. Ўзининг ихтирога бўлган муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида

ҳали тугалланмаган ихтирони қисмини нотариал идорасига олиб бориб, ушбу ҳужжатни тақдим этилган вақтини нотариусдан тасдиқлаб беришни талаб қилиши мумкин. Нотариус ҳужжатни тақдим этган шахснинг шахсини аниқлайди. Ҳужжатни тақдим этилган вақтини тасдиқлаш ҳақидаги тасдиқловчи ёзув ушбу ҳужжатнинг ўзига ёзилади. Ушбу нотариал ҳаракат нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш ҳақидаги Реестр китобидан рўйхатдан ўтказилиб, тақдим этилган вақти тасдиқланган ҳужжатнинг асосий реквизитлари реестрга ёзилади.

Қўлланманинг 165-бандига асосан айнаи бир шахс айнаи бир вақтда бир неча ҳужжатни тақдим этган тақдирда уларнинг ҳар бирига тасдиқловчи ёзув ёзилади ва тақдим этилган ҳар бир ҳужжат учун давлат божи ундирилади.

Ҳужжатни тақдим этилган вақтини тасдиқлашдаги тасдиқлов ёзувидан намуна.

Мен, Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) фуқаро Сулаймонова К.С. томонидан 2005 йил 22 май куни соат 10 дан 30 дақиқа ўтганда юқорида номи кўрсатилган нотариал идорада ушбу ҳужжатни тақдим этилганлигини тасдиқлайман.

Реестрга 2727 билан қайд этилди

60 сўм миқдорида давлат божи ундирилди

давлат нотариуси :имзо

Гербли мухр.

10.6. Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш.

Нотариуслар жисмоний ва юридик шахслар томонидан қонун талаби доирасида ёзилган аризаларни бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш учун олиб қолади. Ариза топшириш учун мурожаат этган шахснинг шахси нотариус томонидан аниқланади. Ушбу нотариал ҳаракат тури тажрибада кам учраб туради. Лекин бу нотариал ҳаракатни бажариб беришни сўраб мурожаат этган манфаатдор шахс, келгусида низо келиб чиққан тақдирда ўзи учун керакли бўлган далилларни тўплаш мақсадида нотариусга мурожаат этади.

Аризалар нотариал идорага камида икки нусхада тақдим этилади. Улардан бири топширилганлигини маълум қилиш шарти билан почта

орқали юборилади ёки бевосита тегишли шахсларга имзо чектириб топширилади. Бошқа нусхаси нотариал идорада қолади. (Қўлланманинг 166-банди).

Ариза почта орқали юборилган тақдирда у олувчига нотариуснинг ҳисобли хати билан юборилади, кузатув хатининг нотариал идораси ишида қоладиган нусхасига шу аризанинг берилганлиги қайд этилган реестрнинг рақами кўрсатилади ва давлат божи тўланганлиги ёзиб қўйилади.

Аризалар почта орқали берилганда, телефакс, компьютер тармоқлари ва бошқа техник воситалардан фойдаланиб узатилганда кетган харажатларни нотариал ҳаракатни амалга оширишни сўраган шахс тўлайди.

Ариза берган шахснинг илтимосига мувофиқ унга ариза топширилганлиги тўғрисида гувоҳнома берилади. Гувоҳнома шу аризанинг нусхасида ёки алоҳида баён этилиши мумкин. Гувоҳномада аризага олинган жавобнинг мазмуни ёки жавоб белгиланган муддатда олинмаганлиги кўрсатилиши мумкин.

Аризалар ва гувоҳномалар берилганлиги ҳақида нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестрига ёзиб қўйилади

Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топширганлиги ҳақидаги гувоҳномадан намуна.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби Гувоҳнома.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри.

Бир минг тўққиз юз тўқсон саккизинчи йилнинг май ойи ўнинчи куни.

Мен, Тошкент шаҳар А. Икромов тумани давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 73-моддасига асосан фуқаро Сайдалиева Салима Тошпўлатовнанинг А.Икромов тумани Халқ таълими бўлими қошидаги васийлик ва ҳомийлик бўлимига фарзандликка бериш масаласини уни иштирокисиз кўриб чиқишни сўраб ёзган аризаси мен томонимдан 1998 йилнинг 10 май кунида А. Икромов тумани Халқ

таълими бўлимига топширилганлигини тасдиқлайман. Ариза берувчининг шахси аниқланди.

Реестрга 1077 билан қайд этилди.
80 сўм миқдорида давлат божи ундирилди
давлат нотариуси: имзо
гербли муҳр.

11-МАВЗУ: ДАЛИЛЛАРНИ ТАЪМИНЛАШ.

Далилларни таъминлаш тушунчаси ва тартиби.

Далилларни таъминлаш деб, маълум бир ҳолатни қонунда белгиланган тартибда мустаҳкамлаб, келгусида иш судда ёки бошқа органларда кўрилганда ундан исботлаш воситаси сифатида фойдаланиш мумкин бўлган юридик фактларга айтилади.

Далилларни таъминлаш давлат нотариуслари томонидан бажарилиб, кам учраб турадиган нотариал ҳаракат тури ҳисобланади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига далилларни таъминлаш тартиби кўрсатилган бўлиб, «ўзлари учун зарур бўлган далилларни кейинчалик тақдим этиш мумкин бўлмай қолади ёки қийинлашади дейишга асоси бўлган шахслар ариза беришдан олдин ҳам, кейин ҳам судьядан бу далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин».¹

Хорижий давлатларнинг органларида иш юритиш учун зарур бўлган далиллар билан таъминлаш давлат нотариал идоралари томонидан амалга оширилади – деб кўрсатиб ўтилган (ЎЗР ФПКнинг 61-моддаси).

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида фуқаролик ишининг судда кўрилиши учун зарур далилларни кейинчалик келтирилиши мумкин эмаслиги ёки қийинлиги тўғрисида хавфсираган шахс нотариал идорадан далилларни таъминлашни илтимос қилишлари мумкин. Бундай ҳолларда нотариус гувоҳларни сўраш, жойини бориб кўриш, экспертни чақириш йўли билан муайян ҳолатларни аниқлаш чораларини кўради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Процессуал Кодекси. –Т., 2001 йил.

Далилларни таъминлашда нотариус фуқаролик иши бўйича қатнашадиган ҳар икки тарафни таклиф қилади. Иккинчи тарафни чақиртирмай, далилларни таъминлашга фақат кечиктирилиши мумкин бўлмаган ҳоллардагина ёки кейинчалик фуқаролик даъвоси ким томонидан кимга қилиниши аниқлаш мумкин бўлмагандагина қилинади. Нотариал идоралар далилларни таъминлаш чораларини фақат фуқаролик иши судда қўзғатилишига қадар кўрадилар. Агар фуқаролик иши судда қўзғатилган бўлса, далилларни таъминлаш чоралари суднинг ўзи томонидан кўрилади¹.

Бундан кўринадики, нотариуслар далилларни таъминлаш ҳаракатини бажаришлари билан, келгусида йўқ бўлиб кетиши ёки сақлаб қолиш қийинчилик туғдирадиган далилларни сақлаб қолади.

Нотариус далилларни таъминлашга киришиш вақтида, аввало ўзи томонидан олиб борилиши лозим бўлган ҳаракат охириги чора эканлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Масалан, келгусида иш учун асосий гувоҳнинг узоқ муддат чет эл сафарига кетиб қолиши ва бошқалар.

Нотариус томонидан далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракат юридик аҳамиятга эга бўлиб, келгусида манфаатдор шахс ундан далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлади.

Далилларни таъминлашга қаратилган ҳаракат нотариус томонидан манфаатдор шахснинг илтимосига асосан бажарилади. Бунинг учун манфаатдор шахс давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этади.

Аризада: далил сифатида таъминлашга қаратилган ҳаракатнинг қисқача мазмуни, келгусида нима мақсадда фойдаланмоқчи эканлиги, бу ҳаракатни кечиктириб бўлмаслик сабаблари кўрсатилади.

Нотариус ариза мазмуни билан танишиб, қонунга зид бўлмасагина бажариши, қонунга зид бўлган тақдирда, уни сабабини кўрсатиб, нотариал ҳаракатни бажаришни рад этмоғи лозим.

Далилларни таъминлашга қаратилган манфаатдор шахснинг илтимоси қаноатлантирилганда, нотариус гувоҳларни чақиртириш, экспертиза тайинлаш, жойни кўриш чораларини кўради. Бунинг учун харажатлар манфаатдор шахс томонидан ундирилади.

Далилларни таъминлаш тўғрисидаги ариза далилларни таъминлаш билан боғлиқ ҳаракатлар амалга оширилиши керак бўлган ҳудудда фаолият олиб бораётган давлат нотариал идорасига берилади. Нотариус далилларни таъминлашда иштирок этиши лозим бўлган шахс-

¹ Ш.Ш. Шорахметов. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳукуки. –Т.: Адолат, 2001. 497-б.

ларни нотариал ҳаракатни амалга ошириш вақти ва жойи ҳақида ҳабардор қилади. Далилларни таъминлашда нотариус гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертиза тайинлаш, ашёвий далилларни жойга бориб кўздан кечириши мумкин. Нотариус гувоҳни сўроқ қилишдан аввал унинг шахсини аниқлайди, ёлғон кўрсатма бермаслик, агарда ёлғон кўрсатма берса, бунинг учун жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантиради, бу ҳақда тилхат олади. Сўроқ қилганлик ҳақида нотариус баённома тузади. Баённомада қуйидагилар ёритилади:

Сўроқ ўтказилган йил, ой, кун, сўроқ ўтказган нотариуснинг фамилияси, отасининг исми, гувоҳнинг исми ва фамилияси, отасининг исми, туғилган вақти, яшаш жойи, ёлғон кўрсатма бермаслик ҳақида огоҳлантирилганлиги (16 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно) берилган кўрсатманинг мазмуни. Баённома сўроқ қилиш вақтида иштирок этган гувоҳлар ва давлат нотариуси томонидан имзоланиши лозим. Келгусида судга ёзма ва ашёвий далилларни таъминлаш мақсадида нотариус баённомага ёзилган ҳолатни текширишлик учун воқеа жойига кўздан кечириш учун бориши мумкин. Кўздан кечириш ҳақида гувоҳлар иштирокида баённома тузилади ва имзоланади. Далилларни таъминлаш мақсадида экспертиза тайинланадиган бўлса, нотариус бу ҳақда қарор қабул қилади. Қарорда уни қабул қилинган куни, қарор қабул қилган давлат нотариусининг исми, фамилияси, отасининг исми, кимнинг илтимосига асосан экспертиза тайинланганлиги, эксперт олдига қўйилган саволлар, экспертиза ўтказадиган ташкилотнинг тўлиқ номи, жойлашган манзили кўрсатилиши лозим. Қарор нотариус томонидан имзоланади.

Манфаатдор шахснинг илтимосига кўра далилларни таъминлаш вақтида расмийлаштирилган барча ҳужжатларнинг биринчи нусхаси, мурожаат этган шахсга берилади, иккинчи нусхаси давлат нотариал идорасида қолади.

НАМУНА: Далилларни таъминлашга қаратилган.

ГУВОҲНИ СЎРОҚ БАЁННОМАСИ

Мен, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) икки минг тўртинчи йил март ойининг йигирманчи кунида Ўзбекистон Республикаси Давлат Нотариати тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасига асосан, мурожаат қилган Тошкент шаҳар,

Яккасарой тумани Бобур кўчаси 26 уйда яшовчи Каримов Сардор Сайдуллаевичнинг илтимоси бўйича Америка Қўшма Штатларининг Лос-Анжелес Штатида очилган мерос иши бўйича далилларни таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Яккасарой тумани Нукус кўчаси 48-уйда яшовчи Баҳодиров Жаҳонгирмирзо Абдумажитовични гувоҳ сифатида сўроқ қилдим. Гувоҳлик берувчи Ўзбекистон фуқароси бўлиб, унинг шахси ва муомалага лаёқатлилигини текширган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 238-моддаси билан ёлғон гувоҳлик бермаслик ва гувоҳлик беришдан бош тортмаслик ҳақида огоҳлантирдим. Огоҳлантирилганлигини ўз имзоси билан тасдиқлайди. Фамилияси, исми, отасининг исми ва имзоси.

Аниқланиши керак бўлган ҳолат юзасидан фуқаро Баҳодиров Жаҳонгирмирзо Абдумажитович куйидаги кўрсатмаларни берди:

Берилган кўрсатмалар ёзилади.

Ёзилган кўрсатмаларни ўқиб чиқдим. Улар менинг сўзимдан аниқ, тўлиқ, тўғри ёзилган деб имзо қўювчи Баҳодиров.Ж.А.

Реестрга қайд қилинди –

Давлат божи ундирилди-

Давлат нотариуси: имзо исми. фамилияси, отасининг исми.

Гербли муҳр.

Назорат саволлари:

1. Далилларни таъминлаш деб нимага айтилади?
2. Далилларни таъминлаш тартибини тушунтириб беринг?
3. Далилларни таъминлаш мақсадида нотариус экспертиза тайинлаганда қандай ҳаракатларни бажариши лозим?

11.1. Денгиз протестларини амалга ошириш тартиби.

Нотариуслар денгиз протестларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонун ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳайъатининг 1997 йил 28 апрелда 33/1 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан

шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланмага таяниб иш кўрадилар.

Денгиз протестларини амалга ошириш, далилларни таъминлашга қаратилган нотариал ҳаракат тури бўлиб, бу ҳаракат ўзида денгизда содир бўладиган воқеа ва ҳодисаларни нотариал гувоҳлантиришга қаратилган бўлади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган Қўлланмага кўра нотариуслар кема эгасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун далил-исботларни таъминлаш мақсадида кема капитанининг кема сузиб бораётган ёки у тўхтаб турган жойда содир бўлган ҳамда кема эгасининг олдига мулкӣ талаблар қўйиш учун асос бўлиши мумкин бўлган ҳодиса тўғрисидаги аризани қабул қилиб оладилар (Қўлланманинг 198-банди).¹

Денгиз протести тўғрисидаги аризада юз берган ҳодисанинг тафсилотлари ва капитаннинг ўзига ишониб топширилган мулкни сақланишини таъминлаш юзасидан кўрган чора-тадбирлари кўрсатилади. Денгиз протести тўғрисидаги аризада баён этилган ҳолатларнинг тасдиғи сифатида кема капитани Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 85-моддасига асосан ариза билан айна бир вақтда кема портга кирган ёки ҳодиса портда юз берган бўлса, у юз бергандан сўнг 7 кундан кечиктирмай нотариусга кўздан кечириш учун кема дафтарини ва капитан томонидан тасдиқланган кема дафтаридан кўчирмани тақдим этиши лозим.

Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 86-моддасига ва Қўлланманинг 200-бандига кўра денгиз протести тўғрисидаги ариза кема портга келган пайтдан бошлаб 24 соат давомида берилиши керак. Агар денгиз протести тўғрисида ариза бериш заруратини келтириб чиқарган ҳодиса портда содир бўлган бўлса бундай ҳолатда ҳам протест ҳодиса содир бўлган пайтдан бошлаб 24 соат давомида берилиши лозим. Протестни белгиланган муддатда беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, бунинг сабаблари денгиз протести ҳақидаги аризада кўрсатилиши керак.

Нотариуслар капитаннинг аризаси, кема дафтаридagi маълумотларни, шунингдек капитаннинг ўзини ва кема қўмондонлиги таркибидан камида икки гувоҳни сўроқ қилиш маълумотлари асосида денгиз протести ҳақида далолатнома тузади ва уни ўз имзоси ҳамда гербли муҳр билан тасдиқлайди. Денгиз протести ҳақидаги далолатноманинг бир нусхаси капитанга ёки вакил қилинган шахсга берилади, иккинчи

¹ Қаранг: Амалий Қўлланма Ўзбекистонда Нотариат. –Т.: Адолат, 1998.

нусхаси капитаннинг аризаси ва кема журналидан кўчирма илова қилинган ҳолда нотариал идорада қолдирилади (Қўлланманинг 201-банди).

Далолатномада денгизда ёки кема тўхтаб турган портда содир бўлган воқеа ва ҳодисалар батафсил ёритилмоғи керак. Денгизда содир бўлган ҳодиса натижасида кема олиб кетаётган мулк нобуд бўлганда уни сақлаб қолишлик учун кўрилган чоралар, кема капитанининг аризаси ва далолатномада гувоҳлар иштирокида тўлиқ ёзилиши лозим. Бу ҳолатларни олдини олишни имкони бўлмаганда протест амалга оширилади.

Денгиз протести ҳақидаги кема капитанининг аризаси у олиб кетаётган мулкни эгаси томонидан кейинчалик даъво билдирилганда, мулкни сақлаб қолишлик учун кўрилган чора, сақлаб қолишни имкони бўлмаганлиги ва мулкий жавобгарликни ҳал этишда етказилган зарарни қоплаш масаласида далил сифатида муҳим аҳамиятга эга.¹

Кема капитани ёки вакил денгиз протести ҳақидаги аризаси билан бирга нотариал идорага кема журналини ҳам тақдим этади. Кема журналида содир бўлган воқеанинг бошланган вақти, қачон тугаганлиги, кемада юк бўлса уни сақлаб қолишлик учун кўрилган чоралар ёзилган бўлиши лозим. Денгиз протести ҳақидаги ариза ва кема журналига асосан нотариус ҳузурида далолатнома тузилади. Нотариус далолатномани тузиш вақтида денгиз протести аризасида кўрсатиб ўтилган воқеани текшириш мажбуриятига эга эмас. Далолатномага нотариус иккита гувоҳ ва кема капитани имзо қўйгач, нотариал идоранинг гербли муҳри босилади. Нотариус томонидан тузилган далолатнома воқеани содир бўлганлигини тасдиқловчи биринчи ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Етказилган зарарни қоплаш ҳақида кейинчалик низо келиб чиққан тақдирда, бу ҳужжат далил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун нотариус томонидан расмийлаштирилган бу ҳужжат юзасидан келгусида низо келиб чиқмайди деб бўлмайди. Денгиз протестлари ҳақидаги далолатномада қуйидагилар ёритилиши лозим:

-далолатноманинг тузилган вақти, уни тузган нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми

- содир бўлган ҳодиса ҳақида кема капитани ёки вакилнинг ариза топширган вақти, кеманинг номи, кимга тегишли эканлиги, кема капитанининг исми, фамилияси, отасининг исми, фуқаролиги, яшаб турган жойи,

¹ И.С. Жилин Общая авария и вопросы морского права. –М., 1953. 30-б.

- денгиз протести ҳақида ариза берган кема капитанининг аризасини мазмуни , кема журналидаги ёзувлар,
 - гувоҳлик берган шахсларнинг исми фамилияси, отасининг исми кемада қандай хизматни ёки вазифани бажарганликлари, уларнинг берган кўрсатмалари мазмуни,
 - нотариал идорада денгиз протести ҳақидаги далолатнома қайд этилган реестр рақами ва ундирилган давлат божи миқдори.
- Денгиз протестларини амалга оширган нотариус, бу ҳақда тезлик билан порт бошлиғига хабар бериши лозим. Денгиз протестларини амалга ошириш денгиз портлари бўлган Республикаларнинг нотариал идораларида амалга оширилади. Жумладан: Белоруссия, Арманистон, Тожикистон, Қирғизистон Республикаларининг Нотариат тўғрисидаги қонунларида бу ҳаракатни амалга ошириш кўзда тутилмаган.

Назорат саволлари:

1. Денгиз протестларини амалга ошириш деганда нимани тушунасиш?
2. Кема капитани томонидан тузилган денгиз протести ҳақидаги ариза ва кема журналида нималар ёритилиши керак?
3. Нотариус томонидан тузилган далолатномада нималар ёритилади?
4. Денгиз протести ҳақидаги аризада кўрсатилган ҳодисаларни нотариус текшириш мажбуриятига эгами?
5. Денгиз протести манфаатдор шахс томонидан нима мақсадда амалга оширилади?

11.2. Ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси тўғрилигини шаҳодатлаш.

Республикамиз мустақиликка эришгач, “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинди. Бунга кўра Республикамизда давлат тили ўзбек тили бўлиб, ўзбек тилида иш юритиш қонун билан белгиланди. Айрим ҳолларда фуқароларимиз нотариал идорага мурожаат қилиб, ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси тўғрилигини

шаҳодатлаб беришни сурайдилар. Бундай ҳолларда нотариус мурожаат этган шахснинг талабидан келиб чиқиб, бу турдаги нотариал ҳаракатни бажаради. Ушбу нотариал ҳаракатни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 68-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланмада белгилаб берилган. Бунга кўра нотариус тегишли тилларни билган тақдирда ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси тўғрилигини шаҳодатлайди. Нотариус тегишли тилларни билмаган тақдирда эса ҳужжат таржимон томонидан таржима қилиниши лозим бўлиб, нотариус таржимоннинг имзоси ҳақиқийлигини шаҳодатлайди.

Қўлланманинг 156-бандига асосан: нотариал ҳаракатни амалга ошириш чоғида айна вақтда бошқа тилга таржимаси ҳам қилинадиган бўлса, таржима асл нусха билан бир варақда ёнма-ён жойлашиши, ҳужжатнинг асл матни чап томонда, таржима матни эса унг томонда бўлиши керак. Таржима қилинаётган бутун матни таржима қилиниши ва имзолар билан тугалланиши лозим, таржимоннинг имзоси таржима остига қўйилади. Шаҳодатлантирувчи ёзув ҳужжатнинг матни ва унинг таржимаси остига битилади. Асл варақдан алоҳида қилинган таржима асл ҳужжатга ип билан тикилиб, нотариуснинг имзоси ва муҳри билан мустаҳкамланади.

Нотариусга тақдим этилган ҳужжат хорижий (чет) тилда бўлиб, таржимаси ҳам чет тилида бўлиши керак бўлса, бундай нотариал ҳаракатлар фақатгина жойлардаги 1-сонли давлат нотариал идорасининг давлат нотариуслари томонидан бажарилиши лозим. Бундай ҳолларда нотариус чет (хорижий) тилда тақдим қилинган ҳужжатнинг таржимасини гувоҳлантиришдан аввал унга “легализация” белгиси қўйилганлигини текшириши керак. “Легализация” белгиси қўйилганлиги бу ҳужжатни консулликларда тегишли тартибда қонунийлиги текширилганлигини тасдиқлайди.

Бундай ҳужжатлар таржимон томонидан таржима қилинади. Нотариус таржимоннинг имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Бундай ҳужжатлар таржимон томонидан таржима қилинади. Нотариус таржимоннинг имзосини ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Бунинг учун нотариус аввало таржимонни шахсини аниқлаши лозим

Ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси тўғрилиги шаҳодатланганда бу ҳаракат нотариал идорада нотариал

ҳаракатларни рўйхатга олиш Реестр китобига қайд қилинади. Реестр-га таржимаси нотариал гувоҳлантирилган ҳужжатнинг қисқача реквизитлари ва легализация ҳақидаги маълумотлар ёзилади.

Нотариус ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга қилинган таржимасининг тўғрилигини тасдиқлаганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994-йил 3 ноябрдаги 533-сонли Давлат божи ставкалари тўғрисидаги Қарорига асосан нотариал шаҳодатланган ҳар бир бет учун энг кам иш ҳақининг 5 фоизи миқдорида давлат божи ундиради.

Нотариус ўзи билган тилга қилинган таржиманинг тўғрилигини шаҳодатлаганда қуйидагича тасдиқлов ёзувини ёзади:

НАМУНА: 2000 йил август ойининг 8 кунда мен, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасининг катта давлат нотариуси (нотариуснинг исми, фамилияси, отасининг исми) Ушбу матннинг инглиз тилидан ўзбек тилига қилинган таржимаси ҳақиқийлигини шаҳодатлайман.

Реестрга 1177 билан қайд қилинди.

50 сум миқдорида давлат божи ундирилди.

Ката давлат нотариуси: имзо

Гербли муҳр.

Назорат саволлари:

1. Ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимасини шаҳодатлантиришда нотариус қайси қонун меъёрларига таяниб иш тутади?

2. Нотариус ўзи билган тилдаги ҳужжатни шаҳодатлантириш билан, ўзи билмаган тилдаги ҳужжатни шаҳодатлантиришдаги бири-биридан фарқ қилувчи жиҳатларини тушунтириб беринг?

3. Ҳужжатнинг бир тилдан бошқа тилга таржимасини тўғрилигини шаҳодатлантиришда нотариус қандай миқдорда давлат божи ундиради?

11.3. Ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларни аслига тўғрилигини шаҳодатлаш.

Нотариуслар Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 65-моддасига асосан юридик аҳамиятга эга бўлган ва мазмун жиҳатдан қонунга зид бўлмаган ҳужжатлардан олинган нусха ва кўчирмаларнинг аслига тўғрилигини шаҳодатлайдилар. Ҳужжатлар

нусхаларининг аҳамияти ҳақида шуни айтиш мумкинки, ҳужжатлардан олинган кўчирма ва нусхалар фуқароларга ҳар хил вазиятдан келиб чиқиб керак бўлади. Бундай вақтларда нотариус ёки нотариал ҳаракатни бажарувчи шахс гувоҳлантириш талаб қилинаётган ҳужжатнинг аслини талаб қилиши керак. Ҳужжатнинг асли унинг нусхаси билан бирма-бир таққослаб кўрилиб, тўғрилигини текширилади.

Ҳозирги кунда техника ривожланганлиги сабабли нотариуслар ҳужжатнинг матнини кўчириш ўрнига унинг фотонусхасини аслига тўғрилигини шаҳодатламоқдалар. Бу нотариусларда анча қулайлик туғдириб, нотариус ҳужжатнинг асли билан ундан олинган фотонусхани аслига тўғрилигини шаҳодатлайди.

Кўпинча фуқароларимиз ҳужжатнинг фотонусхасини тақдим этиб, асли уйида эканлигини, асли бўлганлиги учун ҳам ундан фотонусха олинганлигини важ қилиб, шаҳодатлаб беришни сўрайдилар. Нотариус ҳар қандай вазиятда ҳам ҳужжатнинг аслини талаб қилиши лозим. Чунки, нотариал шаҳодатлантирилаётган ҳужжатнинг нусхаси унинг асли каби бир хил юридик кучга эгадир.

Ҳужжатнинг аслида тузатиш киритилмаган, ўчирилмаган, қайта ёзилмаган ёзувлар бор йўқлигини текшириши, бундай ҳолатлар аниқланганда нотариус нотариал ҳаракатни бажаришни қонунга зид бўлганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 38-моддаси талабидан келиб чиқиб, рад этмоғи лозим.

Ҳужжатнинг асли нотариусда шубҳа туғдирса, нотариус бундай ҳужжатни аслига тўғрилигини тасдиқлашдан бош тортиб, экспертиза тайинлаши лозим. Экспертиза ҳулосасини олиб, шубҳалар бартараф этилгандан сўнггина, ҳужжатнинг нусхасини аслига тўғрилигини нотариал гувоҳлантириши мумкин.

Шахсни тасдиқлаш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар нотариал гувоҳлантирилмайди. Масалан: паспорт, ҳарбий билет, депутатлик гувоҳномаси ва бошқа ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Нотариуслар ҳужжатдан олинган нусхани аслига тўғрилигини гувоҳлантириш билан бирга ҳужжатнинг нусхасидан олинган нусхасини ҳам тўғрилигини нотариал шаҳодатлантиришлари мумкин. Бундай ҳолларда Қўлланманинг 147-бандига кўра ҳужжат нусхасидан кўчирилган нусханинг тўғрилигини нотариуслар башарти аввалги нусханинг тўғрилиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилган бўлса ёки ҳужжатнинг нусхаси унинг асл нусхаси тайёрланган корхона, му-

ассаса, ташкилот томонидан берилган бўлса шаҳодатлайди. Кейинги ҳолатда ҳужжатнинг нусхаси мазкур юридик шахснинг иш қоғозида баён этилган, муҳр босиб тасдиқланган ва унда шу ҳужжатнинг асли мазкур корхона, муассаса, ташкилотда эканлиги ёзиб қўйилган бўлиши керак.

Амалиётда кўпинча аслига тўғрилиги нотариал гувоҳлантириб бериш талаб қилинаётган ҳужжатлар бир неча саҳифалардан иборат бўлади. Масалан: ташкил этилаётган юридик шахсларнинг Низомлари бир неча саҳифани ташкил этади. Бундай ҳолларда нотариус бир неча саҳифаларда баён этилган саҳифаларни рақамлайди, ип ўтказиб тикади. Ип ўтказиб тикилган саҳифаларнинг сони нотариал идорасининг гербли муҳри қўйилган ҳолда нотариуснинг имзоси билан тасдиқланади. Ҳужжатдаги охиригача тўлдирилмаган сатрлар ва бошқа бўш жойларга чизик тортиб қўйилади. Чет элда амал қиладиган ҳужжатлар бундан мустасно.

Назорат саволлари:

1. Қандай ҳолларда нотариус ҳужжатдан олинган нусхани аслига тўғрилигини тасдиқлашдан бош тортади?
2. Қандай ҳужжатларнинг нусхалари нотариал гувоҳлантирилмайди?
3. Бир неча саҳифаларда баён этилган ҳужжатлар нотариус томонидан тасдиқланганда нотариус буни қандай тартибда амалга оширади?

11.4. Ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш.

Нотариус Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 67-моддаси ва Қўлланманинг 150-бандига асосан, мазмуни қонун ҳужжатларига зид бўлмаган юридик мазмунга эга бўлган ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини манфаатдор шахснинг талабидан келиб чиқиб шаҳодатлайди.

Нотариус имзони ҳақиқийлигини тасдиқлашда нотариал ҳаракатларни бажариш қоидалари талабидан келиб чиқиб, аввало муурожаат этган шахснинг шахсини аниқлайди, муомалага лаёқатлилигини текширади.

Ҳужжат фуқаро томонидан нотариус ҳузурида имзоланади. Имзо деганда мурожаат этган шахсга тегишли бўлган имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми қўл билан ёзилганлик ҳолати тушунилиши лозим.

Баъзи ҳолларда шахс жисмоний камчилиги касаллиги бошқа сабабларга кўра ўз қўли билан шартномага ёки нотариал тартибда гувоҳлантирилаётган бошқа ҳужжатга имзо қўя олмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда Қўлланманинг 151-бандига кўра жисмоний камчиликлари, касаллиги ва бошқа сабабларга кўра ўз қўли билан имзо қўя олмайдиган шахс учун имзо қўйган шахснинг имзоси шаҳодатланади. Шаҳодатлаш чоғида нотариус имзо қўйган кишининг ҳам шахсини аниқлайди.

Нотариуслар ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаганда, ҳужжатдаги баён этилган фактларни эмас, балки ҳужжатдаги имзо муайян шахс томонидан қўйилганлигини тасдиқлайди.

Масалан: Шахс нотариал идорага меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этди. Бунда нотариус мерос қолган мулк борлиги, шахснинг вафот этганлиги, каби ҳолатларни эмас, балки аризадаги имзо муайян шахс томонидан қўйилганлигини шаҳодатлайди.

Банк муассасаларига тақдим қилинадиган карточкаларда мансабдор шахслар имзоларининг намуналарини шаҳодатлаш чоғида нотариуслар уларнинг имзоси ҳақиқийлигини ва имзо қўйиш ҳуқуқи ваколатини текширадилар. Ваколатларнинг тасдиғи сифатида қуйидагилар тақдим этилади:

Мансабдор шахс тайинланганлиги ҳақидаги буйруқ ёки сайланганлиги тўғрисидаги протокол, белгиланган тартибда тасдиқланган Низом ёхуд юқори ташкилот томонидан раҳбар номига берилган ваколатнома, карточкада шу ташкилот муҳри туширилган нусхаси кўрсатилиши керак. Ташкилот муҳрга эга бўлмаган тақдирда бу ҳолатни тасдиқловчи тегишли ҳужжат (ҳисоб эгасига нисбатан юқори турувчи ташкилот томонидан берилган маълумотнома) ва бошқалар бўлиши керак.

Имзони тасдиқлаш керак бўлган ҳужжатда шахснинг имзоси албатта, асосий матндан кейин келиши керак. Бу мазмун жиҳатдан ҳам ҳужжатнинг асосли бўлишини таъминлайди.

Шунингдек, нотариус шахснинг ҳуқуқий муносабатлари билан боғлиқ бўлган ҳужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлашда, ушбу ҳолатнинг оқибатини тушунтириши керак. Маса-

лан: Фарзандликка олиш тўғрисидаги аризада шахсни имзосини тасдиқлашда, шахсга буни оқибатини тушунтириши лозим. Фарзандликка олувчи шахс билан фарзандликка олинган бола ўртасидаги шахсий мулкый муносабатларни жумладан бир-бирига нисбатан моддий таъминот олиш ҳуқуқини вужудга келишини, аввалги ота-онаси эса бу мажбуриятлардан озод бўлишлигини тушунтириш керак.

Назорат саволлари:

1. Нотариус қандай ҳолларда ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини гувоҳлантиришни рад этиши лозим?
2. Ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини нотариал гувоҳлантириш тартибини тушунтириб беринг?
3. Нотариус қандай ҳолларда ҳужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини гувоҳлантириш оқибатини тушунтирмоғи лозим.?

11.5. Васиятномани нотариал гувоҳлантириш тартиби.

Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонунининг 23-моддасига асосан васиятномаларни тасдиқлаш давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар, Ўзбекистон Республикаси чет эллардаги консуллик муассасаларининг консуллари (28-модда), шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) (25-модда), шунингдек хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (24-модда) томонидан амалга оширилади.

Васиятномани гувоҳлантириш вақтида нотариус васиятномани гувоҳлантиришни сўраб мурожаат қилган шахснинг аввало шахсини аниқлайди, муомалага лаёқатлилигини текширади.

Амалдаги ЎзР ФКнинг 1124-моддасига асосан васиятнома ёзма равишда тузилиши, унинг тузилган жойи ва вақти кўрсатилиши ҳамда васият қилувчи томонидан ўз қўли билан имзоланиши керак.

Агар васият қолдирувчи жисмоний камчиликлари ёки саводсизлиги оқибатида ўз қўли билан васиятномани ёзиш ва имзо қўйиш имкониятига эга бўлмаса, бундай ҳолларда нотариал ҳаракатни амалга оширувчи нотариус ёки мансабдор шахс томонидан унинг сўзлари ёзиб олинади. Васият қолдирувчининг сўзларини ёзиб олишда нотариус ёки васиятномани гувоҳлантираётган мансабдор шахс ёзув машинкаси, компьютердан фойдаланган ҳолда амалга ошириши мум-

кин. Бундай ҳолларда васиятноманинг матни тўлалигича васият қилувчига ўқиб берилиши шарт бўлиб, бу ҳақда васиятномага нотариус томонидан белги қўйилади. Васиятнома васият қилувчининг шахсан ўзи томонидан имзоланади. Васият қилувчи жисмоний камчилик, касаллик ёки бошқа сабабларга кўра васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаган тақдирда бу васиятнома амалдаги Қўлланманинг 13-бандида баён этилган қоидалар ва ЎзР 1124-моддасига асосан васиятномани унинг топшириғига кўра, васият қолдирувчининг ўзи ва нотариус иштирокида ўзга фуқаро имзолаши мумкин. Бунда васият қолдирувчининг шахсан ўзи имзолай олмаслиги сабаблари кўрсатилиши лозим.

Лекин қонун айрим шахсларни васият қилувчининг ўрнига имзолашни ман қилган шахслар доирасини белгилаб берган ЎзР ФКнинг 1124-моддасига асосан қуйидаги шахслардир:

- нотариус ёки васиятномани тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахс,
- васиятнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини) болалари, ота-онаси, неваралари ва чеваралари ,
- васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари,
- тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар,
- саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар,
- ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар.

Нотариус васиятномани гувоҳлантириш вақтида албатта васиятноманинг тузилиш вақти ва жойини кўрсатиши шарт. Васиятнома барча нотариал ҳаракатлар каби сир сақланиб, уни ошкор этилишига йўл қўйилмайди. Кейинчалик васият қилувчи томонидан васиятномага ўзгартиришлар киритилиши ва бекор қилиниши ҳам мумкин. Лекин бу маълумотлар ҳам сир сақланиши лозим. Хизмат вазифасини бажариш муносабати билан васиятномадан хабардор бўлиб қолган шахслар ҳам ошкор қилишга ҳақли эмаслар.

Чунки бунинг оқибати оғир жиноятларни келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Шу ўринда мисол келтирмақчимиз: 2002 йилда Тошкент шаҳар А.Икромов туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судига фуқаро А мурожаат этиб, турмуш ўртоғи Н билан биргаликдаги никоҳлари давомида олинган мулкларни бўлиб бериш талабини қўяди. Иш суд жараёнида кўрилиш вақтида суд курилиш экспертизаси тайинланди. Бу ҳолат юзасидан суд таркиби воқеа жойига чиққанида жавобгарнинг

вояга етган ўғилларидан бири А. отасидан уй-жойни тўлалигича она-сига қолдиришни талаб қилади. Бунга нисбатан отаси Н. эса ўзига тегишли қисмини фарзандларидан ҳеч бирига қолдирмаслигини, неваралларидан бирига васият қилиб қолдирмоқчи эканлигини айтади. Буни эшитган Н отаси узоқ вақтдан буён катта акасининг қарамоғида эканлигини, акасининг фарзандлари ҳам отасига яхши муносабатда эканлигини ўйлаб, отам акамнинг фарзандларига қолдирар экан-да, деган фикр билан ўзи учун қулай вақт топиб отасини ўлдиришга қарор қилади. Акаси кечқурун тунги сменада ишда эканлигидан фойдаланиб, тунги соат 2 билан 3 оралиғида акасини уйига бориб, отасини 14 жойига пичоқ уриб, ваҳшийларча ўлдиради. Н ўзининг бу ноқонуний ҳаракати билан отасининг уй-жойдан тегиши лозим бўлган улушини неварасига васият қилиб қолдиришга улгурмай туриб, бу ҳақда суд бир тўхтамга келмай туриб, ниятимни амалга оширишим керак деб ўйлаб, фуқаролик судида иш тугалланмай отасини ўлдиришга эришади.

Лекин кейинчалик маълум бўлишича, марҳум ҳақиқатдан ҳам ҳовлидан ўзига тегишли улушини ўлимидан аввал неварасига васият қилиб улгурган экан. Бундай ачинарли мисоллар амалиётда учраб турибди. Шунинг учун нотариус ёки нотариал ҳаракатни бажарган бошқа мансабдор шахс васият қилувчининг ўзига ҳам ҳар қандай шароитда васиятнома ҳақида ошкор этмаслигини тушунтиришлари керак.

Васиятномани нотариал гувоҳлантириб беришни сўраб мурожаат қилган шахс қулоғи кар, оғир, ёки кар соқов бўлса бундай вақтларда нотариал ҳаракатни амалга ошириш чоғида шу киши билан муомала қила оладиган ва ўз имзоси билан васиятноманинг мазмуни унда иштирок этаётган қулоғи кар, оғир, соқов ёки гаранг-соқов кишининг иродасига мувофиқ эканлигини ўз имзоси билан гувоҳлантирадиган саводли шахс бўлиши шарт. (Қўлланманинг 13-банди).

Васият қилувчининг хоҳишига кўра нотариус васиятномани унинг мазмуни билан танишмаган ҳолда тасдиқлаши мумкин (махфий васиятнома). Махфий васиятнома ҳақиқий эмас деб топилиш хавфини назарда тутган ҳолда васият қилувчи томонидан ўз қўли билан ёзилиб, уни шахсан имзолаши шарт. Бу васиятнома нотариус ҳамда икки гувоҳ иштирокида конвертга солиб елимланади, конвертга гувоҳлар имзо қўйиб, ўз фамилиялари, исм-шарифлари ва доимий яшаш жойларини ёзиб қўядилар. Гувоҳлар томонидан имзоланган бу конверт гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа конвертга солиниб

елимланади. Унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди (ЎЗР ФКнинг 1125-моддаси).

Махфий васиятнома нотариал ҳаракатлар ёзиладиган реестрда қайд этилиб, алфавитга киритилади ва васиятномалар турадиган алоҳида нарядда сақланади. Васият қилувчининг ёзма аризасига биноан васиятнома васият қилувчи ёки нотариус, ёхуд бошқа мансабдор шахслар томонидан бекор қилиниб, унинг ҳамма нусхалари йўқ қилиниши мумкин. Васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал шаҳодатлантирилиши керак.

Васиятномани тасдиқлаган нотариус ёки бошқа мансабдор шахс васият қилувчининг талабидан келиб чиқиб, васиятномани бекор қилиш ҳақида нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрга, алфавитли дафтарга бу ҳақда ёзиб қўяди ва уни имзолаб, муҳр билан тасдиқлайди.

Васиятномани тасдиқлаш жараёнида нотариус васият қилувчига Қўлланманинг 105-бандида кўрсатилган талабдан келиб чиққан ҳолда, ЎЗР ФКнинг 1142-моддаси талабини тушунтириши лозим. Васиятномани тасдиқлаш чоғида васият қилувчидан унинг васият қилаётган мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар талаб қилинмайди.

Қўлланманинг 107-бандида кўрсатиб ўтилганидек, давлат нотариал идорасида, нотариуслар ва Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги қонунининг 26-моддасида кўрсатилган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган ва сақлаш учун давлат нотариал идорасига юборилган васиятномаларни ҳисобга олиш учун алифболи дафтар юритадилар.

Васиятнома васият қилувчи томонидан тўлиқ ёки қисман бекор қилиниши мумкин. Нотариуслар бу ҳақда ариза олганларида, шунингдек, васиятномани бекор қилувчи ёки ўзгартирувчи янги васиятнома олинганда бу ҳақда нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрга, алифболи дафтарга ва васиятнинг нотариал идорасида сақланаётган нусхасига ёзиб қўядилар.

Васият қилувчи ўзида сақланаётган васият нусхасини тақдим этган тақдирда васиятноманинг бекор қилинганлиги тўғрисида бу нусхага ҳам ёзиб қўйилади, шундан кейин ариза билан бирга (васиятнома ариза билан бекор қилинган бўлса) давлат нотариал идорасида сақланаётган васиятнома нусхасига тикиб қўйилади. Васиятномани бекор қилиш тўғрисидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал шаҳодатлантирилиши лозим. Агар бекор қилинган васият-

нома бошқа нотариал идорада тасдиқланган бўлса, уни бекор қилиш тўғрисидаги ариза васият қилувчи ёки нотариус томонидан васиятнома тасдиқланган нотариал идорага юборилади.

Васиятнома алоҳида эътибор беришни, ворислик ҳуқуқини мукаммал билишни талаб қиладиган мураккаб нотариал ҳаракат тури бўлиб ҳисобланади.

Нотариус васиятномани тасдиқлашда, аввало унинг қонунийлигини текшириши лозим. Васият қолдирувчи шахс билан алоҳида суҳбат ўтказиб, ўзининг хоҳиши ва эрки асосида васиятнома тузаётганлигини, васиятнома мажбурлов асосида амалга ошмаётганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.¹

Васиятнома деганда, фуқаронинг ўзига тегишли бўлган шахсий ва хусусий мулкни, мулкка бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўзи вафот этганидан сўнг тасарруф этиш бўйича хоҳиш–иродасини эркин тарзда ифода этишга қаратилган фармойиш васиятнома деб аталади.

Ўлим хавфини назарда тутиб, тузиладиган васиятноманинг ўзига хос белгилари бор. Васиятнинг ҳақиқий саналишлиги учун мерос олувчиларнинг ворис бўлишлик тўғрисида розиликлари сўралмайди. Фақат мерос очилганидан кейингина ворис меросни қабул қилиши ёки меросдан воз кечиши мумкин.

Битта васиятномани бир неча шахс номидан, шунингдек вакил орқали расмийлаштирилишига йўл қўйилмайди. Муомалага лаёқатли шахс номидан ҳаттоки, ҳомийси ҳам васиятномани расмийлаштириш ҳуқуқига эга бўла олмайди. Қонун доимо фуқароларнинг ҳуқуқларини ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади.²

Васиятномани ижро этувчи васият бўйича ворисларнинг ўзлари бўладилар, баъзида давлат ёки юридик шахслар ҳам бўлиши мумкин. Шу ўринда мисол келтирмоқчимиз:

Тошкент шаҳрида яшовчи етук рассом У.Тансиқбоев ўзига қарашли ҳовли-жой ва айрим ижодий ишларини давлатга васият қилиб қолдирган. Васиятномага асосан Тошкент шаҳар нотариал идорасининг нотариуси ушбу васиятномани амалга оширган. Ҳозирда У.Тансиқбоевнинг уйи музейга айлантирилиб, унга рассомнинг ижодидан намуналар келтирилган ва ушбу музейга У.Тансиқбоев номи берилган.

¹ См. Э.Б. Эйдинова Осуществление наследственных прав и защита их судом и нотариатом. Автореф. Канд. Дисс. М. 1972 стр. 15.

² См. Э.Б. Эйдинова Осуществление наследственных прав и защита их судом и нотариатом. Автореф. Канд. Дисс. М. 1972 стр. 15

Назорат саволлари:

1. Васиятномани вакиллар орқали расмийлаштиришга йўл қўйиладими?

Кимларни васият қилувчи ўрнига имзо қўйиши қонун билан тақиқланади?

2. Қулоғи оғир, гаранг, соқов шахслар номидан васиятномани расмийлаштириш тартибини тушунтириб беринг?

3. Васиятномани ўзгартиришга ва бекор қилишга нотариал тартибда йўл қўйиладими? Буни нотариус қандай расмийлаштиради?

4. Васиятномани ижро этувчилар кимлар бўлиб ҳисобланади.?

НАМУНА: В А С И Я Т Н О М А.

Ўзбекистон Республикаси. Тошкент шаҳри. Икки минг
бешинчи йилнинг йигирма олтинчи май куни.

Мен, Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Чилонзор -12 даҳа, 35 –уйнинг 37-хонасида яшовчи Сулаймонов Мамарасул Гуломович ушбу васиятномам билан қуйидаги топшириғимни бераман:

1.Менинг вафотим олдидан менга тегишли бўлган барча мол-мулкимни унинг нималардан иборатлигидан ва қаерда жойлашганлигидан қатъий назар шунингдек , Тошкент шаҳар А.Икромов тумани Жангоҳ кўчасидаги 45-уй никоҳимиз даврида орттирилган ва хотиним Сулаймонова Саломатхон Расуловна номига расмийлаштирилган уй-жойимизнинг менга тегишли бўлган $\frac{1}{2}$ қисмини қизим Сулаймонова Интизорой Мамарасуловнага васият қилиб қолдираман.

2.Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 1142-моддасига асосан меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга бўлганлар ҳақида нотариус томонидан менга тушунтириш берилди.

3.Саводсизлигим туфайли илтимосимга кўра васиятномани менинг ўрнимга Тошкент шаҳар А.Икромов тумани Чилонзор -12 даҳа 35-уйнинг 45-хонасида яшовчи фуқаро Боймуродов Султонмурод Каримович имзолайди. Васиятнома матни менга нотариус томонидан овоз чиқариб ўқиб эшиттирилди.

Васиятнома икки нусхада тузиб имзоланди. Бири васият қилувчи Сулаймонов Мамарасул Гуломовичга берилади, иккинчиси сақлаш учун нотариал идорада қолдирилади.

Имзо: Боймуродов Султонмурод Каримович имзоси

Нотариуснинг тасдиқловчи ёзуви.

11.6. Ишончномаларни тасдиқлаш тартиби.

Бир шахс (ишонч билдирувчи) томонидан иккинчи шахсга (ишончли вакилга) учинчи шахслар олдида вакиллик қилиш учун берилган ёзма ваколат ишончнома ҳисобланади. Ишончли вакил ўзига ишончнома билан берилган ваколатлар доирасида иш олиб боради. (ЎЗР ФКнинг 134-моддаси). Ишончнома бир томонлама битим бўлиб, қонунда унинг нотариал тартибда тасдиқланиши шарт бўлган турлари ҳам кўрсатилган. Нотариал шаклни талаб қилувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан ҳаракатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. (ЎЗР ФКнинг 135-моддаси).

Нотариуслар бир ёки бир неча шахс номидан бир ёки бир неча шахс номига ишончномаларни гувоҳлантирадилар. Масалан: Енгил автомашина эгаси автомашинани бошқариш учун икки ёки ундан ортиқ шахсларга ишончнома бериши мумкин.

Ишончноманинг мазмунида вакилнинг қандай ваколатларга эга эканлиги, қандай ҳуқуқий ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эканлиги кўриниб туриши лозим. Масалан: Уй-жойни сотишга ишонч билдирган шахс, вакилнинг уйнинг сотилишидан тушган пулни олиш, уни почта орқали жўнатиш ва бошқа ҳаракатларни бажариши ишончномада аниқ кўрсатилиши лозим. Ишончнома узоғи билан уч йил муддатга берилади. Лекин нафақа таъминоти олиш билан боғлиқ бўлган ишончномалар бундан мустасно. Ишончноманинг муддати сўз билан ёзилиши лозим. Амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома тузилган кундан бошлаб бир йил давомида ҳақиқий саналади. Лекин тузилган санаси кўрсатилмаган ишончнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

Ишончнома матнида унинг тузилган жойи ва куни, ишонч билдирувчи ва вакил қилинаётган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, турар жойлари кўрсатилиши керак. Ишончнома икки нусхада баъзида манфаатдор шахсларнинг талаби билан уч нусхада ҳам тузилиши мумкин. Ишончноманинг иккала нусхаси ҳам бир-хил юридик кучга эга бўлиб, барча нусхаларга бир хилдаги реестрга қайд этилганда қўйилган тартиб рақами қўйилади. Масалан: Ишончнома 777 бўлса бу рақам барча нусхаларга ҳам қўйилади. Ишончноманинг би-

ринчи нусхаси кўпинча ишончнома олувчи шахсга берилади, иккинчи нусхаси нотариал идорада қолади. Ишончнома нотариал идорадаги нотариал ҳаракатларни қайд этиш реестр дафтаридан рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Ишончнома берилган шахс, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки уни ишончнома берган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга шароит мажбур қилса, буни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилган ҳолда у бу ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин. ЎЗР ФКнинг 136, 137, 138-моддаларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари барча ҳолатларда ваколатларнинг бошқа шахсларга берилишига асос бўлган ишончнома асосий ишончнома тақдим этилган ҳолда нотариал тасдиқланиши керак.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончнома бўйича асосий ишончномада берилган ҳуқуқлардан кўпроқ ҳуқуққа берилиши мумкин эмас.

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончноманинг амал қилиш муддати унинг берилишига асос бўлган асосий ишончноманинг амал қилиш муддатидан ошқиб ўтиши умкин эмас (ЎЗР ФКнинг 140-моддаси).

Бошқа шахсга ўтказиш бўйича берилган ишончномада асосий ишончнома гувоҳлантирилган вақти ва жойи, асосий ишончнома берилган шахснинг ва бу шахс ўз ваколатини ишониб топшираётган кишининг исми, отасининг исми, фамилияси ва истикомат жойи, зарур ҳолларда эса уларнинг мансаб мавқеи кўрсатилиши керак. Асосий ишончномада ўзга кишига ишониб топшириш мумкинлиги ёзиб қўйилган бўлсагина, нотариус буни амалга ошириши мумкин. Агар бу ҳақда ёзилмаган бўлса, нотариус бу ҳаракатни амалга оширмаслиги керак.

Асосий ишончномада ўзга кишига ишониб топширилганлиги тўғрисида ёзиб қўйилади. Асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдириладиган ишончнома нусхасига тикиб қўйилади. Ишончноманинг шундан кейин бошқа шахсга ўтказилишини тасдиқлаш чоғида асосий ишончноманинг нусхасига бу ҳақда ёзиб қўйилади. Бу ҳолатда асосий ишончноманинг нусхаси нотариал идорада қолдирилиши шарт эмас.

Фуқароларга текинга имтиёзли равишда берилган енгил автомобиллардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ишончномалар Республика ижтимоий таъминот вазирлиги, вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимиятининг ижтимоий таъминот

бошқармаларининг рухсати билангина гувоҳлантирилади (Қўлланманинг 111-банди).

Ишончнома ЎзР ФКнинг 141-моддасида кўрсатиб ўтилган тартибда бекор қилинади :

1. ишончнома муддатининг бекор бўлиши,
2. ишончнома берган шахснинг уни бекор қилиши,
3. ишончнома берилган шахснинг бош тортиши,
4. номидан ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши,
5. номига ишончнома берилган юридик шахс фаолиятининг тўхтатилиши,
6. ишончнома берган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши,
7. ишончнома олган фуқаронинг муомалага лаёқатсиз, муомала лаёқати чекланган ёки бедарак йўқолган деб ҳисобланиши, ёхуд унинг вафот этиши.

Ишончнома берган шахс истаган вақтда ишончномани бекор қилиши, ишончнома берилган шахс эса ундан воз кечиши мумкин. Ишончноманинг амал қилиши бекор бўлиши билан уни бошқа шахсга ўтказиш ҳам ўз кучини йўқотади (ЎзР ФКнинг 141-моддаси).

НАМУНА: Уй-жойни сотиш учун И Ш О Н Ч Н О М А

Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар А.Икромов тумани, икки минг тўртинчи йилнинг август ойи саккизинчи куни.

Мен, Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани Жангоҳ кўчаси 35-уйда яшовчи Баҳодиров Жаҳонгирмирзо Абдумажитович ушбу ишончнома билан Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани Ок-тепа мавзе 25 уйнинг 36 хонасида яшовчи Шокаримов Шомахмуд Шотурсиновичга менинг эғалигимда бўлган Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани 12-мавзе 45 уйнинг 67 хонасини ўзи истаган нарх ва шартлар асосида сотишига ваколат бераман.

Унга ушбу ваколатни бажариши учун лозим бўлган ҳар қандай ҳужжатларни олиш, менинг номимдан ариза билан мурожат қилиш, имзо қўйиш, олди-сотди шартномасини тузиб имзолаш, сотилган уй учун пулни олиш ҳуқуқини бераман.

Ишончнома ушбу ваколатни бажариш билан боғлиқ бўлган яна бошқа барча ҳаракатларни бажариш ҳуқуқи билан бир йиллик муддатга берилди.

Имзо: Иброхимов Жасур Жабборович
Нотариуснинг тасдиқлов ёзуви.

Назорат саволлари:

1. Ишончнома матнида нималар аниқ ёритилиши керак?
2. Ишончнома қанча муддатга берилади?
3. Қандай ҳолатлар ишончномани ҳақиқий эмас деб топишга асос бўла олади?
4. Ўзга шахсга ўтказиш учун берилган ишончномани расмий лаштириш тартибини тушунтириб беринг?
5. Ишончнома қайси тартибда бекор бўлади?

11.7. Мерос мулкини қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш

Ўзбекистон Республикаси “Нотариат тўғрисида”ги қонуннинг 23-моддасига асосан давлат нотариуслари мерос мулкини қўриқланишига доир чора-тадбирларни кўрадилар. Мерос очилган жойдаги нотариус, башарти меросхўрларнинг, васият мажбурияти юзасидан ҳуқуқ олувчиларнинг, кредиторлар ёки давлатнинг манфаатлари учун зарур бўлса, жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кўра ёки ўз ташаббуси билан мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради. Фуқаролар ва ташкилотларнинг хабарлари, шунингдек бошқа нотариал идоралар давлат нотариуслари ва нотариал ҳаракатларни амалга оширадиган шахарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)нинг топшириқлари, аризалари ҳисобга олиш ва мерос мулкини қўриқлаш юзасидан чоралар кўриш китобида рўйхатга олинади.

Қонун бўйича мерос қолдирувчининг охирги доимий яшаб турган жойи, агарда бу жой номаълум бўлса, унинг мулки ёки мулклар ҳархил жойларда жойлашган бўлса, мулкнинг асосий қисми турган жой, мероснинг очилиш жойи деб топилади.

Ушбуга кўра қўлланманинг 114-бандида кўрсатилган қоидадан келиб чиқиб, мерос очилганлиги тўғрисидаги хабарни олган нотариус турар жойи ва иш жойи ўзига маълум бўлган меросхўрларни бу ҳақда хабардор қилишга мажбурдир. Нотариус бу ҳақда оммавий ахборот воситаларида ошкора маълум қилиш ёки хабар бериш йўли билан меросхўрларни чақиртириши мумкин.

Агар мерос қолдирувчининг мол-мулки ёки унинг маълум бир қисми мерос очилган жойдан ташқарида бўлса, мерос очилган жойдаги давлат нотариуси бу ҳақда мерос мол-мулк жойлашган ердаги нотариусга ёки фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари)га мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш тўғрисида топшириқ юборади.

Мерос мол-мулкнинг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўрган нотариус ёки фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) мерос очилган жойдаги нотариал идорасига кўрилган чора-тадбирлар ҳақида хабар қилади.

Нотариуснинг мерос қолган мол-мулкни қўриқлаш мақсадида кўрадиган чора-тадбири аввало мерос қолган мулкни хатлашдан бошланади. Бунинг учун нотариус хатлаш вақтида камида икки кишини ҳолис сифатида иштирок этишини таъминлайди. Ҳолислар хатлашда қатнашиш истагини билдирган манфаатдор шахслар бўлиши мумкин. Хатлаш вақтида далолатнома тузилиб, уларда қуйидаги ҳолатлар кўрсатилиши лозим:

Мерос мол-мулкни қўриқлаш юзасидан чоралар кўриш тўғрисида ариза (хабар, топшириқ) олинган кун, хатлаш амалга оширилган кун, хатлашда иштирок этаётган кишиларнинг насаби, исми, отасининг исми, манзилгоҳи, мерос қолдирувчининг насаби, исми, отасининг исми, унинг вафот этган вақти, хатланаётган мулк турган жой, нотариус келгунга қадар уй муҳрлаб қўйилганлиги, шундай бўлса ким томонидан муҳрланганлиги, пломба ёки муҳр бузилган-бузилмаганлиги, хатда санаб ўтилган буюмларнинг ҳар бирини батафсил баёни, жумладан оғирлиги, узунлиги, ранги, ишлаб чиқарилган заводнинг номи бу ҳақда тамға қўйилганлиги, чиқарилган йили, рақами ва эскирганлик фоизи кўрсатилади. Хатланган буюмларнинг баҳоси уларнинг эскирганлиги ҳисобга олинган ҳолда чакана нарх бўйича, чакана нархлари бўлмаган буюмларнинг баҳоси эса шу соҳадаги мутахассисларнинг ҳулосасига кўра белгиланади. Ҳар бир буюмни алоҳида баҳолаб, унинг ҳар бирига батафсил баён бериб, ҳар бир мулк алоҳида баҳоланиб. Сўнгра умумий баҳоси кўрсатилиши

керак. Ҳар-бир мулк алоҳида баён этилмасдан, баҳоланмасдан туриб умумий баҳосини кўрсатишга йўл қўйилмайди. Меросхўрлар қўйилган баҳога рози бўлмасалар, баҳоловчи мутахассисларни таклиф этиш ҳуқуқига эгадирлар. Мутахассисни меҳнатига ҳақ меросхўрлар томонидан, улар бўлмаган тақдирда – мерос мулк ҳисобидан тўланади. Кўчмас мулк, жумладан, уй-жойлар, квартира, корхона, қурилиш ва иншоотлар инвентаризация баҳосига қараб баҳоланади, инвентаризация амалга оширилмаган жойларда эса суғурта баҳосига қараб белгиланади. Хатлаш далолатномасининг ҳар бир саҳифасида буюмларнинг сони ва қийматининг умумий якуни чиқарилиши лозим. Хатлаш далолатномасига вафот этган киши уйидаги ҳамма мол-мулк киритилади. Қўшнилар ва бошқа шахсларнинг айрим буюмларнинг уларга тегишли эканлиги тўғрисидаги аризалари хатлаш далолатномасига киритилади. Манфаатдор шахсларга эса ана шу мол-мулкни хатловдан чиқариб ташлаш тўғрисида судга шикоят билан мурожаат қилиш тартиби тушунтирилади. Агар мулкни хатлаш бир неча кун давом этса, нотариус ҳар гал бинони муҳрлаши лозим. Хатлаш далолатномасида хатлашни тўхтатиш сабаблари ва вақти ҳамда унинг яна тикланиши, шунингдек бинони кейинги очиш вақтида пломбалар ва муҳрнинг ҳолати тўғрисида хатлаш далолатномасига ёзиб қўйилади.

Хатлаш далолатномаси охирида мол-мулк сақлаш учун топширилган бошқарувчининг насаби, исми, отасининг исми, туғилган йили, шахсни гувоҳлантирувчи ҳужжатнинг номи, рақами, берилган вақти, ҳужжатни берган муассасанинг номи, шунингдек мол-мулкни сақлаш топширилган бошқарувчининг, сақловчининг, ҳомий ва бошқа шахснинг турар жойи кўрсатилади. Хатлаш далолатномаси камида уч нусхада тузилади, далолатномаларнинг барча нусхалари нотариус, манфаатдор шахслар, мол-мулкни қабул қилиб олган шахслар ҳолис гувоҳлар томонидан имзоланади. Хатлаш далолатномасининг бир нусхаси мерос ишига тикиб қўйилади. иккинчи нусхаси тилхат орқали мерос мол-мулкни сақлашга қабул қилган сақловчи, мерос бошқарувчи ёки бошқа шахсга берилади, учинчи нусхаси эса мерос ишига қўшилиб, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан бирга меросхўрга берилади. Мерос мол-мулкни кўриқлаш юзасидан чоралар кўриш борасида содир этилган нотариал ҳаракат, нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестр дафтарига алоҳида тартиб рақами билан қайд этилади ва бу нотариал ҳаракат учун белгиланган тартибда давлат божи ундирилади.

Агар мерос мол-мулкни сақлаш юзасидан чоралар кўришнинг имконияти бўлмаса (меросхўрлар ва мерос қолдирувчи билан бирга яшаган кишилар хатлов ўтказилишига эътироз билдирган, мулк хатлашга тақдим этилмаган ёки мулк олиб кетилган ва бошқа ҳолларда) нотариус далолатнома тузади ва бу ҳақда манфаатдор шахсларни, зарур ҳолларда эса молия органи ёки прокурорни хабардор қилади.

Қўлланманинг 118-бандига асосан вафот этган фуқарода қолган пул маблағлари меросхўрларга берилгунга ёки мерос мол-мулкни мерос олиш ҳуқуқи бўйича давлатга ўтадиган ҳолларда давлат даромадига топширилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасаларига давлат нотариал депозит счётига ўтказилади. Олтин, кумуш, платина ҳамда танга қуюлма ва хом кўринишдаги платина гуруҳига кирувчи металллар, чет эл валютаси ва чет эл валютасига ёздириб олинган тўлов ҳужжатлари (векселлар, чеклар, переводлар ва шу сингарилар) чет эл фонди бойликлари (акциялар, облигация, уларга купонлар ва шу сингарилар) қимматбаҳо металллар, қимматбаҳо тошлардан тайёрланган буюмлар ва маржонлар, шунингдек қимматбаҳо тошлар ва марваридлар меросхўрларга берилгунга ёки мерос мулк мерос олиш ҳуқуқи бўйича давлатга ўтган тақдирда давлат даромадига топширилгунга қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ банки муассасасига сақлашга топширилади.

Рўйхатга олинган қимматбаҳо ашёлар Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасасига сақлаш учун топширишдан олдин нотариус уни давлат нотариал идорасида юритиладиган қимматбаҳо ашёларни ҳисобга олиш китобига рўйхатга олиши керак. Рўйхат беш нусхада тузилиб, улардан уч нусхаси қимматбаҳо ашёлар билан бирга Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасасига топширилади, тўртинчиси мерос ишига тикилади, бешинчи нусха ва Ўзбекистон Республикаси халқ банки муассасасининг тўлов қоғози меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома билан меросхўрга берилади.

Агар рўйхатга олиш вақтида фойдаланиши натижасида қийматини йўқотган буюмлар бўлса, меросхўрларнинг розилиги (меросхўрлар бўлмаса) молия органининг розилиги билан рўйхатга олиш далолатномасига киритилмаслиги мумкин. Бу буюмлар далолатномага биноан йўқ қилиниши ёки эски-тускилар қабул қилиш базасига топширилади.

Озик-овқат маҳсулотлари нотариус томонидан меросхўрларга топширилади, улар бўлмаса тегишли ташкилотларга сотиш учун ўтказилади. Агар бу маҳсулотларни узоқ муддатга сақлаш керак

бўлганда озиқ-овқатларни топшириш алоҳида далолатнома тузиш йўли билан амалга оширилади. Унга нотариус, холислар, ташкилот вакили имзо қўйишлари лозим. Тез бузиладиган маҳсулотлар эса меросхўрлар бўлмаган тақдирда йўқ қилинади ва бу ҳақда ҳам далолатнома тузилади.

Уй ҳайвонлари сақлаб туриш учун меросхўрлар ёки бошқа шахсларга топширилади. Агар меросхўрлар йўқ бўлиб, қўриқловчининг тайинлашни имкони бўлмаса нотариус уй ҳайвонларини давлат қишлоқ хўжалиги ёки ўрмон хўжалиги корхоналари, ташкилотлари, муассасалари маъмуриятига топширади.

Мерос қолдирувчининг мол-мулкини рўйхатга олиб бўлгач нотариус нотариал идорада мерос ишининг бор-йўқлигини текширади. Агар йўқ бўлса, нотариус мерос мол-мулкини қўриқлаш юзасидан чоралар кўришни сўраб ёзилган аризани мерос ишларини ҳисобга олиш алифбо китобига рўйхатга киритади ва мерос иши очади. Мерос мол-мулки ёки мол-мулкнинг асосий қисми жойлашган ердаги нотариус топшириқ олгач уни мерос мол-мулкини қўриқлаш борасида чоралар кўриш учун юборилган аризаларнинг ҳисоби юритиладиган китобда рўйхатга олади ва зудлик билан хатлашга чиқади. Хатлаш далолатномаси тўрт нусхадан кам бўлмаган ҳолда тузилади, бир нусхаси сақлашга чоралар кўрган нотариал идора ишларида қолади, иккинчиси мерос мулкини қўриқлаш учун тайинланган шахсга берилади, икки нусхаси мерос очилган ердаги нотариал идорасига юборилади.

Энг кам иш ҳақининг бир баробаридан кам бўлган суммадаги қимматликлар мерос мулкини қўриқлашга тайинланган шахс муҳофазасида қолади. Давлат нотариал идораси томонидан мерос мулк муҳофазаси тартибида сақлашга қабул қилинган қимматликлар моддий қимматликларни ҳисобга олиш китобида рўйхатга олинади. Вафот этган фуқаронинг мулки таркибидан чиққан қурол (ов милтиғидан ташқари) ва портловчи моддалар алоҳида хатлаш бўйича ички ишлар органларига топширилади. Хатлаш чоғида ҳар бир акция, облигация, вексел ва бошқа қимматбаҳо қоғозларнинг номи, тартиб рақами, сони ва қиймат миқдори хатлаш далолатномасида кўрсатилади.

Омонат дафтарчалари, давлатга ва бошқаларга тегишли заёмларни сақлаш гувоҳномалари, вафот этган фуқаронинг гаровхонадаги мулкига берилган гаров патталари хатловларга киритилади ва сақлаш учун меросхўрларга топширилади, агарда меросхўрлар бўлмаган тақдирда, нотариал идорасининг темир қутиларида сақланади.

Агар хатлаш вақтида мерос қолдирувчига тегишли бўлган, бироқ уни сақлаш учун рухсатнома бўлмаган ов қуроли аниқланса. ёки бундай ов қуроли ёлғиз яшаган шахсга тегишли бўлса, қурол алоҳида хатловларга киритилади ва ички ишлар органи вакилига топширилади. Мабодо мерос қолдирувчининг ворислари бўлса, нотариус ов қуролини сақлаш учун уларнинг бирига бериши мумкин. Лекин, нотариус шу куннинг ўзидаёқ хатлаш вақтида аниқланган қурол тўғрисида ички ишлар бўлимига хабар беришга мажбурлар.

Вафот этган мукофотланган шахс ва ўлиmidан кейин мукофотланганларга тегишли бўлган орден, медаллар, фахрли тақдимномаларни билдирувчи кўкрак нишонлари ва уларни мукофотланганлигини билдирувчи ҳужжатлар уларнинг оилаларида хотира сифатида қолдирилади ёки меросхўрларнинг розилиги билан музейларга топширилиши мумкин.

Мерос қолдирувчининг мулкни хатлаш вақтида нотариус қандай мулкни оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари таркибига киритиш ҳамда қандай мулкни зеб-зийнатлар таркибига киритиш масаласини ҳал этиши керак, чунки қонунчиликда бундай мулкларни кўриниши бўйича ажрими йўқдир.(Қўлланманинг 118-банди).

Буюмларни оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмларига ажратиш вақтида нотариус уларнинг асосий ҳал этувчи белгисига, улардан мерос қолдирувчигина эмас, балки у билан бирга яшаган меросхўрлар ҳам кундалик турмушда фойдаланганликларига эътиборини қаратиши лозим. Булар жумласига телевизор, радиоприёмник, маиший электр асбоблари, ошхона учун мўлжалланган идиш-товоқлар, мебель жиҳозлари, ошхона анжомлари, бадий адабиётлар ва бошқалар киради.

Нотариал тажрибада зеб-зийнатлар таркибига қимматбаҳо металллардан ясалган буюмлар, жуда қимматли ва ярим қимматли тошлар, ноёб нарсалар, қимматли кўринишдаги дарахт туридан ясалган мебеллар, асл мўйқалам суратлар, қимматбаҳо гиламлар, шу каби қимматли қийматга эга бўлган идишлар, ноёб китобларнинг махсус тўплами ва бошқалар киритилган.

Ушбу буюмларни оддий уй жиҳозлари ва рўзғор буюмлари ёки зеб-зийнатлар таркибига киритилиши тўғрисида меросхўрлар ўртасида келиб чиққан низолар суд томонидан ҳал этилади.

Мерос қолдирувчининг шахсий буюмлари, шу каби касб фаолияти билан боғлиқ бўлган нарсалар (масалан: ёзувчининг ёзув машинкаси, машшоқнинг мусиқа асбоби , шифокорнинг тиббий асбоблари) ҳам

хатланади. Агарда хатланган буюмлар таркибида қимматли қўлёзмалар, адабий асарлар илмий ёки тарихий аҳамиятга эга хатлар бўлган тақдирда, бу ҳужжатлар алоҳида хатлаш далолатномасига киритилиб масъулиятли шахсга сақлаш учун топширилади, меросхўрлар бўлмаган тақдирда давлат нотариуси ҳужжатларни, қимматбаҳо буюмлар билан бирга қимматбаҳо буюмлар сақловхонасига топширади..

Мерос таркибида бошқарувни талаб этадиган мол-мулк бўлган тақдирда, шунингдек мерос қолдирувчининг кредиторлари меросхўрлар меросни қабул қилиб олгунга қадар даъво билан чиққан ҳолларда давлат нотариал идораси мулк сақловчисини тайинлаши керак. Бундай ҳолларда давлат нотариуси қарор қабул қилиши лозим, бу қарор уни чиқарган нотариус томонидан имзоланади.

Давлат нотариуси сақловчиларни, ҳомийларни ва мерос мулк сақлашга берилган бошқа шахсларни талон-тарож қилганлик, мерос мулкни ўзгага ўтказганлик ёки яширганлик учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси бўйича жиноий жавобгар бўлиши тўғрисида ва етказилган зарар учун эса моддий жавобгар бўлиши ҳақида огоҳлантиради. Кўрсатилган шахслардан ана шундай огоҳлантириш қилинганлиги тўғрисидаги тилхат олинади. Тилхат мерос мулк сақлашга бериладиган хатлов далолатномасида ёки қарорида ёки мерос мулк бошқарувчисини тайинлаш тўғрисидаги қарорда баён этилиши мумкин. Мерос мол-мулкни бошқарувчи ҳомийлар ёки мерос мулкни сақлаш топширилган бошқа шахслар, агар улар меросхўр бўлмасалар, мерос мол-мулкни сақлаганлик учун ҳақ олиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳақ миқдори бошқарувчи, ҳомий ёки мулк сақлаш учун берилган бошқа шахслар билан келишилган ҳолда давлат нотариуси томонидан белгиланади.

Ҳайвонларни сақлаш учун мукофот миқдори белгиланган ҳақдан 50 фоиз кўпайтирилади. Кўрсатиб ўтилган шахсларга мерос мол-мулкни сақлаш ва бошқариш учун зарур харажатлар ҳам тўланади. Бу харажатлар тақдим этилган ҳужжатларга мувофиқ равишда мулкдан фойдаланишдан амалда кўрилган фойда чегириб ташланган ҳолда тўланади.

Мерос мол-мулкни кўриқлаш, қонунда белгилаб қўйилган тартибда барча меросхўрларга меросхўрлик ҳақида гувоҳномалар берилгунга қадар давом этади. Давлат нотариал идораси мерос мулкни кўриқлаш юзасидан чора-тадбирлар тўхтатилиши тўғрисида меросхўрларни олдиндан хабардор қилишга, агар мол-мулк ворислик

ҳуқуқи асосида давлатга ўтадиган бўлса, тегишли давлат органини хабардор қилишга мажбур (Қўлланманинг 121-банди).

Бундан ташқари давлат нотариал идорасида ишловчи нотариуслар меросхўрлар меросни қабул қилиб олгунларига қадар агар у қабул қилинмаган бўлса, давлатга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани бергунга қадар мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни қоплаш учун пул суммасини бериш ҳақида фармойиш беришлари лозим. Мерос мол-мулк ҳисобидан қопланадиган харажатлар амалдаги Ўзбекистон Республикаси Нотариат тўғрисидаги қонуннинг 57-моддасига асосан қуйидагилардир:

- мерос қолдирувчи касал бўлган вақт мобайнида унга қараб туриш учун, шунингдек вафот этган тақдирда уни дафн этиш ва қабрини обод қилиш,

- мерос қолдиручининг қарамоғида бўлган фуқароларни таъминлаш, -иш ҳақи бўйича даъволарни ва уларга тенглаштирилган даъволарни қаноатлантириш,

- мерос мол-мулкни қўриқлаш ва уни бошқариш, шунингдек меросхўрларни чақириш ҳақидаги хабарни эълон қилиш билан боғлиқ харажатларни тўплаш тўғрисида фармойиш беради. Қонунларда мерос мол-мулк ҳисобидан харажатларни қоплашнинг бошқа ҳоллари ҳам белгиланиши мумкин.

Лекин амалиётда мерос қолган мол-мулк ҳисобидан харажатларни қоплаш юзасидан фармойишлар бериш камдан-кам учраб туради. Бу ҳолат содир бўлса ҳам фақат суд йўли билан ҳал этилади. Шу ўринда мисол келтирмоқчимиз 2001 йил сентябрь ойида фуқаро Х Тошкент шаҳар Яккасарой тумани 1-сонли давлат нотариал идорасига бориб, марҳум Г ни Тошкент шаҳар А.Икромов тумани 12-мавзе 22 уйнинг 16 хонасига нисбатан меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришни тўхтатиб туришни сўраган. Нотариусдан мерос қолган мол-мулкдан ўзи сарфлаган харажатларни ундириб бериш тартибини сўраган. Нотариус томонидан айтилган ҳужжатларни йиғиб топширгунга қадарли анча вақт ўтган ва меросхўр билан Х ўртасида низо келиб чиққан. Ушбу низони бартараф этишлик учун нотариус уларни судга мурожат этишлари кераклигини тушунтирган. Фуқаро Х. Тошкент шаҳар А.Икромов туманлараро фуқаролик ишлар бўйича судига мурожаат этиб марҳумни дафн этиш ва уларни урф одатлари бўйича маросимларини ўтказишлик учун кетган харажатларни ундириб беришни сўраган. Суд Х.нинг даъво талабини қаноатлантирган ҳолда

ҳал қилув қарори чиқарган. Бу борада нотариуслар аҳоли ўртасида кўпроқ тушунтириш ишларини олиб боришлари лозим.

Мерос мулк таркибида пул маблағлари бўлмаган тақдирда вафот этган кишидан қолган буюмларни топшириш тўғрисидаги фармойиш берилади. Бу буюмларнинг қиймати қилинган сарф-харажатлар қийматидан юқори бўлмаслиги керак. Агарда нотариал идорасига дафн билан боғлиқ харажатларни тўлашни сураб мурожаат қилинса, бу вақтда ворислар меросни қабул қилиб олган бўлсалар ва ихтиёрий равишда харажатни тўлашни хоҳламасалар, нотариус аризачига меросни қабул қилиб олганларга нисбатан харажатни қоплаш ҳақида даъво аризаси билан судга мурожаат этиш тартибини тушунтириши керак. Нотариус харажатларни қоплаш учун мерос мол-мулкдан пул ва буюм маблағлари бериш тўғрисидаги фармойишининг бир нусхасини мерос ишига тикиб қўйиши лозим. Мерос мол-мулкдан пул ва буюм маблағлари бериш тўғрисидаги фармойиш нотариал ҳаракат ҳисобланмайди, шунинг учун давлат божи ҳам ундирилмайди.

Қилинган сарф-харажатларни тасдиқлаш учун давлат нотариуси магазинлардан ҳисоб варақаси, даволаш муассасаларидан маълумотнома, дафн маросими ташкил этиш комиссиясининг далолатномаларини, суднинг қонуний кучга кирган қарор нусхасини мерос очилганлиги тўғрисидаги хабарни эълон қилишга тўланган тўлов қоғози ва бошқа ҳужжатларни талаб қилади.

Қўлланманинг 123-бандида кўрсатилган қоидадан келиб чиқиб, мерос очилган жойдаги давлат нотариал идоралари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1131, 1156-моддасига асосан мерос очилган кундан бошлаб олти ой мобайнида мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қилади. Даъволар ёзма тарзда берилиши ва давлат нотариуси томонидан тегишли талабларнинг келиб тушиши муддатидан қатъи назар қабул қилиниши лозим. Давлат нотариуси тушган даъволар ҳақида меросхўрларни хабардор қилади.

Мерос мол-мулкининг қўриқланишига доир чора-тадбирлар кўриш ва меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш тўғрисидаги чет эл фуқароларига нисбатан белгиланган тартиб Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Қўлланмада баён этилган.

Назорат саволари:

1. Мерос мулкани қўриқланишига доир чора-тадбирларни қайси нотариуслар амалга оширадилар? Бу ҳолат қайси қонун меъёри билан тартибга солинади?
2. Мерос мулкани хатлаш нотариус томонидан қандай тартибда амалга оширилади?
3. Мерос қолган мулк қиймати қандай белгиланади?
4. Мерос қолган мулкни сакловчиларга ҳақ тўланадими? Агар тўланса бу қандай тартибда амалга оширилади?
5. Нотариус мерос қолдирувчининг кредиторларидан даъволарни қабул қиладими? Агарда қабул қилса буни қайси нотариус, қайси қонун асосида амалга оширади?

11.8. Ижро хатларини амалга ошириш тартиби.

Ижро хати- низосиз бўлган қарз ҳужжатиға ёки бошқа ҳақ тўлаш ҳужжатиға тегишли сумманинг ундирилиши тўғрисида нотариус томонидан берилган буйруқ хатидир.¹

Нотариус ижро хатини бериш билан қарздорнинг унинг ихтиёрий равишда бажариши лозим бўлган, аммо бажармаган мажбуриятларини ижро этишга мажбур қилади. Ижро хатлари билан пул суммаларининг мажбурий равишда ундирилиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ижро хати мажбуриятни ижро этиш учун асос бўлиб кўрилади. Қарзни низосиз тартибда нотариал идораларнинг ижро хатлари асосида ундириб олиш мумкин бўлган ҳужжатлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан белгиланади. Мазкур рўйхатда кўрсатилган ҳужжатлардан келиб чиқадиган талаблар низосиз талаблар деб фараз қилинади. Бундай талабларнинг низосиз бўлиши, мазкур талаблардан келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабаларнинг хусусияти, шунингдек қарзларнинг етарли даражада асослантирилганлиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган рўйхатдаги талабларнинг низосиз бўлишлиги ҳуқуқ нормалари билан назарда тутилган. Бинобарин, ижро хатини беришда кре-

¹ Ш.Ш.Шорахметов Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: Адолат, 2001. 486-б.

диторнинг мазкур талабларининг ҳақиқий бўлиш-бўлмаслиги тўғрисида қарздор томонидан низо қўзғатилиши ёки қўзғатилмаслиги нотариусни қизиқтирмайди. Агар кредиторнинг талаблари тўғрисида қарздор даъво қўзғатилганлиги тўғрисида ҳужжатлар келтирса, нотариус ижро хатини беришдан бош тортиши мумкин. Мазкур ҳолда нотариус томонидан ижро хатининг берилиши ёки рад қилиниши кредиторнинг даъвосини кўриш учун қабул қилишликка суд учун асос бўлади. Ижро хатлари барча ҳолларда қарздорларни чақирмасдан берилади ва шу туфайли кредитор ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳам бирмунча осонлашади. Қарздор пул суммасининг ундирилиши тўғрисида нотариуснинг берган буйруғига рози бўлмаган тақдирда, ижро хати тўғрисида судда даъво қўзғатишликка ҳақли бўлади. Лекин даъвогарнинг илтимоси бўйича ижро хатига мувофиқ тегишли сумманинг ундирилиши суд томонидан тўхтатилиши мумкин эмас. Бинобарин, бундай ҳолларда қонун қарздорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишини етарли даражада таъминлайди. Бунинг учун нотариус ижро хатини беришда бирмунча ҳолатларни аниқлайди ва текширади.

Қўлланманинг 178-бандига асосан ижро ёзуви қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

-тақдим этилган ҳужжатлар қарздорнинг ундириб олувчидан қарздор эканлиги ва бошқа мажбуриятни шубҳасиз тасдиқлаган тақдирда,
-даъво қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб 3 йилдан кўп вақт ўтмаган тақдирда, юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда эса- бир йилдан кўп вақт ўтмаган тақдирда.

Агар ижро хати берилишига сабаб бўлган талабномада қонун билан бошқа муддат белгиланган бўлса, ижро хати ана шу муддат доирасида берилади.

Ижро хати ёзиш мумкин бўлган муддат ундирувчида қарзни мажбурий ундириш ҳуқуқи пайдо бўлган кундан бошлаб ҳисобланади. Нотариус мазкур қўлланманинг 179-бандига кўра ижро хатини бериш чоғида ижро хатлари асосида қарзни ундириш сўзсиз амалга ошириладиган ҳужжатлар рўйхатида кўрсатилган барча ҳужжатлар тақдим этилганми ёки йўқлигини текширишга мажбур.

Ижро хатида қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

1. ижро хатини ёзаётган нотариус исми-шарифининг бош ҳарфлари, фамилияси, лавозими,
2. ундириб олувчининг номи ва манзили,
3. қарздорнинг номи ва манзили,
4. ундириб олиш амалга ошириладиган муддат,
5. ундириб олиниши керак бўлган суммалар ёки талаб қилиб олиниши керак бўлган нарсалар, шу жумладан, тўланиши керак бўлган пеня, фоизлар,
6. ундириб олувчи тўлаган ёки қарздордан ундирилиши керак бўлган давлат божи ёки тариф суммалари.
7. ижро хати ёзилган сана (йил, ой, кун),
8. ижро хатини ёзган нотариуснинг имзоси,
9. ижро хатининг реестрда қайд этилган тартиб рақами,
10. нотариуснинг муҳри.

Ижро хати қарздорликни белгиловчи асл ҳужжатда баён этилади. Ижро хати қарздорликни белгиловчи ҳужжатдан алоҳида тартибда амалга оширилмайди. Агарда қарз қарздорликни белгиловчи ҳужжат бўйича қисмларга бўлиб тўланиши лозим бўлган тақдирда ана шу тўланадиган ҳар бир қисм бўйича ижро хати мазкур ҳужжатнинг аслида ёки қарздорнинг шахсий ҳисобидан кўчирмасида баён этилиши мумкин, бундай ҳолларда қарздорликни белгиловчи ҳужжат аслига ундириб олиниши керак бўлган сумма кўрсатилган ҳолда ижро хати ёзилганлиги тўғрисидаги белги қўйилади, унда ижро хати ёзилган кун ва унинг нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестрида қайд этилган рақами кўрсатилиши лозим.

Нотариал идорасида қарз белгиловчи ҳужжатнинг нусхаси ёки қарздорнинг шахсий ҳисобидан кўчирма ва ижро хатининг нусхаси қолиши керак. Айтиб ўтиш керак бўйича дастлабки ижро хатидан кейинги ижро хатлари ёзиш вақтида қарздорликни белгиловчи ҳужжат нусхаси такрор тақдим этилмайди. Бундай ҳолларда, шахсий ҳисобидан ва асл мажбурият белгиланган ҳужжат аслидан икки нусхада олинган кўчирмани тақдим этиш билан чекланишлик мумкин бўлади. Кўчирманинг ижро хати ёзилган бир нусхаси ва мажбурият белгиланган ҳужжат ундириб олувчига қайтарилади, иккинчи нусхаси эса нотариал идорасида қолади.

Бир хил шаклдаги ҳужжатлар бўйича масалан: банк қарзлари, квартира қарзлари ва шу кабилар бир қанча ижро хатлари беришни амалга ошириш вақтида нотариал идорасида қарздорлардан бирининг қарздорлигини белгиловчи ҳужжатнинг бир нусхаси ва қарз ундириб олиш учун ижро хатлари ёзилган қарздорларнинг рўйхатлари қолдирилиши мумкин, бунда қарздорларнинг тўлиқ номи ва манзили, тўлов муддатлари, ижро ёзуви бўйича қарз ундириш суммаси зарур ҳолларда эса бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Ижро хатини ёзиш учун қарздорликни белгиловчи ҳужжатдан ташқари ижро хати асосида низосиз тартибда қарз ундириш бўйича ҳужжатлар рўйхатида кўрсатилган бошқа шу каби ҳужжатларни тақдим этиш, зарур бўлган тақдирда бу ҳужжатлар ижро хатига тикиб қўйилмайди, у нотариал идорасида қолдирилади (Қўлланманинг 184-банди).

Чеклардаги ижро хатлари тўловчининг ёки Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги ҳисоб-китоб муассасасининг жойлашган жойи бўйича амалга оширилади. Нотариус ижро хатини тўловчи (банкнинг) ёки ҳисоб-китоб муассасасининг имзоси бўлган, шунингдек чек тўлаш учун тақдим этилганлиги ва тўланмаганлиги кўрсатилган тақдирдагина амалга ошириши мумкин. Ижро хатини бериш чоғида чек тўловга ўз вақтида тақдим этилганлигини текшириши керак.

Ижро хати тўлов (банк томонидан) рад қилинган вақтдан бошлаб уч ой давомида берилади. Ижро хати чекни сақловчининг хоҳишига асосан чек берувчига қарши, шунингдек чек бўйича жавобгар шахсга ҳам қарши берилади. Нотариус ижро хатини амалга оширганлиги тўғрисида реестрга белги қўйиши ва чек берувчига чек тўланмаганлиги ҳамда ижро ёзуви берилганлиги тўғрисида хабарномани юбориши лозим.

Қарз ундирувчи ёки қарздор фуқаро бўлган тақдирда ижро ёзуви у амалга оширилган кундан бошлаб уч йил давомида мажбурий ижро этишга тақдим этилиши мумкин. Бошқа қолган барча талаблар бўйича эса қонун билан бошқа муддатлар кўзда тутилмаган бўлса – бир йил давомида ижро этишга тақдим қилинади.

Ижро ёзувини тақдим этиш учун ўтказиб юборилган муддатни тиклаш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг тегишли моддаси асосида амалга оширилади.

Назорат саволлари:

1. Ижро хатлари нотариал идораларда қандай ҳолларда амалга оширилади?
2. Ижро хатида нималар ёритилиши керак?
3. Ижро хатини амалга ошириш муддатлари (тўлов банк томонидан рад этилган тақдирда, фуқаролар ўртасида).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Раҳбарий адабиетлар.

1. Каримов И.А. «Ҳозирги босқичда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари». –Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. –Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. –Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
- 4.Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т3. –Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
- 5.Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлида. Т-4. –Т.: Ўзбекистон, 1996 йил.
- 6.Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.
- 7.Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида Т 6. –Т.: Ўзбекистон,1998 йил.
- 8.Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз.Т.7. –Т.: Ўзбекистон, 1999 йил.
- 9.Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт- пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: Ўзбекистон, 2000 йил.
10. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001 йил.
11. Каримов И.А. Қонунга ҳурмат, қонунга итоат ҳаётимиз мезони бўлсин. Халқ сўзи газетаси, 2001 йил, 8 декабрь сони.

1.1. Меъёрий манбалар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, –Т.: Ўзбекистон, 2003 йил, 9 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Т.: «Адолат» 2001 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал Кодекси. –Т.: Ўзбекистон, 2001. 346 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. –Т.: Ўзбекистон, 2003. 496 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг Уй- Жой Кодекси, –Т.: Адолат, 1999 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодекси. -Т.: Адолат, 1998 йил
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. –Т.: Ўзбекистон, 2001. -384 б

Б) Қонунлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат» тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари № 15. Тошкент: «Адолат», 1997 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг «Гаров» тўғрисидаги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №7 Тошкент: «Адолат» 1993 йил
3. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик» тўғрисидаги қонуни. Тошкент: «Адолат» 1991 йил, Ўзбекистоннинг Янги қонунлари № 1.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида» ги қонуни. (Янги таҳрири) Тошкент- 2001 йил.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №7 Тошкент: «Адолат» 1993 йил.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида «ги Қонуни Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №10 Т: «Адолат» 1995 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалари тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №12 Т: «Адолат» 1996 йил.
7. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №13, Т: «Адолат» 1996 йил.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари № 13 Т: «Адолат» 1996 йил.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат уй-жой сиёсатининг асослари тўғрисида» ги Қонуни Ўзбекистоннинг Янги қонунлари № 15 Т6 «Адолат» 1997 йил.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида» ги қонуни Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №15 Т: «Адолат» 1997 йил.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари № 19. Т: «Адолат» 1998 йил.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №19. Т: «Адолат» 1998 йил.
13. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ер кадастри тўғрисида» ги қонуни. Ўзбекистоннинг Янги қонунлари №19 Т: «Адолат» 1998 йил.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида» қонуни.. «Халқ сўзи» газетаси 2001 йил 10 ноябрь сони.

В) Қонун ости ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг тўплами 1991-1997, –Т.: «Шарқ» НМК. 1997.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми Қарорларининг тўплами 1991- 1998, –Т.: «Шарқ» НМК. 1999.
3. Ўзбекистон Республикаси «Давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал

ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида» Қўлланма. «Ўзбекистонда Нотариат» –Т.: «Адолат»1998 йил.

4. Ўзбекистон Республикаси «Давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг иш юритиш тартиби ҳақида «Қўлланма. «Ўзбекистонда нотариат» –Т.: «Адолат», 1998 й.

5. Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида «Қўлланма. «Ўзбекистонда Нотариат» –Т.: «Адолат», 1998.

6. «Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятно-малар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Қўлланма. «Ўзбекистонда нотариат» –Т.: «Адолат», 1998 йил.

7. «Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини бериш тартиблари тўғрисидаги «Низомлар. «Ўзбекистонда Нотариат» Т: «Адолат»1998 йил.

8. Ўзбекистон Республикаси «Давлат нотариал идораларида ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда стажировка ўташ тартиби тўғрисида» Низом. «Ўзбекистонда Нотариат» –Т.: «Адолат», 1998 й.

9. «Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари қошидаги нотариат бўйича Малакка комиссиялари тўғрисида «Низом. «Ўзбекистонда Нотариат» Т: «Адолат»1998 йил.

10.«Ўзбекистон Республикаси фуқароларига нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериши тартиби тўғрисида»Низом «Ўзбекистонда Нотариат»Т: «Адолат»1998.

11.«Нотариус лавозимини таъсис этиш ва тугатиш ҳамда нотариус ваколатларини бериш бўйича танлов ўтказиш тартиби тўғрисида»Низом «Ўзбекистонда Нотариат»Т: «Адолат»1998.

12.«Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти»Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 1 июндаги Қарорлари. Тошкент – 2001.

13.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги Қарорлари. Тошкент-2000.

14.Ўзбекистон Республикаси «Суд амалиёти»2-2002, Тошкент 2003.

15.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрдаги Қарорлари, Тошкент – 2004.

16.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2004 йил 21 майдаги Қарорлари.Тошкент-2004.

17.Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2001 йил 14 сентябрдаги Қарори.Тошкент- 2001.

18.Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 17 апрелдаги Пленуми Қарорлари. Тошкент- 1998.

19.Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1999 йил 24 сентябрдаги Пленуми Қарорлари. Тошкент- 1999.

20.Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 28 декабрь, 1999 йил 30 апрель, 1999 йил 14 майдаги Пленуми Қарорлари. Тошкент- 1999.

21.Ўзбекистон Республикаси «Суд Амалиёти»1- 2003. Тошкент- 2003.

22. Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Суд амалиёти»1- 2004. Тошкент- 2004.
23. Ўзбекистон Республикаси Олий суди «Суд амалиёти»1-2002. Тошкент – 2002.
24. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги Қарорлари. Тошкент- 2002.
25. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси. 3-4.2002,
26. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси «Қонун номи билан»1-2, 2001.
27. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси «Қонун номи билан»1-2, 1996.

Г) Халқаро- ҳуқуқий манбалар ва хорижий давлатларнинг қонунлари:

1. Инсон ҳуқуқлари: Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт. Фуқаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт ва факультатив протокол. –Т.: «Адолат», 1992.
2. «Нотариат в частноправовой системе «Ханнс –Якоб Пютцер. Журнал «Дойче Нотарцайтшрифт»- Кельн, 1993 г.
3. «Общее положение нотариуса»Юрген Волльхардт. Журнал «Дойче Нотарцайтшрифт»- Кельн, 1993 г.
4. «Правовые сделки с земельными участками в США». Юрген Шмидт-Ренч, Журнал «Дойче Нотарцайтшрифт»- Кельн, 1993 г.
5. «Переход от государственной формы нотариальных контор ГДР к форме свободных нотариальных контор»Бернхард Хилле, Дарья Айзенрайх.- Современные нотариат- Структуры и задачи. Стр. 351- 373. г. Кельн-1993г.
6. «Нотариальная палата»Ганс-Йорг Ассенмахер. Современные нотариат-Структурыи задачи.стр 191- 199. г.Кельн- 1993г.
7. Гражданский Кодекс РСФСР.Москва-«Юридическая литература»- 1988.
8. «Правовые основы нотариальной деятельности»Издательство БЕК. Москва- 1994.

2. ТАРИХИЙ МАНБАЛАР.

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архив материаллари.
2. «История советского государства и права Ўзбекистана»1 том. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент- 1960.
3. «История советского государства и права Ўзбекистана»3 том. Издательство «ФАН»Ўзбекской ССР. Ташкент- 1968.

3. Илгари амалда бўлган меъёрий манбалар:

1. Ўзбекистон ССРнинг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни. Государственный нотариат сборник официальных материалов ЧАСТЬ -1. Т: «Узбекистан», 1983.

2. «Государственный нотариат»Сборник официальных материалов Часть-2Т:-Узбекистан- 1984.

3. «Инструкция о порядке совершения нотариальных действий государственными нотариальными конторами Узбекской ССР». Ташкент, 1976 г.

4. Илмий адабиётлар.

1. Илмий китоблар, рисоалар, тўпламлар, диссертациялар, диссертацияларнинг авторефератлари.

2. М.Г.Авдюков «Удостоверение доверенностей» Нотариат в СССР, Москва, 1974 йил.

3. М.Г. Авдюков «Свидетельство о праве собственности на долю в общем имуществе супругов»Москва, 1974 йил.

4. Н.И. Авдеенко, М.А. КАбакова «Нотариат в СССР»- Ленинград, 1984 г

5. Н.И. Бондарев, Э.Б. Эйдинова «Нотариат и профилактика правонарушений »Советская Юстиция, 1972, №19, стр 15.

6. П.С. Никитюк «Реализация наследственных прав».Советское государства и права, 1973, №2, стр 114, 115.

7. Р.Г. Кочарьянц «Возникновение, развитие и сущность советского государственного нотариата»Автореф. Канд.дисс. Киев, 1973, стр 12-14.

8. Н.И. Бондарев, Э.Б. Эйдинова «Право на наследство и его оформление»М, Юридическая литература, 1971, стр 48.

9. Э.Б. Эйдинова «Осуществление наследственных прав и защита их судом и нотариатом»Автореф.канд. дисс.М, 1972, стр 18.

10. Э.Б. Эйдинова «Нотариальное оформление права собственности на долю в общем имуществе супругов »Советская юстиция, 1973, №22, стр 18.

11. В.И. Полудняков «Судья ведет прием»Москва «Юридическая литература»1991, 161-165 стр.

12. Правовые основы нотариальной деятельности. Издательство БЕК Москва- 1994 г. 79-83.стр.

13. К.С. Юдельсон, А.К. Кац.Научно –практический комментарий к Положению о государственном нотариате. М, «Юридическая литература», 1970, стр 79.

14. Н.И. Бондарев, С.Я. Шимелевич, А.Л. Яковлева. Нотариальное удостоверение сделок по строениям.М, «Юридическая литература», 1964, стр 18, 39-40.

15. И.С. Жилин Общая авария и вопросы морского права.М, «Морской транспорт»1953, стр 30.

16. Н.И. Бондарев, Т.Н. Ильина, С.Я. Шимелевич Засвидетельствование верности копий документов. «Библиотечка нотариуса», вып. 1. М, Госюриздат., 1960, стр 8-9.

17. Н.И.Бондарев, Э.Б. Эйдинова.Из практики нотариуса по охране наследства. «Социалистическая законность», 1971, №2, стр 60.

М У Н Д А Р И Ж А.

1. Кириш	3.
 1-МАВЗУ: Ўзбекистонда нотариат тарихи. Нотариат тушунчаси ва унинг вази- фалари. Нотариал идорларнинг фаолияти ва уларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари.Нотариус лавозимига тайинлаш. Нотариус лавозимини тугатиш.	
1.1. Ўзбекистон Республикасида нотариат тарихи.....	10.
1.2. Нотариат тушунчаси ва унинг вазифалари.....	11.
1.3. Нотариал идораларнинг фаолияти ва уларни ташкил қилишнинг ҳуқуқий асослари, нотариус лавозимига тайинлаш	14.
1.4. Нотариус лавозимини тугатиш	15.
 2-МАВЗУ: Нотариал идоралар фаолиятини тартибга солувчи тамойиллар	
2.1. Нотариал идоралар фаолиятининг қонунийлик тамойилига асосланиши	17.
2.2. Асосланганлик тамойили	19.
2.3.Нотариал ҳаракатда иштирок этишнинг эркин ҳуқуқ тамойилларига асосланиши..	20.
2.4. Нотариуснинг мустақиллиги	20.
2.5.Нотариал ҳаракатнинг сир сақланиши.....	21.
2.6.Нотариал ишларни давлат тилида юритилиши.....	22.
2.7.Нотариал ҳаракатларни бажаришда ҳудудий тааллуқлилиқ	23.
2.8. Нотариал ҳаракатни бажаришда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимояланиши	24.
2.9. Нотариал ҳаракатларни амалга оширишда ҳамкорлик тамойили	25.
 3-МАВЗУ: Давлат нотариал идорлари. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи но- тариал идоралар ва улар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар. Но- тариал фаолиятнинг суғурталаниши.....	
3.1. Давлат нотариал идоралари ва улар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар	26.
3.2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идорлар фаолияти	28.
3.3. Нотариал фаолиятнинг суғурталаниши	29.
3.4. Нотариал ҳаракатларни амалга оширувчи бошқа идоралар, мансабдор шахслар ва уларнинг фаолияти.....	30.
 4-МАВЗУ: Нотариуснинг ҳуқуқи, мажбуриятлари ва жавобгарлиги. Нотариуснинг молиявий таъминоти.	
4.1. Нотариуснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари	35.
4.2. Нотариуснинг жавобгарлиги	36.
4.3. Нотариус фаолиятининг молиявий таъминоти	37.
 5-МАВЗУ: Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг асосий қоидалари ва босқичлари	
5.1. Нотариал ҳаракатни бажариш муддати	39.
5.2. Нотариал ҳаракатни бажаришни тўхтатиб туриш	40.
5.3.Нотариал ҳаракатларни амалга оширишнинг босқичлари	41.
5.4. Фуқаронинг шахсини аниқлаш ва унинг муомалага лаёқатлилигини текшириш....	43.
5.5. Нотариал Реестрлар	44.
5.6.Давлат божи.....	47.

6-МАВЗУ: Нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги ёки нотўғри бажарганлиги устидан берилган шикоятлар бўйича ишларнинг суд томонидан кўришнинг процессуал тартиби.....	55.
6.1. Нотариал ҳаракатларнинг бажаришни рад этганлик устидан судга шикоят бериш тартиби. Шикоят юзасидан суднинг Ҳал қилув қарори ва унинг ижроси	60.
6.2. Нотариуснинг нотариал ҳаракатларни бажаришни рад этганлик бўйича судга шикоят қилиш тартиби	64.

7-МАВЗУ: Судларда нотариуснинг айрим нотариал ҳаракатларини бекор бўлиш асослари. Нотариат ва Суд	64.
7.1. Фуқаролар ўзларининг асл мақсадини нотариусдан яширишлари	65.
7.2. Нотариусларнинг хизмат вазифасига совуққонлик билан қараши оқибатида нотариал ҳаракатларнинг бекор бўлиши	66.
7.3. Нотариусга маълум бўлмаган ва билиш имкониятига эга бўлмаган айрим ҳолатлар бўйича нотариал ҳаракатларнинг бекор бўлиши.....	67.
7.4. Нотариат ва Суд	71.

8-МАВЗУ: Алоҳида турдаги нотариал ҳаракатларни бажариш қоидалари	71.
8.1. Қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар беришнинг ўзига хос ҳуқуқий жиҳатлари	79.
8.2. Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришнинг ўзига хос бўлган ҳуқуқий жиҳатлари	86.
Қонун бўйича Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномадан намуна	87.
Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномадан намуна	89.
8.3. Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкларидаги улушларига мулк ҳуқуқи гувоҳномасини бериш тартиби.....	93.
Мулк ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномадан намуналар	95.

9-МАВЗУ: Нотариал ҳаракатларнинг айрим турларини амалга ошириш қоидалари	104.
9.1. Шахсий мулк ҳуқуқи асосида уй-жой кўриш учун ер майдонлари бериш тўғрисидаги шартномаларни тасдиқлаш тартиби.....	106.
9.2. Уй-жойларни, квартира, уй-жойни ёки квартиранинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга қаратилган битимлар	118.
9.3. Корхонага нисбатан олди-сотди шартномасини нотариал гувоҳлантириш тартиби	123.
9.4. Гаров шартномасини нотариал расмийлаштириш тартиби	130.
9.5. Лизинг (Молия ижараси) шартномаси.....	132.
9.6. Кўчмас мол-мулкни бошқа шахсга ўтказишни тақиқилаб қўйиш.....	134.

10-МАВЗУ: Пул суммалари ва қимматли қоғозларни депозитга қабул қилиш тартиби.....	136.
10.1. Векселни протест қилиш. Чекни тўловга тақдим этиш ва чекнинг тўланмаганлигини тасдиқлаш.....	138.
10.2. Фуқаронинг тирик эканлигини тасдиқлаш тартиби	139.
10.3. Фуқаронинг муайян жойда эканлиги фактини тасдиқлаш	140.
10.4. Фуқаронинг фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлаш	141.
10.5. Хужжатни тақдим этилган вақтини тасдиқлаш	142.

10.6.Жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаларини бошқа жисмоний ва юридик шахсларга топшириш.....	143.
--	------

11-МАВЗУ: Далилларни таъминлаш.....	148.
11.1.Денгиз протестларини амалга ошириш тартиби.....	151.
11.2. Хужжатларнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси тўғрилигини шаҳодатлаш ..	153.
11.3. Хужжатлар нусхаларининг ва хужжатлардан олинган кўчирмаларнинг аслига тўғрилигини шаҳодатлаш.....	154.
11.4.Хужжатдаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлаш	156.
11.5.Васиятномани нотариал гувоҳлантириш тартиби	156.
11.6. Ишончномаларни тасдиқлаш тартиби	164.
11.7. Мерос мулкни қўриқланишига доир чора- тадбирлар кўриш	172.
11.8. Ижро хатларини амалга ошириш тартиби	176.

Тутиёхон Султонова

НОТАРИАТ ЖАРАЁНИ

Ўқув қўлланма

Муҳаррир: С.Салимова.

Техник муҳаррир: Ж.Абдужалилов.

Мусахҳих: Н.Мирзажонова

Компьютерда саҳифаловчи: А.Худайбергенова.

Босишга рухсат этилди: Ҳажми: б.т. Адади: Буюртма: №

ТДЮИ кичик босмахонасида босилди.

Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ 35.

Тўтиёхон Султонова Саидумаровна 1962 йил Андижон вилояти Мархамат туманида туғилган. 1979 йил ўрта мактабни “ Олтин медаль”га, 1982 йил Тошкент юридик техникумини, 1989 йил Тошкент Давлат Университети ҳуқуқшунослик факультетини имтиёзли дипломларга тамомлаган. Меҳнат фаолиятини 1982 йилдан туман давлат нотариал идорасида давлат нотариуслигидан бошлаб, Андижон шаҳар 1- сонли давлат нотариал идорасида гаров шартномаларини расмийлаштириш бўйича давлат нотариуси, Андижон шаҳар 2- сонли давлат нотариал идорасининг катта давлат нотариуси вазифаларида ишлаган. 2000 йилдан Ўзбекистон Республикаси адвокатлар Ассоциациясининг аъзоси.

Ушбу кунда устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлари доктори, профессор Ш.Ш. Шорахметовнинг раҳбарлигида

“ Ўзбекистонда нотариат тўғрисидаги қонунларни такомиллаштириш муаммолари мавзусида ” илмий изланиш олиб бормоқда. Йигирмадан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.